

Т.К. ЧОРТЕГИН
Т.Н. ӨМҮРБЕКОВ

ҚИРҒИЗЛАР ВА ҚИРҒИЗИСТОН ТАРИХИ

6





Т. К. Чоротегин, Т. Н. Өмүрбеков

ҚИРҒИЗЛАР ВА ҚИРҒИЗИСТОН ТАРИХИ

(Қадимги замондан эрамизнинг IX асри бошигача)

Ўрта мактабнинг 6-синфи учун дарслик

Қайта ишланган, тўлдирилган иккинчи наширдан таржима

*Қирғизистон Республикасининг
Таълим ва фан вазирлиги томонидан тасдиқланган*

Ўш — Бишкек
2010

УДК 373. 167.1
ББК 63.3 (2 Ки) Я 721
4-75

1 - нашри 2000 - йили чоп этилган.

Чоротегин Т.К., Өмүрбеков Т.Н.

4 - 75 Қирғизлар ва Қирғизистон тарихи: (Қадимги замондан эрамизнинг IX асри бошигача): Ўрта мактабнинг 6 - синфи учун дарслик. – Қайта ишланган, тўлдирилган 2 - нашри. - Б.: 2010.-176 б., ил.
ISBN 978 - 9967 - 442 - 29 - 0

Кўлингиздаги ушбу дарслик Қирғиз-Ўзбек университет и тасарруфидаги Қирғизистондаги ўзбек мактаблари учун «Дарсликлар яратиш маркази» томонидан тайёрланди. Дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни университет раҳбариятига ёки «марказ» маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз. Бизнинг манзил: Ўш шаҳри, Г. Айтиев кўчаси, 27-уй.
Ўзбек тилига Тоҳиржон Хайруллаев ва Азизилло Ўринбоевлар таржима қилишган.

Масъул муҳаррирлар: академик М.Т. Мамасаидов, С.Х. Холтўраев

4 4306020600-10
ISBN 978 - 9967 - 442 - 29 - 0

УДК 373. 167.1
ББК 63.3 (2 Ки) Я 721

© Т.К. Чоротегин, Т.Н. Өмүрбеков, 2008
© ҚР Таълим ва фан вазирлиги, 2010
© «Азур» НУ, 2010

К и р и ш

Қадрли ўқувчилар!

Шу вақтдан бошлаб – сизларни ажойиб дунёга – Она – Ватанимиз ҳамда аجدодларимизнинг қадимий тарихи саҳифаларини ўрганишига чорлаймиз. Нима учун аجدодларимиз тарихини чуқур ўрганамиз. Бунинг сабаби мағлум. Ўз халқининг ўтмиши тарихини пухта билган йигит- қизлар ўз Она-Ватанининг етук фуқароси бўла олади. Бундай йигит-қизлар ўз мамлакатини қандай ривожлантириши кераклигини яхши билади.

Демак, қирғизистонлик ҳар бир ўқувчи ўз она-Ватанининг тарихини ёшлигидан яхшилаб ўқиб ўрганиши керак. Ота-оналаримиз ҳам, бува, бувиларимиз ҳам, аجدодларимиз ҳам элимиз-еримиз тарихини ўрганишган. Қирғиз фарзанди йўқ деганда етти отасини таниши шарт бўлган. Етти отасини билмаганларни «кимсасиз қул» дейишган. Нуроний қарияларимиз халқимиз тарихидаги долзарб воқеаларни можааролар, достонлар, эртақлар, ривоятлар орқали кейинги авлодларга ҳикоя қилиб бериб келишган. Айрим воқеалар ҳар хил ёзувларда – тоғ – тошларга ўйиб ёзилган ёзувларда, китобларда, хатларда ёзиб қолдирилган.

Бошқаларини айтмай қирғизнинг улкан мероси «Манас» достонининг ўзини олиб кўрайлик. Унинг сақланиб қолган нусхалари кўплигини айтмайсизми. Оғзаки ва ёзма турда бизгача етиб келган бу достон халқимизнинг минг йиллик тарихини ўзида мужассамлаштирган. Достоннинг бош қаҳрамони Манас – қирғизнинг ботири ва хони. У Она – Ватанини севган, шу боис Она-Ватан тарихини пухта билган, унинг мустақиллиги учун курашган.

Чиндан ҳам тарихда Манас сингари кўплаб атоқли кишилар етишиб чиққан. Улардан бири – Барсбек тўғрисида ҳам ушбу китобдан хабардор бўласиз.

Булоқдан жилга, жилгадан дарё, дарёдан кўл ва денгизлар ҳосил бўлгани каби турли даврларда тарихда қолдирилган ҳар хил маълумот-

лардан миллатимизнинг ҳамда Она-Ватанимизнинг умумий тарихи яралган.

Сизлар ҳозирги вақтда мустақил, демократик давлат – Қирғизистон Республикасида яшамоқдасиз. Унинг қисқача номланиши Қирғизистон эканини яхши биласизлар. Бизнинг мамлакатда ҳеч бир киши биров томонидан камситилмайди. Ҳар бир кишининг қадр қиммати ва ор-номуси қонун томонидан ҳимоя қилинади. «Етти отангни билмайсан» деб ҳеч ким у ёки замондошини жаҳлини чиқара олмайди. Бунинг устига Она-Ватанимизнинг кўп миллатли мамлакат эканлигини ҳам фахр билан айта оламиз. Қирғизистон – дўст ва қондош-жондош бўлган, аҳилликда яшаган кўп сонли халқларнинг умумий юрти. Бироқ аجدодлар тарихини билиш – инсоний бурч сифатида қолиб келмоқда.

Демак ўтган даврдагидай ҳозирги вақтда ҳам аجدодларимиз тарихини яхши билган, шажараларни чиндан тарихга солиштириб тарозига солган кишилар ҳаминша ҳурмат-эъзозга эга. Барча қирғизистонлик қирғиз тарихини Қирғизистон тарихи билан қўшиб ўрганишади. Ўз вақтида қирғизлар ҳам юртдош бўлган халқлар тарихини Эъзозлаб ўзлаштириб келади.

Аجدодларимиз азалдан Европа билан Осиё қитъаларининг (бу икки қитъани бирга Евро Осиё деб атаб, бир қитъа деб аташади) юраги марказида – Ички ва Марказий Осиёда яшаб келишган. Қирғизистон – Ўрта Осиёдаги мамлакатлардан бири. Унинг иқлими – мўътадил. Тангиртоғ тоғ тизмаларининг Ғарби, Фарғона водийсининг Шарқи, Чуй водийси ва Помирга туташ Олай тоғини ўзида бирлаштиради. Қиши -совуқ, ёзи- иссиқ. Сувлари мўл, яйлови кенг. Деҳқончилик учун ҳам, чорвачилик учун ҳам қулай шароитлар мавжуд. Қадимги даврлардан тортиб турли конлари ўзлаштирилган. Бироқ Қирғизистон океандан мутлақо олис бўлганлиги учун, бошқа мамлакат ва халқлар билан қуриқлик орқалигина ўзаро алоқа қилинади.

Мамлакатимиз номланишини берган халқ қирғизлардир. Она-Ватанимиздаги бошқа халқлар сингари, қирғизларнинг тарихи барча Қирғизистон ҳудуди билангина чегараланмайди.

Ҳар қандай азалий халқ ўзига тарихан қўшни бўлган кўплаб халқлар вакиллари ўзида бирлаштиради. Қирғиз тарихи ҳам худди шундай бой анъаналарга эга. Шу боис бу дарсликдан Марказий Осиё тарихини ҳам ўқийсизлар (бу тарихий ҳудудга бир вақтлар СССР таркибига кирган беш мамлакат – Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистонгина эмас, Хитойнинг Ҳарбий ён томонини эгаллаган тарихий шарқий Туркистон замини ҳам киради). Шунингдек, бундан Ички Осиё (ҳозирги Мўғулистон билан Ғарбий Хитой ҳудудлари), Жанубий Сибирь ҳамда Олтой ҳудудлари тарихи билан ҳам алоҳида танишасизлар.

Ана шундай кенг ҳудуднинг тарихини ўрганмай туриб, Қирғизистоннинг, қирғизларнинг ва уларга қўшни бўлиб яшаган халқларнинг тарихини билиш мумкин эмас.

Марказий ва Ички Осиёда яшаган кўчманчи халқлар асосан «кўчманчилар цивилизацияси»ни бошидан кечиршиган. Бу қадимги кўчманчилар маданияти Марказий ва Шарқий Осиёдаги ўтроқлашган ва деҳқончилик билан шугулланган халқларнинг маданияти билан қўшилиб ривожланган.

Бу халқлар бир-бирини тўлдириб, ривожланиши учун бир-бирларига ўзаро туртки бўлиб туришган. Масалан, хитойлар инак этиштириб қирғизларга сотса, қирғизлар олдига тушолмайдиган чопар отларини инак матоларга алмашган. Яқин шарқда ишлаб чиқарилган хунармандчилик маҳсулотлари ҳам қирғиз заминига Буюк Инак йўлининг шимоли орқали келиб турган. Қирғизлар ва бошиқа турк халқлари этиштирган маҳсулотлар ҳам Шарқ ва Ғарбга юборилиб турган.

Шундай қилиб инсониятнинг умумий цивилизациясига бизнинг аж-додларимиз ҳам ўз хиссаларини қўшишган. Демак юртимизнинг тарихи – дунёвий тарихнинг ажралмас бир қисмидир. Бутун дунё тарихини қанчалик яхши билсанглар, ўз тарихингларни шунчалик етук ангайсизлар. Шу билан бир пайтда, ўз Она-Ватанинглар тарихини қанча яхши ўзлаштирсанглар, барча инсоният тарихини шунчалик етук ўзлаштира оласизлар.

Қўлинглардаги дарслик Қирғизистоннинг ва қирғизларнинг қадимги тарихига бағишланган. Унинг даврий чегараси – энг қадимги даврлардан тортиб IX асрнинг бошигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Демак, дарсликдан энг қадимги даврдаги ибтидоий жамоа тузуми, кўхна цивилизация ўчоқларининг пайдо бўлиши, қирғизларнинг тўнғич дастлабки қадимий ёзувларида эсга олиниши, қадимги хунну ва қирғиз мамлакатлари, Улуғ турк хоқонлиги даври, Қирғиз хоқонлигининг дастлабки тарихий босқичлари тўғрисида маълумот оласизлар.

Тарих фақатгина сиёсий воқеалардан иборат эмас албатта. Дарсликдан қадимги эл-юртимизнинг хўжалик соҳалари, маданияти, дини, урф-одати, маърифати бошқа халқлар билан ўзаро алоқаси тўғрисида ҳам хабардор бўласизлар.

Бу тарихий маълумотларни тўплашда археологик, этнографиялик, оғзаки ва ёзма манбалардан фойдаланилди. Улар ичида Саймалитошдаги тоғ тошларига ўйиб туширилган суратлар, турли даврлардаги ҳунармандчилик ёдгорликлари, хитой, араб, форс ёзма эсдаликлари, турк тилидаги (унинг ичида қирғизча) ёзма ва оғзаки ижод намуналари бор. Масалан, «ўрхон-энасой қадимги ёзувлари» деган эски алифбо ёзувидаги эсдаликлар ўша Жанубий Сибирь (Саян-Олтой) ва Мўғулистондан тортиб, Талас, Кўчқор сингари Тангритоғ бағридаги ерларгача кенг тарқалган (бу ёзувдаги айрим далиллар Шарқий Европада ҳам учрашиши бизга маълум).

2003 — йили Қирғизистон ва бутун дунё жамоатчилиги (Бирлашган Миллатлар Ташиқлоти ва ЮНЕСКО) қадимги қирғиз давлатчилигининг 2200 йиллик санасини расмий равишда нишонлади. Бу санага бағишланган илмий йиғилишлар пайтида бир қатор янги тарихий тоғилмалар ҳам фанга киритилди. Ўқув дарслигининг янги наشري ҳам ўша долзарб аҳамиятга эга энг сўнги маълумотларни ўз ичига олади.

Дарҳақиқат, тарихни, бўлганда ҳам ўз Она-Ватаннинг тарихини қандай қилиб чуқур ўрганиш мумкин? Ушбу дарсликни ёзган муаллифлар ҳам бир пайтлар сизлар каби болалар бўлишган. Демак, анча-мунча тажрибамиз билан ўртоқлаша оламиз. Энг асосийси — қўлингиздаги бу китоб билан чегараланиб қолмаслик. Чиндан ҳам, турли тарихий воқеалар тўғрисида қўшимча китоблар, газета ва журналларда мақолалар, бадиий ижод намуналари кўплаб эълон қилинмоқда. Уларни бир-бирига

таққослаб ўқишига ҳаракат қилсанглр ўша ёки бу воқеани қандай қилиб ўзлаштириб олганинглрни ўзинглр сезмай қоласизглр.

Ҳар бир дарс сўнгида қўшимча саволлар берилган. Уларга мустақил ва имкониятинглр билан биргалиқда жавоб топишига ҳаракат қилинглр. Хрестоматиялик матнлар, тарихий далилий материаллар ҳам фойда бериши шубҳасиз. Дунё тарихининг даврий (хронологик) жадвалига солиштириб, ўз Она-Ватанингиз тарихий жадвалини тузиб ўрганингиз. Тарихий воқеаларнинг санаси, тарихий шахслар ва географик жой номларини топишмоқ қилиб ўйнаш ҳам фойдадан ҳоли эмаслигини эслатиб ўтайлик. Дунёвий тарихий воқеаларга боғлиқ бадиий фильмлар ва илмий-хужжатли тасмаларни маҳаллий тарихий материалга солиштириши, тарихий карталар билан ишлаш ҳам самарали натижа беради. Айрим бир воқеага ёки тарихий шахсга боғлиқ ўйин-кечалар (викторина, сахна кўриниши, мунозара) расм кўргазмалари, деворий газеталар ташкил қилиш, интернет саҳифаларини очиб, унга тегишли маълумотни жойлаштириши – бу қўлинглардан келадиган тадбирлардир. Албатта, бу ишдаги ташаббусинглрга муаллим ва муаллималар ҳомийлик қилиши шубҳасиз.

Бир мисол. Хитой қогоз ишлаб чиқаришини эрамиздан аввалги XI асрдан кеч қолмай жорий қилган. 751 йили Талас (Атлах) жангида хитойлар марказий осийлик турклардан ва истилочи араблардан енгилишган. Хитойликларнинг ханзулар (айрим хунармандлари марказий осийликлар қўлига тушиб қолгандан сўнг, қогоз ишлаб чиқариш сирлари марказий осийликларга ва барча мусулмонларга маълум бўлган. Европаликлар бўлса қогоз ишлаб чиқаришини мусулмонлардан ўрганган.

Қайсидир бир мамлакатнинг қулаши ҳудуддаги мавжуд бир диннинг ҳамда ёзма маданиятнинг йўқ бўлишига ва бошқа дин билан ёзма маданиятга йўл очилишига сабаб бўлган пайтлар талайгина. Ўз халқини аҳилликка чақира олмай, мамлакатни тарқатиб юборган йўлбошчилар ҳам бўлган. Аксинча «палапонни силаб-сийтаб қуш қилган, элни йиғиб юрт қилган» Манас бобомиз каби турли халқларни аҳилликка чақириб, қўшини ўлкалар билан дўстона алоқаларни ўрнатиб, ўз юртининг халқаро миқёсида обрў-эътиборини мустаҳкамлаган инсонларни ҳам кўнлаб

учратамиз. Ўша Энасойдан Тибетга ва Хитойнинг хон саройига олис сафарга отлаиб, элчилик вазифасини елкасига орқалаган қирғиз инсонларининг жасурлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Уларнинг номлари ҳам ушбу дарсликда – қайд қилиб ўтилган.

Тарихнинг зарра саҳифалари ҳам учраб туради. Айрим воқеалар бир томонлама аке эттирилмасдан икки томонлама фикрларни ҳам пайдо қилиб келган. Бундай воқеаларни холисона ўрганиб, ҳар хил фикрларни таққослаш афзалдир.

Бир сўз билан айтганда тарих дарси сизларни астойдил ва ҳар томонлама муносабатингларни талаб қилади. Ўз тарихини умум инсоният тарихи билан боғлаб пухта ўрганган йигит-қиз (юқорида қайд қилиб ўтилгандай) ўзига хос маданиятли, билимли, жасур, иймонли ва эл-юртини дилдан севган инсон даражасига етишишига, келажакда Қирғизистоннинг фахри бўлиб қолишига шак-шубҳа йўқ.

Аجدодларимиз Қирғизистоннинг бугунги мустақиллиги учун асрлар бўйи курашиб келган. 2005 йилнинг 25 мартда мамлакатимизда халқ инқилоби амалга ошиб, Қирғизистоннинг демократик йўл билан ривожланиши янги босқичи очилди.

Энди мустақил, демократик мамлакат байроғини баланд кўтариб, Она-Ватан эркинлигини, тинч осойишталигини, аҳиллигини кўз қорачигидай сақлаш, унинг порлоқ келажаги учун меҳнат қилиб тер тўкиши – сизларнинг қўлингизда. Аجدодларимиз «Билаги кучли бирни енгади, билими кучли мингни енгади» деб бежиз айтишмаган. Ҳар томонлама теран билимга эга бўлиш, улар ичида эл-юртинглар тарихини пухта ўрганиши – сизлар келажақ сари босадиган зарур қадамлардан биридир.

Сизларга билим олишида улкан муваффақиятлар, ижодий тилаклар тилаб,

Муаллифлар,
профессор Т.К. Чоротегин ва Т.Н. Өмүрбеков

*1-§ Ибтидоий жамоа тузуми тўғрисида тушунча**Одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги тахминлар*

Одамлар ўз халқининг тарихини билишга қадимдан интилиб келганлар. Ҳар бир халқ ўз диний эътиқодига, агрофмухит, табиат ҳақидаги тушунчасига яраша инсоннинг пайдо бўлиши тўғрисида ривоятлар, эртақлар яратган.

Масалан, яҳудий, насроний ва ислом динига ишонганлар ибтидоий одамни — Одам Ато ва Момо Ҳавони Худо яратган, кейинги халқларнинг барчаси Одамато ва Момоҳавонинг насли деб ҳисоблашган. Шунингдек, бутун оламни ҳам Худо яратган, Худонинг ўзи бўлса абадий яшовчи, қудратли куч сифатида тушунтирилган. Исломнинг муқаддас китоби Қуръонда, масалан, «Оллоҳдан бошқа Худо йўқ», «Оллоҳ — фақат битта, Оллоҳ — абадий, у тугмаган ҳам, тугилмаган ҳам. Унга тенг келадиган ҳеч ким йўқ» деб айтилади. Табиатни, ундаги маҳлуқотлар (жониворлар, ўсимликлар)ни ва Одамни ҳам Оллоҳ таълонинг ўзи яратган, дейилади.

Ҳақиқатан ҳам шундайми?

Одамзоднинг қадимдан босиб ўтган ўта узок ва давомли тарихини, ривожланиш йўлини қанчалар ўрганган сари илм-фан бутун оламнинг яралиши, сайёралар тизими ва Ернинг пайдо бўлиши ҳақида бошқача ҳулосалар беришини яхши биламиз.

Табиий ривожланиш жараёни натижасида Ер юзида органик дунё шакланган, жониворлар билан ўсимликлар пайдо бўлган. Ер сайёрасида яшаётганлар орасидан одамзоднинг бўлиниб чиқиши ҳам ҳеч қандай сеҳрли кучга боғлиқ эмаслиги аён бўлди.

Меҳнат инсонни яратган

Бундан 2-2,5 миллион йил аввал одамсифат жониворлар (маймунларнинг бир тури) алоҳида бўлиниб чиққан. Бошқа жониворларга нисбатан улар табиатта

ўзлаштирувчи сифатида муносабатда бўлганлар, яъни улар ўта оддий бўлса ҳам, меҳнат қуролини яшаш билан фарқланганлар.

Масалан, киш пайтида айиқлар ётоғига кириб кетишса, жанубда яшаган одам, ўзига иссиқ кийим тикиб кийиб юраверади. Арслон ўзининг қозик тиши билан ўлжасини тишлаб еган бўлса, киши учли, киррали тош билан, кейинчалик пичоқ билан майдалаб еб қолди. Сув тубида ва сув устида аюла, дельфин

каби денгиз ҳайвонлари балиқлар билан озикланишади, одам бўлса дастлаб учли ўткир найза, ундан кейин қармоқ, тўр сингари анжомларни, сол, қайиқ каби сувда сузувчи уловларни ўйлаб топди, балиқ тутишнинг бошқа жониворлар қўлидан келмайдиган усулларидан фойдалана бошлади. Бургут ҳавода учиб, ўз ўлжасини ўта баландликдан учиб бориб топади ва шўнғиб тушиб унга ташланади. Одам аввал ҳаёлан ҳаёлада учиб, кейинчалик яқин ора тугул, олис космос тубигача учиб борадиган кемаларни яратишгача бориб етди.

«Мехнат одамни яратган» деган сўзнинг ҳақиқий маъноси одамлар янги қурооларни ўйлаб топиш орқали уларнинг ақл-онги ривожланиб янги имкониятларга ета олганлигидадир. Озуқа излаш учун барча жониворлар меҳнат қилади, одам эса фақат табиат яратган озуқа билан қаноатланмай, янги енгил ҳаёт йўлларини очиб, кейинги авлодларга янги усулларни ўргатиб бериб турган.

«Ишлаб чиқариш» сўзи бу фақат бир нарсага қаноатланмай, янги усуллар, янги меҳнат қуроолари орқали бунгача бўлмаган емишлар, кийимлар, уйлар, уловларни ишлаб чиқариш демакдир. Инсоният жамиятини бошқа ҳайвонот дунёсидан фарқлаган асл моҳияти ҳам бу одам меҳнатидир.

Энг қадимги одамзот юрти

Энг қадимги одамлар китъамизнинг иссиқ ва мева-чеваси мўл, тирикчилик учун қулай бўлган худудларида гуруҳ-гуруҳ бўлиб яшаб аста-секин ҳар тарафга тўдаси билан жи либ турган.

Ҳозирги вақтда одамзотнинг аввалги вакиллари бир неча худудда алоҳида-алоҳида пайдо бўлган деган тушунча ҳам бор. Бироқ кўпчилик олимларнинг фикрича энг қадимги одамлар дастлаб Африка китъасидан келиб чиққан. Аста-секин улар, жануб томонга кўчиб жила бошлаган. Демак, улар янги ерларни доимий эгаллаган сайин, одамзот бир ирқдан ҳозирги пайтдаги турли ирқий фарқлари бор тўп-катламларларга бора-бора табақалаша борган. Бу жараён жуда узокка чўзилган.

Қирғизистоннинг худуди – барча Марказий ва ички Осиёнинг тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Бу катта худудга одамзот Ғарб томондан жилиб келган. Тахминан бундан 1 миллион йил илгари одамларнинг бундай тўплари Қирғизистон худудига ҳам келиб етган.

Одамзот босиб ўтган тарихий даврлар турли номларга эга. Бир кишини хотирласак, унинг болалик даври, ўсмирлик пайти, балоғатга етган вақти, ёшлиги, ўрта ёш ва қарлик чоғини ёдга оламиз. Шу сингари, барча одамзот аҳли билан одамзотнинг умумий униб-ўсиши тарихи ҳам бир неча босқичга шартли равишда бўлинади.

Энг қадимги жамоаларнинг номланиши

Одамзот барча меҳнат қурооларини ясашни ўргангандан тортиб, то мамлакат тузиб яшай бошлагангача узок даврни дастлабки жамоа тузилиши деб атаймиз. Бу давр табиат сирлари олдида ўзини ожиз, кучсиз ҳис қилган ва биргина

жонини асрашга имконияти бўлмаган аجدодларимизнинг тўпланиб, жамоа тузиб яшаган даври эди.

Қирғизистоннинг энг қадимий тарихи ижтимоий ривожланишининг ушбу босқичи дастлабки жамоа тузилиши даври тарихи бўлиб ҳисобланади. Бунда Қирғизистонда қўним топиб яшаган кишиларнинг жон сақлаш ва авлодини давом эттириш учун жамоа бўлиб (тўп, уруғи, қабиласи бирга ахиллашиб) яшаган дастлабки даврларнинг тарихини ўрганилади. Бу давр мамлакатга бўлган жамоатчилик даври деб аталади.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Одамзотнинг келиб чиқишига қандай тахмин бор?
2. Диний тахминлардан илмий тахминларнинг қандай фарқи бор?
3. «Меҳнатни одам яратган» деган сўз моҳиятини қандай ифодалаш мумкин?
4. Қирғизистонда энг қадимги одам гуруҳи қачон қўним топган?
5. «Дастлабки жамоа тузилиши» деган тушунча қайси даврларни ўз ичига олади?
6. Дунё харитасидан Африка ва Марказий Осиёни топинг!


2-§ Қирғизистондаги тош даври

Қабиллагача бўлган тузум. Қадимги тош даври (палеолит). Эрта палеолит.

Энг қадимги одамларнинг асосий меҳнат қуроллари тошдан ясалган. Шунинг учун меҳнат қуролининг номига яраша улар яшаган даврни тош даври

деб ҳам аташади. Шу жумладан, қадимги тош даври — палеолит ўзгача узоқ даврни қамраб, уч босқичга бўлинади. Эрта палеолит э. а. (эраиздан аввалги) 800 — 140 минг йилликларни ўз ичига олади. Ўрта палеолит даври эса э. а. 140 — 40 минг йилликларни қамрайди. Сўнгги палеолит даври э. а. 40-10 минг йилликларга тўғри келади.

Қирғизистон ҳудуди ҳам энг қадимги одамлар қўним топган ерларга киради. Қуйи тош давридаёқ бу ерларда одамлар яшаганлар. Улар силлиқ тошларни йўниб, ўткирлаб, улардан ҳар хил ишларни бажаришда: қирғич, кескич, тирмов қатори фойдаланишган. Бундай тош қуроллар



1. Тош қуроллари. Тошқўмир

Норин водийсидаги Ўнарча дарёси бўйидан, Иссиққўлдаги Балиқчи шаҳри ёнидан, Боткен худудидаги Хўжабакирғонсой дарёси ҳавзаси каби ерлардан топилган.

Бу тош қурооларни ясай олган одамлар тўда-тўда бўлиб яшашиб, горларни ўзларига бошпана қилишган. Улар оловдан табиий турда фойдаланишиб, унда овқатини иситишган ёки тоблаб ейишни ўрганишган. Бирок оловни сунғий йўл билан ҳосил қилишни билишмаган. Йирткич ҳайвонлардан ёки бошқа тўдадаги одамлардан сакланиш ва тирик жониворларни овлаш учун улар биргалашиб яшаганлар. Аммо уларнинг жамоадаги ўзаро алоқалари ўта содда, фақат тўда-тўда бўлиб яшаш даражасида бўлганлигидан, уларни қабилагача давр жамоаси деб юритилади. Бу эрта палеолит даврига мансубдир.

Эсли-ақлли одам.

*Ўрта палеолит
даври*

Аста-аста одамнинг меҳнат қуроли такомиллашган. Одамлар найзага тошдан уч ясай бошлашган. Махсус қирғич тайёрлашиб, у билан тери ошлашган. Теридан кийим тиқишни ўрганишган.

Бу даврнинг тош қуроолари Қирғизистоннинг турли ерларидан топилмоқда. Уларнинг кўпи Иссиққўл водийсидаги Тўсор дарёси ёнидан, Чуй водийсининг ҳозирги Георгиевкага яқин ердаги дўнгликдан, Ўш худудидаги Сассикункурдан топилган.

Олай тоғ тизмасининг бир томонини ташкил қилган Данғирокдарадан Ўрта Осиёдаги ажойиб топилмаларнинг бири бўлган энг қадимги тош майдаловчи жой аниқланган. Кремний тошига бой бўлган Қапчиғай тоғи ўрта тош даврида алоҳида бир устахона вазифасини ҳам ўтаган. Бу ерда қадимий одамлар ясси, қат-қат кремний тошларини табиий изидан ёриб, ўткирлаб, турли қирғичлар, пичоклар ясашган.

Бу даврдаги одамлар «эсли-ақлли одам» — «гомо сапиенс» (*homo sapiens*) деб аталади. Улар овчилик билан шуғулланишган. Ҳар бир жамоада 25-40 киши бўлган. Ўзбекистондаги Тешиктош ғоридан топилган ўспирин боланинг суяги ўша даврда марҳумни ерга кўмиш одати бор эканлигидан далолат беради. Тешиктош гори Термиз шаҳридан унча олис бўлмаган Сурхондарё водийсидаги Бойсун тоғида жойлашган. Ғордан 8-9 яшар боланинг бош суяги ва тана суягининг қолдиклари, 300 дан ортик тош қуроолари топилган. Энг қизиғи — боланинг жасади ерга сайилган тоғ эчкисининг шохлари билан атайин ўралиб тўсилган. Демак, уларда одам ўлгандан кейин бошқа дунёга ўтади, деган ишонч ҳам бўлган. Улар тоғ эчкиси каби жониворларга, табиат ҳодисаларига сиғина бошлашган. Шундан маълумки, ибтидоий эсли-ақлли одамларнинг руҳий дунёси бойиб борган. Ўз яқинларини ҳурмат қилиш, Ўзозлаш энди онгли равишда (инстинкт бўйича эмас) юз берган.

Она устунлиги тузуми. Сўзги палеолит.

Одамларнинг яшаш учун кураши унинг олдида табиатта қарам бўлмаслик, йирткич ҳайвонотдан, кўшни жамоалардан сақланиш, авлод учун шарт-шароит яратиш, етарли озиқ-овқатни ҳамлаш каби масалалар кўндаланг турган. Инсон аста-секинлик билан меҳнат куралини мукаммаллаштирган. Бир-бири билан тажриба алмашиб, авлодига ўз муваффақиятларини мерос қолдирганлар. Бунинг учун улар ўйланишга, ўз фикрини тили билан ифодалашга, сўз бойлигини орттиришга муҳтож бўлганлар.

Юкори палеолит даври шу кўринишнинг гувоҳи бўлган. Бу даврга хос тош қуроллар Ўш ҳудудидаги Селунгур, Учқун горларидан топилди. Бу вақтда одамлар томонидан кичик ҳажмдаги учли тошлардан қуроллар — микролитлар ясаш ривожланган. Қирғизистон билан Тожикистон чегарасининг Исфара водийсидаги Хўжағор булогининг ёнида микролит қуроллари топилган.

Худди шу юкори палеолит даврида ҳозирги шакл-шамойилдаги одамлар пайдо бўлган. Уларнинг юз тузилишлари ўзгариб, бемалол сўзлай бошлашган.

Уларнинг яшаш тарзлари ҳам ўзгарган. Энди улар жамоа-жамоа бўлиб яшашдан уруғ бўлиб яшаш босқичига кўтарилган. Уруғнинг асосини тузган аёл ўзгача мавқега эга бўлган. Бир томондан, бу даврда аёллар меҳнатининг унумлироқ бўлганлиги, уруғнинг турар жойи доимо аёллар назоратида турганлиги билан белгиланади. Хонадон эгаси, насихатгўй, авлод давомчиси, уруғ жамоасининг кундалик ҳаётини назорат қилувчи — она эди. Шунинг учун аёл зотининг роли ўзгача таъсирга эга бўлган бу тузумни она устунлиги тузуми — матриархат деб аташади. Бу уруғ тузуми олдинги жамоа бўлиб яшаган даврга нисбатан ривожланиш бўлиб саналади. Бу даврда уруғлик ҳамжамият, уруғлик демократия, тенгҳуқуқлилиқ ҳукм сурган. Уруғдан четда яшаш ҳеч мумкин бўлмаган.

Қирғизистон ўрта тош (мезолит) даврида

Эраמידан аввалги X — VI минг йилликларни қамраган тарихий вақт ўрта тош даври — мезолит деб аталади. Бу даврнинг энг йирик ихтироси — қамон билан ўқёйнинг вужудга келиши бўлди. Қамон ясалгунга қадар одамлар найзани узоққа отиш (ирғитиш)нинг турли йўллари билан излашган.

Охири улар учувчи найза (ўқ-ёй)ни кичрайтириб, унинг учиш оралигини узоқлаштириш имконини берадиган қурол — қамонни ўйлаб топишди. Ёғоч ва суюқдан ҳар хил қуролларни ясай бошлашган.

Мезолит даврининг одамлари яшаган юртлар Марказий Тангритоғ (Тиншон)даги Арпа водийсидан ва Ҳайдаркон ёнидаги Сўх дарёси бошланиши (Обшир горлари)дан топилган. Овчилик ва териб-термалаш билан кун кечирган бу одамлар доимо кўчиб юришган. Форлар улар учун доимий бошлана бўлган эмас.

Қирғизистон янги тош(неолит) даврида Унумли хўжалик юритишга ўтиш.

Олдингиларга караганда қискарроқ муддатга чўзилган, бироқ зўр ўзгаришлар бўлган тош даври — янги тош даври (неолит) даври саналади. У эрамизгача V — III минг йилликларни қамрайди. Бу даврда одамзод табиатни

ўзлаштиришда йирик сакраш қилди. Агарда аввал одамлар фақат табиат яратган ноз-неъмат (ёввойи мева-чева, томирлар, ҳар хил паррандалар, балиқлар) билан қаноатланиб келишса, бу вақтда ўзлари ҳам озиқ-овқат топишнинг қўшимча манбаларини излаб топганлар. Улар ерга ишлов бериб деҳқончилик қилишни ва ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатиб, чорвачиликни бунёд этишди.


Шундай қилиб, неолит даврида одамлар унумли хўжалик юритишга ўта бошлашди. Албатта, овчилик ва териб-термалаш хўжалик юритишнинг бир тармоғи қатори қолаверган.

Мухит нуқтаи назаридан, табиий шароитлар Қирғизистонда аввало чорвачиликка ўтишга имконият яратган, деган тахминни юзага келтиради.

Неолит даврига тааллуқли ёдгорликлар оз бўлса-да Қирғизистонда топилиб турибди. Иссиқкўлдаги Сарижаз дарёси ёнидаги Окчўнқир худудида ва Норин шаҳрига яқин Текесекирик ғорларида ўша давр одамларининг қўналғаси — турар жойлари топилди. Сарижаздаги Окчўнқур ғоридан топилган тоғ тошидаги қадимги суратлар —

одам, кийик, эчки, илоннинг суратлари ҳаёт манбаи рамзи сифатида туширилган. Қадимги рассомнинг бўёқдан фойдалангани кизиқиш уйғотади. Айрим меҳнат қуроллари Чуйдаги Оламудун сойи бўйида, Иссиқкўлда Чўлпонота атрофи ва бошқа ерларда топилган.

Унумли хўжалик юритишга ўтган Тангритоғнинг чорвадор халқи кийим тўқиб кийиш ва оддий идиш-товуқлар яшашни ўрганганлари бизга маълум. Уларнинг маънавий маданияти ҳам бойиб, диний эътиқодлари ривожлана бошлаган. Қадимги суратларда ва эсдалик буюмлардан топилган шакллардан уларнинг онгига нисбатан сажда қилиш, табиат кучларига қарата диний эътиқод ҳам акс эттирилганини тушунамиз.



2. Тош қуроллари. Неолит. Олай

Саволлар ва топшириқлар:

1. «Тош даври» деган сўзни қандай тушунска бўлади?
2. Тош даври неча босқичга бўлинади?
3. Қирғизистонда қадимги тош даврига тегишли ёдгорликлар топилганми?
4. Эсли-ақлли одам тош даврининг қайси босқичида шаклланган? Ўрта палеолит даврига тегишли ёдгорликларни Қирғизистоннинг қайси жойларидан топилган?
5. Ўрта тош даврининг (мезолит) асосий томилмаси қайси эди?
6. «Янги тош даври (неолит) пайтида одамлар хўжалик ишлаб чиқаришига ўта бошлаган» деган сўзни қандай тушунасиз?

3-§ Қирғизистондаги бронза даври. Уругдан қабилага йириклашиш

**Металл меҳнат
қуролига ўтиш.
Бронза**

Эрамингача II минг йилликнинг бошидан I минг йилликнинг бошланишигача Қирғизистонда асосий меҳнат қуроллари бронзадан ясалган. Бронза миснинг қалай, кўрғошин, сурма каби металлларнинг аралашмасидан иборат бўлиб, мўрт мисга караганда бир-мунча мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Тошдан металлга ўтиш даври ораллиғидаги ушбу пайт одамзотнинг илгари ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга кашфиётларни олиб келган.

Бронза даврининг одамлари Ўш худудида дехқончилик билан шуғуллансалар, Талас, Кетмонтепа, Чуй, Исиккўл, Тангритоғда кўчманчи чорвачилик асосий хўжалиги бўлган. Бироқ улар оздир-кўпдир дехқончилик, ва овчилик билан шуғулланиб ривожланган.

**Андрон
маданияти**

Шартли равишда Шимолий Қирғизистон деб олинган тоғли худуд халқи ёпасига Энасойдан Уралгача йирик минтақани эгаллаб, кўчманчилик билан шуғулланган халқларнинг бир қисми бўлган. Маданий ёдгорликларнинг ўхшашлиги туфайли уларни андрон маданиятининг вакиллари деб аташади. (Сибирдаги Ачи шаҳри яқинидаги Андрон кишлоғи ёнида бу маданиятнинг дастлабки ёдгорлиги топилган. Шунинг учун уни умумий барча Андрон маданияти деб аташган.)

Қирғизистонда Андрон маданияти вакиллариининг турар жойлари, қабрлари, ҳар хил меҳнат қуроллари, сув иншоотлари, турли чиройли буюмлари топилапти. Уларнинг Кўчқор водийсидаги Шамши кишлоғидан топилган буюмлари ўша давр ҳаётини ақс эттирган йирик топилдик саналади. Шамши ҳазинасида бронза, мис ва қалайнинг аралашмасидан ясалган болта, болға, искана, ўроқ, пичоқ, курак, бигиз, шунингдек найзанинг учи каби қуроллар топилган. Маҳаллий хунармандларнинг қўли билан ясалган бу буюмлар кўчманчилар жамоасида металл ишлашиш анча ривожланганини ифо-



3. Суюждан ясалган қуроллар пичоқ в.б.
Бронза. Э.а. II минг йиллик. Чуй водийси.



4. Ханжар. Бронза. Э.а. II минг йиллик.
Иссиқкўл водийси.

далайди. Сокулук ва бошқа жойлардан топилган нодир буюмлар ўша даврда бронзадан ташқари олтин, кумуш, сурмадан ҳам кўплаб фойдаланилганини далиллайди.

Бу маданиятнинг Қирғизистон худудидаги вакиллари узоқ тоғли яйловлар (Оқсой, Арпа)ни ўзлаштиришган, қоялар юзидаги суратлар (петроглиф)ни колдиришган. Секин-асталик билан кўл хунармандларининг маҳорати орта бориб, касб эгалари бўлиб бўлина бошлаганлар. Улар бронзадан болға, ханжар, ўрок ва бошқа нарсаларни қолипларда қуйишган, ёғоч аравалар ясашган, тўқувчилик билан шуғулланишган, чармдан, сополдан ҳар хил рўзғор буюмлари тайёрлашган.

Саймалитош тоғ тошига туширилган суратлар бронза даври маънавий дунёсини кенг акс эттирган ҳазина десак бўлади. Тоғузторо водийсининг баланд тоғи Саймалитошдаги деярли 10 гектар худудда турли ҳажмдаги силлик тошларга бундан тўрт минг йиллар илгари қадимги аجدодлар тошга ўйиб туширган суратлар сақланиб келган. Улар орасида одам, тоғ эчкиси, тоғ такаси, архар, буғу, от, туя, илбирс, бўри, илон ва бошқа жониворларнинг суратлари туширилган. Қунарларни ифодалаган ишонарли турли белгилар ҳам ўйиб туширилган. Бу тасвирлар қадимги одамларнинг кизгин ҳаётини кўз олдимизда гавдалантиради. Улар бу ерда икки ёки тўрт гилдиракли аравалар ҳайдаб бораётган бўлса, бошқалари хўкизга қўшилган омочи билан ер ҳайдаётгани акс этган. Яна бир суратда рақсга тушаётган одам тасвирланган. Бу - оддий одам эмас, рақси орқали бошқаларга диний таъсир кўрсатаётган бахши (шаман) бўлса керак. Шунингдек бу ерда бошқа суратлар ҳам учрайди. Саймалитош суратларини Андрон маданиятини ривожлантирган кўчманчиларнинг тош бетиде қолдирган энциклопедияси ҳам деб қўйишади.

Андрон маданиятидаги тузум.


Андрон маданиятининг тузум вакиллари катта оилаларга бўлиниб яшашган. Катта оилалилар қондош уруғлардан ташкил топган. Уруғлар эса қабилаларга бирлашган. Уруғ аъзоларининг тенглиги аввалгидай сақланган эмас. металлдан ясалган меҳнат куроллари ҳийла такомиллашган. Натижада озиқ-овқат, бойликлар зарур даражада кўпроқ ишлаб чиқарилган. Ортиб қолган бойликни тақсимлашда қабила бирлашмасидаги бош уруғ ёки қабиланинг улуши кўпроқ бўла бошлаган. Натижада бошқарувчи уруғнинг ахvoli бошқа уруғларга караганда бир мунча яхши бўлган. Бундай оксуяк уруғ барча қабила бойлигининг салмоқли бўлагини кўп йиллар бўйи, балки асрлар бўйи ўзига ўтказган.

Бу даврда уруғ ва қабила бошида эркак йўлбошчилар сайланиб, оталик даври — патрихат устунлик қила бошлаган. Ижтимоий тенгсизликнинг дастлабки куртаклари пайдо бўлиб, ривожлана бошлаган. Аскар бошлиқлари ва дин пешволари — коҳин (жрец) лар алоҳида ҳуқуқларга эга бўла бошлаган. Уларнинг «айтгани-айтган, дегани-деган» бўлган. Шунингдек Андрон маданияти даврида одамларнинг бойликка яраша турли қатламга бирлашиши кучаяди.

**Кўчманчилар
цивилизациясининг
манбаи**

Марказий Осиёнинг, Сибирнинг йирик минтақаларини бирлаштирган Андрон маданияти тарихдаги кўчманчи халқларнинг ўтроқ маданиятининг — кўчманчилар цивилизациясининг манбаи бўлган. Кўчманчи халқлар ҳам эскирмас маданий ҳиссалари билан инсониятнинг умумий ривожланишида катта роль ўйнашган. Улар металлдан фойдаланиш, хунармандчиликнинг янги усулларини ривожлантириш соҳасига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшишган. Ўтроқлашган халқлардан ажралиб, янги худудларга кўчиш-ўрнашиш орқали кўчманчи халқлар янги жойларга мунтазам равишда ўзларининг маданий ихтирола-

Андрон маданиятининг тузум вакиллари катта оилаларга бўлиниб яшашган. Катта оилалилар қондош уруғлардан ташкил топган. Уруғлар эса қабилаларга бирлашган. Уруғ аъзоларининг тенглиги аввалгидай сақланган эмас. металлдан ясалган меҳнат куроллари ҳийла такомиллашган. Натижада озиқ-овқат, бойликлар зарур даражада кўпроқ ишлаб чиқарилган. Ортиб қолган бойликни тақсимлашда қабила бирлашмасидаги бош уруғ ёки қабиланинг улуши кўпроқ бўла бошлаган. Натижада бошқарувчи уруғнинг ахvoli бошқа уруғларга караганда бир мунча яхши бўлган. Бундай оксуяк уруғ барча қабила бойлигининг салмоқли бўлагини кўп йиллар бўйи, балки асрлар бўйи ўзига ўтказган.



5. От анжослари. Бронза.
Эрта темир даври. Э.а. VI-VII асрлар.
От боши водийси.

рини ҳам олиб боришган, бир-бирига ўхшаш маданият бойитилган. Халқлар ҳам бир-бири билан кўшилишиб, қонлари янгиланиб, инсониятнинг ривожланишига қулай шароит яратган.

Бироқ турли маданиятнинг ўзаро алоқаси тинч, осойишта ўтган деб айтиш жуда қийин. Кўчманчиларнинг мунтазам янги жойларга кўчиши — уруш кўринишида кечган. Уларнинг келишини хоҳламаган халқлар билан келгиндилар ўзаро қий-пичоқ бўлишган. Кўплаб қабила кирилиб, қолган-қутгани бошқа қабилага кўшилиб турган.

Чуст маданияти

Жамиятдаги худди шундай ўзгаришлар Фарғона водийсининг шарқий худ-

удини қамраб олган қабилаларга ҳам тааллуқлидир. Бу ҳудудда Чуст маданиятининг вакиллари бўлган қабилалар яшаганлар. (Наманган вилоятидаги Чуст қишлоғида шу маданият вакиллари-нинг дастлабки турар жойлар топилган. Шу боис Чуст маданияти деб аталиб қолди. Улар дехқончилик билан шуғулланган қадимий халқлардандир. Чуст маданияти вакиллари-нинг яшаган жойлари Новқат, Ўш, Қорасув, Ўзган ҳудудларидан топилган. Бу маданият вакиллари бугдой, арпа, тарик, сули етиштиришган. Андронликлардан фарқланиб, уларда чорвачилик етакчи тармоқ бўлган эмас. Асосан кўл ҳунармандчилиги гуркираб ривожланган. Қишлоқлар бўлажак шаҳарлар учун аста-секин пойдевор туза бошлаган.

Қадимги Ўш

Чуст маданияти даврида Сулаймон тоғи атрофидаги турғун жойлар йирик қишлоқларга айланган. Маҳаллий халқнинг бу тоғдан илоҳийлаштириб фойдаланиши бу турғун жойнинг диний марказ сифатидаги аҳамиятини оширган. Бундай вазият ўз пайтида Сулаймон тоғи этагида-



6. Петроглифлар. Эрамизгача II минг йиллик. Саймалитош.



7. Тошдаги суратлар. э. а II минг йиллик. Саймалитош.

ги ўтrockлашган халқ учун хўжалик ва сиёсий соҳада катта фойда ҳам берган. Шундай қилиб келиб-кетувчилар кўпайган, зиёратчиларнинг кети узилмаган. Тоғ этагидаги қишлоқ аҳолисининг, хунарманд ва савдогарлар савдоси яхши кечган. Дехқонлар ҳам ўзига тўқ яшаган. Натижада Чуст маданияти даврида бўлажак Ўш шахрининг қадимий пойдевори бунёд бўла бошлаган.

Уругдан қабилага йириклашиш жараёни аста-секинлик билан ривожланиб, ундан ҳам юқори босқичга кўтарилган. Энди қабилалар ўзаро бирикмаларни ташкил қилган ёки бир-бирини зўравонлик билан босиб ола бошлаган. Бу даврни ҳарбий демократия даври деб ҳам аташади. Худди ўша ҳарбий демократия заминидagi ибтидоий жамоа тузуми емирила бориб, қабила аъзоларига ҳукмини ўтказувчи ва тобе синфий қатламлар пайдо бўла бошлади. Бу ўта мураккаб тарихий жараён аста-секинлик билан мулкий тенгсизликнинг кучайишига сабаб бўла бошлади. Андрон ва Чуст маданиятларининг тузумлари келажакда мамлакат бўлиб тузилиши учун тегишли шароитни яратган. Шунингдек Марказий Осиёнинг кўчманчи ва ўтrockлашган халқларининг ўзаро бирлашишлари учун ҳам янги пойдевор пайдо қилган.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Ота бошқаруви даври (патриархат) деганда нима ни тушунасиз?
2. Андрон маданиятининг вакиллари қайси ҳудудларда яшаган?
3. Чуст маданияти деган номланишининг моҳияти нимада? Қирғизистонда Чуст маданиятига оид ёдгорликлар қайси жойлардан топилган?
4. Ҳарбий демократия дегани нима ва бу пайтда жамиятда қандий ўзгаришлар юз берган?
5. Қирғиз халқининг «Кожожаш» достонида камондан ўқ отиш ва овчилик билан шуғулланган қадимги замон тасвирланган. Уни ўқиб, асосий воқеаларини айтиб бering!



8. Андрон маданияти давридаги турар жойлар (Буғул тоғлари).

4-§ Ҳуннулар давлатининг пайдо бўлиши

**Туркий халқлар
ва уларнинг
аждодлари**

Қирғизлар келиб чиқишига кўра барча турк тилида сўзлашувчи халқлар (озарбайжон, олтой, балкар, бошқирд, гагауз, козок, қорақалпоқ, кўмик, ўзбек, нўғой, татар, тива, турк, туркман, хакас-хўўрай, ёкут-саха ва бошқалар) билан

кондошдир. Уларнинг тил бирлиги «турк» сўзи билан ифодаланади.

«Турк» сўзи бирданига қардош, тили ўхшаш халқларимизнинг умумий номи бўлиб қолган эмас. «Турк» сўзи дастлаб «туғилган», «тирик» деган маънони берган, кейинроқ эса кичик бир қаб ила шу ном билан аталган. Турк хоқонликлари даврида эса (эрамизнинг VI — VIII асрлари) бу сўз кенг сиёсий маъно касб этиб, бошқа тилда сўзлашувчи халқлар, қирғизларнинг ва улар тилига ўхшаш тилларда сўзлашувчи халқларнинг ҳаммасини турклар деб аташган.

Тиллари ўхшаш халқларимизнинг тарихда маълум бўлган умумий аждодлари хуннулар эди. Умумтуркий халқларнинг илк тарихий давлатчилигини хуннулар асослаганлар. Хуннуларни ҳозирги туркий тилда сўзлашувчи айрим халқларнинггина аждодлари деб кўрсатиб бўлмайди. Хуннулар маданияти, урф-одатлари, сиёсий тажрибаси деярли барча туркий қабилаларга таъсир кўрсатган.


**Хуннуларнинг
илк макони**

Хуннулар эрамиздан аввалги I минг йилликда ҳозирги

Монголиянинг Марказий ва Ҳарбий қисмини, ички Мўғулистонни макон қилишган. Улар Марказий Осиёда кўчманчилар цивилизациясини асослашган. Хуннулар эрамиздан аввалги VI — V асрлардан тортиб қадимий Хитойнинг Хуанхэ дарёси қирғоқларида жойлашган давлатлар-



9. Қадимги хуннулар.



10. Қадимси қирғизлар яшаган ҳудудлар

нинг шимоли-ғарбий қўшнилари бўлганлар. Хуннуларнинг шимоли-ғарбида эса қадимий қирғизларнинг ва уларга ўхшаш турк қабилаларининг бобокалонлари яшаганлар. Уларнинг барчаси эрамизгача I минг йиллик ўрталарида ибтидоий жамоа тузумида яшаганлар.

Хуннуларнинг шарқ томонидаги қўшнилари дунху қабилалари иттифокига кирган қабилалар эди. Улар мўғул тилида сўзлашувчи халқларнинг аجدодлари бўлиб ҳисобланадилар. Хуннуларнинг ғарб томонидаги қўшнилари йуэчжи қабилалари эди. (Хунну, дунху, йуэчжи сўзларининг барчаси қадимий хитой тилидаги этнонимлардир. Бу халқларнинг ўша даврларда ўзларини-ўзлари қандай атаганликлари ҳамон сирли топишмоқлигича қоляпти). Йуэчжилар ҳинд-европа тилларида сўзлашувчи энг шарқдаги қабилалар бўлиб саналади. Уларнинг тили ҳозирги тожик, эрон, ҳинд тилларига ўхшаган.

Хуннулар ва Хитой давлатлари

Эрамизгача I минг йилликнинг биринчи ярмида хуннулар билан қадимий хитойликлар орасида бошқа кўчманчи қабилалар ҳам жойлашган. Шу сабабли хитойлар кўпинча ўзларига яқин қабилалар ҳақида сўз юритганлар. (Масалан, «жун» деган ном билан аталган машҳур қабилалар эрамизгача IX — IV асрларда Хитой учун оғир йўқотишлар келтирган урушлар қилиб турганлар).

Айрим вақтларда хуннулар билан хитой аскарлари тўқнашиб турганлар. Қадимий хитой «Қўшиқлар китоби» тўпламидаги қўшиқлардан бирида эрамиздан аввалги 822 йилги воқеалар бундай баён қилинади:

*Олтинчи ойда,
Айни баҳор кунини тонгги пайтда,
Қурол-яроғ, озиқ-овқат ортилган
Аравалар тизилишиб гоз каби
Келаверди босқин қилмоқ ниятда. . .
Шундай қилиб сабрсиз қаҳрин сочиб,
Босиб келди шимол ёқдан хуннулар.
Подшоҳдан буйруқ келиб шошилинч,
Бош қалгани ташлаб душман қўлига,
Чиқиб кетдик ундан барча-баримиз.
...Талон-тороғ қилётганда хуннулар,
Босиб келиб, бирдан хужум қилиб биз,
Ёвни яна яқсон қилиб ер билан,
Қайта олдиқ ўрдамизни суриб биз!»¹*

Хитой манбаларида уруш бўлмаган пайтлардаги хуннулар ҳақида ҳеч гап айтилмаган.

***Хуннулар ва
Буюк Хитой
девори.***

Эрамиздан аввалги IV асрдан бошлаб хуннулар Хитойнинг кичик-кичик подшоҳликларининг қўшнилари бўлганлар. Хусусан, эрамиздан аввалги III асрнинг иккинчи ярмида хунну отликлари шимоли-ғарбий томондан тинимсиз хужумлар қилиб турганлар.

Шаньси деган ҳудуддаги Чжао исмли хитой подшоҳининг саркардаси қўшинлари қўплигига таяниб, хуннулар устидан ғалаба қилган.

Эрамиздан аввалги IV аср ўртасидан тортиб Хуан-хэ дарёсининг ўрта оқимидаги кичик Цинь подшоҳлигида ислохотлар ўтказилган. Хитойнинг шимоли-ғарбидаги бу давлат тезда гуркираб кетган. Эрамизгача 246 йили тахтга 13 яшар Ин Чжэн ўтиради. У Хитойдаги барча кичик подшоҳликларни ўзига бўйсундириб, ўзини Цинь Шихуан — Цинь сулоласининг тўнғич императори деб эълон қилади.

Цинь Шихуан мамлакатни марказлаштиришга қаратилган ислохотларни давом эттирган. Шу даврда бутун Хитой бўйича бир хил ёзув, бир пул бирлиги, бир солиқ ва ўлчов тизими, фуқаролик тузуклари ҳамда қуролли кучларга асос солинган. Ундан сўнгра Цинь Шихуан ўзининг шимоли-ғарбидаги ашаддий душмани — хуннуларга қарши уруш очган. Эрамиздан аввалги 215 йилда 300

¹ Ушбу таржима вариантини А. Б. Элебсцова қайта қўшиққа айлантирган.

минг кишилик Хитой кўшини Ордосдаги хуннуларни енгади, кейинги йили эса Хуанхэ (Сарикдарё) шимолий қисмини эгаллайди.

Хуннуларнинг хужумига қарши кучли мудофаа тизими тузиш мақсадида Цинь Шихуан Буюк Хитой девори қурилишини бошлаган. Бу мустаҳкам қалъа сингари қурилган иншоот бўш қолмаслиги учун Хитой ичкараси ҳудудларидан одамлар кўчирилиб келиб, 44 та янги девон (вилоят) тузилган.


Буюк Хитой девори 6,7 минг километрга чўзилган. Унинг баландлиги 7,8 метр бўлган. Ҳар бир 60 — 100 метрдан сўнг қоровул миноралари қурилган. Бироқ бу девор Цинь давлатини сақлаб қола олмади. Олиқ-солиқнинг ошқора кўпайиши, минглаб дехқонларнинг дала ишларидан чалғитилиши халқнинг барча қатламлари норозилигини кучайтирди. Цинь Шихуан ўлгандан кейин кўзғолон оловланиб, унинг давлати барбод бўлди. Исёнчиларнинг бир қисмини бошқарган Лю Бан деган одам эрамиздан аввалги 207 йили марказ шаҳар Саньянни босиб олган. У ўзини император Гаоцзу деб эълон қилиб, Эрта Хань сулоласига асос солган.

Бизнинг кунларгача меъморлик ёдгорлиги намунаси сифатида сақланиб келаётган Буюк Хитой девори сулолалар алмашганига қарамай, эрамиздан аввалги III — I асрларда хуннулар (туркларнинг аجدодлари ва дунху қабилалари (мўғулларнинг аجدодлари)дан Хитойнинг мустаҳкам шимолий чегараси сифатида хизмат қилган. Бу қурилмалар тизими ҳарбий аҳамиятга эга бўлиши билан биргаликда хитойликларнинг шимолий кўшнилари билан савдо, хўжалик ва маданий алоқаларнинг ҳам гувоҳи бўлган.

*Хуннуларнинг
дастлабки подшоҳи —
Тоу-Ман (Туман)*

Хуннуларнинг қabila бирлашмасини тузган энг қадимий тарихий шахсларнинг номларимаълум эмас. Хитойнинг тарихий манбаларида энг аввалги Хунну подшоҳининг исми хитой иероглифлари орқали Тоу-

Ман деб берилган. Унинг подшоҳлик унвони «шануй» дейилган. Туман-шануй замонида хуннулар бақувват дунхулар ва йуэчжиларнинг ўртасида қолган. Бу — эрамиздан аввалги III асрнинг охириги чорагига тааллуқли маълумотдир.



11. Буюк Хитой девори.

¹ Сулола (династия) - подшолик (ёки бошқа) тахтга ворислиқни авлоддан-авлодга ўтказиб олган онла.

Айрим пайтларда тожу-тахт подшонинг фарзандларига бошқа пайтда яқин қариндош-уруғига ёки жиянларига ўтказиб келинган.

Туман-шануй хуннуларнинг қабила бирлашмасини бошқариб турганда эрамиздан аввалги 215 йили хитой кўшинларидан мағлубиятга учрайди. Хуннуларнинг ҳолсизланганидан хабар топган йуэчжиларнинг подшоҳи Туман-шануйдан омонат¹ талаб қилган. Ғарбдаги душманини чалғитиш учун Туман-шануй катта хотинидан туғилган ўғли Мағдун (Модэ, Меме)ни гаров сифатида йуэчжиларга беришга мажбур бўлади.

Туман-шануйнинг кичик хотинидан ҳам бир кенжа ўғли бўлган. Йуэчжилар тўсатдан Модэни ўлдириб қўйишса, тахт ворислигига шу ўғли қолиши керак эди. Аммо ўғли Модэ эркинликнигина севиб қолмасдан, бутун хуннулар ўлкасининг куч-қудратини оширадиган истеъдодли юртбоши бўлишини отаси ҳам билган эмас эди.

Модэнинг кўзгалони Кунларнинг бирида Туман-шануй куч тўплаб, йуэчжиларга бостириб киради. Хуннуларнинг кўшини яқинлашганда, ҳурматли туткун бўлиб юрган ёш Модэ ҳеч кимга билдирмай бир отни танлаб минадида, қайта кучайган хуннуларга эсон-омон қочиб ўтади. Бу — ўзига хос мардлик намунаси эди. Туман-шануй катта ўғлига қўл остидаги кўшиннинг бир қисмини беради.

Модэ ўз аскарларини чийилловчи ўқ билан мўлжалга отишни машқ қилдира бошлайди. Аста-секинлик билан у ўз кўшинини садоқатли, буйруқларини сўзсиз бажарадиган аскарлар билан тўлдирган. Хитой манбалари гувоҳлик берганидек, кунларнинг бирида у ўз ўқини қайси бутага отса, йигитларига ҳам шундай қилишни буюради. Шундан сўнг у ўзининг суюкли отига чийилловчи ўқ отади. Саркардасининг севиқли отини отишга юраги дов бермаган йигитларининг бошини олдиради.

Кейинчароқ Модэ ўзининг суюкли ёрини кўзлаб чийилловчи ўқ отади. Унинг бу буйруғини тушуниб етмай ўқ отмаган йигитларининг барини тигдан ўтказдиради. Қахрли саркарда Модэ ов қилиш пайтида ўз отасининг отини мўлжаллаб ўқ отади. Аввалги воқеалардан



12. Модэ-шануй.

¹ Омонат - қарамликда қолган халқ (қабила) ҳукмдори ўзи бўйсунган подшоҳнинг қарамозига бўйсунганлигини билдириб юборган киши. Одатда кафил сифатида юборилган киши бир неча ойлаб-йиллаб ёки умрбод ўзга юртда яшаб қолган. Ҳукмдорлар кафилликка ўзларининг фарзандларини ёки яқинларини юборишган.

дахшатли сабоқ олган аскарларининг ҳаммаси бараварига ўқ отишиб, отни ўлдиришади.

Бундай тайёргарлик Модэни кўзғолонга бел боғлатади. У чийилловчи ўқини ўз отаси Туман-шануйга қараб отганда, аскарларининг ҳаммаси хуннулар шохини кўзлаб ўқ отишади. Бу ҳодиса эрамиздан аввалги 209 йили бўлиб ўтган.

Шундай қилиб, Модэнинг бу кўзғолони муваффақиятли якунланган. Кейинчароқ ҳокимиятни қўлдан чиқармаслик учун у Туман-шануйнинг кичик хотини ва унинг ўғлини, отасига садоқатли барча кишиларни ўлдиртириб, ўзини хуннуларнинг шануйи деб эълон қилган.

«Ер — давлатнинг асоси!» Хуннулар ўрдасидаги кўзғолон тўғрисидаги хабар уларнинг шарқдаги душманлари — дунхуларгача етган. Кўзғолон туфайли анча бўшашиб қолган хуннулар ҳар қандай талабни бажаради, деб ўйлашган дунху бошлиқлари бундай қулай вазиятдан фойдаланиб ёш Модэ-шануйдан хуннуларнинг шарқ томондаги чегара ҳудудларини беришни талаб қилишган.

Ўша даврнинг тақозосига мувофиқ Модэ-шануй Оксоқоллар кенгашини чақириб, уларни дунху ҳукмдорларининг талаблари билан таништиради. У замонларда уруш ва тинчлик масалаларини ҳал қилишда оксоқоллар кўпчилигининг фикри хунну шануйи учун қонун ҳисобланган. Оксоқолларнинг кўпчилиги дунхулар босқинидан қўчишиб, улар билан аразлашмай, сўраган ерларини бериб юборишни маслаҳат беришади. Бирок бу таклиф Модэ-шануйнинг аччиғини келтиради. Хитой тарихчиси Сима Цянь ёзиб қолдирганидек, Модэ-шануй газабланиб: «Ер — давлатнинг асоси бўлса, қандай қилиб уни бериб юбориш мумкин!» — деб жавоб қилган. Ундан сўнг дарров ногўтри, маслаҳат берган оксоқолларнинг бошларини олишни буюрган. Шу воқеадан кейин шануйга миқ этмайдиган, унинг ўйлаганидек маслаҳат бериб, кўнглини кўтаришга ҳаракат қиладиган, айтганини иккиланмай бажарадиган одамларгина кенгашга аъзо бўла олишган. Шануй яккаҳоқимлик юри-тадиган монархга айланган эди.

Модэ-шануйнинг босқинчиликлари Ички сиёсий ҳукмдорликни тўла ўз қўлига олган Модэ-шануй шошилинич қўшин тўплашга киришди. Чақирғига кечикиб келадиганларнинг бошини олишга буюрарди. Унинг бундай шафқатсизлигини билишган хунну сардорлари ўз қўшинлари билан тезроқ етиб боришга интилар эдилар.

Модэ-шануй қўшини дунхулар жойлашган ҳудудга тўсатдан хужум қилди. Дунхулар жанубий Маңчжурия ва Катта Хинган тоғ этакларида юртдан-юртга кўчиб яшардилар. Модэ-шануйнинг бу босқини муваффақиятли якунланиб, дунху аскарлари мағлубиятга учрадилар. Уларнинг ҳукмдорлари ҳам қўлга олиниб, ўлдирилди. Хуннулар кўплаб асирларини ва чорва молларини ўлжа қилиб қайтдилар.

Бу юришдан рухланган Модэ-шануй ўз кўшинини шимоли-ғарб томонга бошлаб, янги боскинчилик урушига кирди. Гуркираб кучайиб бораётган шимолдаги кўшни ўлканинг бу юришлари ҳақида хитойлик сарой тарихчилари батафсил ёзиб қолдирганлар.

Модэ-шануй шарқдаги душманлари билан ҳисоб-китоб қилиб бўлгач, от тизгинини ғарбга томон бурди. Шимолий Хитойдаги АлаШань чўлига қадар етган йуэчжиларни яна қайтадан ғарбга сурди.

Кейинчалик Модэ-шануй тангутларнинг ота юрти бўлган Лэуфань ва баян қабилаларини Ордос ерида ўзига бўйсундирган ва Хитойни кўзлаб дастлабки юришни бошлаган.

Эрамиздан аввалги 203 — 201 йиллари хуннулар шимолий ва шимоли-ғарбий ҳудудларда боскинларини давом эттирганлар. Ана шу боскинчиликлар хусусида баён қилинган хитой манбаларида илк бор кирғизлар ва бошқа туркий халқлар тўғрисида сўз юритилади. Шундай қилиб, шимоли-ғарбий Мўғулистон ва Саян-Олтой ҳудудларида яшаган хунрюй, куйеше, динлинлар, Шаркий Тангритоғ шимолидаги ва Жунғория ҳудудида яшаган кирғизлар Модэ-шануйнинг йирик империяси ихтиёрига қаратилган.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Туркий тилларда сўзлашувчи қайси халқларни биласиз?
2. «Турк» сўзининг илк маъноси қандай?
3. Хуннулар қайси элларнинг аجدодиди?
4. Буюк Хитой девори нима мақсадда қурилган?
5. Хуннуларнинг дастлабки подшоҳи ким эди?
6. Модэ қандай қилиб ҳукмдорликка эришган? Унинг ҳукмдорлигини қайси кенгаш че-клаб турган?
7. Модэ-шануй қайси ўлкаларни бўйсундирган?

5-§ Хуннуларнинг хўжалиги, ижтимоий ҳаёти, хунари

Кўчманчи ҳаёт Ҳар томонлама таърифланиб, ёзма манбаларда тилга олинган дастлабки турк аجدодлари — хуннулар кўчманчи чорвачилик билан шуғулланишган. Марказий Осиёнинг кенгликлари чорвачилик учун қулай яйловлар макони бўлган. Хуннулар яйловдан кўчишни (горизонтал йўналишда) юргизганлар, яъни бир жойдан иккинчи яйловга кўчиб юривчилар эдилар (таккосланг: кирғизлар қадимданоқ тоғли ҳудудларни макон қилишиб, ёзда — яйловга, кеч кузда — қишлоғга жилиб, вертикал

йўналишда) пасттекисликдан тоғни кўзлаб хўжалик юритган кўчманчилар бўлганлар).

Хуннулар учун йилки алоҳида аҳамиятга эга эди. У шунчаки улов эмас, урушда, овчиликда тенги йўқ чорва бўлган. Гўшти ҳам, кимизи ҳам бебаҳодир. АлаШань. Гоби каби чўллар орқали кезган хуннулар учун туялар ҳам муҳим транспорт воситаси бўлиб хизмат қилган. Бошқа кўчманчилар каби хуннулар ҳам қўй, эчки, кўтос, сигир боқишган.

Хунармандчилик.

Маданият


Хуннуларнинг бошқа хўжалик тармоқлари қатори хунармандчилик ҳам кўчманчилик ҳаётининг ажралмас бир қисми бўлган. Терини ошлаш, ихчам чарм этиклар тикиш, тошга, ҳайвон шохига, суягига, ёғочга ўйма нақшлар солиш каби хунармандчилик яхши ривожланган.

Қўй, туя жунлари, эчки тивитидан кийим-кечак, уй анжомларини ясашда кенг фойдаланишган. Мўғулистоннинг Селенга худудидаги Ноин-Ула деган ерда хунну оқсуякларининг қабристонни топилган. Ноин-Ула қабристонидан казиб олинган буюмлар орасида ола кигиз, ширдок ҳам топилган. Унда турли безаклардан ташқари жониворларнинг ҳаракатлари акс эттирилган суратлар ҳам чизилган. Хунну нақшлари бошқа туркий халқлар қатори қирғизларнинг ҳам гиламдўзлик, ширдок, кигиз бостириш каби хунармандчилигида ўз аксини топган.

Хуннулар ўзлари учун қандай уйлар ясаганлар? Хуннуларнинг ҳаммаси бўз уйларда яшаганлар. Тўнқарилган пиёлани эслатувчи бу уйларни бир яйловдан иккинчисига аравалар билан ташишга қулай бўлган, унинг қисмлари ҳам бирга йиғиштириб кўчирилган. Хуннулар йирик худудларни эгаллашиб, турли иқлим ва ер шароитида яшаган халқларни бирлаштирганлар. Натижада уларнинг орасида нафақат ертўлаларда, балки устунлардан тикланган уйларда яшаган одамлар ҳам бўлган.

Марказий Осиё кўчманчилари цивилизациясининг вакиллари бўлган хуннуларда ўтrockлашган жойлар — шаҳарлар барпо қилиш одати ҳам аста-секинлик билан ўзлаштирила бошлаганлиги пайкалган.

Қадимги хуннулар кулолчиликни ҳам дуруст ўзлаштиришган. Бизнинг кунларгача етиб келган хуннулар даврининг сопол идишлари (дон, сув, сут,



13. Ханжар турлари.
Бронза. Эрамикдан аввалги
V—II асрлар

кимиз сақланувчи хумлар, товоқлар, чойидиш ва бошқалар) қўл билан ўйиб ясалмасдан дастгоҳлар воситасида тайёрланган.

Заргарлик ҳам хуннулар ҳунармандчилигида алоҳида ўрин тутган. Улар олтин ва қумуш безакларни қимматбаҳо тошлар билан зийнатлаш, қумуш юзасига расм солиш, ўйиш, қадоқлаш каби нозик санъатни моҳирлик билан ўзлаштиришган.

Металл қуйиш ҳунари ҳам хуннулар ҳўжалигининг муҳим тармоғи саналган. Улар темирни эритишган, қизиғида зарблаб ўқ ва найза учларини, турли қурол-аслаҳаларни, рўзғор буюмларини ясашган. Бронзани қуюб буюм ясаш ҳам кенг тарқалган.

Овчилик

Мерганлик хуннулар учун озик-овқат топишнинг кўшимча манбаи ҳисобланган. Модэ-шануй ва унинг отаси Туман-шануй тўғрисидаги ўтган дарсда айтилган ҳикоялардан сиз хуннуларнинг тўп-тўп бўлиб овчилик билан кўнгилхушлик қилганликларини билдингиз. Албатта, ўк-ёйи, тузоғи, ов қушини олиб якка овчилик билан ҳам машғул бўлганлар.

Овчилик ҳўжалик юритишнинг бир туригина бўлиб қолмай, аскарликка тайёрлаш мактаби бўлиб ҳам ҳисобланган. Кўчманчи хуннулар овчиликни чидамли бўлиш, эпчиллик, атроф-муҳитни ўрганиш, из яшириш, мерганлик санъати деб билганлар.

Дехқончилик

Вақт ўтган сайин Марказий Осиёда соф кўчманчилик турмуш тарзи ўзгарган. Бир томони ўтроқлашган халқларнинг таъсири остида ерга ишлов бериш, дехқончилик ривожланган, иккинчи томондан асирга тушган ёки хуннулар жойлашган ҳудудларга қочиб келганларнинг хунаридан фойдаланишган, хуннуларнинг айрим қисмлари ярим кўчманчилик ҳолда яшашга мажбур бўлишган. Натижада дехқончиликка қулайроқ ҳудудларда яшаган хуннулар омочдан фойдаланишиб экин эка бошлаганлар. Хунну давридан қолган тош ёргучоқлар (қўл тегирмонлар), галла сақланадиган сопол идишлар, омоч тишлари ўша замон дехқончилигининг далиллари ҳисобланади.

Хуннулар давридан тортиб туркий халқларнинг айрим бўлақлари кўчманчи чорвадорлик билан бирга дехқончиликни ҳам ўзларига одат қилишган. Туркларнинг, жумладан, қирғизларнинг ҳўжалик юритишини фақат чорвачилик билан чеклаш тўғри эмас.

Жамоа тузилиши

Эрамиздан аввалги III аср охиридан тортибгина хуннулар ҳақида ёзма маълумотлар учрай бошлайди. Шунинг учун бунгача хуннулар узил-кесил эслатилган манбаларга қараб, эрамиздан аввалги IX асрдан тортиб Туман-шануй ҳукмронлигигача бўлган даврни таркок қабила тузилишининг ўтувчи даври катори ҳисобласа бўлади.

Туман-шануй хукмронлиги даврида (эрамиздан аввалги III асрнинг охири чорагида) хуннулар кўчманчи жамият сифатидаги эрта феодал давлатга бирлашганлар. Хуннулар даври бир вақтнинг ўзида қабила тузилишининг кўплаган белгилари мерос қолган. Масалан, хуннулар турли қабилалардан ташкил топган. Улар орасида уч қабила сиёсий таъсирчанлиги жиҳатидан алоҳида ажратиб турган юқори мартабалилар қабилалари эди. Бу қабилаларни хитой манбалари хойань, лань, суйбу (сьюбу) каби атамалар билан аташган. Шануйнинг ўзи эса луаньди (люаньди) қабиласидан чиққан, дейишади хитой тарихчилари Сима Цянь билан Бань Гу.

**Хуннуларнинг
сиёсий тузилиши**

Хитой манбаларида хуннулар ўнг ва сўл қанот бўлиб, ясама сиёсий тизимларга бўлинишлари баён қилинади.

Барча ўнг қанот беклар ва саркардалар ғарб томондаги

Шанцзюнь минтақаси ва ундан ғарбга жойлашиб, йуэчжи, ва Цянь халқлари билан чегарадош бўлган. Сўл қанотдаги беклар ва саркардалар эса уларнинг шарқ томонидаги Шангу минтақаси (Хэбэй вилояти, Ючжоу худуди) ва ундан шарқроққа жойлашиб, Хуэйхэ ва Чаосянь билан чегарадош эди.

Бундай дуал (кўш) бошқариш тизими кейинчарок ўрта асрлардаги туркий халқлар, жумладан, қирғизларга ҳам мерос бўлиб қолган. Хуннулардан қолган яна бир одат — мамлакатни 24 ҳоким қабила бошлиқлари ва худуд катталари томонидан бошқарилиши эди. Хукмдорликнинг бу 24 вакили ўнг қанот ва сўл қанотнинг ақлли ван, луливан, улуғ саркарда, улуғ дувэй, улуғ данху сингари иерархияли хукмдорлик босқичларига бўлинган ҳокимлардан ташкил топган. Бу 24 ҳокимнинг туманбоши деган мартабаси бўлган ва ўз лавозимини мерос қолдиришга ҳақли бўлган. Бирок туманбоши (ўн минг аскар бошлиғи) дейилгани билан уларнинг айримларининг кўшини бир неча минггина аскардан ташкил топган, кучлилари эса ўн минг отлик аскарга эга бўлганлар.

Туманбошилар асосан бошқарувчи қабиланинг вакили бўлишган. Улар ўзлари эгаллаган еривинг худуди бўйича ҳам бир-бирларидан фаркланишган.

Хитой тарихчиси Фань Е ёзиб қолдирганидек, ўта юқори мартабали ҳисобланган тўрт ҳоким «тўрт мугуз» деб аталган. Уларнинг кадр-қиммати куйидагидек босқичда бўлган: энг мартабалиси ўнг қанот сянь-ван, ундан сўнг — ўнг қанот лули-ван, ундан кейин — сўл қанот сянь-ван, сўнггиси — сўл қанот луливан (хитойча «ван» сўзи қирғизча «бек» маъносини беради). Бундан шарқий худудларни (сўл қанот) эгаллаганларнинг сиёсий таъсири юқорироқ ҳисобланганлигини пайкаса бўлади. Ўнг қанот билан сўл қанотни белгилашда хуннулар юзи билан шимолга эмас, жануб томонга қараб туриб аниқлаганлар.

Юқори лавозимли ҳокимлар шануйларнинг яқин қариндошлари ва ўғилларидан тайинланган. Туманбошилар ўз навбатида қўл остидаги худудларда

мингбоши, юзбоши ва ўнбоши каби бошқарувчиларни тайинлашга ҳуқуқли бўлганлар. Ҳар бир эркак киши аскар сифатида саналган.

Хуннулар тузган ҳарбий-феодал бошқарув тизими Марказий Осиёдаги кейинги кўчманчи давлатлар томонидан ҳам ўзлаштирилган. Мамлакатнинг 24 ҳоким томонидан бошқарилиши ҳатто ўрта асрлардаги ўғузлар томонидан ҳам мерос қолдирилган.

Шануй — кўчманчилар монархи

Модэ-шануй давригача хуннулар қабила бирлашмасининг бошлиғи шануй унвонини олган. Бу унвон энг юқори қабила бошлиғи деган маънони билдирган. Сима Цянининг ёзишича, «шануй» сўзи «кенгайган» ёки «кўк» сингари кенг маънони берган.

Модэ-шануй замонида бу унвон фақат қабила бирлашмасининг бир умр ҳукмдори маъносинигина бериб қолмай, балки йирик давлатнинг бир-биридан мерос бўлиб ўтувчи яқка-ҳукмдори — монархи маъносини ҳам билдирган.

Албатта, хуннулар эрта феодал давлатининг бошлиғи ўзининг ҳукмдорлигини ошириб кўрсатиш учун «шануй» унвонига кўшимча эпитет қўллашга интилган. «Тангри қуту» — «Тангри» ёки «Кўкка интилган қут» деган кўшимча унвон доимо шануй унвонидан олдин айтила бошлаган. Модэ-шануйнинг эрамиздан аввалги 176 йили, унинг ўғли ва меросхўри Лаошань-шануйнинг эрамиздан аввалги 166 йили Хитой императорига юборган хатларида шу унвоннинг маъноси хитойчага ўгирилиб берилган: «Кўк тайинлаган улуғ хунну шануйи... (Модэ), «Кўк билан Ердан туғилган, Қуёш билан Ойдан тайинланган улуғ хунну шануйи» (Лаошань).

Бундан «Кўк тайинлаган» деган хитойча сўз атамаси «Тангри қуту» деган иборанинг сўзма-сўз таржимаси бўлиб ҳисобланади. Чунки туркларда, жумладан, кирғизларда, осмон «кўк» дейилган, унинг эгасини «Тенгир», «Тангри» деб аташган. «Кўк» билан «Тангри» синоним қатори қўлланилган.

Хуннуларнинг «Тангри қуту шануй» деб номланган подшоҳлик унвони ўрта асрларда ҳам урхунлик (мўғулистонлик) турклар орасида мерос сифатида сақланиб, улар ўз хонини «Тангри бўлмиш ҳокон» деб аташган.

Модэ-шануй давридан бошлаб куч-қувватли кезида шануй деярли ҳокими мутлақ даражасига эриша олган. Бундай пайтда шануй оқсоқоллар кенгаши фикри билан ҳисоблашмай кўя олишини Модэ-шануйнинг дунхулар талабини муҳокама қилишда тутган ишдан ҳам билса бўлади. Шануй ҳолсизланган пайтларда эса йиғирма тўрт туманбоши ёки юртбошилар йиғиладиган қурултойлар қарорларининг роли ўсган.

Шануйлар шаклантирган чекланган монархияли давлат қадимий кирғизлар учун ҳам сиёсий тажриба ва намуна сифатида бўлган.

Жамоат

Хуннулар жамиятининг асосий қисми уруғлардан ва уларни бирлаштирган қабилалардан ташкил

топган. Уруғлар эса ўз навбатида яйловлар шароитига яраша юртлар (кичик овуллар)га бўлинган. Хуннулар юртлари, хитой манбаларининг маълумотларига қараганда, булў атамаси билан юритилган (қирғизча булў, уй-булў (оила) ва мўғулча унга маънодош гэр бул сўзи билан солиштирилади).

Уруғ-қабиласи бўйича қариндош хуннулар бир-бирларига яқин юртларни эгаллашиб, жамоа тариқасида яшаганлар. Уларнинг насл-насаби (таг-зоти)гина эмас, урф-одати, диний тушунчалари, ирим-сиримлари, шевалари ҳам бир хил бўлган. Хунну давлати кенг минтақани эгаллаб, янги-янги халқларни бўйсундириб турган бир пайтда ва сиёсий шароитнинг ўзгариши сабабли хунну қабилалари Шимолий Хитойдан тортиб Тангритоғ атрофларигача ёйилган бир замонда хунну жамоати қондош-қариндошлардан умумлашган қабилалардан эмас, балки худудий маънодаги умумийликни ташкил этган қабилалардан тузилган.

Туманбошилар юқори табақали уруғлардан чиқса ҳам уларга бўйсунувчи юртларда кейинчароқ ҳар хил қабила-уруғларнинг ва хуннуларга қарам бошқа халқларнинг вакиллари ҳам қамраб олган. Юзбоши, туманбошилар аста-секинлик билан уруғ ёки қабила йўлбошчисигина эмас, балки худудий, ҳокимлик ва ҳарбий кўмондон бўлиб ҳам ўзгариб турган.

Бироқ қабила-уруғчилик бирдамлигини сақлашга, унинг қондаларига риоя қилишга юқори табақалар ҳам, одатларни ҳурмат қилувчи оддий кўчманчилар ҳам интилганлар.

Ер (ййлов)га бўлган эғалик Хуннуларнинг ҳар бири «ўзининг ер бўлагига эга бўлиб, чорва озукаси ва сувнинг мўллилигига мослашиб, бир жойдан иккинчисига кўчиб юрган», дейилади тарихий манбада.

Бироқ ерга хусусий эғалик қилиш хунну империясида ва кейинги турк-мўғул кўчманчи давлатларида бўлган эмас.

Ерга жамоа (уруғ ва қабила) тарзида эғалик қилишда Модэ-шануй давридан бошлаб чуқур ўзгаришлар бўлган. Шундан ер бутун давлат мулкига айланган. Модэ-шануйнинг «ер — давлатнинг асоси» деган ибораси хуннуларнинг ҳам, уларнинг меросхўрлари бўлган Марказий Осиёдаги кўчманчи туркий халқларнинг ҳам ерга оид сиёсатининг рамзи бўлиб келган.

Давлат бошлиғи сифатида шануй ўз мамлакатининг турли худудларини ўғилларига, қариндошларига ва бошқа ўзига садоқатли яқинларига, таъсири кучли қабила бошлиқларига бўлиб берган. Улар ўз навбатида қарамоғидаги ерни қўл остидаги зодагонларга тақсимлаб берганлар. Булар ҳам ерларини қуйи табақаларга бўлиб берганлар. Оддий кўчманчининг оиласига эса ер шериклик билан кўчиб юриб фойдаланишга берилган. Чорва молларини боқишнинг яйловдан фойдаланиш юзасидан бу экстенсив тизими асрлардан-асрларга ўтиб сақланиб келди.

Хуннулар ва қонуи Қадимги хуннуларнинг жамиятдаги турмуш тарзлари авлоддан-авлодга ўтган амалий одатга асосланган. Хитойлар учун «уларнинг қонуилари жуда енгил кўриниб, осон бажариладигандек»

сезилган. Қаттиқ жиноят қилганлар ўлим жазосига ҳукм қилинганлар. Ўғрилиги ошқораланган одам оиласи билан қўша жазоланиб, мулки тортиб олинган. Жазога маҳкум этилганларнинг тақдири ўн кун ичида ҳал этилган.

Шануйнинг ҳукмронлиги кучайган даврда умумдавлат манфаати учун ҳам жазолаш режалари пайдо бўлган. Масалан, ҳарбий интизомни бузганлар, ҳарбий бурчларини ўташдан кечикканлар, хунну давлати манфаатига зид иш қилганлар ўлим жазосига тортилганлар.

Диний эътиқодлари

Хуннулар бошқа қадимий турк қабилалари сингари кўк (осмон)га сифинишган. Кўкни ифодалаган «Тангри» сўзи хуннулар давридан мерос (икки дарё оралигидаги қадимги мумерлар ҳам эрамиздан аввалги 4-3 минг йилликларда осмонни «динтир» деб аташган). Тангри - бир вақтнинг ўзида осмон деб ҳам, унинг руҳи — хўжайини деб ҳам тушунилган. Тангри инсон тақдиринигина эмас, умуман давлатнинг тақдирига ҳам дахлдор, қут ҳам беради, жазолай ҳам олади, деб тушунилган. Қирғиз халқининг «Тангри ёрлақасин» деган ибораси ўша даврдан қолган.

Умуман, хуннулар Тангридан кейинги бошқа худоларга — осмон чироғи бўлган Қуёшга, Ойга, юлдузларга, шунингдек яшашнинг асоси бўлган Ерга, ота-боболарининг руҳларига сифинишган. Хунну олий табақаларининг барча қуролтойлари вақтида худоларга қурбонликлар қилинган. Шануй ҳам ҳар куни Қуёш ва Ойга сифиниб турган. Хуннулар у дунёнинг бор эканлигига ҳам ишонишган.

Оилавий муносабатлари

Хуннуларда оила хўжайини эркак киши бўлиб, муносабатлар патриархал тарзда бўлган. Хотини учун эрнинг болалари учун отанинг сўзи — сўз бўлган. Туман-шануй мисолида бадавлат одамлар ва олий табақали кишилар икки (ёки ундан кўп) хотин олишга ҳақли бўлган, шануйнинг меросхўри сифатида одатда унинг ўғилларидан қатгаси тайинлангани тарихий манбалардан маълум. Ақаси ўлса, тул қолган янгасини уқаси хотин қилиб олиш расм бўлган. Хунну йиғит ўз қабиласидан бошқа қабиладаги қизга уйланган (экзогамия). Оила аъзоларидан биттаси жиноят қилса, бошқалар ҳам тенг жазоланганлар.

Хуннулар даврининг оилавий муносабатлари кейинги туркий халқларнинг ижтимоий тарихида из қолдирган.

Саволлар ва топшириқлар:

1. *Кўчманчилик ҳаёти нима?*
2. *Хуннамандчиликнинг қайси турлари ривожланган?*
3. *Овчиликнинг қандай аҳамияти бор?*
4. *Хуннулар ердан фойдалана билганларми?*
5. *Ўғулларнинг 24 қабиласи билан хуннуларнинг 24 туманбошалари ўртасида болалиги борми?*
6. *Шануй унвони қилларга берилган?*
7. *Ерга хуёусий эгалик қандай эди?*
8. *Хуннуларнинг диний эътиқодлари қайси халқларнингга ўхшайди?*

6-§ Улуз Хунну империяси ва унинг қўшилари (Эрамиздан аввалги II аср)

*Модэ-шануй ва Хань
(Хитой) императори
Гао-цзу*

Хуннулар империясининг асосчиси Модэ-шануй шарқ, ғарб ва шимол томонлардаги қўшни кўчманчи халқларни ўзига қарам қилиб олиш ёки суриб чиқаришга эришгандан сўнг қайтадан тайёр-гарлик кўриб, шимол томонни кўзлаб ҳаракат қила бошлади. Кўчманчилар ўтроқлашган худудларда яшовчилар билан доимо хўжалик алоқалари юри-тишга интилишган. Баъзида бу мақсадга ҳарбий куч ишлатиш, босқинчилик йўли билан эришишган. Хитой ипаги, ғалласи, заргарлик буюмлари хунну зо-дагонларини азалдан кизиктириб келган моллар¹ ҳисобланган.

Хань сулоласининг асосчиси Лю Бан (императорлик унвони — Гао-цзу) эрамиздан аввалги 202 - йили қайтадан ички урушда енгиб чиқиб, Хитойни такроран ягона империяга айлантирган кезде хуннуларнинг шимолдан бости-риб кириши бу мамлакатни оғир аҳволга солиб қўйди.

Хуннулар Ман деган чегарадош юртни босиб олдилар. Унинг ҳукмдори асирга тушди. Модэ-шануйнинг аскарлари юришни давом эттириб, чегарадан деярли 250 чақирим ичкарига кириб олди. Бу воқеа эрамиздан аввалги 200 - йилнинг кишида бўлиб ўтган эди.

Модэ-шануй хитой қўшинининг илғор қисмини хийлагарлик билан мағлуб этмоққа қарор қилди. Чунки хитой қўшинини ҳарбий тажрибага бой император Гао-цзунинг ўзи бошқараётган эди.

Байдэн пистирмаси Шаньси вилояти-даги Пинчэн шаҳри ёнида Байдэн тоғи бор эди. Модэ-шануй гўё шу тоғ ёнига чекинган бўлиб келиб, хитой қўшинининг сара қисмини император Гао-цзу билан бир-га пистирмага такади. Гао-цзу ва унинг қўшини етти кун озик-овқатсиз қамалда қолди.

Бу оғир аҳволни шарҳлаган хитой ўрда тарихчилари кейинча-



14. Хунну империясининг асосчиси Модэ-Шануй «Ўғузхон тўғрисидаги афсона» китобидаги миниатюрадан.

¹Товар («тавар», эски турк сўзи) - сотиш учун ишлаб чиқарилган буюм ёки мол.

роқ миш-миш чиқаришган: эмишки, Гао-цзу ўзининг чопари орқали Модэ-шануйнинг хотинига кимматбахо совға ва хитой сулув қизининг суратини етказган. Бу хитой гўзалига шануй уйланиб олади, деган ҳадикка келган малика Модэ-шануйни душманни қамалдан озод қилишга кўндирган.

Ҳақиқатда эса сиёсий ғалаба учун падаркушлик қилишгача борган хуннуларнинг золим ҳукмдори бошқа асосий сабабдан — қуршовдаги душманларга ёрдамга келадиган лашкарга кучи етмай қолишидан чўчиб Байдэн пистирмасини очиб қўйган эди.

«Тинчлик ва қардошликка асосланган битим»

Гао-цзу ўзини катта номусга қолдирган бу қамалдан қутулгандан сўнг хуннуларнинг иқтисодий талабларидан иборат битимга имзо чекишга мажбур бўлди. Қатор музокаралардан кейин эрамиздан аввалги 198 йили икки давлат ўртасида «Тинчлик ва қардошликка асосланган битим» тузилиб, унга имзо чекилди. Бу битим амалда Хань сулоласини хунну давлатига қарам қилиб қўйган.

Битимга биноан Хань сулоласининг маликаларидан (император авлодидан) бири Модэ-шануйга канизак бўлиши ва йил сайин хунну кўчманчиларига ипак ва бошқа матолар, шароб, гуруч ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини бериб туриши керак эди.

Гао-цзуга унинг мартабали хизматчиси императорнинг катта хотинидан кўрган биринчи қизини Модэ-шануйга беришни маслаҳат қилиб: «Модэ ҳаёт давридаёқ, албатта, сизнинг куёвингиз бўлади. Унинг вафотидан кейин эса сизнинг қизингиздан туғилган ўғил шануй лавозимига эришади. Ахир набира бобосига қўл кўтара оладими? Шундай қилиб, ҳеч бир урушсиз, аста-секинлик билан хуннуларни малай қилиб олишингизга йўл топилади», — дейди. Бу маслаҳатнинг йўриғини тушунган Гао-цзу ўз қизининг ўрнига оддий оиладан бир қиз танлаб, шануй қароргоҳига жўнатади. Аммо йил сайин хуннуларга Хитойдан жўнатилиб турган совға-саломлар ҳақиқатан ҳам Хань сулоласи учун оғир олиқ-солиқлардан эди.

Гао-цзу вафотидан уч йил кейин, эрамиздан аввалги 192 йили, Модэ-шануй Хань императорининг беваси Люйхоу қўлини сўраб мактуб йўллайди. Малика ўз мамлакати учун урушнинг кераксизлигини тушуниб, бу таҳқирга чидаган ва олиқ-солиқларни аввалгидек тўлаш билан бирга Модэ-шануйга икки император аравасини саккиз оти билан совға қилиб юборади. Бироқ битим туфайли эришилган тинчлик ҳар икки томон учун фойдали бўлган эди.

Йуэчжилар билан уруш

Модэ-шануй ўзининг ғарбдаги рақиби йуэчжиларнинг давлатини қарам қилиб олишни мақсад қилган эди. Дастлаб хуннулар ўзларининг шимоли-ғарбидаги усунларни босиб олган эдилар. Усунларнинг ҳукмдори ўлдирилган. Унинг ўғлини Модэ-шануй ўз ўрдасига олдириб тарбиялаган. Хуннулар усунларни талон-

торож қилишган эмас. Аксинча, усунлар билан яхши муомалада бўлишиб, уларни йуэчжиларга қарши йўналтиришда фойдаланишни кўзлашган. Усуларнинг юқорида тилга олинган хонзодасига гуньмо (қуёш-хукмдор) унводини бериб, ўз халқининг хукмдори қилиб қўйди. Хуннуларга вассал бўлган усунлар йуэчжиларга қарши сиёсат юргиза бошлайдилар.

Хитойнинг Хань сулоласи олик-солиқ тўловчи қарам бўлиб қолгандан сўнг Модэ-шануй хуннуларнинг ғарбдаги бир қатор ерларини эгаллаб турган йуэчжиларга қарата кўшин тортди. Кўп йилларга чўзилган бу уруш ниҳоясига етмай, Улуғ Хунну давлатини асослаган Модэ-шануй эрамиздан аввалги 174 йили қазо қилди.

Унинг ўрнига ўғли Гийуй тахтга ўтириб, Лаошань-шануй номини олган, Лаошань-шануйнинг энг асосий вазифаси ғарбдаги урушни муваффақиятли якунлаш эди.

Йуэчжиларнинг кичик бир түпи бўлиниб, кичик йуэчжи деб аталиб қолган ва НаньШань худудида (Цайдам водийси билан Ала Шань йўли ўртасидаги тоғ ёнбағирлари) қолаверган. Катта йуэчжилар бўлса курашни давом эттираверганлар.

Йуэчжиларнинг ғарбга кўчиши Лаошань-шануй отаси каби довюрак ва истеъдодли саркарда сифатида донг таратган хукмдор бўлган. Ганьсу ва унга жамоатдош худудлардаги йуэчжиларни ғарб томон суриб чиқаришни давом эттириб, Лаошань-шануй жангларнинг бирида йуэчжиларнинг султони Кидолунни енгиб олган. Ҳал қилувчи бу жанг эрамиздан аввалги 174 — 165 йиллар оралиғида бўлиб ўтган. Жангда Кидолу қурбон бўлган ва унинг бош суягини Лаошань-шануй ичимлик учун қадаҳ қилиб олган.

Катта йуэчжиларнинг қолган қисми Шаркий Туркистонга йўналиб, ундан сўнг ғарб томон силжишга мажбур бўлишган. Уларни Шаркий Туркистон билан Еттисувдан усунлар суриб чиқарганлар.

Эрамиздан аввалги II аср ўрталарида йуэчжилар Кидолу меросхўрининг раҳбарлигида Сирдарёни кечиб ўтиб, Амударё соҳилларига етганлар. Эрамиздан аввалги 129 йили улар Юнон-Бақтрия подшоҳлигини тўла мағлуб қилиб, ўзларининг мамлакати — Кушонни асослашган. Дастлаб Бақтрия худудини — ҳозирги Афғонистон ва унга чегарадош Ўзбекистон билан Туркменистоннинг жанубий худудларини ўз ичига олган бу мамлакат кейинчарок шимоли-ғарбий Ҳиндистонгача кенгайган.

Хитой тилида йуэчжи деб аталган, хуннуларнинг ғарбий кўшиниси бўлган бу эл ўзларини тоҳар деб атаган. Тоҳарлар хинд-европа тилларида сўзлашувчи халқларнинг шарққа — Шимолий Хитойгача етиб, қайтадан ғарбга сурилган

¹Вассал бошиқа мамлакатга қарам, тобе бўлган ўлка

вакиллари бўлган. Йуэчжиларни сўғдлар деб ҳисоблашади. Тарихий Бактрия худуди (Афғонистоннинг шимоли ва Ўрта Осиёнинг унга чегарадош жанубий худудлари) эрамиздан аввалги II аср охиридан тортиб Тоҳаристон деб аталиб келган.

Хань сулоласининг бош кўтариши

Ярим асрдан кўпроқ хуннуларга солиқ тўлаб турган Хань сулоласи эрамиздан аввалги II аср ўртасидан мамлакатнинг ички айирмачилик кучларини енгиб, ривожлана бошлади. Император Цзин-ди (эрамиздан аввалги 157 — 141 йил) ларда ҳукмдорлик қилган махсус уюр-уюр йилкиларни боқиб, давлатнинг яйловларини кенгайтира бориб, оғир курулланган отлик қўшин тузиш учун ҳаракат қилди. Қўшин ташкил қилишда хитойлар хуннулар тажрибасидан фойдаланишга интилишган.

Чжан Цяннинг элчилик фаолияти ва дастлабки саёҳати

Хань сулоласининг гуллаб-яшнаган даври эрамиздан аввалги 140 — 87 йилларда ҳукмронлик қилган истеъдодли ислохотчи, олисни кўра билган сиёсатчи император У-ди (Бути) даврига тааллуқлидир.

У қайтадан кучли марказлашган империяни ташкил қилди. Конфуций таълимоти давлат мафкураси сифатида эълон қилинди. Бироқ конфуцийчиларнинг чет ўлкаларни босиб олишга қарши дастури У-дини қониктирган эмас. У тез ҳаракат қила оладиган отлик қўшинини хуннулар намунасида тайёрлаш ишини ниҳоялаб, ўз мамлакатини ярим-ёрти қарамликдан озод қилишга бел боғлаган.

Хань сулоласининг императори У-ди «вахшийларни бошка вахшийлар қўли билан енгиш» деган усулни қўллашни кўзлади. Шу мақсадда хуннулар суриб чиқарган йуэчжиларни қидириб топишни, улар билан хуннуларга қарши ҳарбий иттифок тузишни режалаштирди. Ўрда посбонларининг офицери Чжан Цянь юз одам ҳамроҳлигида ҳукмдорнинг ўйларини рўёбга чиқариш учун узоқ ва хавфли сафарга отланди. Бунгача хитойларда Шарқий Туркистонда ғарб томондаги худудлар ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ эди. Айтмоқчи, Чжан Цяннинг шериги унинг тенгсиз ёрдамчиси, таржимони ва йўлбошловчиси асли хунну авлодидан Тани исмли одам хизмат қилган.

Эрамиздан аввалги 138 йили Чжан Цянь Хитой бош қалъасидан шимоли-ғарб томон қараб сафарга чиқди. НаньШань тоғларининг шимол томони-га ўтиш билан бу тадбиркорлар элчи хуннулар қўлига тушиб қолди. Бирок шануй Гунчэн (эрамиздан аввалги 161 — 126 йиллари ҳукмдорлик қилган) тутқунларга раҳм қилган. Ҳатто Чжан Цянь оқсуяк хунну қизига уйланиб, ўғил кўрган. У ўн йилга яқин хуннулар ва уларнинг қўшинлари ҳақида маълумот тўплаб, бу халқларнинг ер шароитларини ўрганган. Шундай қилиб, эрамиздан аввалги 128 йили у хотини, ўғли ва дўсти Танини олиб қочиб, усунлар мамлакатига келади. Иссиқкўлдаги усунларнинг бош қалъаси Чи-

гуни¹ кўради. Норин орқали Шаркий Фарғонадаги Довон давлатига, ундан сўнг Сирдарёнинг ўрта оқимидаги Қанғуй мамлакатига боради. Охири Зарафшон водийсига келиб, йуэчжилар (тоҳарлар)нинг ўрдасига боради. Бу вақтда тоҳарлар Бактрияни бўйсундириб, Худудларни эгаллаб олган эдилар. Аммо йуэчжилар ҳукмдори хуннулардан ўч олишни ўйлаб ҳам қўймади, хитойлар билан ҳарбий иттифок тузишдан бош тортди.

Чжан Цянь Помир, Олой тоғлари, Тарим водийси, Лобнор қўли орқали келатиб яна хуннуларга тутқун бўлиб қолди. Эрамиздан аввалги 126 йилдагина у оиласи ва дўсти Тани билан Хитойга қайтиб келган.

Чжан Цянь саёҳати элчи сифатида сиёсий жиҳатдан муваффақиятсиз бўлса-да, илмий-географик ва савдо-иқтисодий жиҳатдан Хитой учун катта аҳамият касб этган. У Шаркий Туркистон ва Ўрта Осиёга, ундан кейин Ҳиндистонга йўл очган. Ҳиндистонга олиб борувчи киска йўл бор эканлигини биринчи марта исботлаб берган. Дастлабки саёҳати даврида у 25 минг ли² (12,5 минг км) йўлни босиб ўтган.

Чжан Цянь саёҳати бунгача секин-асталик билан шаклланаётган Буюк Ипак йўлининг бошланиши эди.

Битимнинг бузилиши «Тинчлик ва қардошликка асосланган битим»ни эрамиздан аввалги II асрнинг биринчи ярмида асосан Хунну подшоҳларининг ўзлари бузиб туришар эди. Хитой императори У-ди ҳукмдорлигининг дастлабки йилларида бу битимни бузишига журъат қила олмади.

Эрамиздан аввалги 133 йили хитойлар хуннуларнинг Ман шаҳрини эгаллаш учун айғоқчилар юборишди. 100 минг найзали хунну қўшинига қарши шаҳар ёнида 300 минг аскар жамлаган хитой лашкарбошилари пойлаб туришди. Бироқ хуннулар хитой лашкарбошиларидан бирини тўсатдан хужум қилиб тутиб кетишиб, Гунчэн-шануйга топширишди. Шундай қилиб, хитойларнинг сирлари фош бўлиб қолди.

Битимни бузишга ботиниб, сири фош бўлгани билан дарров юриш бошлашга У-дининг чоғи етмади. Бунга эрамиздан аввалги 131 йилдаги табиий офат — Хуанхэ дарёсининг ўзанини ўзгартириши ҳам сабаб бўлди. Кўп ўтмай У-ди Хитой савдогарларининг хуннулар юртига мол чиқаришини тақиқлаб қўйди ва тўрт туман аскарларини ўзининг бу буйруғини бажариш учун юборди.

Аммо Гунчэн-шануй вафотигача (эрамиздан аввалги 126 йил қиш пайти) хуннулар оғзидагиларини олдирган эмаслар. Вэминь худуди (Пекиннинг фарби) гача кириб бориб, 3 минг одамни асир олиб қайтишган.

¹ Чигу (Чигучэн) - Иссиқкўл воҳасида жойлашган шаҳар. Чигучэн хитойча «Қизил водий шаҳри» деган маънони беради. Бу шаҳар эрамиздан аввалги II асрда Усуи мамлакатининг маркази бўлган.

² Ли - Хитойда узунлик ўлчов бирлиги 1 ли 0,5 км.

Ичисе-шануйнинг тахтга ўтириши

Гунчэн-шануй вафот этгандан сўнг хуннулар ўрдасида тахт талашувлари бўлди. Сўл канот (шарк) лули-ван бўлган Ичисе Ичисйэ ўзини-ўзи шануй деб эълон қилган. Гунчэннинг ўгли Уй-би Юй-би Хитойга панох излаб бориб, ўша ёқда вафот этган.

Ичисе тез орада ўрдада тинчлик ўрнатиб, ҳатто эрамиздан аввалги 126 йилда Хитойнинг шимоли-шаркига бостириб кирган. Хуннуларнинг яна бир беги гарбада Ордос худудига юриш қилиб, янги қурилган Шофан қалъасини вайрон қилиб қайтган. Аммо ўта кенг худудни камраб олган хуннуларнинг сиёсий марказлашган ҳокимияти тахтни куч ишлатиб эгаллаган Ичисе даврида ҳолсизлана бошлади. Кучайган Хань империяси хунну бирлигини бузишга ташқи таъсир этувчи кучга айланган.

Урушнинг хуннулар ерига кўчиши

Харбий айғокчи ва атоқли саёҳатчи Чжан Цянинг эсон-омон Хань сулоласининг ўрдасига қайтиб келиши хитой императори У-дининг ташқи сиёсат юргишига реал имкониятлар яратиб берди. Ҳозирча Хитой фақат ўз кучигагина ишонишга мажбур эди. У-ди отликларни енгил қуроллантириб, озиқ-овқатини ўзлари билан бирга олиб юрадиган янги кўшин тузиш йўлига ўтди. Эрамиздан аввалги 124 йили таникли лашкарбоши Вэй Цинь бошқарган 100 минг аскардан иборат кўшин Ордосдан чиқиб, хуннуларнинг ғарб канотига ҳужум қилди. Хуннуларнинг чжуки-беги аранг қочиб қутулган, 15 мингча одами эса хитойларга асир тушган. Хитойларнинг муваффақиятли юришларидан бирига қатнашиб, ўз ҳиссасини кўшган саёҳатчи Чжан Цянь юкори мартабали мансабга эга бўлган.

Аммо кейинги йили хуннулар қайта юришлар қилишиб, оз бўлса ҳам муваффақиятга эришиб турдилар. Хитой кўшинларининг муваффақиятсиз бир юришидан сўнг саёҳатчи Чжан Цянь гуноҳкор деб топилиб, ўлим жазосига маҳкум этилган. Бироқ тирик қолдирилиб, барча мансабларидан маҳрум қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, эрамиздан аввалги 124 — 123 йиллардан тортиб хуннулар билан хитойлар ўртасида оловланган уруш алангаси хуннулар мамлакати (ҳозирги мўғул ерлари)га кўчган.

Хитойга қочган бек

Эрамиздан аввалги 121 йили хуннуларнинг ғарб томонидаги юртларда ҳукмронлик қилишган. Икки бек юриш пайтида енгилишиб, ўн минглаб одамлари ўлиб ёки тутқун қилиб олиб кетилди. Ичисе-шануй бундан қаҳри келиб, уларни жазолаш учун чақирди. Бу икки бек ҳукмларини ўтказган Ганьсунинг дала-кирларида эдилар. Жазодан қочган беклар Хань сулоласи томонига ўтиб кетишга аҳд қилдилар. Бироқ икки бекнинг бири Сучу аҳдидан қайтади. Ушанда Сучуни иккинчи бек Хуньё ўлдириб, унинг катта ўғлини асир қилиб Хитойликлар томонига ўтиб кета-

ди. Ўз жонларини сақламоқчи бўлиб ёки ўз ихтиёрлари билан Хань империяси томонига оғиб кетган хунну беклари ва лашкарбошилари кейинчалик ҳам ўз халқининг сиёсий тарихида қайғули из қолдирдилар. Сучунинг катта ўғли Цинь Миди эса отбоқар қул бўлиб юриб, У-диннинг ишончини қозонган ва унинг ўрда хизматиغا олинган. У-диннинг топшириғи бўйича у бошқа ишончли кишилар билан бирга императорнинг балоғат ёшидаги шахзодаси Чжаоди хизматини қилиб, унинг девони (канцелярияси)ни бошқарган. Ўз эл-юрти учун эмас, балки хитой империяси хизматида бўлган бундай одамлар кўпая бошлаган.

Шунингдек, ихтиёрий равишда ёки махсус топшириқ билан хуннулар яшаган ҳудудларга ўтиб дехқончилик қилган ва хуннулар эътиборини қозонган хитойликлар ҳам бўлган.

Қўш ҳужум Эрамиздан аввалги 119 йили У-ди 100 минг отлиқ аскар ва 140 минг от тайёрлатиб икки кўшинни хуннуларнинг ички ҳудудларига жўнатди. Бир лашкарини Вэй Цинь бошқариб, Гоби чўлининг шимолига етиб келди. Ўрдасини шимолга кўчириб улгурган Ичисе-шануй ўз лашкари билан кечгача хитойликларга қарши жон олиб, жон бериб жанг қилди. Чўлнинг кум-тўзонли кечки шамоли хуннуларнинг ўқ-ёй билан жанг қилишига ҳалақит берди. Жанг қилич ва найза билан давом этди. Хуннулар қоронғи тушиб чекингани билан бу қонли жангда уларнинг 19 минг аскарини нобуд бўлган. Вэй Циннинг бу ғалабаси ҳам қимматга тушди. У 100 минг чавандозидан айрилиб ҳужумни давом эттира олмай қолди. Бу унинг ватани учун жуда оғир жудолик эди.

Хитойнинг иккинчи лашкарини Хо Цуй-бин деган лашкарбоши бошқариб, хуннуларнинг шарқ қанотидаги чжуки-бегини тор-мор қилиб, 70 мингча одамни асир олди. Бу ҳужум натижасида хитойлар хуннуларни Иньшандан Халха (Шимолий Мўғулистон) томонга суриб ташладилар.

Хуннулар билан жангларда сарбозидан ажраган хитойлар ҳужумини давом эттира олмай, Гоби чўлларини эгаллаганларича қолдилар. Энди улар кўшинларини жанубга — Шимолий Вьетнамга, жануби-ғарбга — тибет қабилаларига, шимоли-шарққа — корейсларнинг Чосан мамлакатига қарши йўллаб хуннуларнинг куч тўплаши учун қулай шароит яратиб бердилар.

Чжан Цяннинг сўнги элчилиги Хитой императори У-ди аввалги мартабали лавозимларидан маҳрум қилинган Чжан Цянни барибир ҳузурга чақириб, ғарб ўлкалари тўғрисида сўраб-суриштириб турарди, деб ёзишади Сима Цянь ва Бань Гу исмли тарихчилар. Чжан Цянь мана шундай суҳбатларнинг бирида усунлар ҳақида гапириб, бир вақтлар хуннуларга қарам бўлган бу элни хуннуларга қарши хитой билан ҳарбий иттифокка чақиритиш маслаҳат беради. «Агарда бу иш ўнгидан келса, хуннулар ўзларининг ўнг қўлидан ажраган бўлардилар.

Бунинг устига, усунларнинг ғарбдаги давлатлар, хусусан, Дася (Бактрия) ўлкаси империянинг ташқи фуқароларидан бўлар эди», — деган Чжан Цянь.

Бу маслаҳатни маъқул кўрган У-ди уни 300 кишилик аскар, совғасаломлар юклаган кўплаб аравалар билан сафарга жўнатди. Чжан Цянь усунларнинг бош шахри Чигу (Иссиқкўл) гача етиб, ундан ғарбдаги ўлкалар — Парфия ва Ҳиндистонга ўзининг ишончли вакилларини жўнатган. Усунлар билан хуннуларга қарши иттифок тузишни маъқуллашиб, эрамиздан аввалги 115 йили Чжан Цянь Хитойга қайтиб келган ва бир йилдан сўнг вафот этган.

Аср ҳулосаси Эрамиздан аввалги II аср хунну этносининг бутун Ўрта Осиё ва унга чегарадош бўлган кенг худудларни бошқаришидаги ёрқин тарих саҳифаларининг гувоҳи бўлди. Бу асрнинг дастлабки олтмиш йили кўчманчилар цивилизациясининг марказига айланган хунну империясига ҳатто Хитойнинг донг таратган Хань сулоласи ҳам бўйсуниб, мажбурий турда ҳар хил солиқларни жўнатиб турган. Кўчманчилар давлатчилигининг асослари ўсиб ривожланган.

Хунну империяси гуллаб-яшнаб турган чоғларда хуннулар каби қирғиз, динлин, усун сингари қабилалар ҳам бу давлат тасарруфида бўлиб, уларнинг сиёсий бошқариш тажрибасини ўрганишган. Уларнинг ўзаро тил, диний, этно-маданий алоқалари ривожланиб, кейинги бутун тарихий ўхшашликлари учун кенг йўл очилган.

Аммо жуда кенг минтақаларни босиб олиши, маҳаллий беқлар мустақиллигининг кучайиши, усунлар сингари олдинги иттифокчиларининг юз ўгириши, тинимсиз уруш ҳаракатлари, ҳукмдорларнинг ички низолари мустаҳкам Хунну империясининг келажагига тесқари таъсир қилди.

Хитойда давлат тепасига ислоҳотчиларнинг келиши, У-дининг ички иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ўзгаришларга таяниб ҳарбий ислоҳотлар юртиши хуннулар учун ташқи хавфни туғдирган. Шунингдек, шу асрнинг охириги чорағида уруш ҳаракатлари хуннулар маконига кўчган.

Хуннулар мамлакат бутунлигини сақлаб қолиш учун курашишига ҳам ҳалақит берди.

Шу билан бирга эрамиздан аввалги II аср кўчманчилар цивилизациясининг ўтrockлашган халқлар билан тигиз алоқасининг, хуннуларнинг ва Хунну империясининг қарамоғига кирган халқлар маданий ривожининг ҳам гувоҳи бўлди.

Хуннулар: хўжалиги, давлат тuzилиши

Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. 1. -М., Л., 1950. 39-40, 46-50- бетлар.

Хукмдор (подшоҳ)лар Тхан билан Юйнинг юрт бошқарган даврларгачаёқ¹ Шань-жун, Хяньюнь ва Хуньюй² авлод (қабила)лари бор эдилар. Улар Хитойнинг шимолӣй чегараларида макон куриб, чорва моллари билан яйловдан-яйловга кўчиб юрганлар. Уй ҳайвонларидан йилқини, йирик ва майда шохли чорва (сигир, хўкиз, кўй-эчки)ларни кўплаб боқишган; туя, эшак ва наслдор от (бия)ларни ҳам кўпайтиришган. Яйлов, қўниш ва мол боқиш учун ўтлоқлар ҳамда суви (ичиш учун ва ҳайвон сугоришга) мавжудлигига қараб, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришган. Шаҳарлари ҳам, ўтлоқлашган кишлоқлари ҳам йўк, деҳқончилик қилишмайди; бироқ ҳар бирининг ўзига яраша ер майдони бор, ёзуви йўк, қонунлари эса оғзаки эълон қилинади. Бола кўй боқишга ярагандан сўнг кўп ўтмай чумчук, турли паррандалар билан майда ёввойи ҳайвонларга ўк-ёй ота бошлайди; бироз каттайгач эса гулки ва қуён овлаб, озик-овқат ғамлашга тушади. Камонни яхши ота бошлаганларнинг ҳаммаси қурол-яроғли, от-уловли кўшинга қабул қилинади. Бўш вақтларда эски одатга биноан чорва ортидан юриб овчилик қилишади, гўшт билан озикланишади; керакли пайтда хужумга ўтиш учун ҳарбий машқлар билан банд бўлишади. Уларнинг туғма хусусиятларининг моҳияти ана шундай. Уларнинг ўк-ёйи банд ва узун, қилич билан найзаси қисқароқ эди... Бошқарувчиси бош бўлган ҳолда боқаётган ҳайвон гўштидан ейишади, мол ва овланган ҳайвонлар терисидан, жундан тикилган кийимлар кийишади... Отаси ўлса, фарзанди ўғай онасига уйланаверади; акалари вафот этса, укалари янгаларига уйланаверади...

Ўша даврда дунху авлоди қудратли эди. Юэчжи (йуэчжи) авлоди гуллаб-яшнаган эди. Хуннулар шануйиннинг исми Туман бўлган. ... Шануйиннинг Модэ исми (Мао-дунь) меросхўри бор эди; кейин унинг кичик хотинидан ўғил туғилади. Шануй катта ўғлини (ўрдадан) четлатиб, тахтга кичигини ўтқазмоқчи бўлган: шу сабабдан Модэни йуэчжиларга гаровга юборган. Модэ йуэчжиларга қелиши билан Туман тез орада йуэчжиларга хужум қилади. Йуэчжилар Модэни ўлдирмоқчи бўладилар, бироқ Модэ уларнинг учқур отини ўғирлаб миниб уйига қочиб келади. Туман уни эр-йигит ҳисоблаб, унга 10 миң отлик аскарни бўлиб беради. Модэ чийилловчи ўк ясаб, ўз аскарларини от устида машқ қилдиради ва шундай буйруқ беради: кимда-ким чийилловчи ўк учган

¹Тхан — дастлабки Яо исми хукмдор, эраמידан аввалги 2357 йили тахтга ўтирган. Юй — дастлабки хитой Шунр исми хукмдор, эраמידан аввалги 2255 йили тахтга ўтирган.

²Қадимий хитой маббаларида хуннулар хунрой, Хяньюнь, хунну деган номлар билан маълум бўлганлар.

томонга қараб отмаса, ҳаммасининг боши олинади; Модэ ўзининг учкур отига чийилловчи ўқ узади. Айрим жангчилар отга ўқ отишга ботинолмагани учун бошлари танасидан жудо қилинади. Орадан бироз вақт ўтгач, Модэ ўзининг ўта суюкли хотинини чийилловчи ўқ билан ўлдиреди. Баъзи аскарлар бунга журъат қилолмаганидан бошлари олинади.

Яна орадан бироз фурсат ўтгач, Модэ ов пайтида шануйнинг отини нишонга олиб ўқ узади. Бошқа аскарлар ҳам унинг ҳаракатини такрорлайдилар ва отга қараб ўқ отадилар. Энди Модэ аскарларини хоҳлаган йўриққа солишга кўзи етди. Ов пайтида ўз отаси Туман-шануйнинг ортидан эргашиб юриб, қулай фурсат топиб унга чийилловчи ўқ узиб юборади, аскарлар ҳам Туман-шануйни нишонга олиб отишади.

Шундай қилиб, Модэ ўз отаси Туманни ўлдириб, ўғай онаси, кичик укаси ва унга бўйсунмаган бошқа оқсуякларни ўлимга маҳкум қилади ва ўзини шануй деб эълон қилади.¹ Унинг 300 мингдан ортиқ аскарлари бор эди.

...Модэнинг замонида хуннулар ўта кучайган эдилар: шимолдаги барча кўчманчи қабилаларни бўйсундириб, жанубда у хитой ҳукмдорига тенг ота бўлади; шу сабабдан меросга қолувчи давлат лавозимларини ҳам қуйидагича таърифлаш мумкин: 1) Ғарб ва Шарқ Чжуки-ван (Хян-ван); 2) Шарқ ва Ғарб Лули-ван; 3) Шарқ ва Ғарбнинг улуғ йўлбошчиси (Дагян); 4) Шарқ ва Ғарбнинг улуғ Дуююу (Да-дуюй); 5) Шарқ ва Ғарбнинг улуғ Данхуси; 6) Шарқ ва Ғарбнинг Гуду-хэуси.

Хуннулар донишмандни Чжуки деб аташади; шу сабабли тахт меросхўри доим Шарқнинг Чжуки-вани бўлади. Шарқ ва Ғарб Чжуки-ванларидан бошлаб Данхугача энг юқори лавозим эгаларининг 10 мингдан, ундан куйирокларининг эса бир неча мингдан отлик аскарлари бор. Барчаси 24 оқсуяк зодагонлар, улар барча туманбоши (Ван-ки) деб аталадилар. . . Хуянь, Лань ва кейинчароқ (юйбу авлоди (қабила-уруғ) учаласи ҳам баб-баробар атокли авлодлар ... 24 оқсуяк зодагоннинг ҳар бири иш юритиш учун ўз мингбошилари, юзбошилари, ўнбошилари тайинлайди... Уларнинг қонуни: кимда-ким ўткир қурол-яроғ ва темир чўқморни ўғирласа, ўлим жазосига тортилади; ўғирлик учун ойласи талон-тороғ қилинади; енгил-елпи жиноят учун бети тилинади, оғир жиноят учун эса — ўлим.

... Кейинчароқ² шимолда улар хуньюй, кюеше, динмин, гэгун (киргиз) ва цайлиларнинг ерларини ўзларига бўйсундириб олишган; шу сабабдан (уларнинг) оқсуяк зодагонлари билан йўлбошчилари Модэ-шануйга тобе бўлиб, уни донишманд (хянь) деб (ҳокимиятини) тан олишган.

¹Бу воқеа эрамитдан аввалги 209 йили бўлган эди.

²Бу воқеа эрамитдан аввалги 203-201 йили бўлган эди.

Аттила (Адил)



15. Аттила (Адил) (?-453 йил).

денгизидан тортиб шарқда Каспий

Бу юртбошилар илк бор тарихий йилномаларда Шарқий Рим империясининг бошқарувчиси билан Маргус шаҳри (ҳозирги Позаревак) да тинчлик шартномасига кўл қўйиш билан боғлиқ воқеа орқали ёдга олинади. Ўша шартномага мувофиқ римликлар гуннларга тўлайдиган солиқни икки баробар кўпайтириши, унинг миқдори бундан кейин йилига юз фунт олтинни ташкил қилиши керак эди.

Аттиланинг 435 — 439 йиллардаги ҳаёти тўғрисида ҳеч нарса айтилмаган... 441 йили римликлар империянинг Осиё қисмида урушаётганлигидан фойдаланиб, у оз сонли рим аскарларини тормор қилиб, Рим империясининг

Аттила: Соловьев. Сокровища Аттилы: Исторический роман. Комментарий В. М. Мартова: -М.: «Армада», 1997.

Вступительная статья, перевод из энциклопедии «Британика». (Издательство Вильяма Бентона. 1968, т. 2.), Мартов В. М.

Аттила (?-453) гуннлар (хуннуларнинг Европага етган қисми) -434 йилдан бошлаб 453 йилгача йўлбошчиси, бир вақтда Рим империясига ҳужум қилган ваҳший (япон) қабилаларининг донғи чиққан бошқарувчиларидан бири. Ғарбий Европада уни «Худонинг қаҳри» деб аташган. Аттила илк жангларини ўзининг бир туғишган укаси Бледа билан бирга қилган. Тарихчиларнинг фикрича, оға-иниларга уларнинг акаси Ругила ўлгач, мерос қолган гуннлар империяси ғарбда Альп тоғлари ва Болтик денгизи (гуннлар денгизи) гача чўзилган.



16. Рим Папаси Лев III гуннларнинг йўлбошчиси Аттиллани Рим дарвозаси олдидан тантанали кутиб олмақда



17. Хуннулар (гуннар) Европада
V—VI асрлар

Дунай бўйлаб ўтувчи чегарасини бузиб ўтади ва Рим ҳудудларига ҳужум қилади. Атила кўплаб шаҳарлар: Виминациум (Костолак), Маргус, Сингидунум (Белград), Сирмиум (Метровика) ва бошқаларни босиб олади ва аҳолисини бутунлай кириб ташлайди. Узоқ музокаралардан сўнг римликлар 442 йили вақтинча тинчлик шартномасини туза олишган ва ўз аскарларини империянинг бошқа чегарасига жўнатган. Бирок 433 йили Атила қайтадан Шарқий Рим империясига ҳужум қилади. Дастлаб у Дунайдаги Ратирий (Арчар)ни босиб олиб қирғин келтиради ва сўнг Наис (Ниш) билан Сердике (София)ни кўзлаб бориб уларни ҳам ўзига бўйсундиради. Атиланing мақсади Константинополни эгаллаш

эди. Бирок гуннар мустаҳкам деворлар билан ўралган бу шаҳарни босиб ололмаганлар...

... 445 йили у бир туғишган укаси Бледани ўлдириб, шундан сўнг гуннарни ёлғиз ўзи бошқаради.

447 йили Атила Рим империясининг шарқий ҳудудларига иккинчи марта ҳужум уюштиради...



18. Хуннулар (гуннар) Дакияда. V аср.

Аттиланинг кейинги юриши 451 йили Галлияга хужум қилиш билан давом этди... Ҳал қилувчи жанг Каталаут майдонида бўлди...

Қаттиқ олишувдан сўнг Аттила чекиниб, кўп ўтмай Галлияни ташлаб чиқади. Бу унинг яккаю-ягона мағлубияти эди.

452 йили гуннлар Италияга хужум қилиб, Аквилей Патавнум (Падуя), Верона, Бриксия (Брешиа), Бергамум (Бергамо) ва Медиоланум (Милан) шаҳарларини вайрон қиладилар... Бироқ ўша йили Италияда кучайган очарчилик ва вабо гуннларни мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур қилди.

453 йили Аттила Шарқий Рим империясига қайтадан хужум қилишга тайёргарлик кўра бошлайди. Чунки (империянинг) янги ҳукмдори Марциан солиқ тўлашдан бош тортган эди... Бироқ Ильдико исмли киз билан никоҳ тўйи бўлган тунда йўлбошчи уйку пайтида вафот этади. Унинг қабрини ҳеч ким топа олмаслиги учун уни дафн қилганлар ва бойлигини муҳофаза этаётганларни гуннлар ўлдиришади. Аттиланинг кўп сонли ўғиллари унинг меросхўрлари бўлиб қоладилар ва у тузган гуннлар империясини ўзаро бўлиб оладилар.

449 йили Аттилани шахсан кўрган Приск. Панийлик (римлик элчилар билан бирга борган тарихчи) уни калта бўйли, кенг елкали, боши қатта, ўткир кўзли, бурни дердайган, суюқ соқолли, танаси бакувват киши сифатида тасвирлайди. У аччиғи тез, жуда ўжар ва ўта ўткир киши бўлган эди.

Саволлар ва топшириқлар:

- 1. Модэ-шануэй қайси хитой императори билан уруш қилди?*
- 2. Байдэн пистирмасининг натижаси нима бўлди?*
- 3. Эрамиздан аввалги 198 йилдаги Хунну — Хитой сулҳининг қандай ўзгачалиги бор?*
- 4. Йузэжилар (тоҳарлар) ҳақида нимани биласиз?*
- 5. Чжан Цяннинг элчилиги ва саёҳати ҳақида нима биласиз?*
- 6. Чжан Цянь саёҳатининг йўналиши қандай бўлган?*
- 7. Уруш майдони хуннулар маконига қачон кўчган?*
- 8. Хуннулар Шимолий Хитойдан қачон ажраган?*
- 9. Чжан Цянь усунлар юртига нима учун қайта сафар қилган?*
- 10. Эрамиздан аввалги II аср хуннулар тарихи учун қандай натижалар берди?*

ЭРАМИЗДАН АВВАЛГИ I — ЭРАМИЗНИНГ V АСРЛАР ОРАЛИҒИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ АЖДОДЛАРИМИЗ

7-§ Қадимги қирғизлар. «Қирғиз» этнонимининг маъноси

Қирғизларнинг келиб чиқиши Қирғизларнинг тарихи тўғрисида академик В. В. Бартольд куйидагиларни ёзади: «Қирғизлар Ўрта Осиёнинг энг қадимги халқларидан бўлиб ҳисобланади. Ўрта Осиёда яшаётган халқлар ичида, номи тарихда бунчалар эрта ёдга олинган бирорта бошқа халқ йўқ кўринади».

Қирғизларнинг келиб чиқиши тўғрисида сўз кетганда уларнинг турк халқларининг бир бугоғи эканлиги хусусида, умуман, шубҳа йўқ. Айрим европалик олимларнинг хитой манбаларидаги қирғизларнинг ташқи кўриниши тўғрисидаги узил-кесил хабарига асосланиб, қирғизларни турклашиб кетган халқларининг авлодлари катори тахмин қилингани ҳам маълум.

Лекин бугунги ҳинд европа тиллари туркумида сўзлашган халқлар ҳам ҳар хил ирққа мансуб бўлиб кетгани каби туркий халқларнинг аждодлари ҳам эраמידан аввалги 2 минг йилликда европоид ва монголоид ирқларидаги эл ва элатларнинг ўзаро жипслашуви шароитида яшаганлар. Демак, қадимги турк тилларининг бирида сўзлашган қирғизлар эраמידан аввалги 2 минг йилликдаёқ бу икки ирқнинг ўзаро яқинлашуви белгиларини ўзида мужассамлаштирган халқ бўлган.

«Қирғиз» номи Қирғизларнинг ўзига берилган ном — «қирғиз» сўзи турк тиллари асосидагина тахлилий маънога эга бўлади.

«Қирғиз» сўзининг келиб чиқишини аниқлашда унинг ҳар хил вариантлари бор эканлигини эсга олиш керак. Халқ этимологияси даражаси ва илмий этимология бир-биридан кескин фарқ қилади. Агар халқ этимологияси турли ривоятлар, эртаклар, сўз маъносининг тахминий яқинлаштирилишига асосланса, илмий этимология тилнинг қадимий талаффузига таянган ҳолда тарихий ҳақиқатни аниқлаш ҳаракати билан фарқланади. Ўз халқининг тарихини чуқур ўрганишга қиришган киши бу икки жиҳатни баб-баробар ёдда тутиши керак.



19. В. В. Бартольд.

*Халқ
этимологияси*

Қадим замонлардан қолган халқ этимологиясининг бир тури — «қирғиз» этнонимидан «қирқ» сонининг маъносини ажрата билиш билан фарқланади. Айримлар «қирқ гуз» (қирқ ўғуз қабиласи), бошқа бировлар — «қирқ жуз» (қозокларнинг «жуз» қабила бирлашмаси каби бирлашмаларнинг қирқтаси), яна баъзилар эса «қирқ киз» сўзидан келиб чиққан, деб тахмин қилишади.

Шу каби халқ ривоятларининг энг қадимгиларидан бири XVI асрда «Тарихлар йиғиндис» деган маънони англатган «Мажмуат-таворих» номли форс тилида ёзилган фарғоналик Сайфиддин Ахсикентий исмли алломанинг аса-рида ёритилган. Ўзган тоғларида яшаган ўғуз қабилаларига машҳур Санжар султон ҳужум қилган эмиш. Бу султон ҳам бошқа бир ўғузларнинг ҳукмдори бўлган. Ўша жангда қирқ ўғузгина тирик қолиб, Хўжанд ёнидаги тоғлардан бошпана топган. Ўша қирқ ўғуздан («қирқ гуз») кейинчароқ қирғизлар келиб чиққан, деб ҳисоблаган ахсилик аллома Сайфиддин.

Шунингдек, машҳур туркман хони ва тарихчиси Абулғози Баҳодирхон (XVII аср) ўзининг «Турк шажараси» — «Шажараи турк» деган китобида қирғизларни Ўғузхоннинг Қирғиз исмли неварасининг авлодлари сифатида баён қилади. Бу тушунча ҳам қирғизларни ўғуз қабилаларининг бир бўлаги қаторида ҳисоблаган халқ афсоналари билан боғлиқдир. Осмонаали Сидик ўғли (1875 — 1940), Талип мўлда Байболот ўғли (1849 — 1949) каби қатор қирғиз шажарачилари ҳам афсонавий Ўғузхонни қирғизларнинг қадимги бобокалони қатори билишган.

«Қирқ киз» билан қирғизларнинг аجدодларини боғлаган афсоналарнинг бири қуйидагича талкин қилинади. Қадим-қадим замонда бир подшо бўлган экан. Унинг қизи ва қизининг қирқ канизи — унинг атрофида доим парвона бўладиган чўри қизлари бўлган экан. Подшо ўз қизини ҳеч кимга кўрсатмай вояга етказибди. Қўнларнинг бирида сайр қилиб юрган қизлар дарё ёқасига (бошқа вариантда кўл бўйига) боришибди. У ерда сувдаги кўпикни кўришибди. Кўпикка маҳлиё қизлар сув сочиб ўйнаб, кўнгил очишибди. Кейинчароқ ўша кўпик сочиб ўйнаган қизлар ҳомиладор бўлибдилар. Бундан қаҳрланган подшо уларни хилват тоғ қўйнига олиб бориб ташлатибди. Эмишки, ўша қирқ қиздан туғилган болаларнинг авлодлари кейин қирғиз халқини ташкил қилган.



20. Қадимги кийимдаги қирғиз
(Реконструкция)

Хитой устидан мўғуллар хукмронлик қилган даврда ёритилган «Юань сулоласининг тарихи» — «Юань ши» деган хитой тилида ёзилган асарда ҳам қирқ қиз хусусида сўз кетади. Хитойлик қирқ қиз қадим замонларда Ус юртига (Ўғузлар орасига?) — шимол томонга бориб қолган эканлар. Уларнинг Ус водийси халқидан чиққан йигитлар билан бўлган никоҳидан туғилган авлодлар — қирғизлар эмиш. («Ус» топонимини хитойлик қирғиз тарихчиси Анвар Бойтур «Ўғуз» деб тушунтиришга ҳаракат қилади).

Бу афсонани ёзган хитой тарихчиси: ки-ли-ки-ци (қирғиз) — бу халқ тилида «қирқ қиз» деган маънони билдиради, — деб ўз тахминини мустаҳкамлашга интилган ва «қирғиз» этнонимининг ўзида ҳам «қирқ қиз» тушунчаси ифода-ланган, деб ҳисоблаган.

Шунингдек, хитой манбаларида қадимги қирғизлар «бўридан тарқалган» деган афсона ҳам бор. Яна таққослаб кўрсак, қайсидир қирғиз қабиласи ўз келиб чиқишини она бугу билан боғласа, бошқаси — буғулар наслидаги жуфт туюқли хайвон — бағиш билан, баъзилари илвирс билан ҳамда бошқа тотемик (сиғинувчи) жониворлар билан боғлаганлар. Усунлар ва олтойлик туркларнинг, кейинчароқ мўғулларнинг афсоналарида ҳам ўз хукмдорларини кўк бўри билан боғлаб (унинг сутини ичган ёки ундан туғилган деб) баён қилишгани маълум.

Хитойлик қирғиз шажарачиси Усайин ҳожи (1916 йилда туғилган) Қирғиз қадимги Ўғузхоннинг кичик хотинидан туғилган Денгизхоннинг авлоди бўлади, деган шажарали ривоятни ёдга олади. Лекин унинг фикрига қараганда «қирғиз» сўзи «қир гез» («қир киши») деган сўзларнинг ўзгаришидан пайдо бўлган эмиш. Қадимги туркларнинг Қалачхон исмли подшоси бўлган экан (аслида бундай хон йўк, бироқ қалач, халач номли туркий халқ бўлган - *муаллифлар*). Қалачхоннинг боласи каттайганда чечак билан оғриб, юзи чўтир бўлиб қолибди. Бундан хафа бўлган Қалачхон ўғли билан қирқ қизини одам оёғи етмаган тоғ қўйнига олиб бориб: «қир кез» («қирни кезиб тириклик қил»), деб ташлаб келибди. Тоғни макон қилган одамлар (қирқ қиз билан Қалачхоннинг ўғли)дан кейинчароқ қирғиз халқи пайдо бўлган эмиш.

Анвар Бойтур ёзиб қолдирган хитойлик қирғизларнинг шажараларидан бирида Қорахоннинг ўғли Ўғузхоннинг йигирма тўрт набираси бўлган, дейилади. Улар бир кўк бўрини ўлдирмоқчи бўладилар. Кўк бўри Тангрига ёлвориб, кучли ёмғир, сел ёғдиради. Йигирма тўрт ўғузнинг энг кенжаси баланд тоққа қочиб омон қолади. Бу «қир ўғуз»дан кейинчароқ қирғизлар тарқалган эмиш.

Айрим қирғиз қабилалари исломга даъват қилинаётган давр (X — XV асрлар)да қирғизларнинг келиб чиқиши хусусидаги афсоналар ислом динининг тарғиботчилари билан ҳам боғланади. Масалан, «Мажмуат-таворих»

деб юкорида номи аталган XVI асрга мансуб асарда исломдаги сўфизм оқимининг асосчиларидан бири Шайх Мансур ал-Халлож (ўзини «Анал-Ҳақ» — «Мен-ҳақ!»),

«Мен — Худо!» деб эълон қилган сўфий (858 — 922 йилларда яшаган) қирғизларнинг Хўжанддаги қисми сардорларининг отаси сифатида баён қилинган. Қирғизларнинг Лурхон ва Лурбузрук (Азхон ва Аз-бузрук) деган йўлбошчилари ҳам ўша Анал-Ҳақ (Шайх Мансур) деган одамнинг ўғиллари эмиш. Қирғиз шажараларида Анал — Ҳақ сўзи Аналак деб, «Шайх Мансур» исми «Шомансур», Самансур деб ўзгартиб қўлланилган вақтлар кўп бўлган.

Тарихчи Анвар Мокеев XIX асрда фанга маълум қилган «Шажараи насабномаи илатийя» — «Элатларнинг келиб чиқиши ўрни (ва) шажараси» номли муаллифи номаълум қирғизча асарда Анал — Ҳақнинг тўлиқ исми Шайх Мансур Халлож деб ёзилган.

Абдикерим Сидиқ ўғли (1889 — 1938) ёзиб қолдирган шажара вариантида Шомансур деган такводор киши ва унинг синглиси Анал тўғрисида ҳикоя қилинади. Қуёнларнинг бирида Шомансур бир ёққа кетиб қолган Аналнинг ортидан эргашиб, бир горга келади. Бу ерда базм қуриб ўтирган ёшлар алдаб-сулдаб Шомансурга ҳам шароб ичиришади. У кайф ҳолатда: «Анал-Ҳақ, мен — Ҳақ», — деб айта бошлайди, Яъни «Анал ҳам Ҳақ, мен ҳам Ҳақ», — дейди. Буни эшитган мулалар: «Бу ўзини Худога (Ҳақ — Оллоҳнинг исмларидан бири) тенглаштиряпти», — деб хонга арзланишибди. Бу шажарада биров хатолик бор: «Анал-Ҳақ» деган арабча ибора «Мен — Ҳақ» деб таржима қилинади, бироқ ундаги «Анал» қисми кизнинг исми сифатида айрим шажараларда чалкаштириб айтилади. Анал билан Шомансурни хон ўлимга маҳкум этгач, жасадларини куйдириб қулни сувга оқизишибди. Сув хон саройининг ховузига қуйиларкан. У ерда чўмилаётган қирқ қиз сув кўлигидан ҳомиладор бўлибди. Ўша қизларнинг ўттиздан қирғизларнинг ўттиз ўғил (ўнг қанот) ва ўнидан-ўн ўғил (сўл қанот) қисмлари пайдо бўлган эмиш.

Умуман, мусулмонлик даври қирғиз шажаралари одамзод барчасининг аجدодлари Одам ато ва Момо ҳавога бориб тақалади, деб тушунча беради. Одаматонинг наслидан бўлган Нух пайғамбар (Инжилда — Ной)дир. Сув тўфонидан сўнг Нух алайҳиссалом ўзи саклаб қолган яқинлари, жониворлар ҳаётларини давом эттираверишади, дейилади ривоятда. Нухнинг уч ўғли — Ҳам, Сам (Сим), Ўафас (Ўафат) бўлган экан. Ўафаснинг ўғилларидан бири Турк бўлган, дейилади туркий халқларнинг мусулмон шажарасида. Қирғиз шажарачилари ҳам ўша Турк Ўафас ўғлининг авлодларидан бири қирғиз бўлган, бинобарин, қирғизнинг аждоди ҳам бошқа халқлар каби Одаматого бориб тақалади, деб ҳисоблашган.

Худди шундай тахмин орқали мусулмон қирғиз шажарачилари Қирғиз ота энг қадимги даврларда яшаган, деган хулосага келишган. Масалан, Осмонаали Сидик ўглининг фикрига қараганда, «Қирғиз дунёга Муҳаммаддан — ундан Оллоҳ рози бўлсин! — 3400 йил аввал келган. Ҳозир 4700 йил чамаси бўлди», — деган хулоса тўғрига ўхшайди. Шунингдек, Талип молдо Бойболот ўгли: «Бундан 4800 йил чамаси илгари номи оламга машхур бўлган Ўғузхоннинг бир набирасининг исми Қирғиз деган киши бўлган, — деб шажарасига ёзади.

Тоғолок Молдо (Абдиракман Байимбет ўгли; 1860 — 1942) ёзган шажарада Нух пайғамбарнинг учинчи фарзанди Жапис (Йафас)нинг ўгли — Турк. Унинг саккизинчи авлодидан — Ўғузхон. Унинг ўғилларидан бири — Қирғиз. Турк отанинг тўққизинчи авлодидан бўлган. Қирғиздан тарқалган халқ «бундан 2700 йил аввал чамасидан бери тайиндир», деб баён қилинади.

Машхур қирғиз тарихчиларидан бири Белек Сўлтўноев (1878 — 1938) «қирғизлар хижрий (мусулмонлар йил ҳисоби) дан 3400 йил аввал чиққан Ўғузхоннинг набирасидан тарқалгани назарда тутилса, улар энг қадимги миллат эканлигига шубҳа йўқ», деб ёзиш билан бирга 3400 деган ҳисобга ўзининг гумони, шубҳаси борлигини ҳам таъкидлаган.

Хулоса қилиб айтганда, «қирғиз» сўзининг ва қирғизларнинг келиб чиқиши хусусида халқ этимологияси, турли афсона ва ривоятлар, эртақларни билиб, ўрганиб бориш фойдалидир. Бу афсоналар ота-боболаримиз доим ўз тарихига қизиқиб яшаганлигидан далолатдир. Улар шажаралар орқали ўз уруғи, қабиласинигина келиб чиқишини ўрганмасдан, балки қирғизларнинг, туркий халқларнинг ва умуман одамзоднинг пайдо бўлиши тарихи хусусида ҳам фикр юритиб келганлар. Демак, дунё тарихини, шу жумладан, қирғизлар тарихини улар оғзаки ва ёзма шажаралар орқали ёритганлар.

Бирок бу халқ этимологияси билангина «қирғиз» сўзининг келиб чиқиши тўғрисидаги масалани чеклаб қўя олмаймиз.

Илмий этимология ҳаракатлари «Қирғиз» этноними илмий этимологиясининг ўзгачалиги — қирғизларнинг тахминий аجدодлари хусусидаги афсоналарга таянмай, тўғридан-тўғри «қирғиз» атамасини турли қисмлар (компонентлар)га ажратиб тушунтирилишидадир. Бу фаразнинг ишончлилиги унинг илмий асоси лингвистик (тил илмига оид), ономастик (тилшуносликнинг атоқли огларни ўрганадиган бўлими) ўзагининг тўғри ёки нотўғри тахлишига боғлиқдир.

XIX асрда бурят олими Доржи Банзаров (1822 — 1855) «қирғиз» этноними «қирк» сонидан ва кўплик сонни ифодаловчи «из» қўшимчасидан иборатдир, деган фаразни ёзган.

Шунингдек, академик Василий Васильевич Радлов: (1837 — 1918) ўз аса-

рида «киргиз» этноними «кирк» ва «йус» («жуз») сонларидан тузилган, деган фикрни билдиради. Ўзбекларнинг кўчманчи қабилаларидан бири бўлган қирқмен-йуз қабиласи икки бутокдан — қирқ уруғи билан йуз уруғидан иборат эканлиги, Олтойдаги турк қабилаларининг ичида ҳам йуз қабиласи бор эканлиги, қозоқларнинг уч ўрдаси мустақил Катта, Ўрта, Кичик жузларга бўлинганлигини В. В. Радлов эслатади.

Бошқирд шарқшуноси, профессор Аҳмад Зеки Велиди Тўғон «киргиз» этнонимининг қадимги шакли «қирқир» ёки «қиркер» бўлса керак, деб тахмин қилади.

Қорақалпоқ этнографи ва адабиётчиси Давлен Айтмуратов эса бир йўла икки вариантни таклиф қилади: биринчидан, у «киргиз» сўзининг шакли «қира-ғиз» — қора халқ», «қора сочли халқ» деган энг қадимги тушунчалардан келиб чиққан бўлса керак, деб фараз қилса, иккинчи вариантда «ғиз» деган охириги бўғинни форс тилидаги «гес» — «ўрилган соч» деб ўтириб, «киргиз» — бу «қора» ва «гес» сўзларидан қўшилган, «ўрилган қора соч» деган маънони билдиради, деб тахмин қилади. Албатта, бу тахмин ҳам ўзининг ясамалиги билан фарқланади.

Тарихчи Константин Иванович Петров (1920 — 1988) «киргиз» этнонимини қадимги туркларнинг «қирғи-қирғи» (яъни «қизил») деган сўзига кўплик сонни ифодаловчи «из» қўшимчасининг қўшилишидан келиб чиққан, деб фараз қилади.

К.И. Петров таклиф қилган «из» қўшимчаси амалда кўплик сонни эмас, жуфтлик сонни (масалан, «эгиз» сўзида) аниқлатган, деб уни туркшунос Николай Александрович Баскаков танқид қилади. Бироқ К.И. Петровнинг «қирғи-қирғи» сўзи «қизил» рангини билдирган, деган фикрини Н.А.Баскаков қўллаб-қувватлайди. «Бунда ранг орқали дунёнинг тўрт томонидан бири англаниши мумкин», деган фаразга бориб, Н. А. Баскаков «киргиз» этнонимини «қирғи» «ўғуз» — қизил ўғузлар, яъни жанубий ўғузлар (ёки ғарбий ўғузлар) деб тушунтиришга ҳаракат қилади.

Шунингдек, академик Андрей Николаевич Кононов (1906 — 1986) бўлса «қирғи» («қизил») рангини ер йўналиши билан эмас, элнинг антропологик ўзгачалиги, ташқи кўриниши, юз тузилиши билан боғлашга ҳаракат қилган. Ҳақиқатан ҳам қуу киж (сарик киши) деган олтой қабиласи бор, сарик уйғур деган эл бор. Туркий халқларда ранг билан боғлиқ бўлган этнонимга мисоллар кўп. Шундан келиб чиқиб, А. Н. Кононов сарик сочли, кизғиш юзли, кўк кўзли қирғизларнинг ташқи кўриниши «қирғин»-«қирғит» — «киргиз» шаклидаги



21. В. В. Радлов

халқ атамасига эга бўлишига шароит яратган, деган фикрни билдиради. Унинг фикрича, «киргин», «киргит», «киргиз» сўзлари биргина «қизиллар», «қизғиш юзликлар» деган маънони билдирган.

XX асрнинг 50-80 йилларидаги айрим олимлар «киргиз» этнонимини ранг билан тушунтиришга ҳаракат қилишгани юқорида кўришиб туради.

Демак, илмий тушунтириш ҳаракатлари ҳам «кирк ўғуз», «кирк эр», «кирк қабила» деган тахминларнинг гуруҳидан ва «кирк» сонининг ўрнига прототурк тилининг тахминий «кириғ» («қизил ранг») сўзи билан боғлиқ бўлган фаразларнинг гуруҳидан иборатдир.

Хулоса. Ушбу дарслиқда у ёки бу фараз ҳаммасидан бўлакча, ҳақиқатга яқин туради, деган фикрни сингдиришга ҳаракат қилмаймиз. «Қирғиз» этноними туркий тиллар асосидагина этимологик (туб, илк номланишини аниқлаш) жиҳатдан таҳлил этилиши ҳақиқатга мос эканлигини эслатамиз.

Бунинг заминида қатта маъно ётади. Демак, асрлар оша сақланиб халқ томонидан айтилган «киргиз» сўзи элимизга ва ота-боболаримизга ташқаридан берилган ном эмас, балки қардош тилларда сўзлашган қабила-уруғлар ичидан қайнаб чиққан этноним бўлиб саналади.

Демак, «киргиз» этнонимининг маъносини таҳлил этишнинг ижодкорлиги, илмий изланишлари давом этмоқда.

Хужжатли материал

Қирғизларнинг келиб чиқиши

Сайфиддин Ибн домулло Шоҳ Аббос Ахсикентий ва унинг ўғли Нурмуҳаммад. Тарихлар йиғиндиси («Мажмуат-таворих»). Таржимонлар: Молдо Мамасабир Досболов ва Омор Сооронов.-Бишкек, 1996. 21 — 31-бетлар.

... Ҳазрати Нух алайҳиссаломдан тўфондан сўнг (тўфон — сув тошқини) уч ўғил, бир қиз қолган: Хам, Сам, Ўафас... Ўафас Қорахон, Азархон, Кучихон деган уч ўғил кўради. Қорахоннинг Ўғуз¹ (Уғуз) исмли ўғли бўлган. Ўғуз Рум² га бориб жойлашган. Азархондан бир ўғил бўлиб, исми Қозокхон эди. У Туркистон³ га ўрнашди. Қозоклар ўшандан тарқалган. Ўғузхондан бир ўғил туғилади, исми Мўғул. Мўғулдан икки ўғил бўлган: Физиддин, Лариддин.

¹ Ўғуз — турк тили, ўғуз қабилаларининг ота авлоди сифатида шажарада айтилади. Оғузлар ҳозирги туркман, озарбайжон ва туркиялик туркларнинг бобоси.

² Рум — Византия, (шарқий Рим) империяси асосан кичик оснэ (Туркия) ва Болкон хулудининг бир бўлагн

³ Туркистон — Ҳозирги жанубий Қозогистондаги шаҳар.

Ғизиддин Рум тоғларига жойлашган. Ғизиддин Рум подшоси бўлди. Лариддин Мозандорон⁴ подшоси бўлди...

Ғизиддиннинг болалари уч гурухли эл бўлди: ғиз (гуз — Ч.Т., Ў.Т.), турк, Туркистон. ... Ҳазрат.

Аккоша (Акеша) ғизлардан бўлган. Савдо-сотик килиш учун Румдан чиқиб, Миср⁵ га келади, бир қанча кунлардан сўнг Мадинага боради. Ҳазрати саллаллоҳу алайҳи васаллам (Мухаммад пайғамбар — Ч.Т., Ў.Т.)ни кўриб, қўлида бор нарсасини тортиқ қилган. Шундан сўнг Ҳазрати саллаллоҳу алайҳи васаллам унга учта хат беради. Аккоша хатларни олиб жўнайди. Кўп кунлар йўл юриб ғизлар хузурига келади, уларга бир хатни беради. Ғизлар хатни ўқиб тўй қилишади, иймон келтириб, ҳар бири бир боладан ҳадя (тортиқ) қилишади... Имом (Жаофар Содик) тўрт одами билан Румга жўнайди. Кўп кунлар йўл юриб Румга келади... Ғизлар йил бўйи иззат-икром кўрсатиб, барчаси Имомга эргашдилар...

Абдул Малик бир неча кун йўл юриб ғизлар хузурига етиб келди-да уруш қилди... Ғизлар ўта кийин аҳволда қолиб, олтмиш минг ғиз Ҳазрати Имом Жаъфар Содикни олиб Хўтан⁶ га қараб жўнашди. Кўп кун йўл юриб Кашмир⁷ га келишди... Шу ерда анча вақт яшаб, яна Хўтанга жўнашди. Кўп йўл юриб Хўтанга етиб келишди...

Ҳазрати Имом Камолиддинни саркарда қилиб тайинлаб, ҳар шаҳардан мингтадан аскарни унга қўшиб бердилар. Камолиддин икки юз минг аскар билан Кумул⁸ га жўнади. Кўп йўл юриб Кумулга етди... Ўттиз минг киши (урушда — Ч.Т., Ў.Т.) шаҳид бўлди. Ғизлардан ўттиз минг киши қолди. ...Ҳазрати Имом Мадинага қараб кетди. ... Рашидилҳақ (ғизлар ҳокими — Ч.Т., Ў.Т.) қолган ғизларни эргаштириб жўнади. Бир неча кун йўл юриб Ўзганга етди. Ўзган тоғларига жойлашди. Ўзган ҳокими Султон Санжарга Рашидилҳақ келиб қўшилди. Ғизлар у ерда бир қанча вақт туришди. Ғизлар уйланиб, болали бўлдилар. Султон Санжар ғизлардан закот олиб турди. Ўзган катта шаҳар бўлиб, 12 дарвозаси бор эди...

Ғизлар тўрт йил закот бериб, тўрт йилдан сўнг Султон Санжарнинг одамларини ўлдира бошладилар. Улар ичидан икки киши кутулиб, Султонга бориб бўлган воқеани айтишди. Буни эшитган Султон Санжарнинг газаби қайнаб, ғизларга қарши аскар юборди. Уч кечаю уч кундуз уруш бўлиб, ғизлар икки тоғ ўртасида камалга олинди. Улардан чилғиз (қирқ қиз) қочиб кетди. Султон Санжар сўради: — Ғизлардан омон қолганлар борми? Жавоб: — Чилғиз қочиб

⁴Мозандорон — Шималий Эрондаги ҳудуд. Каспий денгизининг жанубий ҳудуди.

⁵Миср — (Египет), Баъзида (Қохирани арабча ном).

⁶Хўтан — Шарқий Туркистондаги шаҳар.

⁷Кашмир - Ҳиндистон Шимали гарбидаги ҳамда Покистоннинг шимол - шарқдаги тарихий ҳудуд.

⁸Кумул — Шарқий Туркистондаги шаҳар ва ҳудуд.

кетди. Үшандан форсча «чилғиз», туркча «кирк киз» деб аталиб колди. Қирк киз кочиб Хўжанд тоғларидан макон топдилар. Қирғизлар ўша чилғизнинг авлодларидир.

Ундан кейин Акматбек Мўғул рахбарлигида Хўжанд чегараларига киришди. Имом Иброхим Султон Малик Зарбағиш Вали келгунча ғизлар Хўжанд тоғларида яшаб турдилар.

1. Академик В.К.Бартольд қирғизлар тўғрисида нима деган?

2. Қирғизлар ирқлари қўшилишган ҳудудида яшаганми?

3. Этнонимнинг «халқ тамонидан келиб чиқишини аниқлаш» дегани нимани билдиради? «Қирғиз» атамасининг келиб чиқиши билан боғлиқ қандай афсона ва халқ ривоятлари бор?

4. Илмий этимология ҳаракати нимаси билан фарқланади?

5. Илмий этимологияда қандай вариантлар бор? Уларни кимлар тавсия қилишмоқда?

8-§ Қирғиз давлатчилигининг муқаддимаси. Қирғизлар эрамиздан аввалги I-аср - эрамизнинг V асрида

Қирғизларнинг қадимий юрти Ҳар бир халқнинг ўзини ҳимоя қилиши ва камол топишига имкон берадиган Ватани, она юрти бўлади.

XXI аср охиригача ўзини миллат қатори ҳимоя қила олган халқ асрлар бўйи ҳар хил эллар билан муомалада бўлган, турли ҳудудлардан келган элатларни ўзига бирлаштирган мураккаб таркибий қисмли, кўп тармоқли тарихига эга миллат бўлиб ҳисобланади. Бундай миллатнинг она юрти қаерда?

Тарихда энг қадимги аجدодлари яшаган ҳудуддан олисга кетмай истиқомат қилган халқлар мавжуд, шунингдек, кўчиш (миграция) натижасида бутунлай бошқа юртга бориб яшаб қолган халқлар ҳам борлиги маълум.

Хўш, қирғизлар бу халқларнинг қай бирига тааллуқли? Агар тарихий «Марказий Осиё макони» деган кенг тушунчага Эроннинг шарқидан ва Каспий денгизидан Шимолий Хитойгача ҳамда Жанубий Сибирдан Тибет, Покистонгача чўзилиб кетган йирик минтақани олсак, асосан шу жойларда яшаган турли халқлар қирғизлар билан этник алоқа ўрнатганини хулосалаб айтиш мумкин.

Бироқ «киргиз» номини олиб келган дастлабки қабилалар замона зайли билан аста-секин қабила бирлашмаси, пировардида ўз давлатига эга халқ бўлиб камол топган. Энг қадимги киргизларнинг она юрти қаерда бўлганлигини тарихий манбаларга таяниб, аниқ кўрсатишга тўғри келади.

Демак, ҳозирги киргизларнинг қадимий ота-боболарининг тарихий истиқомат қилган ҳудуди йирик Марказий Осиё макони билан аниқланади. Шунингдек, «киргиз» номини қадимдан олиб келган қабиланинг, қабила бирлашмасининг, халқнинг тарихий юрти ўша маконнинг мўъжазгина бўлагига тегишли десак тўғри бўлади.

Ҳар хил фикрлар VI — XIII асрларда Қирғиз хоқонлиги (хоқон бошқарган давлат) Жанубий Сибирда — Энасой дарёсининг водийсида жойлашгани маълум. Шу туйғайли кўпчилик тарихчилар қадим-қадимданок протокиргизлар Жанубий Сибирда яшаган, деб ҳисоблашади.

Хуннулар даврида киргизлар ҳозирги Мўғулистоннинг шимоли-ғарбида, Қирғизкўл (Хиргис-Нур) деган кўл атрофида яшаган. Эрамиздан аввалги I аср ўртасидан бошлаб киргизлар Энасой водийсига кўча бошлаган, деган фикр ҳам бор. Айрим олимлар киргизларни Энасой билан Тангритоғ оралиғида кўчиб юришган, деган тахминларни ҳам ўртага кўйишяпти.

Совет даврининг охириги йигирма йилида, хусусан, 80-йилларда Энасойни киргизларнинг тарихий макони қатори кўриш сиёсий тарафдан чакки, нотўғри деб ҳисобланиб, расмий китобларга Энасой Қирғиз хоқонлигининг тарихига киритилмаган ҳоллар ҳам бўлди. Ҳозир тарихни бундай бўяб кўрсатиш танқид қилинмоқда.

VI — XIII асрлар бошларигача ҳукм сурган Энасой Қирғиз хоқонлигининг ҳозирги кирғиз миллати тарихий босқичларининг ажралмас бир бўлаги қатори кўриш ҳақ эканлигини бутун кўплаб тарихчилар ёзишмоқда. Шунингдек, 70 — 80-йилларда бу фикр тарихчи олимлар Омуркул Караев, Юлий Сергеевич Худяков, А. Абдиқалиқов, Виктор Бутанаев, Имел Молдобаев, ёзувчи, академик Туголбой Сидикбеков каби айрим совет тадқиқотчиларининг диққат марказида турган, ҳоло.

Қадимий юрт — Энасой Қирғиз хоқонлиги эрамизнинг VI асридан бошлаб ҳукм сургани маълум. Шу давргача бўлган *Тангритоғ* қадимги киргизларнинг юртини аниқлаш эса ўзига ҳос астойдил муомалани талаб қилади. VI асргача археологик маданиятлар Энасой Қирғиз хоқонлиги давридаги археологик маданиятдан кескин фарк қилиши қадимги киргизлар Энасойга кечроқ кўчиб келганлигидан далолат беради.

Қадимги киргизлар Энасойга қайси ердан кўчиб келди экан? Машҳур киргизшунос олим, профессор Юлий Сергеевич Худяков сўнгги пайтдаги археологик маълумотларни умумлаштириш ва хитой ёзувидаги манбаларни

кайта ўрганишга таяниш асосида янги хулосани халққа ҳада қилди. Қирғизнур кўлининг ҳудудидаги ёдгорликларни археологик тадқиқ этиш бу ерда эрамиздан аввалги даврда қирғизлар бўлганлигидан дарак беради.

Қадимги қирғизларнинг бизга маълум дастлабки юрти Шарқий Тангри-тоғнинг шимолий томони бўлганлиги хусусидаги янги фикрни Ю.С.Худяков ишончли далиллар билан тасдиқламоқда.

Шарқий Туркистонда археологик изланишлар кенг олиб борилгани йўқ. Айниқса кўчманчилар маданияти дуруст таҳлил қилингани йўқ. Бироқ мавжуд маълумотлар Шарқий Туркистонда ва унинг шимолий ҳудудларида — Шарқий Тангри-тоғда ҳар хил элатлар яшаганидан дарак беради.

Эрамиздан аввалги I аср ўрталаридаги сиёсий воқеаларни шарҳлашда хитой тарихчиси Бань Гу куйидаги тарихий-географик маълумотни беради: «Қирғизлардан (Цзянь-кунь) шарқда 7 минг ли масофада (хуннуларнинг) шануйлари ўрдаси жойлашган, ғарбда эса 5 минг ли масофада Чешу ўрин олган».

Бу маълумотнинг ғализликлари ҳам борлигини инобатга олган ҳолда бу ерда — қирғизлардан шарқда — хуннулар жойлашганлиги, қирғиз юртидан жануброқда — Чешу (Турфон пасттекислиги мамлакатлари ва шаҳарлари) ўрин олганлигини айтиш мумкин. Чешу (Турфон) дан шимол томон элтадиган йўл тўппа-тўғри шимолга меридиан бўйлаб солиниши сира мумкин эмаслигини ёдга олишимиз керак.

Табиий мураккаб географик шароитларда қарвон учун муносиб йўл излашда бутунлай бир тоғ чўққиларини айланиб ўтишга қадимги ота-боболаримиз мажбур бўлган. Қарвон йўли Турфондан дарров шимолга эмас, балки шимоли-ғарбгагина силжишга имкон беради. Демак, қадимги қирғизларнинг юрти Турфон пасттекислигидан шимоли-ғарбда жойлашган.

Қирғизларнинг ҳудуди эрамиздан аввалги I аср ўртасида усунларнинг шарқидаги ерларидан сал шимолроқда жойлашган. Чжичжи-шануй қирғизлар ҳудудида куч тўплаб олиб, усунларга қарши юриш қилиб турган.

Демак, қирғизларнинг юрти эрамиздан аввалги I асрда олис Энасойда эмас, Турфондан жануби-ғарброқда ва Тангри-тоғ марказини эгаллаган усунлардан шимоли-шарқроқда ўрин олган. Қирғизларнинг бу юрти Марказий Осиёнинг йирик маконини эгаллаган Тангри-тоғ тоғ тизмаларининг шарқида жойлашган.

Қирғиз давлатчилигининг энг кизиқарли ва ҳаммасидан оз таҳлил этилган давр эрамиздан аввалги 56 — 49 йиллар оралиғидир. Худди ўша даврда қирғизлар ва уларнинг қўшнилари ўзларининг мустақиллиги учун кўзғолон кўтарганлар ва хуннуларга бўйсунмаган миллий давлатларини ташкил этганлар Ғалабага эришиб, хуннуларга бош эгмай алоҳида мамлакатларини тузишган.

Қирғиз, диндин ва уцзе халқлари тузган бу давлатларни юқорида номи аталган қадимги хитой тарихчиси Бань Гу «уч подшолик» деб атаган.

Ёзма тарихда илк бор аниқ эсга олинган бу Қирғиз подшолигини Л. А. Боровкова ва Ю. С. Худяков энг сўнгги изланишларида Шаркий Тангригоғ худудида, Шаркий Туркистондаги Қорашахар билан хозирги Манас (Хитой) шаҳридан ва Боро-Хоро тизмасидан шимолроқда, Дзосотин-Элисун чўлининг ғарбида жойлашган, деган хулосага келишди.

Эрамиздан аввалги 49 йили бу ўлкани шимолий хуннулар шануйи Чжичжи қайта ўзига бўйсундириб олган, бироқ эрамиздан аввалги 36 йили у хитой (ханзу) жазоловчи қўшинига қарши урушда Талас водийсида ҳалок бўлган. Умуман, кўчманчи халқнинг юзлаб ва бир неча минг чакирим ерга кўчиб яшаши учун кенг имконият бўлганлигини эсга олсак, Шаркий Туркистоннинг, умуман, шимолий томонидаги (терскай) худудлари қирғизлар ва уларнинг тарихий қўшнилариининг бизга маълум бўлган дастлабки юрти сифатида ҳисобланишини айта оламиз.

Ўтган асрда Ч. Валихонов, Н. А. Аристовнинг шу давримизгачаёқ Тангригоғ худуди билан қирғизларнинг алоқалари хусусида айтилган ҳар хил таҳминлари, А. Н. Бернштамнинг эрамиздан аввалги I аср ўртасида хуннулар билан бирга қирғизларнинг дастлабки тўлкини Тангригоғқа етган, деган таҳмини янги маълумотлар, янги хулосалар билан тўлдирилябди. Тангригоғда қирғизлар хуннуларнинг сиёсий бошбошдоқлигидан фойдаланиш билан ўз подшолигини шакллантиргани фараз қилинмоқда. Эрамизнинг III — V асрларида ҳам қирғизлар Шаркий Тангригоғда яшаб қолганлар.

Қадимги қирғизларнинг хўжалиги Кўчманчилик турмуш тарзида яшаган қирғизларнинг асосий хўжалиги - чорвачилик эканлиги шубҳасиз. Ўрта асрларда ҳам кўчманчилар қирғизларнинг асосий хўжалиқ тармоғи бўлиб қолаверган.

Ўтроқлашган ва асосан деҳқончилик билан шуғулланган халқларга қўшни бўлиши қирғизларнинг ердан фойдаланишни ўрганишга шароит яратган. Нагигажада қирғизлар орасида мол-кўйи йўқлари пайдо бўлиб экин экиш билан шуғуллана бошлаган. Машҳур «Манас» достонида ҳам қирғизларнинг Олғойда яшайдиганлари озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни ўрганганлари ўғрисида эпизодлар киритилган.

Кейинчалик Энасойдан кўним топган вақтда ҳам деҳқончилик қирғизлар хўжалигининг бир тармоғи сифатида ўрин олганлиги ойдинлашмоқда. Унинг дастлабкиси қирғизларнинг Шаркий Тангригоғдаги кезидаёқ пайдо бўлганлиги хусусида хулоса қила оламиз.

Албатта, хунармандчилик тармоқлари қирғизларнинг кўчманчилик турмушида тириклик учун зарур маҳсулотлар, буюмлар тайёрлаш мақсадидагина қўлланилмай, шу даврнинг ўзида хунармандчилик манбаи бўлиб ҳам са-

налган. Тери ошлаш ва пойабзал тикиш, кигиз босиш, ўймакорлик, чий ёки камийдан турли буюмлар тайёрлаш, ўтов ёки қадимий бўз уй каби бошпана куриш, ўк-ёй, тириклик учун керакли асбоб-ускуналар, заргарлик буюмлари яшаш учун металлдан фойдаланиш қадимдан қирғизларга хос ривожланган касб-корлардан эди.

Жамоа тузилиши Қадимги қирғизлар эрамиздан аввалги III аср охиригача қандай жамоа босқичида яшагани хусусида аниқ маълумот йўқ. Шартли равишдагина (ёзма маълумотлар бўлмаганлиги учун) ўша даврларда қирғизлар қабилаларнинг йирик сиёсий бирлашмасини ташкил этганлиги тўғрисида тахмин қила оламиз.

Эрамиздан аввалги III аср охирида қирғизлар Марказий Осиёдаги кўчманчилар цивилизациясининг кучли империяси бўлган Хунну давлатининг тасарруфига кирган. Худди ўша даврдан бошлаб қирғизларнинг жамоаси эрта синфий мавқега эришган, турли ижтимоий қатламларга ажралиши кучайган. Хуннулар тайинлаган одам вақти-вақти билан солиқ йиғиб, зарурат туғилганда ҳарбий куч тўплаб турган. Хуннуларга тобе бўлмай қолганда ҳам қирғизларнинг ижтимоий табақаланиши давом этаверган.

Халқнинг асосий қатламини оддий кўчманчилар ташкил этган. Қирғизларнинг тарихий кўшнилари таққослаб ўрганиш билан ўша даврлардаёқ қирғизларда оилавий даражадаги қуддорликнинг кўриниши ўрин олганини тахмин қила оламиз. Лекин сўққабош эркин чорвадорлар, ҳунармандчилик ва ўтрок яшаб деҳқончилик билан шуғулланганлар жамоа бойлигининг асосини яратганлар.

Қирғизлар қабилаларга, қабилалар эса уруғларга бўлинганлар. Қабилалар бир вақтнинг ўзиде жамоа бошқаруви бирлиги, ҳудуд ҳокимлиги бирлиги ва ҳарбий куч тўплаш бирлиги бўлиб хизмат қилган. Ибтидоий жамоа тузуми даврдан фарқли равишда қабиле бирлашмаларига фақатгина қондош бир туғишганлардан ташкил этилган уруғлар киритилмасдан, бошқа қабиле ёки бўлак кўшни халқларнинг вакиллари ҳам жалб этилиб, бирлашиб турганлар.

Шундай қилиб, эрамиздан аввалги III аср охири мобайнида қирғиз жамоа си эрта синфий табақаланиш даврини бошдан кечирган. Патриархал қабиле тузумининг ҳам кўплаб қолдиқлари ихчам ўзгаришга дучор бўлиб, сақланиб қолаверган.

Қирғиз давлатчилигининг асоси Жамият турли синфлар — йирик ижтимоий қатламларга ажралган даврда пайдо бўлувчи сиёсий институт — давлат бўлиб саналади. Давлатнинг мақсади фақатгина жамиятнинг ички сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ривожланиши, осойишталиги, барқарорлигини таъминлаш билан чекланмайди. Давлат ташқи кўшнилар билан ҳам ўз жамиятининг бутунлиги, мустақил яшашини таъминлаши, ташқи дунё билан фойдали алоқаларини амалга ошириши керак.

Давлатни бошқариш — кўринган одамнинг кўлидан келавермайдиган иш. Эрта давлатлар бошликлари собик қабила йўлбошчилари каби тажрибали, сўзга чечан, оқил, тадбиркор, ҳарбий санъатга ҳам қобилиятли кишилардан танлаб олинган. Бундай одамлар ўта оғир қора ишлардан, кундалик турмуш икир-чикирларидан халос этилиб, сиёсий бошқарув учун имкониятлари кенгайтирилган. Бойиб, малай-мардикор ишлатиб, бўш вақтини ер хусусиятларини ўрганиш, ҳарбий санъат, кўшни қабилалар ва халқлар жиҳатларини кузатишга сарфлаган юқори қатлам — оқсуякларнинг вакиллари давлат раҳбарига маслаҳат ва кенгаш бериб турган. Бунинг учун ҳукмдорнинг вақти-вақти билан чақирган ёрдамчи органи — Оксоқоллар кенгаши фаолият кўрсатган.

Кўчманчиларнинг эрта синфий даврдаги бундай чекланган монархия давлати кирғизларга ҳам хос бўлган.

Қирғиз давлатчилиги қайси даврдан бошланган, деган савол ҳозир ҳам илмий мунозаралар пайдо қилмоқда. Олимларнинг аксарият кўпчилиги 90-йилларгача ва ҳозирги қатор асарларда қирғиз давлатчилиги эрамининг VI асридан бошлаб (Энасой Қирғиз хоқонлигидан буён) ривожлана бошлаган, деб таҳмин қилишмоқда. Мазкур мунозарали саволга жавоб беришда ўзимизгагина ишонмай, бошқа тарихий кўшниларимиз, ҳатто чет эллик олимлар ҳам маъқул бўладиган тарихий манбаларгагина таяниш афзал. Мамлакатимиз ва миллатимиз тарихига назар ташласак, тарихий манбалар аввал ҳам Қирғиз давлати яшаб, парчаланиб, қайта яралиб келганлигидан далолат беради.

Давлатчилик — бу цивилизация даврининг асосий кўрсаткичларидан бири. «Давлатчилик» тушунчаси иктисодиёт, маданият, илмий-техник ва фалсафий — гуманитар ўй-фикр, бутун инсоният маънавий турмушининг давлатгача бўлган даврга нисбатан бутунлай янги ва юқори босқичга кўтарилиши билан боғлиқдир.

Давлатлар ҳар хил тарихий-географик минтақада турли даврларда яралган. Бу даврларни сунъий тарзда «кадимийлаштириш» ёки «ёшартириш» тарихий манбалар орқали чиппақка чиқиб қолиши эҳтимол. Қирғиз давлатчилиги фақатгина большевикларнинг ҳиссаси билан совет даврида яралган, деган фикрлар ҳам бўлган. Қирғиз давлати VI, IX ва бошқа ўрта асрлардагина яралган, деган фикрлар ҳам кўп бўлган эди.

Ҳақиқатан, бу масала умуман Марказий Осиё цивилизациясининг умумий контекстини ўрганиш асосидагина аниқ жавобини олади.

Марказий Осиёдаги дастлабки кўчманчи давлатлардан бири бўлган Хунну империяси эраминдан аввалги III аср охиридан бошлаб ўзгача куч-қувватга эга мамлакатга айланган. Хунну давлати, биринчидан, кадимий туркийзабон халқларнинг ҳаммаси, шу жумладан, қирғиз, усун, динлин, қуйше ва бошқалар учун умумий жамоат давлатчилиги эди. Бу империя уларнинг хитой, эрон ва бошқа цивилизациялар билан кўшни, симбиоз ҳолатда яшаган умумий

кўчманчилар цивилизациясининг муқаддимаси эди. Иккинчидан, Хунну империяси унга қаратилган қатор халқларнинг кейинги миллий давлатлари шаклланишига ҳам тўртки берган.

Модэ-шануй ва қирғизлар

Хитой тарихчиси ёзганидек, хуннуларнинг ҳукмдори Модэ-шануй йирик давлат тузишга интилган. Эрамиздан аввалги 203-201 йили шимолга ва шимоли-ғарбга ҳарбий юриш

қилган. У илгари хитойликлар ёдга олмаган қатор халқлар — хунруй, куйше, динлин, қирғиз, синьлиларни бўйсундириб олишга эришган.

Бу халқлар ичида кейин ҳам кўп эсга олинган, қадимги турк халқларининг бири сифатида кўрсатишга тўла мумкин бўлган эллар динлинлар билан қирғизлар эди.

Қадимги Хитой тарихчиси Сима Цяньнинг ёзишига қараганда хуннуларнинг босқинчилигигачаёқ мустақил қирғиз давлати бўлиб турган.

Сима Цяньнинг тарихий асарида шундай маълумот бор: «Хуннуларнинг подшохи кейинчалик шимолга хунбуй, куйше, динлин, қирғиз, сийли каби давлатларни ўзига қаратди». Енгилган давлатларнинг кўпдан бери ҳукмдорлик қилган ҳукмдорлари билан оксуяклари ўшанда Модэ Шануйнинг хонлиги (хянь) ҳукмдорлигини танишган. Қизиғи шундаки хитойча «хянь» сўзи - до-нишманд, ўта камтар, кўп нарсани билган, яхшилик қилишни аямаган ҳукмдорлар деган маънони билдиради.

Эрамиздан аввалги III аср охирида қирғизларнинг эгалиги «го» (давлат) атамаси билан яқинлашганини хитойлик олим Муҳаммад Ху Чженхуа ва бошқа олимлар аниқлашган. Натижада тарихчилар бундан 2200 йил илгари Қирғиз давлатчилиги бўлган деган хулосани эълон қилишган.

2003 йили Қирғизистон ҳамда бутун дунё жамоатчилиги қирғиз давлатчилигининг 2200 йиллик санасини нишонлади. Бу тадбир Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда ЮНЕСКО раҳбарлигида ўтди.

Дарҳақиқат, Қирғиз давлатчилиги манбаининг яна бир қирраси бор. Кейинчалик хунну мамлакатининг тасарруфида вақтинчалик туриш қадимги қирғизлар учун кўп миллатли давлатга бирлашиш билан баробар эди. Қирғизлар эса ўзларида кўчманчи, келиб чиқиши бўйига қондош халқ-хуннуларнинг сиёсий ҳаётига кира бошлаган. Қирғизлар хуннуларнинг сиёсий тузилишдаги ўзгачаликларни ўзлаштиришган. Бошқа халқлар билан қирғизларнинг алоқаси кенгайди, тузумдаги ҳаёти қайноқ тус олди. Хуннуларнинг таркибида бўлиш қирғизлардан кейинги сиёсий ва ижтимоий ривожланишига тўртки бергани шубҳасиз. Албатта улар хунну давлатидан ибрат олишган. Масалан, қирғизларнинг ўнг қанот, чап қанот ҳамда чордон (ичкилик) гуруҳларига бирлашишнинг манбаи камида хунну даврига бориб такалади. Энг асосийси, давлатчиликнинг баъзи сир-асрорларини ўрганиб, сиёсий тажрибаси бойиди. Борган сари қирғизларнинг мустақилликка эга бўлиш имконияти кенгая борган.

*Эрамиздан аввалги I аср
бошида қирғизлар.
Ли Лин хукмронлиги*

Хуннулар куч-қудратга тўлиб турган даврда қирғизлар Хунну давлатининг тасарруфида бўлган. Эрамиздан аввалги 99 йили хитойлик Ли Гуанли исмли саркарда (Довоннинг Эрши шаҳрига қилган харбий юриши учун Эршилик исмини олган) хуннуларнинг Шарқий Тангритоғдаги юртига хужум қилади, бироқ пистирмага дуч келиб, аранг қочиб чиққан. Яна бир кўшин — сараланган 5 минг хитойлик пиёда аскарни Ли Лин деган саркарда бошқариб, хуннуларга қарши жўнайди. Бироқ уларга хуннуларнинг 30 минг отлик аскарни билан олишишга тўғри келади. Хуннуларнинг яна кўшимча аскарни келиб, хитойлар чекинишга мажбур бўлишади.

Хунну подшоҳига хитойликлардан «тил» ушлаб келишади-да, уни қийнашиб яқин орада Ли Линнинг кўшинини қўллаб турган бошқа хитой аскарлари йўқ эканлигини билиб олишади. Ўшанда хуннулар ҳар тарафдан ёпирилиб кириб, хитой кўшинини тор-мор қилади. Ли Лин эса қўлга тушади.

Хуннуларнинг шануйи Ли Линга ўзига хизмат қилишни таклиф қилади. Мардлик намуналари кўрсатиб жанг қилган бу хитой саркардаси унга ёқиб қолган эди. Ли Лин бунга розилик беради, чунки қайта Хитойга келса, кўшинидан ажрагани учун ўлим жазосига гирифтор бўлиши эҳтимол эди.

Лекин, Хитой императори Ли Линнинг бу мағлубиятини хонлик катори баҳолаб, унинг она-сини ўлим жазосига маҳкум қилади. Кексайган аёлни ўз ҳимоясига олмок ниятида овора бўлган ўрда тарихчиси Сима Цянь ҳам айбдор деб топилиб, январда бичиб юборилган ва бироз мухлатга қамокка олинган.

Ли Лин эса хуннуларга оқ ният билан сидкидидан хизмат ўтаб берган хитойликларнинг дастлабкиси ҳам, охиригиси ҳам эмас эди.

Хун подшоҳи муносиб хизмати учун Ли Линга ўзининг кизини турмушга берган. Қадимги қирғизларни ҳам хуннулар номидан бошқариб туриш вазифаси Ли Линга юкланган.

Бу маълумот эрамиздан аввалги I аср бошида қирғизлар юртини хунну шануйи пойтахтдан — ўз ўрдасидан тайинланган киши орқали бошқарганини билдиради. Шарқий Тангритоғдаги қирғизлар эгаллигини бошқарган Ли Линга хунну шануйи харбий қанотдаги чжуки-бек унвонини берган. Ли Лин билан унинг зодагон хунну хотинининг авлодлари қирғизлар орасида наслдан-наслга ўтиб яшаган. Улар кўк кўз, сарик сочли қирғизлардан қора сочлари, қора кўзлари билан ажралиб туришган.



22. Ли Лин

Қирғизлар эрамиздан аввалги 90 йили Ли Лин раҳбарлигида кўшин тўплаб, хуннулар армиясига кўшади, кўп ўтмай Ли Гуанли Эршилик етакчилигидаги энг йирик хитой армиясининг босқинчилик ҳужумига қарши урушга отландилар. Бу йирик жангнинг охири босқичи Хангай тоғ тизмасидаги ЯньжАнь чўккиси ёнидаги олишув билан якунланган.

Хунну, қирғиз, динлин, турфонликлар ва бошқа халқлар бирлашиб курашган бу урушда Хань сулоласи бакуват, ҳужумкор армиясидан бутунлай ажралган. Шундай қилиб, бу даврда қирғизлар тўп яшаганлар ва Хунну империясининг шимоли-ғарбий чегарасида тобе ҳолатда бўлганлар.

*Эрамиздан аввалги
80 — 60 йилларда
қирғизлар*

Ли Лин ва унинг ҳокимиятининг меросхўри бўлган ўғли бошқариб турган даврда, аввалги қадимги қирғизлар хуннуларнинг ҳукми остида уларга доимий тобе бўлганлар.

Эрамиздан аввалги 71 йилнинг ёзида хуннуларнинг ғарбидан усунлар, шарқидан ухуанлар, шимолидан кўзғолон кўтарган динлинлар ёпирилиб келишган ва натижада хуннуларнинг талай қисми қирилган. Бу саросима даврда қирғизлар қайси томонда бўлганлиги аниқ эмас. Бироқ хуннуларга қарши иттифоққа қирғизлар ўша урушнинг дастлабки босқичида қўшилмаганлиги, хуннуларга қарши тарафга динлинларгина ўтганлиги қайд этилади.

*Қирғизларнинг ўрда
курашида қатнашиши*

Хунну давлатининг тасарруфига бирагўла кириб қолган қирғизлар хунну сиёсатини амалга оширишда иштирок этганлар. Қирғиз кўшинлари ҳам хуннуларнинг юришларида қатнашиб турганлар. Бунга қирғиз зодагонлари ҳам ўрда сиёсатига тобора чуқур аралаша бошлаган Ли Линнинг ғарбий канотдаги чжуки-бек деган йўл очган.

Эрамиздан аввалги 58 йилдан бошлаб хуннулар ичида тахт учун кураш кизигандан-кизиди. Ўрда кураши орқали ҳокимият тепасига келган ХуХаньешануэй ўз томонидаги ғарбий канотнинг чжуки-беги бўлган оқсуяк хуннунини ўлдиришга буйруқ беради. Ғарбий хуннулар қайта ХуХаньешануэйга қарши кўзғолон кўтаришиб, Босуйтан деган бекни чжуки-шануэй деб эълон қилганлар. Ўша йили кузида хуннуларнинг хуге, юйди каби қабилаларининг беқлари ҳам ўзларини шануэй деб эълон қилганлар. Уларни Босуйтан чжуки-шануэй қирғизларнинг юртини кўзлаб суриб чиқарган.

Эрамиздан аввалги 56 йили ХуХаньешануэй шарқдан келиб, Босуйтан чжуки-шануэйнинг кўшинини тор-мор келтиради, натижада Босуйтан-шануэй ўзини-ўзи ўлдиришга мажбур бўлган.

Худди ўша даврда қирғизлар юртида юрган лашкарбоши Уцзи-шануэйни қирғиз амалдорлари бутун Хунну империясининг бошқарувчиси — шануэй сифатида кўтарганлар. Уцзи-шануэй эрамиздан аввалги 58 йилнинг охири-

да ўзини илк бор шануй деб эълон қилган, бироқ тезда хуннуларнинг юйди қабиласидан чиққан яна бир сохта шануй Чели-шануй фойдасига ўз унвонидан воз кечган эди. Уцзи ҳам, Чели ҳам хуннуларнинг шануйлари чиққан бошқарувчи қабиллага алоқаси йўқ кишилар эдилар.

Уцзи ўзини қайта шануй деб эълон қилишга қирғизларга розилик беради. Чунки ХуХанье-шануй шарқдан қайта Тангри тоғ худудига келганда Чели-шануй ХуХаньёга бўйсунган эди.

Қирғизларнинг мустақиллиги ХуХанье-шануй билан қирғизлар кўтариб чиққан Уцзи-шануй уруш бошлади. Лекин илгари ХуХаньёга қарши чиққан айирмачиларнинг кўпчилиги Уцзини қўлламадан, тез орада ХуХанье-шануй ғалабага эришади. Уцзи-шануй (сохта шануй) қўлга олиниб, ўлимга маҳкум этилди.

Уцзи деган лашкарбошининг хуннулар ўрдасидаги қирдикорлари фош бўлгани билан қирғиз амалдорларининг хуннулар шануйига нисбатан душманлик сиёсати давом этаверди. Эрамиздан аввалги 56 йилнинг охиридан бошлаб ХуХанье-шануйга қарши ғарбий қанотдаги хуннуларнинг айирмачилик кураши қайта оловланган маҳалда қирғизлар сиёсий мустақилликка эришдилар.

Ўзларининг шимолдаги қўшниси бўлган динлинларнинг мустақиллик қолати қирғизларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймади.

Сиёсий истиклолга эришган қирғизларнинг марказий худуди Шаркий Тангри тоғнинг шимолий этаги томонда — Еттисувдан шимоли-шарқда, Олакўлдан жануби-шарқда, Боро-Хоро тоғ тизмаси билан Дзосотин-Элисун дўлининг ўртасида жойлашган. Табiiй шарт-шароитлар ва географик хусусиятлари, шунингдек, бир неча йиллар мобайнида давом этиб келаётган ички изолар туфайли хунну шануйлари қирғизларнинг бу мустақил ўлкасини ўз ёрида қўйишга мажбур бўлишди.

Анча вақт (бир ярим асрча) Хунну давлатининг сиёсий тизими тасарруфида бўлиб келган қирғизларнинг ҳукмдорлари учун давлатчиликнинг асосий жиҳатлари, белгиларини шакллантириш тажрибаси дуруст маълум эди. Бунинг устига саркардалик ва ҳокимлик бошқарувининг хитойча тажрибасига эга бўлган, хуннулашиб кетган Ли Лин оиласининг қирғизларнинг тобе юртига ҳукмронлик қилиши қирғиз оқсуяқларининг сиёсий тadbиркорлигига ўз таъсирини ўтказмай қўймади.

Эрамиздан аввалги III аср охиридан бошлаб қадимги қирғизлар давлатчилиги босқичига кўтарила олганлар. Бироқ бу жараён Хунну империясининг тасарруфига кириш йўли билан амалга оширилган. Эрамиздан аввалги 50 йиллардаги воқеаларда кўринади.

Чжучжэ-шануй ва қирғизлар Хуннулар шануйи ХуХаньенинг қатта акаси Хуту-ус эрамиздан аввалги шаркий қанотдаги чжуки-бек унвонига қаноатланмай қўзғолон уюштириб, ўзини

Чжичжи-шануй деб эълон қилган. Укаси ХуХаньедан фаркли равишда у Хань сулоласига нисбатан мустақил давлат сиёсати юритишга ҳаракат қилган.

Чжичжи-шануйнинг эрамиздан аввалги 49 йили иттифоқ тузиш учун Усун давлатига юборилган элчиси ўлдирилган.

Чжичжи-шануй ўзига қарши юборилган усунларнинг қўшинини тор-мор этиб, шимолга юриш қилди. Тахминан ҳозирги Манас шаҳри ҳудудида у Уцзе подшолигини парчалади. Унинг аскарларини ўзига қўшиб олиб, ғарб томон юрди-да қирғизлар мамлакатини, сўнг уларнинг шимолидаги динлиларни бўйсундириб олди.

Бань Гунинг тарихий асари («Эрта Хань сулоласининг тарихи»)да бу воқеа «уч подшоликни бўйсундириб олгандан сўнг» деган сўзлар билан тўлдирилади. Демак, Чжичжи-шануй эрамиздан аввалги 49 йили қайта босиб олгунга қадар бўлган даврдаги бу ўлкаларнинг аҳолини хитой ўрда тарихчилари «подшолик» даражасида баҳолашган.

Қангуй подшолиги Қирғиз мамлакати ҳудудида қўним топиб олган Чжичжи-шануйга ўз элчисини юбориб, усунларга қарши иттифоқ тузишга даъват этган. Ўша пайтда унинг ўрдаси қирғиз давлати ҳудудида тургани маълум. Ёлғизсираб Усун давлатига ҳужум қилишга юраги дов бермай турган Чжичжи-шануй бу таклифни ўзгача қувонч билан қабул қилади. Бирок ҳарбий юришга чиққан Чжичжининг қўшини йўлда қаттиқ совуққа дуч келиб, атиги 3 минг аскари билангина Қангуй давлатига етиб келган.

Талас водийсига келган хунну қўшинининг Қирғиз мамлакати (Тангри-тоғнинг шимоли-шарқи)дан жўнаб кетганлигини, одатда хуннулар ўз армияси тизимига ўзлари босиб олган ўлкаларнинг ҳарбий кучларини қўшиб олишарди. Шу боис қирғиз ҳарбий қисмлари хуннулар билан Талас водийсига эрамиздан аввалги 40 йилларда етиб келиши мумкин.

Албатта, қирғизларнинг асосий юрти ўша пайтда Шарқий Тангри-тоғ ҳудудида жойлашиб қолаверган.

Эрамизнинг I — V асрларида қирғизлар Қирғиз мамлакатининг эрамизнинг I минг йиллиги биринчи ярмидаги тарихи хусусида шарқ манбаларида ўта оз маълумот берилган.

Хитойликлар Қирғизларни олдингидай Цзяньгунь (собик Гяньгунь) эмас, балки цигу (ёки хэгу) деб атаб, келишган. Қирғизлар бу пайтда Турк қабилаларининг теле сиёсий бирлашмасининг қўшниси сифатида, ҳатто унинг аъзоси қатори эсга олинган. Қирғизлар эрамизнинг III — V асрларида «Яньци (Қорашаҳар)нинг шимолида, Октоғнинг ёнида» жойлашгани хитой манбасида баён қилинади.

Тангри-тоғнинг шимоли-шарқида қирғизлар ўзларига айрим динли қабилаларини бирлаштиришган. Бу давлат фуқаролари, хитой манбаларида бўлганидек, «динлилар билан аралашган». Тарихи чуқур илдиз отган ҳар бир

миллатнинг этник таркибий қисми турлича эканлиги маълум. Қирғизларга хуннуларнинг ҳам айрим қисмлари сингиб кетган.

V асрда Олтой, Шарқий Тангритоғдаги туркий халқлар Шимолий Хитой тарафдан кўчиб келган жуан-жуан (жужон)лар билан уруш олиб боришган. Қирғизлар Жужон хоқонлигининг тасарруфига олинган.

Лекин жужонлар билан теле қабилалари (динлинларнинг тангритоғ-олтой бирлашмаси)нинг ўзаро урушлари қизигандан-қизиб, ўша давр (V аср) мобайнида қирғизлар теле тарафига ўтишган. Марказий Осиё шарқидан жуан-жуанлар, ғарбидан эфталитларнинг босқинчилик сиёсатига гирифтор бўлиб қолган ўша даврдаги қирғизлар Тангритоғдан Энасойга кўчишга мажбур бўлишган.

VI — IX асрларда VI асрдан бошлаб қирғизлар Энасой худудида ўз қирғизлар хоқонлигини шакллантиришга киришганлар.

Демак, Энасой Қирғиз хоқонлиги халқимиз давлатчилигининг муқаддимаси эмас, балки ўрта асрларнинг эрта давридаги қайта тикланиши сифатида баҳоланиши афзалдир.

553 йили Улуғ Турк хоқонлигининг асосчиси Бумин хоқоннинг зиёфатида қирғиз вакили қатнашган. VII — VIII асрларда Қирғиз хоқонлиги Хитойнинг Тан сулоласи, Тибет, Турғаш хоқонлиги каби ўлкалар билан элчилик ва савдо алоқаларини мустаҳкамлаган.

Айрим тадқиқотчилар Барс хоқон қурбон бўлган 710 — 711 йилларнинг кишидан кейин бир аср ўтибгина қирғизлар кучая бошлаган, деб ёзишади. Бироқ тарихий манбалар 716 йилдан бошлабоқ қирғизлар қайта бош кўтаргани,




23. Безаклар. Олтин. III-V аср. Олай. Ялпоқтепа қабристон.

24. Безак буюмлар. Олтин. III-V асрлар. Олай. Ялпоқтепа ва Толдибулоқ қабристонлари.



25. Маржон, олтин, қаҳрабо, ёқут IV - V асрлар. Шамши қабристон.



26. Бозак буюмлари. Олтин. IV-V аср. Чуй водийси. Шамши қабристон.

722 йили Хитой ўрдасига қирғиз элчиси — бекзода Исибо Шэйучжи Биши келгани, келаси йили тегин Цзуйли Пиньхэчжун ҳам бу мамлакатга элчиликка боргани аниқланган. Буни Хитой ёзма манбалари далиллайди.

Иккинчи Шарқий Турк хоконлигининг саркардаси Култегиннинг қабридаги эсдалик ёзувида (731 йилда ўлган) унинг шарафига берилган зиёфатга Қирғиз хоконлигининг элчиси Чор-тардуш Инанчу келиб иштирок этгани кайд қилинган. Демак, Қирғиз хоконлиги ўша даврлардаёқ шаклланган экан.

758 йили уйғурларга вассал — тобеликда қолган Қирғиз мамлақати бир неча ўнлаб йиллардан сўнг қайта мустақилликка эришган. Шунингдек, 820 — 840 йиллардаги аёвсиз курашлар ниҳоясида қирғизлар Уйғур хоконлигини (744 — 840) тор-мор қилиб, Марказий Осиёнинг кенг маконини ўзига бўйсундирдилар. Академик В. В. Бартольд Улуғ Қирғиз давлати («Киргизское великодержавие»)¹ деб атаган бу мамлакат қадимги Қирғиз давлатчилигининг янги чўккиси бўлиб қолган.



27. Енгил қуролланган қирғиз аскари.

¹ Давлат - йирик мамлакат (русча - «держава»)

Бу дастлабки даврлар Қирғиз давлатчилигининг ўрта асрлар ўнинчи юз иллигидан кейинги даврда, янги ва сўнги даврларида тарихда маълум ўрин оғаллаган босқичлари учун пойдевор бўлиб ҳисобланади.

Ҳужжатли материаллар

Материалы по истории сюнну. Вып. II. 1973. — 37 с.
Восточные авторы о кыргызах. Сост. введ.,
коммент. О. Караева. — Бишкек., 1994. — 4 б.

Усун аскарларининг кўплигини кўриб, ўз элчисининг қайтиб келмаганини билгач, Чжичжи олға юриб, усунларга хужум қилди ва уларни енгди. Ундан кейин шимолда Уцзегга ҳамла қилди, у ҳам бўйсунди. Сўнг (Чжичжи) аскарларини ғарбга юбориб қирғизларни (цзяньгунларни) ишғол қилди, шимолда са динлинларни ноилж бўйсундишга мажбурлади. (Шундай қилиб Чжичжи) Ч юртни ўзига қўшиб олди. У бир неча марта усунларга қарши хужум қилди ва ҳар гал улар устидан ғалаба қозонди. Қирғизлар (ери) шануй ўрдасидан ғарбда, 7 минг ли масофада, Чешу худудидан шимолда, 5 минг ли масофада жойлашган. Чжичжи мана ўша ерда яшаб келган.

(Бань Гу қаламига мансуб «Эрта Хань сулоласининг тарихи»дан олинган тармақдан аввалги I аср).

Бичурин Н. Я. (Накинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. 1. М.; Л.; 1950. 350 — 351-б.

ХакЯньси. Хагас. (Харгас - муаллиф қирғизлар). Хагас - (тўғри ёзилиши Харгас - муаллиф) - қадимги Гяньгун (қирғиз - муаллиф) давлати. У Хамининг ғарбида, Қорашаҳар¹ шаҳрининг шимолида, Октоғларнинг ёнида жойлашган. Айримлар бу давлатни Гюйву ва Гйегу деб аташади. Аҳолиси динлинлар билан аралашиб кетган. Хагас юрти бир вақтлар хуннуларнинг ғарбдаги маргаси бўлган. Хуннулар тобе бўлган хитой саркардаси Ли Линни ғарбдаги куки-бек лавозимига кўтаришган, шу билан бирга бошқа хитойлик саркарда эй Люйни эса динлинларга ҳукмдор қилиб қўйишган. Кейин Чжичжи-шануй цзяньгунларни бўйсундириб, шарқий шануйнинг ўрдасидан 7000 ли ғарбда, Чешу дан 5000 ли шимолда жойлашган ўша ерда ўз ўрдасини тиклаган; шу

¹ Бу ердаги хягас; хагас, гяньгун, уюйгу, уцегу, изягун, гйегу, гтетеси, гюйву деган номлашвлар «қирғиз» номининг Хитой тилида туранча аталшин. Қорашаҳар Шарқий Туркистондаги шаҳар.

боисдан у мамлакатнинг ҳукмдорлари Хягасни янглишиб Гйегу ва Гйегйеси деб аташган.

(Хитойда 618 — 907 йиллари ҳукмронлик қилган Тан сулоласининг тарихидан олинди).

Саволлар ва топшириқлар:

- 1. Қирғизларнинг қадимий юрти тўғрисида нималарни айта оласиз?*
- 2. Қирғизларнинг қадимий юрти хусусида қандай фикрлар бор?*
- 3. Қадимий қирғизлар хўжаликнинг қайси тармоғи билан шугулланганлар?*
- 4. Қадимги қирғизларнинг жамоа тузилиши қандай эди?*
- 5. Қирғиз давлатчилигининг муқаддимаси қайси даврга тегишли?*
- 6. Хуннулар билан қирғизларнинг ўзаро муносабатлари қандай бўлган?*
- 7. Қадимги қирғиз давлатчилигининг тарихидаги асосий даврлар тўғрисида нималарни биласиз?*

IV б о б. | ТАНГРИТОҒНИНГ ҚАДИМИЙ ДАВЛАТЛАРИ

§ - 9. Саклар

«Сак» атамаси

Қирғизистоннинг ва унга чегарадош хуудларнинг эрамиздан аввалги III асргача асосий халқи сакларнинг шарқий буюғи бўлган. Қадимги форсларнинг подшоси Доро I (эрамиздан аввалги 522 — 486 йилларда ҳукм сурган) қоя юзасида қолдирган ёзувларда Ўрта Осиё халқларининг ҳаммаси сак деб ифодаланган.

«Сак» этнонимининг туб маъноси ҳақида турли фикрлар мавжуд. Айримлари хинд-эрон шеваларига таяниб «соч» этноними «ит» ёки «буғу» деган маънони англатишини изоҳлашса, бошқа бирлари турк, мўғул тилларига таяниб, бу сўз «соч» деган маънони билдиради, дейишади.

Доро I марказ қилган қадимги Эроннинг Персепош шаҳри ёнидаги Нақши Рустам («Рустам нақшлари») бўртма нақшлари ёзувида сакларнинг уч бошқа тури эслатилган. Улар «сакатйаний-парадрайа» — «денгиз (дарё)нинг орти саклари», «сака-хаумаварга» — «хаумни қадрловчи саклар» («хаум» деб аталувчи чаканда доривор ўсимлигининг ширасидан диний мақсадларда фойдаланувчилар) ва сака-тиграхауда — ўткир қалпоқли саклар деб бўлинган. Бунда «сака» сўзига қўшилган қўшимчалар форсларга хосдир. Бу қабилалар ўзларини қандай атаганликлари ҳақидаги масалалар тўла ҳал қилинган эмас.

Эронга буйсулмаган саклар

Қадимги Эрондаги Ахмонийлар сулоласининг энг қудратли подшоҳи Доро I Бехистун қоясида ўзи ҳақида: «Мен — Доро, улуғ подшо, подшолар подшоси, ўлкаларнинг подшоси, Форснинг подшоси...» деб ёзиб, ўзи қарам қилиб олган мамлакатлар ичида «сака» этнонимини ҳам эслатган. Шу ёзувнинг бешинчи каторида Доро I ўткир қалпоқли сакларни қарам қилиб, йўлбошчиси Скунхани асирга олганини ёзади.

Аммо Доро I тиграхауда сакларнинг ҳаммасини ҳам буйсундира олмаган. Тўғридан-тўғ-



28. Қадимги саклар

ри Сирдарёнинг ўрта оқимига яқин яшаган ўткир қалпоқли сакларгина Эронга вақтинча қарам бўлган.

Тиграхауда саклари Сирдарёнинг ўрта оқиминигина эгаллаб қолмасдан, балки уларнинг ерлари Сўғд ўлкаси (ҳозирги Самарқанд худуди) дан шимоли-шарққа чўзилиб кетган.

Хаумаварга саклари эса Помир-Олойдан Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбигача бўлган худудларни эгаллаган, деган фикр бор. Уларни Эронга Кир II¹ деган подшо эрамиздан аввалги 545 — 539 йиллар оралигида буйсундиргани маълум (эрамиздан аввалги 530 йили вафот этган).

Тиграхауда сакларининг Шимолий Қирғизистон, Еттисув худудларида яшаган қабилаларининг турар жойларига эрон аскарлари етиб кела олмаган.

Сакларнинг тили Умуман саклар хинд-эрон тилларининг шимоли-шарқий шеvasида гаплашишган. Улар эрамиздан аввалги 2 минг йилликда Андрон археологик маданиятини тузган қабилаларнинг авлодларидир.


Сакларнинг аждодлари орий (орйа) қабилаларига бориб тақалиши ҳақида илмий тахминлар бор. Ўрта Осиё ва Эронда эрамиздан аввалги I минг йилликнинг бошида, бундан уч минг йил илгари тузилган зороастризм динининг муқаддас китоби «Авеста» («Васият») орийлар тилида ёзилган бўлиб, ҳозирги форс, тожик тилларининг қадимги манбаи ҳисобланади.

Турлар Орийларнинг душмани ҳисобланган тур халқи қолган ёнидаги (Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими томони) эрамиздан аввалги 2 минг йилликнинг охиридан ёдга олинади. Ҳамда орийлар билан бир умумий худода сиғингани ҳақидаги «Авеста»нинг маълумоти қизиқдир. Бир хил табиий шароитда қўшни бўлиб яшаган икки қадимий халқнинг этномаданий алоқаларининг тигиз ривожланиши, ҳатто бир-бирига ўхшаш диний тушунчаларга риоя қилиши ҳам тўла қонун доирасида эди. Турлар ва уларнинг юрти ҳақидаги маълумотлар — орийларнинг бизгача етиб келган диний мадҳияларида эса олинади.



29. Эрамиздан аввалги IV - асрдagi саклар йўлбошчисининг расмий сарпоси.

¹ Кир II - Эрондаги Ахмонийлар давлатининг асосчиси (э.а 558-530 йй.). У сакларга (массагетларга) қарши юришда ўлган.



30. Аёл қабрининг тузилиши. Саклар даври. Эрамиздан аввалги VII — III асрлар.
 Қўчқор водийси. Бешташқоро ёдгорлиги.



31. Йўлбарс. Олтин. Саклар даври. Эрамиздан аввалги VI — V асрлар. Кет-монтена Оқшй.



32. Арслон. Олтин. Саклар даври. Эрамиздан аввалги V — IV асрлар. Кетмонтена .

Турлар тили бўйича орийлардан фарқланган. Ҳозирги замон олимларининг айримлари турларни ҳинд-европа тил оиласининг бирида сўзлашган ва Андрон маданиятининг асосини ташкил қилган дейишса, бошқа бир гуруҳлари «тур» сўзидан «турк» этнонимининг энг қадимги изини кўрадилар ҳамда прототурк қабилаларининг Ўрта Осиёдаги бир қабила бирлашмаси жойлашган минтақа эрамиздан аввалги II минг йилликдан буён Турон деб аталган, дейдилар.

Эрамиздан аввалги I минг йилликда яшаган саклар ҳам Ўрта Осиёда ва Шарқий Туркистон ҳамда унга чегарадош ҳудудларда кўчиб юрганлар. Уларнинг жанубий ва ғарбий қисми эса орийларнинг тўғридан-тўғри авлоди қатори баҳоланади. Бундан бу саклар бутунлай ҳинд-эрон тилларида ва шеваларида гаплашганлар, деган хулоса келиб чиқади.

Лекин қадимги форслар «сак» этнонимидан умумлаштирувчи этник атама сифатида фойдаланишган. Демак, Эронга шимоли-шарк томондан кўшни бўлган халқларнинг аталиши билан атрофидаги бошқа эллар ҳам «сак» деб номланаверган.

Бироқ бу халқлар ўзларига таниш саклардан ҳам фарқланишлари маълум бўлганда, ўзларига яқин сакларни — Амударё сакларини дарёорти саклари — сака тўғри парадрайа дейишган. Сўғдорти саклари — сака тўғри пара сугдам деб Фарғона сўғдларини назарда тутишади. Энг шимоли-шарқда жойлашган халқларни эса сақатниграҳауда деган умумий ном билан аташади. «Ўткир қалпокли саклар» деб аталган бу гуруҳ тил жиҳатидан турли этник қисмлардан, хусусан, шарқий ҳинд-эрон шевасида ҳам, прототурк шеваси (турк билан мўғул аждодларига мансуб тил)да ҳам сўзлашганлар, деб тахмин қилинади. Бу қабилаларнинг ўзларини қандай ном билан атаганликлари ҳеч бир ишончли манбада кўрсатилмаган. Улар узун ва ўткир қиррали бош кийим кийганлари учунгина ғарбдаги кўшнилари томонидан ташқи кўринишига қараб шартли равишда (саки - ниграҳауда) деб аталиб қолишган.

**Антропологик
маълумот**

Ёзма ёдгорликларда қисман тилга олинган ҳудудлар халқларининг тарихини мукаммал

ўрганишда археологик қазиш ишлари вақтида топилган буюмларни илмий нуқтаи назардан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Қадимий қабристонлардан топилган одам суяқларини антропология фани ўрганади. Марҳумлар суяқларининг иркий ўзгачаликлари фан учун катта самаралар келтириши мумкин.

Масалан, қадимги бир асрда яшаган халқ европоид ирқиға мансуб бўлса, бир неча асрдан кейин худди ўша ерда яшаган аҳоли суяқлари монголоид ирқиники бўлиб чиқса, демак, бу ҳудудда бурунги ирққа мансуб халқлар сурилиб, янги келган ирққа мансуб эллар жойлашиб олганлигини билиб оламиз. Албатта, халқларнинг ирқ томондан ўзгариб туришини кўчиб кетиш ёки келиш билангина исботлаб бўлмайди. Инсон узоқ замонлар тарихда ўзаро иркий боғланишларни, бир-бирлари билан узвий муносабатларни бошидан кечирган. Бугунги Ўрта Осиёда бир вақтнинг ўзиде европоид ва монголоид белгиларига кўра бир-



33. Сирға. Олтин. Саклар даври. Эраמידан аввалги VI—V асрлар. Кетмонтепа.

бирлари билан фарқланган, бироқ ўхшаш турк тилларида сўзлашган халқлар яшаган (бунда туркманлар билан кирғизларни такқослаш мумкин).

Албатта, халқларнинг иркий ўзгариши юрт бўлиб кўчиб юриши билангина ҳал бўлмайди. Инсоният тарихида иркий алоқалар, ўзаро бирлашувлар тинимсиз бўлиб турган. Ҳозирги кунда Марказий Осиёда европоид ва монголоид белгилари билан бири - биридан ажралиб турган халқлар яшайди. Бироқ улар қардош турк тилларида сўзлашади (масалан, туркманлар билан кирғизларни такқослаш мумкин. Туркманларда европоид белгилари монголоид киёфасидаги кирғизларга қараганда анча юқори).



34. Ўралиб ётган йиртқич кўриниши. Бронза.

Саклар даври. Эраמידан аввалги VI—V асрлар — Иссиқкўл.

Йирик антрополог олимларнинг сўнги хулосаси сакларнинг тарихини бирмунча ойдинлаштириб беради. Монголоид сифатидаги одамларнинг юз тузилиши япалоқрок бўлиши маълум. Эрамиздан аввалги VIII — III асрларда Ўрта Осиёдаги халкларнинг каттагина қисми европоид юз тузилиши билан фарқланган. Уларнинг кўпчилиги ўтроқлашган тарзда яшашиб, деҳқончилик билан шуғулланишган.

Асосан кўчманчи чорвадорлик учун қулай бўлган Орол бўйида, Олай ва Тангритоғ худудларида, Зарафшон водийсида яшаган кабилаларнинг эрамиздан аввалги VIII — III асрларда қолдирган қабрларидаги топилган суякларидан уларнинг юзида япалоқ — монголоид белгилари борлиги маълум.

Иркий томондан бундай фарқ Ўрта Осиё халқларининг ўша даврда этник жихатдан ҳам турличалигини кўрсатиб турибди. Демак, эрамиздан аввалги I минг йилликда форсий ва бошқа манбаларда Ўрта Осиё аҳолиси умумлаштирилиб «сак» деб аталгани билан бу ернинг халқи кабила ва этник жихатдан ҳеч бўлмаганда икки йирик гуруҳга бўлинган. Уларнинг бири — шаркий ҳинд-эрон халқлари эканлиги шубҳасиз. Иккинчиси — шарқ томондан келиб, Ўрта Осиёга монголоид иркий белгисини ёйган тарихий қўшилари бўлган.

Ўрта Осиёнинг шимоли-шаркий ва шаркий худуди («тиграхауда саклари» дейилган кабилалар эгаллаган худуд)ни макон қилган бу халқ туркларнинг қадимий аجدодларининг Марказий Осиёдан ғарбга сурилган қисми деб қаралиши мумкин.

Қадимги юнон маълумотлари

Ўрта Осиё саклари ва уларнинг турли қабилалари ҳақида қадимги юнонларнинг тарихий манбаларида ҳам ҳар хил маълумотлар учрайди. Масалан, «Юнон тарихининг отаси» деб таърифланган Геродот (эрамиздан аввалги V аср) ўзининг «Тарих» номли асаридеа Ўрта Осиёнинг ғарбини эгаллаган қабилаларни массагет деб атайди. Эрон шоҳи Кир II нинг эрамиздан аввалги 530 йилда массагетларга қилган ҳужуми ҳақида, массагетларнинг довиорақ маликаси Тўмариснинг асирликда ўзини ўлдирган ўғли Спарганис учун Эрон шоҳидан қандай қилиб ўч олганини баён қилиб, Геродот: «Бу жангни мен ваҳшийлар олиб борган урушлардан ҳам энг зўри деб ҳисоблайман», — деб ёзади.



35. Хўроз. Олтин. Саклар даври.
Эрамиздан аввалги VI—IV асрлар.
Кетмонтепа.

Ўша асарнинг ўзидан машхур Марафон жангида форслар томонда урушган саклар ўзига хос мардлик намуналари кўрсатишганини биламиз. Геродот «Тарих»нинг еттинчи китобида юнонларга қарши жанг қилган сакларнинг (уларни «амирийлик скифлар» деб атайди) ўткир учли қалпоқ, кенг шим кийиб, ўқ-ёй, қиска қилич, қўш тигли ойболта билан қуролланганлигини ёзади. Ҳаммасидан кизиғи шуки, юнонлар евроосиёлик кўчманчиларни тили, миллати, иркидан қатъий назар, «скиф» деб атаганлар. Шундай форсий одатни Геродот ҳам фахмлайди: «Бу амирийлик скифларни саклар деб аташган, чунки форслар барча скифларни «сак» деб аташади-да».



36. Олтин илгич. Саклар даври. Эрамиздан аввалги VI—III асрлар. Кетмонтепа.

Геродотнинг ва бошқа юнон муаллифларининг маълумотларига таянсақ, Ўрта Осиёни ва унга шимол, шарқ томонлардан чегарадош бўлган худудларни ҳар хил халқлар эгаллаб, улар урф-одати, тили, хўжалик юритиши бўйича ҳам бир-бирларидан фарқланган, деган хулосага келамиз.

Македониялик Александрнинг хўжуми

Македониянинг кейинги подшоси Александр¹ Кичик Осиё билан Ўрта Шарқни бўйсундириб олгандан кейин эрамиздан аввалги 329 йили Ўрта Осиёга бостириб кирган. Юнон-лотин тарихчилари ёзганларидек, македониялик Александр Сирдарёнинг Фарғона водийсидаги оқимигача келган ва ҳозирги Хўжанд билан Бекобод шаҳарлари оралиғида Александр Эсхата (Чекка Александрия) шаҳрини ўн етти кун ичида қурдирган. Македониялик босқинчига қарши Спитамен раҳбарлигида сўғд кўзғолончилари кураш олиб борганлар.

Кейинги айрим қирғиз ривоятларида юнон аскарлари Жанубий Қирғизистонгача етиб келиб, Арслонбоб ўрмонларидан ёнғоқ дарахтининг уруғини олиб кетишиб, уни Юнонистон (Греция) да ўстиришган. Дунёга у «грек ёнғоғи» деган ном билан таралган эмиш. Бироқ бу афсона тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки «грек ёнғоғи» Евроосиёнинг турли минтакаларида ўсади.



37. Олтин буюм (илгич). Саклар даври. Эрамиздан аввалги VI—IV асрлар. Кетмонтепа



38. Ўзган буқа. Бронза. Саклар даври.
Эрамыздан аввалги V—III асрлар. Челек
қазилари. Иссиқкўл водийси.

«Йаксарт (Сирдарё) ортидаги Антиохия» деган шаҳар бўлган. Бу шаҳар ҳозирги Ўзган ёнида бўлган, деган тахмин бор. Ўзган ҳудуди атрофидаги Довон (ДаЮань) давлати жойлашган ерда Антиохия шаҳрининг қурилиши Шарқий Фарғона халқининг Селевкийларга қисқа муддатда бўлса ҳам тобе бўлганлигини билдиради.

Бу даврда (эрамыздан аввалги IV аср охири - эрамыздан аввалги III аср) Жанубий Қирғизистон халқи Эллин маданиятига алоқадор бўлган кенг минтақанинг энг шимоли-шарқий ҳудудида яшаган. Олис Юнонистон билан Қирғизистон халқларининг бу даврдаги тарихий алоқалари кейинчалик Буюк Ипак йўлининг барпо бўлишига замин яратган.

Саклар жамияти

Эрамыздан аввалги II аср ўртасигача Қирғизистоннинг туб аҳолисини тузган шарқий саклар қабилавий ҳарбий демократиядан эрта феодал давлатга ўтиш даврини бошдан кечирганлар.

Археологик қазилар вақтида энг бой топилмалари бор йирик қабристонлар билан бир қаторда ғарибона қабрларнинг ҳам бўлиши жамиятнинг табақаларга бўлинганлигидан далолат беради.

Юнон - лотин манбалари сак қабила бирлашмалари сардорларини подшо қатори ҳисоблашади. Тангритоғлик кўчманчи саклар ва уларга жамоатдош бошқа қабилалар жамиятининг ҳарбий тузилмаси тарихий манбаларда тасдиқланади.

Саклар ва йилқиччилик

Сак қабилалари йилқи боқишга ва арғумокларни парвариш-лашга алоҳида эътибор беришган. Юнон тарихчиси Ксенофонт Ахмонийлар¹ сулоласидаги форс подшоларидан бири турли

Қирғизистон ҳудудидаги кўчманчи халқларни македониялик Александр босиб олган эмас. У Ўрта Осиёнинг бир қисми ва Фарғона водийсини олиш билан чеklangан.

Македониялик Александрнинг истеъдодли саркардаси Селевк эрамыздан аввалги 312 йили ўзининг энг йирик давлатига асос солган (эрамыздан аввалги 312 — 64 йиллар). Селевк ва унинг ўғли Антиох I Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларига қатор юнон-македон шаҳарларини қурдирган. Уларнинг энг шарқида

¹ Ахмонийлар. Эрамыздан аввалги VI-IV асрларда қадимги Эронда ҳукмронлик қилган сулола (династия). Ахмонийлар мамлақатини эрамыздан аввалги 334-331 йилларда македониялик Александр босиб олган.

халқлар вакилларидан иборат чавандозлар иштирокида пойга уюштирилганлигини маълум қилади. Бир чақирим масофадаги маррага сак чавандози биринчи бўлиб етиб келади. Форс подшоҳи йигитнинг аргумоғи учун бир подшоҳликни таклиф қилганда, у кўнмай, ўз отини мард одамнинг бир олқиш сўзига бериб юборишини айтади. Зотдор йилкиларни боқиш Тангритоғ ва Шарқий Фарғонада кейинчалик давом этган.

Еттисувнинг қадимий Эрамиздан аввалги I минг йилликда саклар ва **ёзма маданияти** уларга тарихан қўшни бўлган халқлар маҳаллий ёзма маданиятга асос солишган. Ўрта Осиёнинг маркази ва ғарбида арамей, юнон, шимоли-ғарбий ҳинд кхарошти ва қадимий сўғд ёзувлари эрамиздан аввалги I минг йилликнинг охири асрларида қўлланилган.

Лекин ёзма маданият у қадар такомиллашмаган эди. Бунга Еттисув ҳудудидаги сак даврига оид йирик археологик топилмалар гувоҳлик беради. Қозоқ археолоғи К.А.Акишевнинг саъй-ҳаракати билан ҳозирги Олмати шаҳридан 50 чақиримча шарқда Иссиқ номли ерда қабристон қазилиб, ундаги топилмалар орасидан қумуш идиш ҳошиясига битилган ёзув аниқланди.

Икки қаторга битилган 26 ҳарф машҳур Ўрхон-Энасой ёзувларига ўхшайди. Ҳозиргача қалити топилмай ўқилмаётган бу ёзув «тиграхауда саклари» деб аталган халқларнинг Еттисувдаги макони ўша давр ёзма маданиятининг ўчоғи бўлганлигидан далolat беради. Бу ёзувларнинг меросчиси ва ривожлан-тирувчиси туркий халқлар эканлигига шак-шубҳа йўқ.

Сакларнинг кўчиши. Хуннуларнинг улуғ империяси кучайиб турган чоғда, эрамиздан аввалги II асрда йуэчжилар (тоҳарлар) улардан чекиниб, Шимолий Хитойнинг ғарбий ҳудудларидан Шарқий Туркистонга келганлар. Бу ердан усунлар қисуви билан йуэчжилар Ўрта Осиёнинг жанубига кўчишиб, охири Бактрияда туриб қолганлиги ўтган дарслардан маълум.

Хуннулардан мустақил бўлишга интилган усунлар Шарқий Туркистондан Тангритоғ марказига силжиб, Иссиқкўлни эгаллаб олганларида бу ҳудудларнинг маҳаллий халқи — еттисувлик саклар эрамиздан аввалги II асрда ғарбга — Ўрта Осиёга қараб кўчишга мажбур бўлишган. Лекин сакларнинг қолган қисмлари усунлар билан аралашиб, кейинги тангритоғлик халқларнинг шаклланишига туртки бўлган.



39. Баланд ваза. Сопол. Эрамиздан аввалги охири асрлар. Фарғона водийси.

Саклар: касби, тузилиши

Геродот. «История». В 9-книгах. Пер. Г. А. Стратановского. - Л., 1972. I-китоб, 201-бет.

... Кир массагетларни бўйсундиришни ўйлади. Бир массагетлар (бошқалар) айтгандек, кўп онли ва мард қабила...

205-бет. Массагетларнинг подшоши вафот этган подшонинг хотини (беваси) бўлган. Унинг исми Тўмарис эди. Кир унга уйланмоқчи бўлиб, совчи юбориш мақсадида элчиларни жўнатган. Бирок Тўмарис Кир совчи юборишни эмас, балки массагетларнинг подшолигини қўлга киритмоқчи эканлигини тушуниб, ундан бош тортган. Шунда Кир мақсадига эриша олмаслигига кўзи етиб, массагетларга уруш очади. Дарё (Аракс)¹ дан ўтиш учун подшо қайиқлардан сунъий кўприк ясаш ва унинг устига минора қуришга буйруқ беради.

214-бет. Тўмарис... ўзининг барча аскарлари билан форсларга қарши ҳужумга ўтди. Бу жанг, менимча, боскинчилар билан бўлган барча жанглар ичида энг оғири бўлган... Зеро, таъкидланганидек, рақиблар юзма-юз туриб, олисдан ёй билан отишган. Сўнг ўқлар тамом бўлгач, улар ханжар ва найза билан жангга киришган. Ёвлашган икки тараф узоқ олишиб, ҳеч ким чекинишни истамади. Охири массагетлар енгди. Форс аскарлари жанг майдонида кириб ташланди, Кир ҳам ҳалок бўлди. У тўла 29 йил подшолик қилган...

215-бет. Массагетлар скифларникига ўхшаш кийим кийишади, яшаш тарзи ҳам бирдек. Улар отда ҳам, пиёда ҳам уруша оладилар. Одатда улар ўқдонлар, найзалар ва ойболталар билан қуролланишган. Уларнинг ҳамма бўюмлари олтин ва мисдан. Бирок найзанинг, ўқнинг учлари, ойболтанинг тиғини улар мисдан ясашади, бош кийимларига, камар ва қилич қинларига, эгнига, илгичларига олтиндан безак беришади. Шунингдек, минадиган отларига мисдан безакланган ёпқич ёпишади. Нўхта, юганлари, тизгинига олтин қопланади. Темир билан кумуш уларда бутунлай йўқ, чунки улар мамлакатда қазилмайди. Бирок олтин билан кумуш у ерда жуда сероб.

216-бет. ... Массагетлар деҳқончилик қилишмайди, бирок чорвачилик ва балиқчилик билан тирикчилик ўтказишади, шунингдек, сут маҳсулотларини истеъмол қилишади.

Яккаю ёлғиз сиғинган худоси — Қуёш.. Қуёшга атаб отларни қурбонлик қилишади...

¹Аракс - Кавказдан дарё. Бирок бу ерда ҳозирги Амударё назарда тутилган. (Қадимги Юнон тарихчилари оқс деб аташган).

7-китоб, 64-бет. ... саклар бўлса (скиф қабиласи) бошларига тепаси баланд (ўткир учли), тик турадиган қалпоқ кийишган. Улар шим кийишган, ўқдон ва ханжарлар билан қуролланишган. Бундан ташқари, уларнинг қўш тигли, ўткир ойболталари бор эди. Бу (скиф қабиласи эди) қабилани амирий саклар деб аташган. Форслар барча скифларни саклар деб аташар эди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. «Сак» этноними қайси халқларга тааллуқли?
2. Сакларнинг қандай турлари бор?
3. Монголоид қабилалари қайси ерга келишган?
4. Геродот саклар ҳақида нималарни ёзган?
5. Македониялик Александр Ғрта Осиёнинг қайси қисмини босиб олган?
6. Саклар қайси жамият даврида яшаганлар?
7. Саклар Ғрта Осиёнинг шарқидан қачон ва қайёққа кўчишган?

10-§ Усун давлатининг асосланиши

Усунларнинг келиб чиқиши ва аталиши

Марказий Осиё ва Тангритоғ худудида эрамиздан аввалги III аср — эрамизнинг V асрида ўзгача тарихий роль ўйнаган кўчманчи халқлардан бири усунлар бўлган эди. Усунларнинг этник аталиши хитой манбалари орқалигина бизга етиб келган. «Усун» атамаси «қарғанинг авлодлари» деб тушунча берувчи хитой иероглифлари билан ёзилгани янада кизик.

Антропологик жиҳатдан усунларни европонд иркига мансуб кишиларга кўшиш мумкин эмас. Усунлар Тангритоққа Марказий Осиёдан монголоид иркидаги одамларнинг белгиларини кўпроқ олиб келган ва европонд билан монголоидларнинг белгилари аралашган халқлардан бири бўлган.

Албатта, бир неча асрлар давомида йуэчжи (тоҳар), сак каби ҳинд-европа тилларида сўзлашган халқлар билан ёнма-ён яшаши туфайли бу кўшнилардан қатор сиёсий ва бошқа сўзларни ўзлаштиришига ҳам усунлар учун имконият яралган. Усунлар давлатига турли халқ вакилларини жамлай олган.

Усунларнинг илк ватани

Эрамиздан аввалги I минг йилликда — эрамизнинг I минг йиллигида тарих саҳифаларида номи тилга олинган Марказий Осиёлик кўчманчи халқларнинг ҳеч бири ўзларининг асл юртидан кўзгалмай, фақат бир жойда яшаб қолган эмас. Хуннулар ҳам, йуэчжилар ҳам, саклар ҳам, қирғизлар ҳам кўчиб юришган. Худди шундай қисмат усунларни ҳам четлаб ўтмади. Усунларнинг



40. Усун оиласининг ҳўжаллиги.

энг қадимий ватани қаерда бўлганлигини аниқлаш қийин. Бироқ эрамиздан аввалги III аср охиридан бошлаб уларнинг яшаган маконини аниқлашга қадимий хитой манбалари бизга асос беради.

«Усунларнинг ҳукмдори Куньмо (кун-бий) деб аталади. Унинг отаси Наньдоумо кичик бир подшоликнинг эгаси эди. Бу (подшолик) катта йуэчжилар каби Цилянъ Шанъ тоғлари билан Дуньхуаннинг ўртасида жойлашган», — дейди Бань Гу. Сима Цянъ усунларнинг бу кичик подшолиги хуннуларнинг ғарбий чегаралари тарафидан ўрин олганлигини ёзган.

Цилянъ Шанъ тоғи Ганьсу вилоятининг ғарбий томонида жойлашган. Усунлар эрамиздан аввалги VI — III асрлар оралиғида Ганьсунинг мазкур ғарбий худудини қадимги тибет қабилаларини суриб чиқариб эгаллаб олишган. Йуэчжилар эса эрамиздан аввалги III асрнинг охири чорагида вақтинча кучайиб, ўша даврда усунлар йуэчжиларнинг таъкибидан шимолга — ғарбий Мўғулистон тарафга силжишга мажбур бўлган. Модэ-шануй усунларни ҳатто ўша вақтинчалик юрتلарида ҳам мағлубиятга учратади.

Айтмоқчи, Лобнор кўли ёнида топилган даракли ёзма ёдгорликларнинг бирида (эрамиздан аввалги I аср — эрамизнинг I асри) хитой харбий қишлоғининг бир мартабали кишиси «усун қароқчилари» томонидан ўлдирилганлиги айтилади. Демак, айрим усун гуруҳлари кейинчароқ ҳам Лобнор худудида яшаб қолавергани таъкидланади.

*Кун-бий түгрісиде
ривоят*

Хитой манбаларида усунларнинг дастлабки ҳукмдори хусусида қизиқарли ривоят мужассамлашган. Уни Бань Гу кенгрок таърифлайди. Усунларнинг сардори

Кун-бий (Куньмо) собиқ мўъжазгина подшолик эгаси Нань-доумонинг ўгли эди. Ғарбий Ғаньсудаги бу мамлакатта қатта йуэчжилар ҳужум қилишган.

Йуэчжиларнинг бу ҳужуми пайтида Наньдоумо ҳалок бўлади. Усунлар ўз еридан кўчиб кетишга мажбур бўладилар. Улар хуннулар назоратидаги ҳудудга келишади. Бу жанжал бошланган маҳалда бўлажак кун-бий (Наньдоумонинг ўгли) ҳали гўдақ эди. Буцзюсихоу деган унинг маслаҳатчиси чакалоқни кўтариб золим душмандан қочаётиб, бир жойга келганда уни майсалар устига ётқизиб, ўзи егулик излаб кетади. Қайтиб келиб кўзларига ишонмай лол-хайрон қолади: қорни оч чакалоқни бир она бўри эмизаётган эди. Уларнинг устида эса тумшугига бир кесим гўшт тишлаган қарға айланаётган эди. Буни кўрган маслаҳатчига гўдақнинг бир сири бор, деган ўй келди. У чакалоқни олиб қайта орқасига қайтди ва хуннуларнинг подшоси ҳузурига келади. Бўлган воқеани эшитган шануй ҳам таажжубланиб, бу боланинг бир хосияти бор, деб ўйлади. Шундай қилиб, уни ўзи асраб олиб, ғамхўрлик кўрсатиб вояга етказди.

Ривоятни усунлар ўзларининг мустақил давлатини тузган ҳукмдорининг ҳукми қонун доирасида, чунки у хосиятли киши бўлган, деган мақсадни кўзлаб яратишган. Ривоят авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб, усун кун-бийларининг ҳокимияти ҳақли равишда дахлдор эканлигини оддий халққа ҳам, тарихий кўшни элларга ҳам билдириши, уларни бу фикрга ишонтириши керак эди.

Қадимий усунларнинг бу ривояти турк қабилалари ўртасида кенг тарқалган. Кейинги даврларда ҳам ҳон ҳукмдорлигининг қонуний доирасини шакллантириш учун Турк ҳоконлигига асос солган ашина қабиласи шундай ривоятдан фойдаланган. Қирғиз ҳокони билан ҳам бўри билан боғлиқ ривоят ўрин олганлиги маълум. Турк халқларининг бу ривоятдан ўрта асрларда мўғуллар ҳам фойдаланишган.

Усунлар — Жунгорияда Хунну империясининг ҳукмдори Модэ-шануй йуэчжилар билан усунларнинг ўзаро қарама-қаршилигидан фойдаланишга ҳаракат қилган. У ўзи тарбиялаб ўстирган усун ҳукмдорининг етим боласига кун-бий унвонини берди ва уни қайта усунлар ҳукмдори деб эълон қилиб, ўзига вассал (қарам) ҳисоблаган. Усунларга ўзининг ғарбий чегарасини қайтариш вазифаси топширилган эди.

Усунлар эгаллаган янги ер — Жунгория пасттекислиги эди. Олтой билан Шарқий Тангритоғнинг оралигини эгаллаган бу пасттекислик чорвачилик учун қулай бўлган. Бу ерда усунлар билан қўшни бўлиб қирғизлар яшаганлиги тахмин қилинмоқда. Улар ҳам хуннулар давлатининг тасарруфида бўлган эдилар.

Модэ-шануй эрамиздан аввалги 177 йили ўз давлатини Хань сулоласи томонидан расмий тан олинисига эришган. Хитой императори Вэньди билан Модэ бир-бирини «кариндош» деб эълон қилишган. Мана шундай вазиятда Жунгориядаги усунлар хуннулар билан сиёсий иттифокни бузмай яшашдан бошқа чора топишган эмас.

Йуэчжиларга қарши биргаликдаги уруш

Усунлар хунну империясининг вассали ва иттифокдоши сифатида бу икки халқнинг умумий душмани — йуэчжиларга қарши урушларда катнашишга мажбур бўлишган.

Модэнинг ўғли Лаошань-шануй отасининг босқинчилик сиёсатини давом эттиргани маълум. У муваффақиятли уруш ҳаракатларини олиб борган. Нагижада йуэчжиларнинг Дуньхуан ҳудудидаги давлати емирилган. Хукмдори ўлдирилган йуэчжиларнинг салмоқли қисми («катта йуэчжилар») хуннулар билан усунлар таъкиби туфайли Еттисувгача чекинишга мажбур бўлган.

Усунлар хунну империясининг вассали ва иттифокдоши сифатида бу икки халқнинг умумий душмани — йуэчжиларга қарши урушларда катнашишга мажбур бўлишган.

Усунларнинг Еттисувни эгаллаши


Усунларнинг кунбийи йуэчжиларга қарши ҳаракатларни давом эттиришга Лаошань-шануйдан рухсат сўрайди. Бу хусусда хитой тарихчиси Бань Гу куйидагиларни ёзади: «Кун-бий мард йигит бўлиб кучга тўлган пайт эди. У шануйдан ўз отаси учун йуэчжилардан ўч олишга рухсат сўради. Ғарба у катта йуэчжиларга ҳамла қилиб, уларни тор-мор этди. Катта йуэчжилар қайта ғарбга чекиниб Бактрия ерларига кўчишди».

Эрамизгача 165 — 160 йиллар Шарқий Туркистоннинг қатор шимолий ҳудудини, Марказий Тангритоғни, Еттисувни усунлар эгаллаб олишган.

Усунларнинг ўз мустақиллигини эълон қилиши

Тангритоғнинг кенг ҳудудини эгаллаб олган усун хукмдори хуннулардан анча ғарбга олислаб кетганини фахмлади. Ўз халқининг келажагини ўйлаган кун-бий усунларнинг давлат мустақиллигини шакллантиришни режалаштирди.

Хунну подшохи Лаошань-шануй вафотидан сўнг эрамиздан аввалги 161 — 158 йиллар мобайнида кун-бий усунларнинг янги давлатини тузиб, ўзини хуннулардан мустақил деб эълон қилди. Хитой манбаларида ҳам бу мамлакат қабила бирлашмаси сифатида эмас, балки «Усунь-го» — «Усун давлати» деб эътироф этилади.



41. Қабристондан топишган идишнинг реконструкцияси. Сопол I — V асрлар. Отбоши. Четкелтебик ёдгорлиги.

Усулларнинг 120 минг оиласи бўлган (аҳолиси — 630 минг киши эди). Улар ҳарбийларининг сони 188800 кишига етган. Бу сонга усуллар томонидан босиб олинган халқларнинг ҳам ҳарбий кучлари қўшиб айтилган бўлиши мумкин.

Усулларнинг пойтахт шаҳри

Усулларнинг бош қалъаси сифатида Иссиққўл ҳудудидаги Чигу шаҳри асосланган. Бу шаҳар ҳозирги тушунчамиздагидек ёки ўтроқлашган қадимги халқларнинг шаҳарларидек бўлган эмас. Илгари у ерда кўчманчилар кун-бийининг ўрдасигина қад кўтарган эди.

Кейинчароқ эрамиздан аввалги I асрда Чигу шаҳрида ҳашаматли бинолар ҳам қурилган. Масалан, усулларнинг кун-бийига куёвга чиққан хитойлик зодагон малика учун махсус хитойча усулда оксарой қурилган. Бу оксарой ҳеч бўлмаганда хитойлик бой-бадавлатларнинг данғиллама ҳовлисидек бўлса керак, деган фикрлар бор.

Эрамиздан аввалги I асрда душмандан ҳимоя қилиш, мақсадида шаҳар айланасига кўрғон қурилган.

Айни пайтда қирғиз олимлари қадимий Чигу («Чигучэн» — хитойчадан ўгирганда «Қизил водийдаги кўрғонли қишлоқ» деган маънони билдиради, усуллар берган ном қандай эканлиги маълум) шаҳрининг ўрни сифатида Туп туманидаги Сарибулунг шаҳар харобаларини кўрсатишяпти. Сарибулунг шаҳар харобалари Иссиққўлнинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган.

Чигу шаҳрининг дастлаб турар жой, қишлоқ қатори асосан усуллар келгунга қадар пайдо бўлгани, тиграхауда сакларининг давридаёқ бу ерда кўчманчи чорвачилик билан бирга ўтроқлашган дехқончилик хўжалигининг ўрин олганлиги далилланябди. Иссиққўлдаги дехқончилик маданияти билан ҳамо-ҳангдир. Чунки бу ҳудудларда усуллар келгунга қадар бир-бирига ўхшаш ёки қўшни тиграхауда саклари яшаганлар.

Шунингдек, Чигу шаҳрига усуллар келгандан кейин ҳам Иссиққўлда дехқончиликнинг давом этавериши, хунармандчиликнинг тинимсиз ривожланиши сакларнинг қандайдир бир бўлаги усуллар орасида қолиб, улар билан уйғунлашганидан далолатдир.

Чжан Цяннинг усулларга элчилиги

Юқорида айтилгандай эрамиздан аввалги 128 йили Хитой элчиси Чжан Цянь ўн йилча тутқун бўлган хуннулар мамлака-



42. Хуннуларнинг суякдан қилинган ўқлари. II — IV асрлар
Талас, Кенгқўл қабристон.

тидан ғарб томонга қочиб кетди. Унга йуэчжиларни топиб, хуннуларга қарши сулҳ тузиш мажбурияти юкланган эди.

У бир неча навқари билан Шарқий Тангри тоғнинг шимолий томони орқали ғарбга илгарилай борди. У сафар чоғида усун қабилалари «урф-одати хуннуларга ўхшаш эканлигини» ҳам фаҳмлади. Ахийри усунларнинг пойтахти жойлашган Исеиккўл бўйига дуч келди.

Ўзларини хуннулардан мустақил ҳис этган усунлар Чжан Цянга тўсқин бўлмайдилар. У ундан нари Довон давлати кўзлаб сафарини давом эттирган. Ўзи бўлган ерда у тил топишиб одамлар билан сўзлаша олган ва кизиқтирган мамлакатларнинг жойлашган ўрни, эгаллаган майдони, аҳолисининг касб-кори, ҳарбий кучлари, табиий бойликлари хусусида ҳар томонлама маълумотлар тўплайверган. Хитой императори У-дининг ғарбга томон босқинчилик сиёсати учун бу маълумотлар ишончли манба бўлган.

Кейинчалик Чжан Цянь амалидан ажралиб, оддий фуқарога айлангандан кейин ҳам Хитой императори У-ди унинг маслаҳатларини олиб турган. У эрамиздан аввалги 119 йили хуннулар устидан ғалабадан сўнг хитойлар бироз ҳолсизлангач, Чжан Цянь хуннуларни бошқа бир ёв кучи билан енгиз керак, деган ҳуфиёна ўй туғилади. Худди шу фикрни Император У-дига айтган. Усуларни ўзимизга жалб этиб, улар билан «қариндошлик иттифоқи» тузсак, улар Хань императорига бўйсуниб қолар эди. Шундай қилиб, биз хуннуларнинг ўнг қўлини кесиб ташлар эдик, деган. Бунда «ўнг қўлни кесиб ташлаш» ибораси ўнг қанот, марказий ҳокимият, сўл қанот бўлиб бўлинган хунну бошқарув тизимининг ўнг қанотини билдиради. Усулар билан хуннулар курашса хуннуларнинг ўнг қаноти Хитой томондаги воқеаларга кўнгил бурмай алаҳсиб қолган бўлар эди.

Чжан Цяннинг бошқа бир маслаҳати — усунлар билан иттифоклашиб, ундан ғарброкдаги сочқин мамлакатларни ҳам Хитойга бирлаштириб, уларни «ташки фуқаролар»га айлантириш керак, деган фикр эди.

Ана шундай маслаҳатларга тўла ишонган У-ди эрамиздан аввалги 116 йили теварагида ўз элчиси сифатида Чжан Цянни усунларга юборган.

300 аскар, сон-саноксиз совға-салом билан келган Чжан Цянь усунларнинг кун-бийи томонидан дурустгина қабул қилинган. У Чигу шаҳридаги ўз ёрдамчиларини Ўрта Осиё, шимоли-ғарбий Ҳиндистондаги қатор мамлакатларга элчилик топшириги билан юборган. Бир вақтнинг ўзида тўғридан-тўғри Хитой билан шу ҳудудлардаги мамлакатлар ўртасида савдо муносабатлари тузилган.

Чжан Цянни эрамиздан аввалги 115 йили усун кун-бийи қатта ҳурмат-этибор билан кузатиб, ўз элчиларини ҳам жавоб тариқасида Хань сулоласининг пойтахтига юборган. У-ди эса усунлар ҳукмдорига аслзода маликалардан бирини совға-саломни билан қўшиб жўнатиб, хитойликларнинг Хань империяси Усун давлати билан «қариндошлик иттифоқи»ни тузган.

*Усунларнинг Хитой
ва Хунну империялари
билан муносабатлари
(эрамиздан аввалги II
асрнинг охири)*

Усунларнинг давлати эрамиздан аввалги II аср охирида ҳозирги Шимолий Қирғизистоннинг, Жануби-шарқий Қозоғистоннинг ҳудудини, шунингдек, Шарқий Тангритоғнинг қатор ерларини эгаллаб турган. Шарқда улар хуннулар билан, ғарбда — Қанғуй ўлкаси билан, жанубда — хуннуларга солиқ тўлаб турган Шарқий Туркистоннинг кичик давлатлари билан чегарадош бўлган.

Шундай вазият усун кун-бийидан ташқи сиёсатни пухта юритишни талаб қилган. Сабаби хуннулар билан хитойлар Шарқий Туркистон учун бўлган аёвсиз курашни давом эттиришаётган эди.

Усун кун-бийи Хитой билан муносабат ўрнатишга маъқул бўлсада, очикдан-очик хуннуларга қарши чиқишни лозим кўрмади. У ўзи учун нейтрал — ҳолис сиёсат юритиш йўлини танлади. Бу сиёсий кўриниш — «қариндошлик иттифоқи» тузиш русуми орқали ойдинлашади: усун кун-бийи бир вақтнинг ўзида хуннуларнинг кизига ва хитойлик императорнинг наслидан бўлган маликага уйланишга қарор қилган.

*Усунларнинг
хўжалиги*

Усунлар, умуман, кўчманчи чорвачилик билан тириклик ўтказишган. Усунлар йилки, мол, қўй, эчки боқишган. Хитой манбаларида: «Усунлар дехқончилик ва боғдорчилик билангина шуғулланишмаган. Улар сув ва яйлов, ўт-ўланининг тўйимлидигига, қулайлигига қараб, мол-ҳоли билан бир ердан иккинчи ерга кўчиб ҳам юришган» деб шарҳланади. Усунлар тузган давлат ҳудудида кейинчароқ уларга аралашиб кетган бошқа халқлар ҳам бўлган. Улар усунлар келгунчаёқ дехқончилик билан шуғулланишган эди. Натижада улар таъсири остида усунлар ҳам эрамизнинг дастлабки асрларида ярим кўчманчи ҳолатда турмуш кечириб, қайсидир қисми ўтроқлаша бошлаган.

Масалан, археологлар Чуй ва Исиккўл водийларидан усунлар даврига хос жойлар, қишлоқлар изини топишди. Қорабўлта ва Туп тарафларда жойлашган усунлар даври қишлоқларида дехқончилик асосий хўжалик тармоғи бўлган. Ҳақто у ерларда сунғий суғориш ариқлари очилгани ҳам маълум бўлди.

Усунлар ва улар ўртасидаги сакларнинг қолган қисми хунармандчилик билан ҳам шуғулланган. Ҳар хил сопол идишлар, жун йигирувчи, суякдан ишланган буюмлар, «хайвонот услуби»даги заргарлик (олтин, бронза, мис ва ҳоказо) буюмлари, темир найза учлари археологик қазинишлар даврида топилган. Масалан, Челпек қабростони (Қорақўл атрофи) да сопи эртақдаги кушнинг бошига ўхшатиб бронзадан ясалган кўзгу ҳам топилган.

Усунлар учун ҳам овчилик кўчманчи чорвачиликда ахамияти зўр қўшимча озиқ-овқат тайёрлаш манбаи бўлган.

**Сиёсий
тузилиши**

Усуллар давлати хуннулар тузган империя каби кўчманчилар ҳукмдорлик қилган монархия давлати бўлган. Монарх унвони — кунбий (Куньмо, гуньмо) деб аталиб, усунларнинг ҳукмдори

уни хуннулар сардори Модэ-шануйдан олган. Хуннуларнинг ҳокимият бошқарувида жичжу-ван («Қуёш эргашган бек», «Қуёшга интилган бек») деган унвон бўлган. Бу «Қуёшга интилган бек» шануйнинг ўз ўғлига берилувчи сўл қанот (шарқ) даги сань-вань унвонидан пастроқ бўлган.

Демак, илгари кунбий унвонини усун ҳукмдори олганда, ғарбдаги — кунботар томондаги хунну чегараларининг ишончли ҳимоячи-ҳукмдори сифатида, яъни Хунну давлатининг бошқарув тизими тасарруфида, деб ҳисобланганини тахмин этиш қийин эмас. Чжан Цянь ҳам император У-дига усунларни «хуннуларнинг ўнг қўли» сифатида баҳолаган эди.

Бироқ кейин усунлар мустақиллигини эълон қилишганда ҳам «кун-бий» унвонини сақлаб қолишган. Бунда тиллар ўхшашлиги ҳам муҳим аҳамият касб этган (ўрта асрлардаги Ўғуз ҳокони хусусидаги ривоятда ҳам унинг авлодларининг, яъни меросхўрларнинг бири Кунхон деб аталган).

Кун-бийнинг монархлик ҳукмронлиги чекланган характерга эга эди. У давлат аҳамиятига молик масалаларни дастлаб оқсоқоллар кенгашида муҳокама этиб, ундан сўнг қарор қабул қилар эди.

Усунларнинг кун-бийи ҳам давлат бошқаруви тизимини хуннулар намунаси асосида тузишга ҳаракат қилган. Чунки хунну кўчманчи давлатининг ўзгача куч-қуввати, кадр-қиммати унинг сиёсий тажрибасидан фойдаланишга туртки бўлган.

Усун давлати икки алоҳида қанотга ва уларни бирлаштирган марказий ҳокимиятга асосланган (ўрта асрларда ҳам кирғизларнинг ўнг қанот, сўл қанотга бўлиниши, уларни бирлаштириб турган ички гуруҳининг бўлиши — кирғизларнинг қадимий хуннулардан олган тажрибасининг тарихий колдиғи бўлиб саналади).

**Жамоа
тузилиши** Усунлар жамоаси куч-қувватли кўшниси — хуннуларникига ўхшаш бўлган. Бу ерда дастлабки феодал муносабатлар ривожлана бошлаган.

Қадимги қабила оксуяклари мустақил олий синф қатори ажралиб чиққан. Бадавлат усунлар 4 — 5 минг бошга етган йилки уюрларига эга бўлганлар. Шунча кўп чорвага эга бўлган бойлар кенг яйловларга хўжайин бўлиши зарурлиги турган гап.

Жамоа бойлиги камбағал чўпонлар, ярим кўчманчилар, кишлоқлардаги деҳқонлар ва ҳар хил ҳунармандчилик меҳнати билан яратилган. Қуллар ҳам бўлган. Улар уруш ҳаракатлари даврида қўлга олинган «ўлжа қуллар» эди. Асосан сўққабош эркин камбағаллар етакчи ишлаб чиқарувчи куч бўлиб ҳисобланган.

Кўчманчи турмуш тарзи

Усунларнинг кўчманчи турмуши хусусида хитой манбаларида ҳар хил маълумотлар берилди. Масалан, усун кун-бийига куёвга берилган аслзода хитой маликаси ўз тақдирдан нолиб шундай деб фиғон чекибди:

*Олис юртнинг гадой топмас ерига,
Усунларнинг кун-бийи — ҳокимига,
Танимаган ёт эл, нотаниши ўлкага,
Ота-онам берди мени куёвга.*

*Бўз уй ёғочлари — менинг турар жойим,
Жунли кигиздандир уйим девори.
Ичишим қимизу қатиқ-сут,
Емишим (жонга тегди!) нукул эт.*

Ғалла маҳсулотлари, гуручнинг ҳар хил тури, сабзавот ва мева асосий емиши бўлган хитой маликасининг кўрган куни унга хўрликдек сезилса, кўчманчи усун учун эса фаровон турмушдан нишона, роҳатижон эди. Уларнинг кундалик емиши қази-қарга, гўшт-сут бўлган. Том уйда яшаган киши учун бўз уй «ноқулай» жой бўлган.

Қишлоқ (ётоқ) ерларида усунлар тупроқ ва лойдан девор тиклаб, ертўлага ўхшаш пасткам уйларни кура бошлаганлар. Ана шундай уйларнинг харобалари Чуй водийси (Қораболта)да топилди. Тошдан қурилган иморат (Даровуткўрғон) ва ёғоч устунли уйлар (Жергес кўрғони) ҳам бўлган.

Оилавий муносабатлари Усунларнинг оилавий муносабатлари хуннуларники-дек патриархал тарзда бўлган. Эракка киши (болаларнинг отаси, хотиннинг эри) оиланинг хўжайини бўлган. Бадавлат усунларнинг кўп хотин олиши мумкин бўлган.

Усунларнинг оилавий муносабатларида левират урф-одати ҳам учрайди — куёви ўлганда тул хотин ўз кайиниси (кайноғаси)га турмушга берилиб, унинг учун тўланган калин, у туккан болалар ўша уруғ ичида қолган. Бундай одатни кўрмаган-билмаган хитойлик малика нима қилишни билмай Хань императорига хат ёзса: «Ўзинг яшаган давлатнинг урф-одатини тут, усунлар билан биргалашиб туриб мен хуннуларни тор-мор қилишим керак», — деган жавоб қилади.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Усунларнинг келиб чиқиши ҳақида нима биласиз?
2. Усунларнинг дастлабки ватани қаерда бўлган?
3. Кун-бий хусусида қадимий ривоятни биласизми?
4. Еттисувни усунлар қачон эгаллашган?

5. Усун давлати қачон тузилган?
6. Чису шаҳри қайси ерда жойлашган?
7. Чжан Цянинг усунларга элчилиги қандай самара берди?
8. Усунлар хўжалиги хусусида нималарни биласиз?
9. Усун жамоасининг ижтимоий қатламлари қандай эди?

II-§ Усун давлати эрамиздан аввалги II аср охири-эрамизнинг V асри оралигида

Усунларнинг жанубий қўшинлари

Шарқий Туркистон воҳаларида бир неча давлат (34 мамлакат) бўлган. Улар халқларининг кўпчилиги ҳинд-европа тилларининг маълум тармоғига кирган тилларда сўзлашган. Албатта, бу мамлакатлар қадимий турк қабилалари. Хитой ва Ҳиндистондан келган ҳар хил элатларнинг вакиллари билан тигиз алоқада бўлган.

Бу мамлакатлар ичида усунлар билан сиёсий, хўжалик-савдо алоқада бўлганлар сафига Крорайна (Лобнор кўли ҳудудида), Турфон, Ёркент, Қашқар, Куча, Хўтан каби давлатларни қўшиш мумкин. Баъзида Кучага бўйсуниб, ундан мустақил сиёсат юритган унинг ҳудудидаги Вэньсу (Учтурфон), Гумо (Оқсув) шаҳар-давлатларини ёдга олиш жоиздир.

Лобнор ёнидаги Крорайна давлатининг ҳудудида усунларнинг қолган қисми яшаганлиги маълум бўлмоқда.

Эрамиздан аввалги 108 йили Крорайна мамлакати ҳам усунлар каби оғир аҳволда қолган бўлиб, бироқ бетарафлик сиёсатини улар усунлардан бошқачароқ юритган эди. Агар усун кун-бийи бир вақтнинг ўзида хитой ва хунну авлодидан бўлган маликаларга уйланса, Крорайна ҳукмдори шу тобда омонат сифатида бир ўглини хуннуларга, бошқа бир ўглини эса Хань сулоласининг императорига юборишга мажбур бўлган. Бу ҳолат Крорайна икки мамлакатга баб-баробар қарам эканлигини англатади.

Усунларнинг жанубидаги давлатлардан бири — Қашқар Тарим водийсининг ғарбий томонида жойлашган. Эрамиз бошида Қашқарнинг аҳолиси бир ярим минг оила, эрамизнинг II асрида эса 21 минг оиладан иборат бўлган, деган маълумотлар мавжуд. Қашқар диёри эрамиздан аввалги II аср — эрамизнинг I асрида қўшниси Кучанинг таъсири остида бўлган.

Куча давлати эрамиздан аввалги I асрда у Шарқий Туркистондаги энг йирик мамлакат бўлган. Аҳолиси 80 минг кишига етган.

Кучадан шимолроқда Бедел довони орқали Исесиккўл ҳудудига савдо йўли ўтган. Усунлар сари сафарга чиққан хитой савдогарлари ва элчилари Куча

давлатининг ички-ташқи сиёсатига ҳам тобе бўлишган. Эрамиздан аввалги I асрда Кучанинг эътиборли подшоси Цзянбинь деган одам бўлган. Усун кун-бийининг хитойлик аслзода маликадан туғилган тўнғич кизи Хитойга ўқишга юборилган. У хитой мусиқа асбобларида куй чалишни ўрганиб олмоқчи эди. Карвон Кучадан ўтиб бораётганда ҳалиги Цзянбинь деган подшо қизини кўйиб юбормай, охири унга уйланади. Усун кун-бийининг куёв боласи бўлиб қолган Цзянбинь Хитой билан ҳам яхши муносабат ўрнатишга эришган.

Эрамиздан аввалги 65 йили у қаллиғи билан Хитойнинг бош шаҳри бўлган Чаньанга келиб бир йил яшашган. У ердан қайтиб келиб, ўз пойтахти Янь шаҳри (ҳозирги Куча шаҳри ёнидаги Пилан харобалари) да хитой меъморчилиги асосида оқсарой қурдирган. Бу иморат маҳаллий урф-одатлардан бутунлай фаркланиб тургани учун уни ёқтирмаган Куча аҳли «Эшак десанг, эшак эмас, от десанг от эмас, ўзимизнинг Куча бегига ўхшаб хачир чиқиб қолди» деб масхара қилган, дейишади.

Эрамиздан аввалги 59 йилдан бошлаб Куча давлати «Ғарб худуди бош ҳокимининг», марказига айланган. Шунингдек, эрамизнинг I асрида хуннулар билан хитойлар бу мамлакатни галма-гал эгаллаб туришган.

Кучадан шарқроқда — Куча билан Турфон воҳасининг оралиғида — Яньци (Қорашаҳар) номли мамлакат бўлган. Чор атрофи тоғлар билан ўралган бу мамлакат пойтахти Юаньцай шаҳрини ҳозирги Бўстоннор кўлининг жануби-ғарбида жойлашган. Бу мамлакатда ҳинд-европа тили ёзма маданият ривожланган. Бу ерда шолли, тарик, буғдой, мош, узум етиштирилган. Тут дарахти ўсишига қарамасдан улар ипакчиликдан беҳабар эдилар. Мамлакатда туя билан йилки боқилган.

Қорашаҳар (Яньци) мамлакатида одам ўлгач, унинг жасади куйдирилиб, кули кўмилган. Сўнг етти кун мобайнида марҳумга мотам тутишган (жасадини куйдириш одати Энасойгача қадимий кирғизларга ҳам хос бўлганини таққослайлик). Қорашаҳар мамлакати билан усунлар ва хуннуларнинг ўзаро алоқалари бўлганлиги тахмин қилинади.

Шарқда эса Жунгориянинг жанубий худуди — хуннуларнинг хучжуй қабиласи усунларга чегарадош бўлган. Уларга қадимги кирғизлар кўшини бўлиб яшаганлар.

Усунларнинг шимоли-ғарбий ва ғарбий кўшинилари Усун давлати шимоли-ғарбий тарафдан Қангуй давлати билан чегарадош бўлган. Бу икки давлат ўртасида, Еттисувнинг шимоли-ғарбида, мўъжазгина УЧаньму деган мамлакат ҳам бўлгани, бу «кўприк» давлатга кўшинилари доим зуғум ўтказиб тургани хитой манбаларида маълум.

Усун давлатининг ғарбидаги Довон (ДаЮань) мамлакати тўғрисида эса дарсда алоҳида кенгрок тушунча берилади. Довон давлатининг ғарбида Кушон давлати (катта йуэчжилар) жойлашган.

«Қариндошликка асосланган» иккиюзлама иттифоқ

Усунларнинг ўзлари ёзиб қолдирган қандайдир бир тарихий ёдгорлик саклаб қолинмагач, уларнинг сиёсий тарихи шарқий қўшнилари — Хитойнинг ўрда тарихчилари ёзиб қолдирган узил-кесил маълумотлар орқали ёритилади.

Эрамиздан аввалги II аср охирида Хитой ғарб томон босқинчилик сиёсатини жонлантириб, Тангритоғда қолган усунлар бу воқеани хавфсираш билан қабул қилишган. Дарҳақиқат хитойликлар бир оз илгари усунларга қайтадан Алашанг далаларига қайтишни таклиф қилишган. Усунлар бу таклифни рад эттишган.

Лобнор худуди тамоман хитойликлар қўл остида қолганини билгач, усунларнинг кекса кун-бийи хитой элчиларини қабул қилиб, вакиллар билан бирга юборилган хитойлик аслзода маликага уйланишга мажбур бўлган.

Кекса усун ҳукмдори шу вақтнинг ўзида хитойликларнинг маликаси - хуннулар шануйининг кизини ҳам қутиб олиб, уни ўзининг хотини сифатида эълон қилди. Шундай қилиб «Қариндошликка асосланган» бу иттифоқ, иккиюзлама мақсадни кўзлаб, Усун давлати бир вақтнинг ўзида Хитойга ҳам, Хунну империясига ҳам ўзининг қарши эмаслиги, ҳолислигини далиллашга ҳаракат қилган.

Довонга қарши сиёсат

Хитойликлар эрамиздан аввалги II - аср охирида Довон мамлакатига икки марта бостириб киришган. Усунлар кун-бийи ҳам ўз иттифокига асосланиб, Хитой томон

учун 2 минг отлик аскар ҳозирлади. Лекин маълумотларга қараганда, усунлар мазкур урушга тўғридан-тўғри киришган эмаслар.

Усунлар пойтахтида эрамиздан аввалги I асрнинг бошларида хуннуларни қўллаб-қувватлаган гуруҳ бор эди. Хитойга йўл тутишга ундаган гуруҳ ҳам бўлган. Хуннуларнинг айрим кўзғолончилари хучжуй қабиласининг бегини усунларга қарши жанжал-тўполон чиқаришга ундаган. Бироқ Жунгорияда усунлар билан тинч қўшниликда яшаган хучжуй қабиласи бундай душманлик ҳаракатига рози бўлишмаган.

Чеш билан уруш

Аста-секинлик билан усунлар ичида ҳам хитойликларнинг тарафдорлари кучайган. Усунларнинг кун-бийига юборилган иккинчи хитойлик аслзода малика ўрдада турли миш-

мишлар тарқатишга, фитналар уюштиришга моҳир эди. Бир кун-бий ўлгач, иккинчиси (меросхўр) га тегиб, ундан кўрган фарзандларидан бир кизи Куча бегига хотин бўлгани, яна бир ўгли Ёркентга ҳукмронлик қилгани маълум. Хитойпарварлик йўналишидаги ишларни малика билдирмай бошқариб турган.

Эрамиздан аввалги 80 йили усунларга қарши хуннулар билан Турфон водийсидаги мўъжазгина Гуши¹ мамлақати аскарлари биргаликда очиқдан-очиқ

¹ Гуши- эрамиздан аввалги 108 йилдан тўғридан бу мамлақатни хитойлар Чеш деб аташган.

уруш ҳаракатларини бошлайдилар. Усуллар билан мустаҳкам алоқада бўлган Куча, Ёркент бекликлари савдо йўли тугунидаги Чеши мамлакати учун ноқулай шароит яратган рақобатдошлар эди. Уларни енгилш учун дастлаб усулларнинг сучини қайтариш зарур бўлган.

Усулларнинг айрим ерларини ўзларига бўйсундириб олган хуннулар билан тешиликлар хитойлик аслзода маликани, ушлаб беришни талаб қилишган. Шунингдек, Хитой билан иттифокни бекор қилишни усулларга таклиф қилишган. Усулларнинг кун-бийи Унгуьми эса хитойликларнинг ёрдами туфайли Чеши судудида ҳам ўз савдо-сотик ишлари учун қулай шарт-шароит яратишни ният қилган.

Шундай қилиб, эрамиздан аввалги 80 йилдан бошлаб усуллар билан хуннулар бир-бирига қарши уруш ҳолатида қолдилар.

Усул — хитой ҳарбий шартномаси ва эрамиздан аввалги 72-71 йиллардаги Хунну империясига қарши урушлар

Хуннуларнинг очик тағқиб и бошланганда, усулларнинг кун-бийи Унгуьми ва унинг маликаси ёрдам сўраб Хитойга мурожаат қилишган. Улар юборган элчилар Хитойга келиб, хуннуларга қарши ҳарбий шартнома тузиш таклифини етказишди. Хань сулоласининг янги императори Суйандига бу таклиф ёғдек ёккан.

Эрамиздан аввалги 72 йили Хитой кўшинлари (160 минг енгил қуролланган етлик) шарқда — Ордос ва Хэси худудларида хуннуларга қарши урушга кирди. Лекин улардан хуннулар кўчиб кетиб кутулишган.

Бироқ ўша йилнинг ўзида усулларнинг ғарбдан қилган ҳужуми хуннуларга қимматга тушди. Улар шануйининг қайнотаси, келини, ғарбий канотдаги бир неча бекларини, 39 минг кишисини асирга олиб, 700 минг бош молини ўлжа қилишган.

Эрамиздан аввалги 72 йил охири — 71 йил бошидаги қишда хуннулар қавоб тариқасида усулларга қарши ҳужум уюштирдилар. Лекин совуқ ва изгиринга дош беролмай, ўт-еми тамом бўлгач, отлари нобуд бўлиб, хунну ескарларининг кўши қирилиб кетди.

Шарқий ва шимолий халқлар билан иттифок

Эрамиздан аввалги 70-йиллар охирида усуллар хуннуларга қарши беаёв қурашга чоғланиб, шарқ ва ғарбдаги тобе кўшнларини тортишга қарор қилдилар.

Хуннуларнинг шимолидаги динлин ва ухуанлар ғарбдаги усуллар билан иттифок тузишгач, эрамиздан аввалги 71 йил ёзида кўзголон кўтаришди.

Хуннулар уч томонлама қуршов алангасида қолдилар. Жанубда Хитой юр эди. Динлин ва ухуанлар билан яширинча алоқа боғлаш усулларнинг дипломатия борасидаги қатта ютуғи эди. Бу қурашлар усуллар учун ғалаба билан қунланган.

Амалга ошмаган ўрда тўнтариши

Эрамиздан аввалги 60-йилларда усунлар Хитой билан дуруст алоқада бўлишган. Лекин Хитой билан иттифокқа қарши турган, хуннулар ёнини олган усун хукмдорлари ҳам бўлганлар. Ташқи сиёсатдаги бу иккиюзлама муносабат усунларнинг ички феъл-атворининг бузилишига шароит яратган.

Эрамиздан аввалги 64 йили хитойча сиёсат юритган кун-бий Унгуьми ва фот этди. У ўлими олдидан ўзининг тўнгич ўглини хитойлик аслзода маликага никоҳлаб, Хань сулоласи билан «қариндошликка асосланган» иттифокни узлуксиз давом эттиришни хоҳлаган эди.

Амалда бу усун тактикасидаги кун-бийнинг ота уруғига ўтказиш анъанасига хилоф ҳаракати эди. Бирок Унгуьми никоҳ маросими битмасдан вафот этган, шундан сўнг ҳокимият унинг ўғли Юаньгуьмига эмас, балки ота уруғи бўлган қариндоши Нимига ўтган.

Ними кун-бий хунну маликасидан туғилган эди. Хитойча Куан-ван унводини олган Ними шундай қилиб, маликага никоҳланиб, ундан ўғил кўрган.

Хуннуларнинг жияни бўлган одамнинг тахтга ўтириши хитойларга ҳам, улар сиёсатини юритган аёлига ҳам ёқмаган. Эрамиздан аввалги 52 йили усунларга тўйга келган хитойлик йирик оқсуяклар яширинча ўрда тўнтариши режасини тузишган. Бирок тўй пайтида қилич еб яраланган Ними кун-бий отига етиб олиб қочиб кетишга улгурган.

Усунлар бир неча ой мобайнида қони қайнаб, кўзғолончиларни жазолаш учун Чигу шаҳридаги оқсарой ва хитойликлар элчихонасини қуршовга олиб туришган. Кучада жойлашган Хань сулоласининг ғарбий худудининг бош хукмдори шошилинич юборган кўшин келиб эплаб тўхташиб қолган. Ҳалиги икки оқсуяк Хитой пойтахтига олиб келиниб, бошлари олинган.

Усунларнинг кун-бийи Нимидан «узр сўраш» учун унинг хузурига хитойлик элчи юборилган. Кейинчароқ қулай пайт пойлаб Нимини ўлдиролмагани учун хитойлик маъмурлар томонидан унинг ҳам жазолангани маълум.

Хуннулар тарафиди ғуруҳнинг кўзғолони

Хитойлик аслзода хукмдорнинг усун маликаси қатори юритган иккиюзлама сиёсати ва амалга ошмаган ўрда тўнтариши кўпчилик усунларнинг Хань сулоласига нисбатан норозилик ҳиссини туғдирган.

Эрамиздан аввалги 59 йилдан бошлаб Куча мамлақати Хитойга тўла тобе давлатга айлангани етмаганидек, ғарбий худуднинг бош хукмдори маҳкамаси Кучага кўчирилган Хитой мамлақати Усун мамлақати билан тўғридан-тўғри чегарадош бўлиб қолган. Хитойнинг бўйсундириб олиш хавфи кучайган бу пайтда усиз ҳам Ханга қарши ҳаракат пишиб етилиб қолган эди.

Ўша пайтда марҳум Унгуьми кун-бийнинг хунну маликасидан туғилган боласи Уцзуту хитойларга қарши чора-тадбир кўра олмаган усун ўрдасига қарши кўзғолон бошлаган. Онасининг юртидан хунну аскарлари келади, деб

айтган Уцзутуга усунлар ҳам кўплаб келиб қўшилаверишган. Ними қўлга туширилиб ўлдирилди, Уцзуту ҳокимиятни тортиб олди.

Усунларнинг икки қанотга бўлиниши

Эрамыздан аввалги 51 йили юкоридаги асли Хитой маликасининг қўл остидаги бир хитой оксуяк ойим Хань сулоласининг пойтахтига

бориб халкларни бирлаштирувчи элчи вазифасини ўтади. Натижада Уцзуту кун-бий отаси бир, онаси Хитой маликаси бўлган бир туғишгани Юаньгуйми билан ҳокимиятни тақсимлашга рози бўлди. Усунлар расмий равишда икки қанотни ташкил эта бошлади.

Улуғ кун-бий унвони Хитой томонининг сиёсатини юритган Юаньгуймига насиб этди. Унинг аҳолиси 60 минг оиладан иборат бўлган. Хуннулар тарафини олган Уцзуту кичик кун-бий унвони ва 40 минг оиллага эга бўлди. Улуғ кун-бий Юаньгуйми тез орада вафот этиб, ўрнига хурмат-эътиборсиз, бебош ўғли Синми ўтирди. Бу вақтда Хитой маликаси Хитойга уч боласини олиб кетиб қолган (Хитойда у дуруст қабул қилинади, бироқ кўп ўтмай вафот этади).

Усунларнинг икки қанотга бўлиниши уларнинг ички сиёсий иттифоқи бўш эканлигидан далолатдир. Бундай ҳолат хуннулар учун ҳам, Хань сулоласи учун ҳам фойдали эди.

Чигу шахрининг хуннулар томонидан талон-тароғ қилиниши

Шимоли-ғарбда Талас водийси оркали усунларга қўшни бўлган Қангуй давлати эрамыздан аввалги I аср ўртасида хуннулар билан иттифок тузиб, Усун давлатига қарши турди. Шимолий

хуннуларнинг ҳукмдори Чжичжи-шануй¹ Жунгорияга ўрдасини кўчириб, Уцзуту кун-бий билан музокаралар олиб бориш учун элчи юборди.

Лекин хуннуларнинг бир қисми Хитой билан яхши муносабатда бўлаётганини билган ва ўзи ҳам Хитой билан муомалани бузмасликни хоҳлаган Уцзуту кун-бий ўша элчининг калласини олдирган.

Чжичжи-шануй эрамыздан аввалги 48 йили Усун давлатига юриш қилади, лекин Етгисувга етмай совуқда қотиб кўплаб аскарлари кирилиб кетади. Шундай қилиб, у 3 минг аскар билан Қангуй давлатининг чегарасига келади.

Қангуй давлатига таянган ҳолда Талас томонидан Чжичжи-шануй усунларга қарши хужум уюштириб турган. Шимолий хуннулар қангуйлик аскарларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида Чигу шахрини ишғол этиб, талон-тароғ қилишган. Усунлар вақтинча шарқ томонга чекинишган.

Усунларнинг қайта галаба қозониши

Хитой мағмурларига ҳам шимолий хуннуларнинг Усун давлати устидан қилган галабаси ёкмаган эди. Хитой императори

¹Чжичжи - шануй Хуттуус эрамыздан аввалги 56 йили ўзининг шимолий хуннуларининг шануй деб эълон қилинган. Қирғиқларни ҳам вақтинчалик ўзига қаратган. Эрамыздан аввалги 36 йили нобуд бўлган.

усунларга ёрдам бериш учун шарқий туркистонлик бирлашган қўшинларни юборган. Эрамиздан аввалги 36 йили бўлган Таласдаги кучли жангларда Чжичжи-шануй ҳалок бўлиб, шимолий хуннулар тор-мор этилган. Шундай қилиб, Усун давлати қайта тикланган.

*Усун мустақиллиги
(эрамиздан аввалги I аср
охири)*

бу вақтда Усун давлати Хань сулоласидан ўз мустақиллигини сақлаб қолган. Бироқ ўзаро тахт учун кураш Хитойга ён босувчилар ва унга қарши гуруҳлар ўртасида кейин ҳам давом этаверган.

*Усун давлати қўшинлари
билан эрамиздан
аввалги I аср охиридаги
муносабатлар*

Усунларнинг айирмачилик кучлари — маҳаллий беклар мустақил сиёсий йўналиш кутишга ҳаракатланишган. Кексайиб қолган Цилими (эрамиздан аввалги 45-14 йиллар) исмли улуғ кун-бий хитойча урф-одатлар, интизом жорий этишга интилган. Ҳатто у ўз яйловини қариндошларидан муҳофаза қилишгача борган.

Усун хукмдорлари норози бўлиб, кўзғолон кўтаришади ва уни ўлдиришади. Хитойликлар Цилимининг ўчини олиш учун аскарларини юборганда эрамиздан аввалги 11 йили усун бекларидан бири 8 минг усунни шимоли-ғарбдаги Қанғуй давлати томон кўчириб кетиб жон сақлаган.

Шарқий худуддаги бошқа бир усун беги хуннулар юртига хужум қилиб, ўлжа билан қайтган. Лекин тезда Хунну подшоси унинг ортидан ўч олиш учун келиб, бекнинг юртини вайрон қилган. У ўз ўғлини хунну шануйига омонатга беришга мажбур бўлган.

Эрамизнинг дастлабки асрида Шарқий Туркистондаги Куча бош бўлган давлатлар хитой босқинчиларини суриб чиқиб, ўз мустақиллигини тиклаган. Усун давлатида ўзаро айирмачилик кучларнинг кураши кучайганига қарамай, мустақиллигини сақлаб қолган.

*Эрамизнинг I асрида
Усун давлати*

Эрамизнинг 46 — 91 йиллари Куча давлати хуннуларни ёқлаб, Шарқий Туркистонда хуннуча сиёсат юритиб турган. Куча давлатининг бево-сита шимолий қўшиниси сифатида Усун давлати ҳам хуннуларнинг шануйлари билан иттифоқ тузиб яшаган бўлиши эҳтимол.

Хитой босқинчи қўшинини бошқарган саркарда Бань Чао Шарқий Туркистонга қайта Хитой таъсирини ўтказишни кўзлаб, эрамизнинг 73 йилидан бошлаб юриш қилган. У Хитой императорига куйидаги мазмунда хат юборган: «Кейинги вақтда Цзуйши, Ёркенг, Қашқар, Йуэчжи, Усун ва Қанғуй давлатлари бўйсунушни ният қилишмоқда. Мен уларнинг кучларини бирлаштириб,

Кучани тор-мор этиш ва йўқ қилишни хоҳлаб турибман. Агар Куча тобе бўлса, унда ғарбдаги юзта мамлакатдан деярли барчаси бўйсунди».

Хатдаги «ният қилишмоқда» деб кўпиртириб ёзилган сўз амалда Усун, Қашқар, Ёркент, Қанғуй ва бошқа давлатларнинг Хитойга мустамлака эмаслигидан далолатдир.

Эрамизнинг II — V асрларидаги усун тарихи хусусида

91 — 107 йиллари Хань сулоласи киска муддатда бўлсада Кучани бўйсундириб турган. Лекин усунлар давлатининг мустақиллик ҳолати хусусида аниқ маълумот йўқ. Хань сулоласи қулагач (220 йили), Хитой ҳам ғарбидаги

Шаркий Туркистондан олислаб кетди. Шу боисдан усунлар хусусида II — V асрларга оид маълумот хитой солномаларида деярли учрамайди.

Усунларнинг қайсидир бир қисми эрамизнинг III асри бошида Шаркий Тангритоғда яшаган. Сабаби ўша даврда Турфон пасттекислигидаги Цзуйши давлати шарқдан босиб келган сяньбилар томонидан бўйсундирилган пайтда хитой манбаларида «сяньбилар ғарбдан усунлар билан чегарадош» деб қайд этилади.

V асрда жужонлар Тангритоғнинг шарқидан усунларни суриб кирган. 436 йили усунлар томон Хитой элчиси юборилгани тўғрисидаги хабар Усун давлати хусусидаги охириги маълумотлардан бири бўлиб саналади.

Шунингдек, ғарб томондан босиб кирган Ўрта Осиёдаги кўчманчи эфталит қабилалари эрамизнинг V асри ўртасида усунларнинг ғарбий худудини бўйсундириб олган.

Усунлар этник маҳаллий аҳолининг бир қисми сифатида тангритоғлик кейинги халқлар тизимида кўшилишиб кетган. Усунларни киргиз деб ҳисоблаган олимлар ҳам бироқ киргизлар билан усунлар бирига яқин қўшни халқлар бўлишган.



43. Оқ суяк эфталит ва сўғдлик аскар

Усун давлати

Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 2-х томах-М.; Л.; 1950. I т., 90-91 бетлар.

... Дастлаб Чжичжи-шануй ... ўз аскарлари билан — ғарбни кўзлаб (эрамиздан аввалги 48 йили) ғарбий (ўнг) канотда ўз хокимиятини ўрнатиш учун жўнади.

... У ёлғиз ўз ҳарбий кучлари билан хуннулар (ғарбдаги)нинг ҳудудида хавфсизлик ўрнатишга кўзи етмай, ғарбга — усунлар томон жўнади ва улар билан бирлашиш мақсадида кичик Гуньми Уцзутуга элчи (эрамиздан аввалги 49 йили) юборди. Уцзуту ... Чжичжи-шануй элчисини ўлдириб, унинг бошини (улуғ хунну шануйининг) вакилига юборган; Чжичжи-шануйнинг йўлини тўсиш учун 8000 отлик аскар отланади. Чжичжи усунларнинг аскарлари кўп эканлигини кўриб ... ўз кучларини душманга қарши қўяди, усунларга зарба бериб, уларни тор-мор қилади... Чжичжи шимолда Угйени ..., ғарбда Гянь-гунни (Қирғиз ўлкасини) парчалайди; шимолда динлинларни бўйсундиради. Уч подшоликни ўзига қаратиб, у қайта-қайта усунларга қарши юриш қилиб, ҳар доим ғалаба қозонган. Гяньгунь (Қирғиз ўлкаси) шануйининг ўрдасидан ғарбда 7000 ли¹, Чешидан 5000 ли олисда жойлашган. Ўша ерда Чжичжи ўз ўрдасини курган.

II т., 190-193 - бетлар.

... Усунларнинг бошқарувчи катта кун-бийи турган Чигу шахри Чанъандан² 8900 ли олисда жойлашган. Аҳолиси 120 минг оила, 630 минг киши; аскарлари 188800 киши ...

Ери текислик ва ўтли (ўтлоқ); ўлка серёгин ва совук. Тоғларда ўрмонлар кўп. Усунлар дехқончилик билан ҳам, боғдорчилик билан ҳам шуғулланмайдилар, ернинг ўтга сероблиги (мол боқиш учун) ва сувнинг мўл-лигига қараб бир жойдан иккинчи жойга моллари билан кўчиб юришади. Кундалик турмуши хуннуларникига ўхшаш. Уларнинг ҳудудида йилки кўп, бойлари 4000 дан 5000 гача йилки боқишади... Усун кун-бийи куч-қудратли хукмдорлардан бири бўлиб ҳисобланади. Илгари у хуннуларга тобе бўлган; кейин кучайиб, ўзига кўплаб бошқа ҳудудларни бўйсундирди ва хуннулар ўрдасига таъзим қилиб боришдан бош тортди. Унинг ерлари шарқда хуннулар билан, шимоли-ғарбда Кангуй билан, ғарбда Довон билан, жануби-ғарбда турли ўтроқлашган эллар билан чегарадошдир...

Кун-бий (гуньмо) — хукмдорнинг унвони, исми эса Легяоми; кейин Гуньмо деб ёзилган.

¹ Ли - хитойча масофа ўлчов бирлиги. 1 ли 0,5 км га тенг.

² Чанъан - Хитойнинг қадимий пойтахти.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Усулларнинг эрамиздан аввалги II аср охиридаги тарихий қўшиқлари қимлар эдилар (жаанубда, ғарбда, шимол-ғарбда ва шарқда)?
2. Эрамиздан аввалги 72-71 йиллардаги уруш қандай натижа билан тугаган?
3. Эрамиздан аввалги 71 йили усуллар хуннуларга қарши курашга қимларни жалб этдилар?
4. Хитой аслзода маликаси уюштирган ўрда тўнтарыши хусусида нома биласиз?
5. Уйзуту кун-бий қандай қилиб ҳокимият тепасига келди?
6. Чжичжи-шануй билан усулларнинг муносабати қандай эди?
7. Эрамиздан аввалги I асрда Усун давлати хусусида нималарни айтиб бера olasиз? Унинг қўшиқлари билан муносабати қандай эди?
8. Эрамизнинг I асрида Усун давлати мустақил ўлка сифатида яшганми?
9. Усуллар тўғрисида қандай сўнги маълумотлар учрайди?

12-§ Довон давлати

Қирғизистон жанубидаги давлат

Фарғона водийсининг шарқий қисми бугунги Қирғизистоннинг жанубий худудини ташкил этади.

Фарғонадаги қадимий давлат хитой манбаларида Довон (ДаЮань) деб аталган. Шунингдек, қадимий шарқдаги бу давлат хинд-эрон тилида Парғана деб аталган ва парғаналик ўтроқлашган аҳоли сўғдлик, парфиялик халқларга ўхшаш бир-бирини тушунадиган тилда сўзлашган.

Довон аҳолиси зич жойлашганлиги тўғрисида хитой манбаларида хикоя қилинади. Ўша манбаларда катта-кичик шаҳарларнинг сони етмишга етиб, дехқончилик дуруст ривожлангани хусусида ҳам ёзилган.

Довон хўжалиги

Довонда кўплаб сугориш тармоғи қурилиб ривожланган даражасига етади.

Қадимги даврлардаёқ Ўзганарик қаби суний каналлар қурилган. Улар орқали дехқончиликда меҳнат унумдорлиги юқори даражага кўтарилган. Эрамиздан аввалги IV — I асрлардаёқ тошдан ясалган кели билан сув тегирмонидан фойдаланишган.

«Ўтроқлашган фуқаролари ер ҳайдашади, шоли ва буғдой экишади, узумдан тайёрланган шароби, кўплаб зотдор йилқилари бор», — деб хитойликлар ҳавас билан ёзишган. Беда билан узумнинг илғор навлари, пахта ҳам экилган.

Парғаналиклар зотдор йилқилар боқиб билан ҳам машҳур бўлишган. Йилқини беда билан қишда ҳам қўлда боқибган. Наслдор йилқини соғлом парваришлаш асрдан-асрга давом этган сермашаққат ишдир.

Шунингдек, парганаликлар мол, кўй, эчки, туя ҳам боқишгани, бироқ йирик чорвачиликка озрок эътибор беришган.

Парганаликлар хунармандчиликнинг турли тармоқларини ривожлантиришган. Улар ҳар хил металллар, хусусан, темир қазиб олиб унга ишлов беришни билишган. Кулолчилик, тўқувчилик, заргарлик, суякка ишлов бериш, конлардан фойдаланиш, қурилиш каби тармоқлар алоҳида ривожланган.

Бекобод ёнидаги Мунчоқтепа шаҳар қолдиқларида сирға қуйиш учун ишлатиладиган маҳсус қолип ҳам топилган. Кулолчилик идишларини маҳсус дастгоҳ орқали кўплаб тайёрлаб, уларни пиширадиган хумлардан кенг фойдаланишган (Марҳамат археологик маданияти, эрамининг I — IV асрлари). Парганаликлар олтин, темир, симоб ва бошқа конларни ўзлаштиришган (Конигут гори, Косонсой ва бошқа конлар).

Савдо-сотиқнинг ривожланиши Парганаликлар Буюк Ипак йўли шаклланмай туриб, Осиёнинг ғарби билан Шарқий Туркистон ўртасидаги савдо алоқаларининг асосий йўналишини эгаллашган. Халқаро савдо йўлидан дуруст фойдаланиб, улар экспорт учун ҳам кўплаб товар ишлаб чиқаришган.

Чет эллик савдогарлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга ҳаракат қилиб, йўлларни ўнглашган. Улов алмаштирадиган, савдогарлар ҳордиқ чиқарадиган карвонсаройлар барпо этишган. Олой водийсидаги Даровуткўрғон деган жойда ўшандай қадимги пойдевори тошдан қурилган карвонсаройнинг асоси сақланиб қолган.

«Довонликлар Хитойдан келтирилган олтин билан кумушни танга ясаш учун эмас, заргарлик буюмлари тайёрлаш учун ишлатишади», — деб хитойликлар бу ерлик заргарларнинг маҳсулотлари сифатига тан беришган. Парганаликлар Шимолий Африка, Рим, Ғарбий Осиё, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон, Хитой ва бошқа ривожланган минтақалар билан савдо алоқаларини юритганлар.

Шаҳар маданияти Шўрабошот археологик маданияти даврида (эраминдан аввалги IV — I асрлар) парганаликлар шаҳар қурилишининг янги даражасига эришганлар. Йирик ҳудудни ва мўъжазгина майдонни эгаллаган шаҳар қолдиқлари бизнинг кунларгача етиб келган. Олимлар парганаликларнинг эраминдан аввалги II асрда пойтахти бўлган Эрши шаҳри билан ҳозирги Марҳамат шаҳри қолдиқларини бир-бирига ўхшатишади (Аравонсой водийсида). Тўрт бурчакли асоси дуруст аниқланган бу шаҳар қолдиғининг узунлиги 750 м, эни 500 м. Қалъа деворлари ва миноралари мавжуд. 40 га ерни эгаллаган бу собиқ шаҳар Фарғона водийсидаги энг йирик ўтроқлашган аҳоли яшайдиган масканлардан бирининг қолдиғи бўлиб ҳисобланади.

Марҳаматдан 35 км олисроқда мўъжазгина шаҳар қолдиги (Биловуртепа, ҳозирги Ўш шаҳридан 8 км ғарбда) жойлашган бўлиб, у атиги 1 га ерни эгаллайди. Хитойликлар таъкидлаган яна бир катта шаҳар Гуйшуань — ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги Косон шаҳри депарасидир.

Довоннинг яна бир машҳур шаҳри хитойча «Ю» (Юнчэн) деб ўқилувчи иероглиф билан белгиланган. Қадимий Ю (Юнчэн) шаҳрини қирғиз олимлари Шўрабошот шаҳар қолдиқларига ўхшатишади. (Ўзган шаҳридан 10 км наридаги Ясси (Жази) сойининг ўнг соҳилида). Шўрабошотнинг бизгача сақланган майдони 70 га бўлиб, Паргананинг энг йирик шаҳар қолдиги бўлиб саналади.

Эрамиздан аввалги I асрда Довоннинг янги пойтахти Гуйшуань шаҳри ҳозирги Ўш шаҳри ўрнида жойлашган. Паргананинг катта-кичик шаҳарларининг салмоқли қисми мустаҳкам қўрғонлар, қалъалар билан ўралган бўлиб, минораларга ҳам эга эди. Ўқ-ёй отувчилар учун махсус туйнуқлар ҳам ясалган.

Йирик шаҳарлардан ташқари ўтроқлашган жойларнинг зич тизими — қишлоқлар ҳам бўлган. Масалан, Тўр ва Қорағулжа ўзанларининг қўшилган ерида 8 кв км майдонда Шўрабошот даврига ҳос 70 тача аҳоли истиқомат жойлари борлиги аниқланган. Улар марказида ўртача бўлган Қорадарё шаҳар қолдиги (майдони — 10 га) ўрни олган.

Довонликлар Қирғизистондаги ривожланган қадимий шаҳар маданиятига биринчи бўлиб асос солишган.

Жамоа тузилиши Парганаликларда ижтимоий (синфий ва ички синфий) бўлиниш эрта феодал жамиятига тааллуқли кўринишга эга бўлган. Шаклланиб келаётган феодалларнинг турар жойлари ҳам ажралиб турган. Уларнинг айримлари узум шаробини кўплаб тайёрлашган (савдо-сотик мақсадини кўзлашса керак).

Жамоа бойлиги асосан эркин жамоа аъзолари — дехқонва, хунармандлар томонидан яратилган. Айрим ишларни бажаришда куллардан ҳам фойдаланилган.

Парганаликларнинг оилавий муносабатларида патриархал интизом устуворлик қилган. «Аёлларни кадрлашади. Хотини нима деса, эри уни бажармай кўя олмайди», — деган тарихий манба маълумоти ўша даврда ҳам сўзини ўткази оладиган парганалик аёллар бўлганлигидан далолат беради.

Сийёсий тузилиши. Довон давлатини маҳаллий ҳокимият ҳукмдорлари сулолалари бошқарган.

Ташқи сийёсий стратегияси. Аҳолиси Подшонинг яқин қариндошларидан икки ёрдамчиси — вазири бўлган. Давлатни яқка ўзи бошқарса-да, подшо ўта аҳамиятли масалаларни оқсоқоллар кенгашида муҳокама этган. Баъзан тақдирлар ҳал этиладиган пайтларда оқсоқоллар кенгаши подшони тахтдан

четлатиши ва унга ўлим жазоси беришгача борган. Бошқа мамлакатлар билан иттифок тузиш ёки уруш эълон қилиш масалалари ҳам ўша кенгашнинг аралашуви билан ҳал этилган. Бундай ҳукмдорлик чекланган монархия ҳокимияти сифатида баҳоланиши мумкин.

Довон давлати ҳар қайси водийларда жойлашган кичик шаҳар-давлатлар, водий давлатларининг бирлашиши асосида ташкил топган. Бундаги воҳа, водийларнинг ҳар бирида ҳокимлик бошқаруви марказлари бўлган.

Довон давлатининг ташқи сиёсати асосан мудофаа стратегияси билан ифодаланган. Бу ерда мудофаа иншоотларининг Шарқий Фарғонага ҳос ўзгача фарқли намунаси асрлар бўйи шаклланган. Аскарларнинг сони, хитой қадимий манбаларига қараганда, олтамиш мингга яқин бўлган. Ёйнинг ёғочи суяк билан мустаҳкамланиб, найза учлари нафақат бронзадан, балки темирдан ҳам ясалган (уларнинг уч қирралиги ҳам бўлган). Урушларда арғумокларни эпчиллик билан миниб, чопиб бораётиб ёйни чакконлик билан беҳато отиш маҳоратига эга бўлганлар.

Олимлар Шарқий Фарғонада ярим миллиондан кам эмас аҳоли яшаганлигини тахмин қиладилар. Хитой манбаларида эса Довон аҳолиси 300 минг кишидан иборат, деб қайд этилган. Антропологик жиҳатдан Довон аҳолиси европоид белгилари билан фарқланган. Уларнинг кўзлари ичига кириб туради, соколлари эса қуюк, деб изоҳлашади хитойликлар.

Диний эътиқодлар

Парганаликлар, умуман Ўрта Осиёдаги бошқа халқлар каби, табиат кучларига, шу жумладан, Куёшга сиғинишган. Айрим археологик қазилмалар парганаликларнинг оловни ҳам муқаддас билишганини кўрсатади, Ўшнинг Айирмач тоғидаги қоя юзидаги арғумоклар суратлари уларнинг йилкига ҳам сиғинишган, унинг шарафига қурбонликлар қилиб келганлигидан далолат беради (кейин ҳам бу диний-тотемистик тушунча қирғизларда сақланиб қолган: йилкининг эгаси (пири) — Қамбар ота деб ҳисоблаган улар).

Қадимги парганаликлар «нариги дунё»ни бор, деб ишонишган. Ота-боболарининг арвоҳига ҳам сиғинишган. Кўклам-дала ишлари олдида ирим-сиримлар билан боғлиқ ўйинлар уюштиришган.

Сиёсий тарих

*муқаддимаси (эрамиздан
аввалги VI — III асрлар)*

Парғанадаги дастлабки давлатчилик шаклланаётган давр эрамиздан аввалги VI — III асрларга тўғри келади. Юнон тарихчиси Геродот бу даврнинг бошланғич босқичида ўрта осийлик париканийларни ёдга олган.

Ўша даврдаёқ парганаликлар мустақил этник ва сиёсий бирдамлиги билан бошқалардан фарқланган бўлсалар керак. Паркана ўлкаси Аҳмонийларга иттифокдош бўлиб, уларга вақти билан совға-салом (соликнинг маълум тури) бериб турган кезлари ҳам бўлгани тахмин этилади. Бирок Парғана Эронга тўғридан-тўғри бўйсунган эмас.

Македониялик Александр Эрамиздан аввалги 329 — 328 йилларда Парганагача етиб келган. Унинг аскарлари Яксарт (Сирдарё) водийсини эгаллаб, юнонлар Фарғонанинг ғарбий водийсини ўла мустамлака худудга айлантиришган. Ҳатто Хўжанд худудида ҳарбий таъин нуктаси сифатида Александрия Эсхата (Чеха Александрия) шаҳри пайдо ўлган.

Лекин македониялик Александр ўлгач, у тузган империя тарқалиб кетди. Ўрта Осиёнинг жанубий ва марказий худудини ўз ичига олган Юнон-Бактрия подшолиги пайдо бўлди. У Салавкийлардан — македониялик Александрнинг ктидорли саркардаси Салавк I тузган давлатдан ажралиб чиққан эди.

Юнон-Бактрия подшолиги ўзгача кучайиб турган эрамиздан аввалги II аср бошида унинг тасарруфига Ўрта Осиё, Афғонистоннинг талайгина қисми, Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон кирган. Эрамиздан аввалги II аср ўртасида Довон лкаси мустақил давлат эди.

Чжан Цяннинг Довонга сайёҳати Хитой императорининг йуэчжилар томон жўнатган махфий айғокчиси Чжан Цянь сайёҳатчи-географ сифатида катта роль ўйнаган. Эрамиздан аввалги 128 йили Чжан Цянь усунларнинг янги юрти — Тангритоғдан ўз сафарини ғарбга томон давом ттирган. Норин дарёси бўйлаб, сўнг Шаркий Фарғона (Жанубий Қирғизистон) а ўтиб, кейин Довон деб аталган давлатга дуч келди.

Хитойлик сайёҳнинг махфий топширигининг сирини билмаган Довон подшоси Чжан Цянь ва унинг ҳамроҳларини меҳмондўстлик билан кутиб лган.

Довоннинг подшоси ўзи ҳам Чжан Цяннинг ёрдамига таяниб, олис Хитой илан савдо алоқалари ўрнатишга умид боғлаган. Шу боисдан у жон-дили билан Чжан Цянга йўлбошловчи кўшиб бериб, Қангуй мамлакати сари кузатиб ўйган.

Эрамиздан аввалги 127 йили Помир ва Олай тоғлари орқали ўз ватанига қайтаётиб, Чжан Цянь Фарғонага Қашқар томонидан тушадиган йўл ҳам орлигини кўрган. Довон йилкиларини кўриб ҳаваси ортган император У-ди итой босқинчилик ҳаракатларининг йўналишини аниқлашда худди шу дастабки сайёҳнинг аниқ маълумотларини ёдда тутган.

Эрамиздан аввалги 116 йили Чжан Цянь иккинчи марта Иссиқкўл (Чигу лаҳри)га келишида ўз шогирдларидан бирини Довон давлатига юбориб, Хитой илан алоқа боғлашларини ўтганиб, унинг подшосига мурожаат қилгани маълум.

Чжан Цяннинг Ўрта Осиёга келишидан аллақанча илгарироқ ўрта осиеик сўғд ва бошқа савдогарлар (эрамиздан аввалги IV — III асрлар) ўз қарвонари билан Хитойга келиб-кейтиб туришгани тахмин қилинади. Хитой тарихиси Сима Цяннинг: «Даюаннинг тадбиркорлиги бизга Чжан Цяндан бошлаб маълум бўла бошлаган», деб ёзгани бунга далил.

Дол қолдирган арғумоқлар

Чжан Цянь ўз ҳикояларининг бирида Хань сулоласининг императори У-дига «самовий отларнинг наслидан ва қонсимон тер қуйилиб турувчи учқур тулпорлар» Довон давлатида жуда кўп эканлигини айтган.

Уларнинг соф наслини янгилаш учун ола бияларни баланд тоғларнинг этакларига қўйиб юборишган. Қўл етмаган тоғ арғумоқлари уларга яқинлашиб, чатишади. Натижада қонсимон тер қуйиладиган чиройли қулунлар пайдо бўлади. Хитойлик сайёҳ, албатта, тоза наслдор учқур отларнинг илк бор олиниши тўғрисидаги халқ афсонасини ёзиб олган.

У-ди эса бу суҳбатдан ўзига сиёсий маъно топди. У тоза наслдор учқур отлардан кўп олиб отлиқ аскарларини куруллантириш, ўзининг золим душмани — хуннуларнинг отлик қўшинидан кучлироқ ҳарбийларга эга бўлишни орзу қилди. Бироқ У-ди юборган элчилар Довон давлатидан икки қўли қуруқ қайтишди.

У-ди элчисининг ўлими

Эрамиздан аввалги 105 йили Хань императори ўзининг Че Лин исми элчисини учқур отларни олтин ва қумушга сотиб олиб келиш учун парганаликлар хузурига юборди. Бироқ давлат ахамиятига молик ўта муҳим топшириқни бажаришга бел боғлаган Че Линнинг нияти пучга чиқди. У ҳар қанча тушунтиришга ҳаракат қилмасин, барибир парганаликларни кўндира олмади. Охири мураса қила олмай, улардан ранжиб, Че Лин довонлик оқсоқолларга тил текизгани озлик қилгандек, «олтин арғумоқ»ни (Сунъий ясалган от) туртиб юбориб кетиб қолди. Элчидан бундай муомалани кутмаган довонликлар ўзларининг орномусига теккан хитойликлар қарвонини қувиб етиб талон-тарож қилдилар ва одамларини элчи билан қўшиб ўлдириб юбордилар. «Элчига ўлим йўқ», деган азалий одатнинг бузилиши, уруш ҳолатида бўлишга тайёрмиз, деган маънони аниқлатган.

Хитойликларнинг дастлабки ҳужуми

Довон давлатининг бу ҳатти-ҳаракати У-дининг чироғига мой қўйди. Хитойлик айғоқчилар: «Ўзи отиладиган ўткир ўқ-ёйли уч минг хитойлик аскарни юборсалар эди, улар бутун Довонни енгиб олар эдилар», — деб гупуртириб кетдилар.

У-ди Довон давлатига қарши эрамиздан аввалги 104 йили олти минг аскардан иборат унчалик яхши тайёрланмаган қўшинни бир неча ёш йигитларга қўшиб берди. Саркардаликка Ли Гуанли тайинланган эди. Эрши шаҳрига етиб, уни босиб олгач, арғумоқларни ўлжа қилиб келамиз, деб чиққан хитойликлар қўшини Шаркий Туркистон орқали бораётганда, маҳаллий аҳоли оёққа турди.

Чарчаб-толиққан қўшин Довоннинг Ю (Юнчэн) шаҳрига зўрға етиб келиб, қонли жангга кирди. Лекин арғумоқларни олиш у ёқда турсин, ғарбга юришга ҳоли танг бўлган хитойликлар қўшини эрамиздан аввалги 103 йили орта

кайтишга мажбур бўлди. Буюк Хитой деворининг ғарбий чеккасига, Дуньхуанга, қўшиннинг атиги бешдан бир қисмигина етиб келди. Бань Гу: «Дуньхуанга ҳар ўн аскарнинг бир-иккитасигина етиб келди», — деб ёзган.

*Довонга қарши
иккинчи ҳужум*

Дастлабки ҳужумнинг самарасиз тугаши Хань сулоласининг обрўсини тушириб юборди. Шунинг учун император куч йиғишга киришди. Эрамиздан аввалги 102 йили у қайта Ли Гуанлини саркарда қилиб тайинлаб, унга 60 минг аскар, 30 минг от бериб, юришга жўнатди.

Довон давлатининг подшоси Мугуа исмли киши эди. Дастлабки ҳужум даврида ҳориб-чарчаб келган хитой қўшинини эслаб, ўзидан-ўзи тўзиган бу аскарлар нима ҳам қила олар эди, бунинг устига хуннулар ҳам куч йиғиб олишди, деган ўй билан у ўрдасида ўтираверди.

Ли Гуанли ўз аскарларини икки гуруҳга бўлиб, Буюк Ипак йўлининг Шарқий Туркистондаги шимолий ва жанубий тармоқлари билан олиб ўтган. Хитой аскарлари Олай орқали Фарғона водийсига тушганлар. Эрши шаҳри атрофида қирк кунлик жангу жадал бўлди. Шаҳар қамал қилиниб, хитойликлар сув келадиган ариқларни бошқа ёққа буриб ташладилар. Охири ташқи деворни бузиб, босқинчилар шаҳар ичкарасига кириб келдилар. Подшо Мугуа жангда ҳалок бўлди.



44. Македониялик Александр.

Омон қолганлар хитойлик саркарда билан музокаралар олиб бордилар. Улар мамлакатнинг мустақиллигини сақлаб қолишини сўраб, бунинг эвазига аргумоклар беришини, агар бунга улар кўнишмаса, унда бир қошиқ қони қолгунча жанг қилиб, таслим бўлмасдан аргумокларнинг бирортасини ҳам қолдирмай йўқ қилиб ташлашга тайёр эканликларини билдирдилар.

Хитойликларнинг иккинчи бир кўшини Ван Шэньшен исмли мингбошининг раҳбарлигида Ю шаҳрини қамал қилди. Шаҳар аҳолиси қутилмаганда уларга ҳужум қилиб, кўшинни бутунлай қириб ташлади. Бир нечагина аскар Ли Гуанли қошига қочиб келган.

Янги юборилган жазо кўшини Ю шаҳрини қаттиқ олишувдан сўнг қўлга киритди. Шаҳар беги Қанғуй давлатига қочиб кетди. Бироқ хитойликлардан нарироқда бўлишга шошган қанғуйликлар уни душманига ушлаб берадилар. Натижада у бек хитойликлар қўлида нобуд бўлди.

Довон давлати урушни ўзи ёлғиз олиб борди. Қанғуй мамлакати бундан мустасно бўлган, Усун давлати сўзда бўлса ҳам Хитой билан иттифокда эди. Хитой тарихчилари далолат берганларидек, Эрши қамалда қолганида махсус мутахассислар шаҳар ичида қудук қазишган экан. Айрим тадқиқотчилар бу мутахассисларни қадимги юнон муҳандислари, Юнон-Бақтрия подшолигидан келиб ёрдам берган кишилар сифатида баҳолашади.

Урушнинг оқибати Тайёрғарликсиз турган мўғжазгина Довон давлатини Хитой кўпсонли кўшин тортиб келиб босиб олди. Айтмоқчи, Ли Гуанлига дастлабки юришга чиқиш олдида «Эршининг ғолиби» унвони берилгани қизикдир.

Хитойликлар ўзига ишончли Моцай исмли кишини Довонга подшо қилиб қўйишди. Бироқ оқсоқоллар кенгаши бунга розилик берган эмас ва Моцай «умумий келишувлар асосида» ўлдирилган. Парганаликлар ўз тахтига марҳум Мугуанинг қариндоши Чань Фин исмли кишини хитойликлардан сўрамасдан тиклашди. Бу — Довон давлатининг сиёсий мустақиллиги сақланиб қолганлигидан далолатдир.

Бу иккинчи ҳужумдан кейин Хитойга аскарларнинг олтидан бири — 10 минг жангчи, атиги мингта от қайтган. Довон устидан қозонилган ғалаба Хитой учун фақатгина маънавий аҳамиятга эга эди. Бироқ ўшанга қаноат ҳосил қилиб, император У-ди Довоннинг ғарбида жойлашган бир неча мамлакатга ўз ғалабасидан мактаниш учун ва «ажойиб нарсаларни топиб келиш мақсадида» ўз элчиларини сафарга отлантирган.

Довон пойтахтининг кўчирилиши. Ўш шаҳрининг манбаи. Хитой босқинидан сўнг Довон подшолиги ўз пойтахтини Эрши шаҳридан шарқроққа — Гуйшаньчэн («Эъзоз-эътибордаги тоғ этагидаги шаҳар») га кўчирган. Бунинг аниқ йили номъалум, бироқ эра-миздан аввалги I аср мобайнида Довоннинг пойтахти сифатида Эрши эмас, Гуйшангга тилга олинган (тарихчи Бань Гу).

Пойтахтнинг шарққа кўчирилиши Довоннинг ғарбидаги Кушон давлатининг кучая бошлаши билан ҳам боғлиқ бўлиши эҳтимол. «Эъзоз-эйтибордаги тоғ» — ҳозирги Сулаймон тоғи бўлиши ҳам мумкин (Ўш шаҳри).

Ўш шаҳрининг 3000 йиллиги 2000 йили нишонланди. Ўш худудидаги ўтроқлашган муҳим жойнинг (энг қадимги қишлоқларнинг) ўрни бундан 3300 - 3500 йил илгариги даврга бориб тақалади. Ўш шаҳри Шарқий Фарғона худудидаги диний-маданий ҳамда савдо-иқтисодий манба, сифатида муҳим роль ўйнагани шубҳасиз. Бан Гу эса қадимги Ўш (Гуйшань) тўғрисида шундай маълумот қолдирган: «Довон подшоҳлиги. Бу мамлакатнинг ўрда шаҳри Гуй-шань Чанҳандан (Хань империясининг ўрда шаҳри) 12259 ли (6125 км) оралиқда жойлашган». Бу маълумот эрамиздан аввалги I асрга тааллуқли. Демак қисқа муддат бўлсада, Ўш (Гуйшань-чэн) шаҳри Довон (Паргана) давлатининг маркази бўлгани рост.

Эрамиздан аввалги I асрда Довон

Шарқий Фарғонадаги Довон давлати эрамиздан аввалги I асрда мустақил яшашни давом эттирган. Энди хитойликлар уларга қайта ҳужум қилишга ботина олган эмас. Эрамиздан аввалги 77 — 75 йилларда Хитойга бораётган довонлик элчининг қарвони талон-тарож қилингани Бань Гу томонидан эсга олинади. Эрамиздан аввалги 65 йилда Хитойдан Шарқий Туркистон орқали довонлик бир «меҳмон» қайтиб кетгани ёзилган.

Хитойликлар билан дуруст муносабат ўрнатмаган қангуйликларга нисбатан Довоннинг сиёсати тинч кўшничилик даражасида олиб борилганини таҳмин қилиш мумкин.

Довонга шимолӣй ҳуннуларнинг шануйи Чжичжи аскарлари бир марта ҳужум уюштириб кетган. Бироқ парганаликлар мустақиллигини сақлаб қолишган.

Эрамизнинг I — II асрларида Довон давлати

Янги даврнинг дастлабки асрларидаги Довон давлатининг сиёсий тарихи хусусида маълумотлар йўқ ҳисобида. Эрамизнинг I асри ўртасида Довонни Шарқий Туркистондаги Ёркент ўлкасининг беги Хань исмли киши вақтинча бўйсундириб олган. I аср охирида Довонни Кушон империяси ўзига тобе қилиб олди. Бу босқинчиликдан довонликлар қачон ҳалос бўлганлиги номаълум. Эрамизнинг II асри бошларида (105 й.) кушонликларнинг Олай орқали ўтиб, Шарқий Туркистоннинг анча худудини босиб олганлигини эсга олсак, Довон Кушонга бўйсунганлигини англаш мумкин.

Эрамизнинг III — V асрларида Довон

Шарқий Фарғонадаги бу мўъжазгина давлат эрамизнинг III-V асрлари ўртасигача ўз мустақиллигини сақлаган. Эрамизнинг 270 йили унинг элчиси Хитойнинг Ғарбий

Цзинь мамлакатига келган. Сўнг 379 йили унинг элчиси Эрта Цинь давлатининг пойтахтига келганда 436 йили Вэй подшоҳлигининг элчиси Довон давлатига келгани маълум.

437 йили парганаликлар Вэй подшосига ўз элчисини юборишган.

V аср ўрталарида Фарғона водийсини эфталитлар тўла ўзига бўйсундириб олганлар.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Қирғизистон жанубида қадимги даврда қайси давлат пайдо бўлган?
2. Парганаликларнинг хўжалик тармоқлари хусусида нималарни айтма оласиз?
3. Довон давлатининг сиёсий тузилishi, давлат бошқарув тизими тўғрисида нималарни айтиши мумкин?
4. Парганаликларнинг диний тушунчалари қандай эди? Йилқи қандай баҳоланган?
5. Аҳмонийлар, македониялик Александр ҳужумлари даврида Довон тарихи тўғрисида яна нималарни айтиб бера оласиз?
6. Чжан Цянь Довонга қандай мақсад билан келган?
7. Чжан Цянь император У-дига Довон аргументлари тўғрисида нималарни айтган?
8. Хитой юришларидан қандай мақсад бор эди? Улар қандай натижа билан якунланган?
9. Довоннинг пойтахтлари қайсилар эди (эрамизгача II — I асрлар)?
10. Довон подшолигининг эрамизнинг I — V асрларидаги тарихи хусусида қандай маълумотлар бор?

13-§ Қанғуй (Қанғи) давлати

Сирдарёнинг ўрта оқимидан ҳозирги Талас водийсига ва қуйи Чуйгача ястаниб ётган ҳудудда эрамиздан аввалги III аср охири — эрамизнинг V асрида Қанғуй (Қанғи) давлати жойлашган. Албатта, бу ўлканинг чегараси турли замонларда кенгайиб ёки кичрайиб турган.

Қанға, Қанғи, Қанқар, Қанғуй. Ўрта Осиё халқларининг энг қадимдан бери эсга олинган этник номларидан бири — Қанғи эканлигини биламиз. Қадимги Шаркий Эроннинг «Авесто» номли диний асарида «Қанқа», «Қанға», «Қандиз» (Қанг қишлоғи) сўзлари топоним ёки этноним сифатида учрайди (эрамиздан аввалги I минг йилликнинг дастлабки ярми).

Сирдарёнинг ўнг қирғоғида ва шарқроқда яшаган Ўрта Осиёлик бошқа қабилалар каби ҳам эроний манбаларда «сак» деб умумлаштириб номланган. Эроннинг қадимий пойтахти Персеполда топилган олтин ва қумуш тахтачаларда «сўғдларнинг орқа тарафида яшовчи саклар» деган тушунча бор. Яна шу сакларнинг ёзувида қанғи халқи тўғрисида сўз юритилган (эрамиздан аввалги VI — V асрлар).

Шунингдек, юнон, латин тилларида битилган қадимий манбаларда тарихчи ва географлар Ўрта Осиё халқларини Шимолий Қора денгиз бўйларидаги

халқлар каби умуман скиф деб аташган. Масалан, римлик муаллиф Пилиний (23 — 79 йиллар) ўз асарида: «Эронликлар уларни (скифларни) ўзларига яқин яшовчи қабилаларнинг номи билан, саклар деб аташади», — деб ёзган эди. Таниқли астроном ва географ Птолемейнинг (90 — 180 йиллар) асарида Яксарт деб аталган Сирдарёнинг бўйида катта Яксарт ёки канлар деб аталган халқнинг номи ҳам учрайди.

Қадимий хитой йилномаларида Сўғд давлатига, Довон подшолигига қўшни бўлган мамлакатни Қанғуй деб аташган (эрамиздан аввалги I аср — эрамизнинг I асри).

Қадимги хинд достони «Махобҳорат» деган асарда (эрамиздан аввалги XIII — VIII асрлар) қадимий хинд орийларининг бир зиёфатига турли мамлакатлардан вакидлар чакирилгани айтилади. Келган меҳмонлар орасида сакларгина эмас, балки канкалар ҳам бўлган.

Сирдарёнинг қадимги аталиши

Эрамизнинг I минг йиллигида Қанғи ўлкасида яшаган халқ қанғар деб аталган. «Қанғи», «эр» каби турк этнонимларидагидек қанғар этноними ҳам «ар» («эр») билан якунланган. Бу сўз («эр») дастлаб қabila умумийлигини, кейин халқни ифодаловчи компонент эди. «Эр» сўзининг бошқа бир маъноси — «эркак киши» ва «ботир», «кахрамон» сифатида ҳозирги қирғиз тилида сакланиб қолган. Патриархал (эркаклар ҳукмронлиги) даврида ҳам ўша «эр» сўзидан этноним тузишда фойдаланилган. Кейин «қанғ» сўзи туркларда «Кем» тарзида ўзгарган (ҳозирги Саян-Олтой тилларида Хем, Кем деб Энасойнинг юқори бошланиш қисми Бий-хем, Ка-хем аталади).

Шарқда Норин дарёсидан бошланиб, Қорадарё билан қўшилгач, Сирдарё номи олан Ўрта Осиёдаги энг йирик дарёлардан бири қадимги даврларда турли халқлар тилида ҳар хил ном билан аталган.

Қадимий Эрон шеваларининг бирида Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими «Йахшарт» («Йахша арта» — «Соф марварид») деб аталган. Бу сўзнинг маъносини кейинчароқ хитойликлар ҳам эшитиб, «Чжэвр-чжи-хэ» — «соф марварид дарёси» деб аташган. Хитойча дастлабки компонент туркларга ҳам атамасифатида кириб, Сирдарёнинг ўрта оқимини эрамизнинг VIII асрида улар «Йенчу-ўғуз» — «Марварид дарёси» деб атаганлар.

Демак, қадимий Эрон шеваларида «Йахшарт» атамаси қўлланилган. Уни қадимги юнонлар «Яксарт» деб ўз асарларида ёзиб қолдиришган. Бироқ Қозоғистон кенгликлари ва Сирдарёнинг ўрта оқимида саклар билан қўшни яшаган протоугор-финн (ҳозирги финн, венгр, мордва ва бошқа халқларнинг аجدодлари) ва прототурк қабилалари саклар каби «Йахшарт» демасдан, дарёни «Қанғ» дебгина аташган.

Ўрта Осиё турклари эса ўрта асрларда бу дарёни «Сир» деб аташган. Айтмоқчи дарёнинг номига боғлиқ келиб чиққан номланишлар ҳам бор. Маса-

лан ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг Сирдарё вилояти худудида «Қолган Сир» деб аталган суви қуриб қолган ажойиб ер бор.

Қанғи халқи қандай қисмлардан ташкил топган? Қанғи дарёсининг бўйидаги халқ ўзини қанғи эли деб атаган. Ўрта асрларда, бу ердаги халқ тўла турклашган кезде (эрамизнинг VI — VIII асрлари), шу худудда пайдо бўлган янги этник умумийлик «қанга», «кенгерес», «қанғли» деб атала бошлаган.

Шунингдек, эрамиздан аввалги I минг йилликда Қанғи худудининг кўчманчи халқи ўрта оқимидан Талас водийсигача жойлашган кўчманчи халқ хинд-эрон шеvasида сўзлашган сакларнинг аллақайси қисмини, ғарбга — Урал тоғлари томонга сурилган протоугор-финнларнинг айрим қисмини, Олтой-Иртиш худудидан ва Шарқий Тангритоғдан наридагиларни ҳам прототурк қабилалари ўз ичига олган. Ўзидан жанубдаги саклар билан муомала қилишда улар, албатта, хинд-эрон шеваларидан халқаро алоқа тили сифатида фойдаланишган.

Агар эрамиздан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёнинг шимолий худудларида европоид белгилари мавжуд одамлар бутунлай кўпчиликни ташкил қилсалар, пировардида, эрамиздан аввалги I минг йилликнинг иккинчи ярмида монголоид irqига мансуб одамлар кўпайганлар. Демак, тарих манбаларига мос тушмасда, антропологик маълумотлар асосида протоугор-финн ва прототурк қабилаларининг шимолдан ва шимоли-шарқдан сурилиб келиши оз-оз бўлса ҳам кучаявергани далилланган.

Қанғи ўлкасининг халқи эрамиздан аввалги I минг йилликнинг охирида қайси тилларда сўзлашганини аниқ айтиш қийин. Улар бир неча тилли халқлардан иборат бўлган. Қанғуйларнинг хуннулар билан ўзгача яқин ҳарбий иттифоқини ёдга олсак, улар орасида хуннулар каби прототурк тилларида сўзлашганлар яшаганлигини ҳам биламиз.

Қанғуй

мамлакатининг хўжалиги

Археологик маълумотларга таяниб, Қанғи (Қанғуй) мамлакатининг эрамиздан аввалги III — эрамизнинг V асрларидаги хўжалик юритиш услуби хусусида умумий тушунча олиш мумкин. Умуман, Қанғуй — кўчманчилар давлати

Қанғи халқи хуннулардан фарқланиб, ярим кўчманчилик билан турмуш кечирган. Уларнинг қишда ўтроклашган кичик қишлоқлари бўлган. Ёзда эса бир жойдан иккинчи жойга — яйловларга кўчиб юрганлар. Чорвачилик — асосий хўжалик тармоқларидан бири бўлган. Мол ва қўй боқишган. Йилқилар тирикчилик ўтказиш ва ҳарбий транспорт мақсадларида парваришланган.

Баҳорги, ёзги ва қишки яйловлардан деҳқонлар ўзлари учун унумли фойдаланишга ҳаракатланишган. Масалан, чорва моллари қишлоғга қайтгунча экинлар ўриб-йиғиб олинган.

Шундан кўриниб турибдики, чорвачилик билан бирга деҳқончилик ҳам ривожланганини англаш қийин эмас. Ҳозирги Жанубий Қозоғистондаги Қоратоп

худудида, Тошкент, Чимкент, Тароз шаҳарлари ёнида, Ангрн, Арис ва бошқа жойларда топилган шаҳар қолдиқлари бу ерларда эрамиздан аввалги III асрдан бошлаб ўtroқлашган халқларнинг қишлоқлари ва шаҳарлари бўлганлигидан далолат беради.

Қанғуй мамлақатидаги деҳқонлар арпа, бўғдой, тарик, шоли, мош, нўхат ва бошқа ўсимликларни экишган, шунингдек, боғбончилик билан ҳам шуғулланишган.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ҳунармандчиликнинг турли тармоқларини ривожлантиришган. Албатта, деҳқончилик ва чорвачиликка зарур бўлган асбоб-ускуналарни ясашган. Газлама тўқийдиган дастгоҳлар, қулолчилик, заргарлик буюмлари ҳам бу ҳудуддаги археологик қазилмалар чоғида кўп топилмоқда.

Қанғуй ўлкасининг ҳудуди темирчилик соҳасида ҳам шуҳрат топган эди. Қорамозор, Қурама, Чотқол тоғларидаги қонлардан энг қадимги даврларда мис, қумуш, темир каби металллар қазилиб, уларга дастлабки ишлов берилган ва ҳар хил буюмлар, қилич, ханжар, ойболта, найза билан ўқ-ёйларнинг учлари каби ҳарбий қурол-яроғлар шу ҳудуддаги қўли гул ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган.

Савдо-сотиқ Қанғуй ўлкасининг хўжалиги бошқа кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлар яшайдиган мамлакатлардагидек натурал алмашиш йўли билан ривожланган. Буюк Ипак йўли билан эрамиздан аввалги II асрдан бошлаб тигиз алоқа боғлаган бу ўлкада Ғарб билан Шарқнинг турли буюмлари топилмоқда.

Жўнарик қабристонларининг еттинчи кўрғонидан эрамиздан аввалги II асрда Бактрияда тайёрланган мис кўзгу топилган. Шарқий Европа маданияти билан боғлиқ мис тўғноғич (эрамиздан аввалги I аср — эрамизнинг III асри) ҳам ўша жойдан топилди. Қанғуй элчилари билан бирга савдогарлари ҳам Хитойга келиб-кетиб туришган. Қанғуй ўлкаси Хань сулоласининг ҳудуди билан тигиз алоқа ўрнатмасданок Ўрта Шарқ (Эрон), Жанубий Осиё (Ҳиндистон), Ўрта Ер денгизи (Рим империяси) билан мустақкам савдо алоқалари олиб борган.

Шаҳарлар Хитой манбалари қанғи элини кўчманчи деб ҳисоблагани билан уларнинг шаҳарлари бўлганлигини ҳам рад этмайди. Археологик қазилмалар ҳам Сирдарёнинг ўрта оқимидан Талас водийсигача бўлган ораликда қатор йирик ва кичик шаҳарлар, қишлоқлар бўлганлигидан далолат бермоқда. Ҳозирги Тошкент шаҳрининг атрофидагина юздан ортиқ турар жойнинг ўрни топилган. Улар орасида Қанқи, Ковардон, Қулота, Қовунчитепа, Тўртқўлтена, Далварзинтепа, Мингўрик, Оқтепа, Оққўрғон каби турли ҳажмдаги шаҳар харобалари мавжуд.

Умуман, Қанғуй шаҳарлари баланд, қалин деворлар билан ўралиб, унинг сиртидан чуқур хандақ қазилган. Шаҳар ичида бошқа уйлардан фарқли ўларок,

Ўзига хос қалға қурилган. Мудофаа тизимининг мустаҳкамлиги ва ўхшашлиги шаҳарсозликнинг юқори даражада ривожланганидан хабар беради. Баланд тепаликларда жойлашиб, кўрғон билан мустаҳкамланган шаҳарларнинг атрофида майда кишлоқлар ўрин олган. Улар 2 — 3 хонали, пахса девор билан тикланган уйлاردан иборатдир. Қамиш кўп ўсган жойларда уйлар фақат қамишдан қурилган.

Кишлоқ аҳолиси уруш даврида шаҳар кўрғони ичига яшириниб, ўз худудининг сиёсий маркази бўлган шаҳарнинг мудофаасида қатнашган.

Жамоа тузилиши Қанғуй давлати — ҳозирги Қозоғистоннинг жануби, Ўзбекистоннинг шарқи ва Қирғизистоннинг жануби - ғарбий тарафидаги энг дастлабки эрта феодал давлат бўлган. Унинг ўзгачалиги — кўчманчи, ярим кўчманчи ва ўтроқлашган халқларнинг симбиози (бир-бирига халакит бермай, аксинча ўзаро бирга яшаши) билан фарқланишидадир.

Синфий бўлинишнинг эрта даври бу ўлкада ҳам дуруст ривожланган. Шаҳар аҳолисининг ижтимоий иерархияга яраша ички қалъада ёки унинг сиртидаги шахристонда ёхуд бугунлай шаҳар кўрғонининг ташқарисида яшаши бунга далил бўла олади. Асосий ишлаб чиқарувчи синфлар — сўққабош эркин деҳқонлар, чорвадорлар ва ҳунармандлар бўлган. Қўшни давлатларнинг жамоа тузилиши даражасига киёсланганда, Қанғуй давлатида кўшимча, асосий эмас юмушларни бажаришда қуллардан ҳам фойдаланилган. Жамоа бойлигининг ҳузурини оқсуякларнинг турли қатламлари кўрган.

Сиёсий ҳокимиятнинг тури Қанғуй давлатини унинг подшоси бошқарган. Демак, бу ерда ҳам яққаҳоқимлик (монархия) ҳукм сурган. Хань сулоласи тарихини ёритган хитойлик тарихчилар Қанғуй подшосининг ўз оқсоқоллари билан бир мартагина кенгашига хусусида айтганлар. Демак, подшонинг ҳокимияти ўта зарур давлат аҳамиятига молик масалаларни ҳал қилишдагина Оқсоқоллар кенгаши билан бамаслаҳат иш тутган.

Сиёсий ҳокимият кўчманчи қанғи қабилаларининг қўлида бўлган. Подшонинг кўчманчи турмушга яқинлиги унинг икки пойтахтга эга эканлигидан ҳам кўринади. Асосий пойтахти Битянь шаҳри эканлигини Бань Гу эслатади. Бирок ёзги иссиқ пайтда Қанғуй подшоси шаҳарни тарк этиб, анча олисдаги Фаньнэй деган жойни ўрда қилиб тургани ўша хитой тарихчиси томонидан таъкидланган. Қўш ўрда (ёзги, кишки) ҳозирлаш аъёнасини бошлаган қадимий туркларнинг бобокалонларидан бири — пировардида турклашган эрон, уғор-финнлардан иборат қанғи халқи бўлганлиги шу фактдан очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Эраמידан аввалги II — I асрларда Қанғуй давлатига қатор янги худудлар мустамлака бўлиб қолди. Масалан, хитой манбаларида Қанғуй давлатига тегишли беш вилоят (девон) ёдга олинади: Сусе, Фумо, Фуму, Юйну, Йуни, Цзи,

ЮйузЯнь. Улар ички ҳокимият сусайган айрим сиёсий вазиятда мустикал беклик тузгани тахмин қилинади.

*Қанғуй давлатининг
сиёсий тарихи билан
боғлиқ асосий воқеалар*

Қанғуй давлатига асос солинишигача (эрамиздан аввалги VI аср) Оролдан Еттисувгача бўлган худудда яшаган кўчманчилар Аҳмонийларнинг зарбдор кўшинлари билан учрашганлар, уларга қарши жангларда қатнашганлар. (Эрамиздан аввалги IV аср) кейин улар македон-юнон босқинчилари билан курашганлар.

Тарихчи Аррианнинг ёзишича, Сирдарёнинг ўнг соҳилидан келган «скиф»ларни македониялик Александр қабул қилиб, улар билан бирга юборилган юнон элчиларига бу скифларнинг яшаган ерларининг табиий шароити, иқлими, об-ҳавоси, аҳолисининг сони, хулқ-атвори, қурол-яроғларини ўрганиш каби жосуслик вазифаларини ҳам юклаган.

Эрамиздан аввалги IV аср охирида турли қабилалар Сирдарё ва Еттисув худудида ўзаро ҳарбий иттифок тузганлар, сўнг бу иттифок йирик қabila бирлашмасига айланган. Уларни юнон ва рим тарихчилари сакараука («тез ҳаракатланувчи саклар» ёки «нурланган саклар») деб атаганлар. Бу айтилган этноним, лекин Сирдарё билан Еттисув аҳолисининг хусусий атамаси эмас. Хитой манбасидаги «қанғуй» атамаси эса шу бирикма ўз аталишининг хитойча варианты сифатида қаралиши мумкин.

Эрамиздан аввалги III аср бошида қабila бирлашмаси асосида Қанғуй давлати пайдо бўлган. Унинг тизимига Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимлари, Талас водийси, Чуй дарёсининг қуйи оқимини ўз ичига олган йирик худуд кирган. Албатта, бу кенг худудда турли тилларда сўзлашган ва хўжалиги билан ҳам фарқланган қабилалар бўлганлигини таъкидлаш зарур.

Эрамиздан аввалги II аср охирида Қанғуй давлати шарқда — усунлар билан, жануби-шарқда — Довон давлати билан, жануби-ғарбда эса сўғдлар билан чегарадош бўлган. Эрамиздан аввалги I асрда унинг аҳолиси 120 минг оиладан, 600 минг кишидан иборат бўлганлиги хитой манбалари орқали маълумдир.

Қанғуй давлати эрамиздан аввалги I асрда Шарқий Туркистондаги Хитой-



45. Отлиқ қушан аскар

га қарши сиёсат юритган давлатлар билан яхши муносабатда бўлган. Ҳатто Усун давлати Хитойга ўзгача ён босган даврларда Қанғуй хуннуларнинг шимолий қаноти билан иттифок тузиб, усунларга қарши сиёсат юритган.

Чжичжи-шануйдан усунларга қарши фойдаланиш учун Қанғуй подшо-си атайин чақириб, унга ўз қизини беради ва «қариндошликка асосланган» ҳарбий иттифоқини тузган (эрамиздан аввалги 48 йили). Қанғи-хунну бирлашган кўшинлари эрамиздан аввалги 42 йили усунлар пойтахти Чигу шаҳрини ҳам эгаллаб, талон-тарож қилганлар...

Чжичжи-шануй Талас бўйига парфияликлар ёрдами билан қалъа кураётганда қанғилар билан бўлган муносабатта совуқлик тушди. Лекин эрамиздан аввалги 36 йили Чжичжи-шануй бошчилигидаги шимолий хуннуларнинг Талас водийсидаги қисмига хитойлик аскарлар ҳужум қилганда Қанғуй давлатининг кўшинлари хуннулар томонида жанг қилган.

Бу урушда шимолий хуннулар тўла тор-мор этилгандан кейингина Қанғуй давлати Хитой билан иттифокдош бўлиш таклифи билан Хитой сулоласининг императорига ўз элчисини юборган. Лекин Қанғуй подшоиси бу элчилик орқали фақатгина савдо-сотикни йўлга солишни мақсад қилганлигини хитойлик ҳукмдорлар тушунганлар.

Эрамизнинг I асрида Қанғуй подшолиги Кушон империяси билан алоқа боғлаб турган, ҳатто Кушон ҳукмдори Қанғуй подшосининг қизига уйланган. 80-йилларда хитой етакчилигидаги кўшинлари Шарқий Туркистон мамлакатларига қайта ҳужум қилганда, қанғи аскарлари ҳам қаҳрамонларча курашиб, хитойликларни оғир аҳволга солиб қўйганлар. Кушон подшосининг илтимоси билангина қанғи аскарлари Қашқардан чиқиб кетганлар.

287 йили Хитойнинг Ғарбий Цзинь подшолигига олис Қанғуйдан элчилар келганлар. 379 йили Эрта Цинь исмли хитой ўлкасига ҳам қанғиларнинг элчиси келгани маълум. 437 йили қанғилар ўлкасидан, Вэй номли хитой подшолигига яна бир элчи келган.

V аср охирида Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудлари каби қанғуйлар ери ҳам эфталитлар оёғи остида қолган. Сўнг қанғилар Турк хоқонлигининг халқларидан бирини ташкил этиб, тўлиқлангани шубҳасиз.

Саволлар ва топшириқлар:

- 1. Қанғи, қанғуй ва бошқа этнонимлар ҳусусида қандай манбалар маълумот беради?*
- 2. Сирдарёнинг қадимги номини айтинг!*
- 3. Қанғи халқи қандай қисмлардан иборат бўлган?*
- 4. Қанғуй давлатининг ҳужазиси тўғрисида нималарни биласиз?*
- 5. Қанғиларнинг жамоа тузилиши қандай эди?*
- 6. Қанғуйда ҳокимиятнинг қайси тури ўрнатилган?*
- 7. Бошқа халқлар билан қанғиларнинг алоқалари тўғрисида айтиб беринг!*

ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА ТАНГРИТОҒ ВА ЭНАСОЙ КИРҒИЗЛАРИ

14-§ Теле (тоолос) ва турк қабилаларининг келиб чиқиши

Умумий тарих саҳифалари

Бир вақтнинг ўзида бир неча халқ ибтидоий ва ўрта асрлардаги у ёки бу этник бирлик ёхуд давлат тарихини ўз аجدодларининг тарихи деб ҳисоблашни фаҳмлаш мумкин. Ана шундай умумий тарих саҳифаси сифатида ҳозирги кўплаб туркий халқлар учун эрамининг VI асри иккинчи ярмида Марказий Осиёнинг сиёсий харитасида пайдо бўлган ва куч-қудратини намоён қилган Улуғ Турк хоқонлигини тилга олиш мумкин. Уни бугунги Олтойликлар ҳам, сарик уйғурлар ҳам, кирғиз, қозок, уйғур, ўзбек, туркман, қорақалпоқ, озарбайжон, турк ва бошқа халқларнинг ҳаммаси ўзининг ўрта асрлардаги тарихий негизи деб биладилар. Зеро мазкур давлатга асос солган, ривожлантирган турк қабилалари ва халқлари аталиб ўтган ҳозирги халқларнинг умумий ота-боболари бўлиб саналади.

Албатта, Улуғ Турк хоқонлиги тасарруфидаги қабилалар ва халқлар ўша даврдаги туркий тилли халқлар маконининг жануби-шарқий худудинигина эгаллаган. Ҳозирги туркий халқлар Улуғ Турк хоқонлигидаги халқларнигина авлодлари дейишга ҳеч асос йўқ. Итил (Волга) бўйидаги булғорлар, Европанинг юрагига етган хуннуларнинг ғарбий бутоғи — хуннуларнинг ва бошқа Улуғ Турк хоқонлигига алоқаси йўқ туркий тилли халқларнинг тарихи бунга далилдир.

Теле (тоолос) қабилалари

Улуғ Турк хоқонлиги сифатида тарихда қолган йирик давлат таркибига турли тилларда сўзлашган халқлар кирган. Туркий тилли халқдан ташқари сўғд (Шарқий Эрон),

тоҳар (ҳинд-европа) каби халқлар ҳам кирган. Туркийзабон халқлар ичидаги қабилаларнинг энг катта сиёсий бирлашмаси — теле бўлган. «Теле» сўзини айрим туркшунослар этимологик жиҳатдан «теварак» («дўнғалак») деб тахмин қилишади. Айримлари кейинги телеут, телегут этнонимига яқинлаштиришади. Бизнинг фикримизча, теле қабила бирлашмасининг номи ҳозирги олтой ва кирғиз халқларининг қабила номларида сақланган тоолос (дўўлўс) этнонимиде сақланган. Хитойлик кирғиз тарихчиси Анвар Бойтур ҳам «теле» этнонимини «тоолос» катори беради. Туб негизи



46. Узуклар. Олтин IV-V асрлар.
Чуй водийси. Шамши қабристон.



47. Идиш. Олтин. IV-V асрлар.
Чуй водийси. Шамши қабристон.

бўйича телегут, телеут этноними ҳам теле, тоолос этнонимидан мўғулча кўпликни англатувчи «уут» кўшимчаси кўшилиши билан пайдо бўлган. Хитойча «теле» деб берилган этноним Ўрхон-Энасой ёзувида ҳам телис, телиш холида учрайди. Теле (тоолос) қабила бирлашмасига қадимги Хунну империяси парчалангандан кейин мустақил бўлган қатор халқлар ва уларнинг қабилалари бирлашган. IV — V асрларда теле (тоолос) қабила бирлашмасига кирган халқлар шарқдаги Қанғуйдан, ғарбдаги Шарқий Туркистон, Жунғориягача йирик ҳудудда яшаганлар.

«Вей-шу» номли хитойча тарихий манбада теле (тоолос) қабила бирлашмасининг барқарор давлат бошлиғи бўлмаганлиги, ҳар бир қабила ўз ҳукмдори томонидан бошқарилгани хусусида маълумот берилади. Улар умумий уруш хавфи пайтидагина бош кўшиб турганлар. Теле (тоолос) бирлашмасининг тасарруфида сиртардуш, уйғур, байирку, пугу, апа, телўур, фуло, тубо, куриқан каби халқларнинг номлари ёдга олинади.

**Жужон хоқонлиги
ва теле (тоолос)
бирлашмаси**

Эрамизнинг IV асри ўртасида Хитой тоғларининг этагида жойлашган куч-қудратли кўчманчилар империяси — Жужон хоқонлиги тузилган. Жужон (жуан-жуан) халқи қадимги мўғул тилининг бутокларидан бирида сўзлашган (айрим тадқиқотчилар жужонларнинг келиб чиқишини тунгусманжурларга ҳам тақашади). Шимолий Хитойдаги ва Мўғулистондаги қатор туркий қабилалар ҳам жужонлар билан бирлашганлар.

Жужонлар Шимолий Мўғулистоннинг Селенга ўзани ҳудудидаги халқлардан ва Жунғория билан Олтойда яшаган теле (тоолос) қабилаларидан солиқ йиғиб турганлар. Вақти-вақти билан солиқ тўлашга мажбур бўлган теле (тоолос) қабилалари пировардида сиёсий мустақилликни шакллантириш учун ички бирдамликни мустаҳкамлашга интилганлар.

Жужон хоқонлигини Доулун (485 — 492) бошқариб турганда у Хитойнинг Вэй (Тоба, яъни табғоч) подшолгига қарши сиёсатини кучайтирган. Айна ўша

пайтда теле (тоолос) бирлашмасининг қабила бошлиқларидан бири Афучжило юз минг аҳолидан иборат ўз халқини — Иртишга кўчириб кетади-да, мустақил давлатга асос солиб, ўзини «Кўкнинг катта ўғли» (Кўкнинг Тангриси) деб эълон қилади. Афучжилонинг отаси томонидан қариндоши бўлган Цунки меросхўр бий унвонини олиб, янги давлатнинг жанубий қаноти (Жунғория томон) га ҳукмронлик қилган.

Бироқ 494 йили теле (тоолос)лар тузган бу давлатнинг янги душмани эфталитлар уларнинг жануби-ғарбидан келиб, Цунки ҳукмронлик қилган қанотни босиб олган, 494 йили жанубий қанот ҳам эфталитлар томонидан парчаланган. Теле (тоолос) қабилаларининг айрим гуруҳлари шарққа — жужонлар ва уларнинг душмани Хитойнинг шимолий худудига чекинганлиги маълум. Қолган қабилаларга ҳукмронлик қилиш учун эфталитлар Мивоту исмли тоолос бегини ўзларига тобе қилиб тайинлашган. У Цункининг авлоди эди.

Цунки авлодларидан бўлган Мивоту дарҳол Хитой билан алоқа тузишга интилиб, совға-салом қўшиб элчисини юборади. Унинг бу қадами Хитой (Вэй) билан жужонларга қарши иттифок ўрнатиш мақсадини кўзлаган. Вэй подшолиги ҳам ипак ҳамда турли совғалари билан жавоб берган.

516 йили Мивоту жужонларнинг босқинчилик уруш ҳаракатларига қарши қайта курашади. Ахири у асирга олиниб, ваҳшийларча ўлдирилиб (қирчанги отга боғлаб елдириш натижасида Мивоту ҳалок бўлади), унинг бош суягини Жужон ҳокони идиш қилиб олган. 521 йили Мивотунинг кичик укаси Ифу теле (тоолос) ўлкасининг мустақиллигини шакллантиради. Қатор жанглardan сўнг 540 йили теле (тоолос) ҳукмдорлари асос солган давлат жужонларнинг оёқ остида қолади.

*Ашина уруғи*¹ V аср бошларида тарихда исми қолган турк йўлбош-чиларидан бири Ашина эди. Ашина номи сўз ўзагининг олдида келувчи хитойча олд кўшимча бўлган «а» товушидан ва мўғулча «қашқир» маъносини англатган «шоно чино» сўзидан пайдо бўлиб, «муруватли бўри» маъносини билдирган. Демак, Ашина келиб чиқиши бўйича туркий бўлса-да, сиёсий алоқалар, ўзаро этник муносабатлар учун қадимги мўғул шевалари ҳам у бошқарган турк қабилаларига тушунарли бўлган.

IV асрда Хитойнинг Шэньси вилоятини хуннулар билан мўғул тилли сяньбилар қайта тортиб олишган. Ўша даврда Ашина деган бекка тааллуқли қабилалар Хэси худуди (Хуанхэ ёйсимон тоғлари оралиғидаги Буюк Ипак йўлининг машҳур бир томони) да кўчиб-қўниб яшаб, хуннуларнинг Муған исмли бегига бўйсунар эди.

¹ Ашина - Улуғ Турк ҳоконлигига асос солган турк уруғ-қабила номининг хитойча аталishi. Уни шарқдагилар «Бўри» деб ҳам, ар-ск-дан («арелон») деб ҳам фараз қилишади. «Ашина» сўзи кўпинча - «Хайрли кашқир» ёки «Муруватли бўри» деб қўлланилади.

439 йили Шимолий Хитойда ҳукмронлик қилган тоба (табғоч) элининг аскарлари хуннуларни суриб кириб, Хэси худудини ўзлари асос солган Вэй подшолигига қўшишган. Худди ўша тақдир ҳал бўлаётган даврда Ашина исмли турк беги ўзига тегишли бўлган 500 оилани бошлаб жужонлар томон кўчиб кетади.

Хитой манбаларида қайд этилганидек, Ашина ва унинг уруғи Олтой тоғларининг жанубий томонидан кўним топиб, жужонлар учун темир конини казиб, ҳарбий мақсадларга зарур хом ашёларни етиштириб бериб турган.

«Чжоу шу» (556 — 581) ва «Суй шу» (589 — 619) деган хитой сулоласи тарихий манбаларида айтилишича, Олтой юртига келиб, Ашина қайта бош кўшдириб тузган халқнинг сиёсий номи туркут бўлган. Бундаги -ут кўшимчаси эски мўғул (сяньби) тилидаги кўпликни билдирувчи кўшимчани олиб ташласак, ўзимизга маълум турк сўзи қолади. Демак, «турк» этнонимининг сиёсий ва этник умумийликни билдирган бирлаштирувчи роли сиёсий майдондан хуннулар чекина бошлаган даврга — IV асрга тааллуқлидир.

Туркларнинг келиб чиқиши хусусида афсоналар

Дастлаб «турк» сўзи «қувватли» маъносини билдириб, сиёсий умумийликни аңлатган. Кейинчароқ турли қабилалари бош кўшган турк номли бирлашма асрлар оша энг йирик этник умумийликнинг номи бўлиб қолди.

Турклар кейинчароқ ўзларининг келиб чиқиши хусусида ҳар хил афсоналар яратишган, уларнинг айримлари, ўрта асрларнинг эрта давридаги Хитой ёзма манбаларида акс эттирилган.

Бир афсонада хуннуларга тааллуқли бир қабила кўшни мамлакат ҳукмдори томонидан босиб олиниб кириб ташлангани айтилади. Босқинчилар омон қолган ўн яшар ўсмир болани тириклайин қўлоғини кесиб, қўл ёқасига ташлаб кетишади. Чўлоқ болани бир она бўри гўшт ташиб боқа бошлайди. Ҳалиги босқинчи ҳукмдор бу воқеани эшитиб, қайта болани ўлдириш учун аскарларини юборади.

Улар келишганда она бўри Турфоннинг шимоли-ғарбидаги тоғлар орасига қочиб, ғор орқали тўрт томони тоғ билан ўралган бир мўъжаз



48. Олтин суви юритилган бронза букамлар. IV-V асрлар. Чуй водийси. Шамши қабристон



49. Қиёфа. Олтин IV-V асрлар. Чуй водийси. Шамши қабристони.


водийга ўтади. Бу ерда бўри ўн болани туғиб, уларнинг авлодидан Ашина йўлбошчи бўлган қабила чиққан экан.

1968 йили Мўғулистоннинг Бугут деган юртидан сўғд тилида ёзилган қадимий туркий ёзма ёдгорлиги топилди. Ёдгорликнинг юқори томонида кўл-оёғи кесилган одам ва бўрининг шакли чекилган. Бу барельеф хитойликлар ёзиб қолдирган афсонанинг турклар томонидан ўзгача эъзозланганининг далилидир.

Иккинчи бир афсона туркларнинг бошқарувчи қабиласи ўзининг келиб чиқиши бўйича қадимги со уруғига бориб тақалишини баён қилади. Со уруғи хуннуларнинг шимо-

лида жойлашган. Қабила оқсоқоли Апанбу деган киши бўлган. Со уруғи 70 оға-инидан иборат экан. Улар ичида кейин омон қолиб авлоди давом этгани Ичжини-нишиду деган (шамол ёки ёмғир чақира олиш хосиятига эга) бир туғишгани эди. Афсонага таянсақ, Ичжини-нишиду она бўридан туғилган. Кейин у ёзнинг эгаси ва қишнинг хўжайинининг қизига уйланади. Ичжини-нишидуга маликаси (биринчи хотини) тўрт ўғил туғиб беради. Уларнинг тўнғичи оккушга айланиб қолган (бугунги олтойликларнинг куу-кижи, куманди қабилалари номларига қиёсланиши қизиқарли). Иккинчи ўғли Афу (Абакан), Гянь (Кем, яъни Энасой) дарёлари оралиғида подшолик қилган Цигу (қирғиз) дегани эди...

Бу афсонада ҳам туркларнинг она томонидан келиб чиқишида муқаддас жонивор — бўри кўрсатилган. Бунда



50. VII-VIII асрлардаги қирғизларнинг қуроллари. Частас даври.

ҳам она бўрининг набираси сифатида машҳур Ашина қайд этилган. Қирғиз эса Ашинадан аввал чиққан бўгин эканлигини таъкидлаш жоиз.

Туркларнинг келиб чиқиши ҳусусида ҳар хил афсоналарнинг бир умумий ўзаги мавжуд. У — она бўри. Йирик империяга асос солган пайтда ҳам турклар ўз тотемини унутишмаган. Ўз байроқларига олтин суви юргизилган ип билан бўрининг бошини акс эттиришган. Улар ҳоконининг сараланган аскарлари — соқчилари ҳам «бўрилар» деб аталган.

Ўзининг келиб чиқишини муқаддас она бўрига боғлаш билан ашина уруғи бошқа турдош қабилаларни бошқариш учун ўз ҳуқуқи бор эканлигини тасдиқлашга ҳаракат қилган. Эҳтимол, (ашина) этноними турклар уруғининг бўри деган аталишининг қадимги мўғулча сўзма-сўз таржимаси бўлиши ҳам мумкин. Хитой манбаларида бўри сўзи ҳам фули шаклида эсга олинаиб, қашқир (бўри) деган маъноси бор эканлиги баён қилинади.

Ашина уруғининг кучайиши

Ашина (муруватли бўри) уруғи Олтой худудига келгач, қабилаларни ўз атрофида бирлаштиради.

Ашина уруғи фақат бошқарувчи уруғ бўлиб, унинг қўл остидаги эл турк бодун (қудратли эл) деб атала бошлаган. Дарвоқе, бугунги қирғиз тилида эл сўзи қадимда мамлакат деган маънони берган (мамлакат сўзи кейинчароқ қирғиз тилига араб тилидан кирган). Демак, қадимги Турк эл сўзи бирлашган турк мамлақати тушунчасини англатган.

Ашина уруғи ҳукмронлик қилган турклар V асрнинг иккинчи ярми — VI асрнинг биринчи ярмида жужонларга тобе бўлиб, темир каби металлургия ҳам ашёларини солиқ сифатида етиштириб бериб турган. Ички иттифок, жужон сиёсий устуворлигига қарши туришнинг умумий мақсади, ўзаро этник яқинлашиши ва аралашуши VI аср ўртасига бориб, Олтойдаги туркларнинг сиёсий бирдамлигини янги сифат даражасига кўтарди. Ашина уруғидан чиққан ҳоконлар ҳукмронлик қилган давлат тарихда Улуғ Турк ҳоконлиги сифатида шон-шухрат билан тилга олинади.

Саволлар ва топшириқлар:

- 1. Улуғ Турк ҳоконлиги қайси халқлар тарихи учун умумий бўлиб саналади?*
- 2. Теле (тоолос) қабила бирлашмаси ҳусусида нималарни биласиз?*
- 3. Жужонлар ҳоконлигига қайси халқ асос солган?*
- 4. «Ашина» ва «турк» сўзларининг туб маъноси қандай?*
- 5. Туркларнинг келиб чиқиши ҳусусида қандай афсоналар бор?*
- 6. Ашина уруғи қачон ва қасрда кучая бошлаган?*

15-§ Улуг Турк хоқонлиги

Бумин хоқон ва жужонлар

Турклар ўзларининг сиёсий мустақиллиги учун кураш олиб бораётган пайтда Шимолий Хитойда Шарқий Вэй подшолиги ва Фарбий Вэй подшолиги ўзаро урушиб турган эдилар.

Шарқий Вэй подшоси жужонлар хони Анахуанни ўзига иттифокдош қилишга эришди. Худди ўша даврда Фарбий Вэй подшоси Вэньди ўз элчисини Ашина уруғининг туркларга ҳукмдорлик қилган беги Буминга жўнатиб, у билан иттифок тузишга шошилди. Бу воқеа 540 йиллар чамасида бўлган, деб тахмин қилинади. Туркларга элчи бўлиб уларнинг тилини дуруст билган Ань Нопаньто борган. Ҳэси худудида туғилиб ўсган ва хитойлашиб кетган хунну авлодидан эди.

Элчи Ань Нопаньтони турклар кучоқ очиб кутиб олдилар. Бумин (унинг исми хитой манбаларида Тумин деб берилган) жавоб тариқасида ўз элчисини Фарбий Вэй подшолигининг маркази Чаньян шаҳрига дарҳол жўнатиб, очикдан-очик жужонларга қарши сиёсатга ўтган. Ашина уруғи ҳам шундай сиёсий қарашини ўзгартириб турган кезде Шарқий Тангритоғ ва Жунғория худудида яшаётган теле (тоолос) қабилаларининг бир гуруҳи жужонларга қарши кўзғолон уюштиришиб, мустақиллигини эълон қилибгина қолмасдан, жужонлар ўрдасига қараб ҳужум бошладилар.

Уларга Гоби Олтойи томондан Бумин лашкари тўсатдан ҳужум қилди. Хитой манбаларининг гувоҳлик беришича, теле (тоолос) элининг 50 минг оилани ташкил қилган бу гуруҳи Бумин қўл остида қолди. Аммо ашина уруғининг ҳам, теле (тоолос) элининг жунғориялик — шарқий тангритоғлик гуруҳининг ҳам мақсадлари бир жойдан чиқди. Уларнинг барчаси Жужон давлатининг кулашини хоҳлаган эдилар.

Буминнинг хоқон бўлиши. Жужон ҳокимиятининг қулаши

Кучайиб кетган ашина уруғининг беги Бумин жужон шоҳи Анахуаннинг қизини сўраб совчи жўнатади. Ўзига бўйсуниб келган эл вакилининг бу ишдан Анахуаннинг жаҳли чиқиб: «Сен менинг темирчимсан, Бундай таклиф қилишга қандай журъат этдинг!»— деб унга

масхараомуз жавоб қилади.

Бумин бу жавобдан қаҳрланиб жужон элчисини тигдан ўтказди. Вэй подшоси Вэньди эса бу вазиятдан фойдаланиш ниятида қизи Чанлени Буминга малика қилиб беради. Хитой манбаларида бу воқеа 551 йилнинг олтинчи ойида бўлганлигидан дарак беради. Шу йили Хитой подшоси Вэньди дунёдан ўтганда кўмиш маросимига ёрдам сифатида Бумин икки юз учкур от жўнатган.

552 йили Бумин ўз лашкарини жужонларга қарши олантирди. Уларнинг хоқони Анахуан ўзини-ўзи ўлдиришга мажбур бўлган. Бумин эл-хоқон (давлат хоқони) деган унвон олган. Бу унвон турк давлат бошлигининг мустақил йирик империя эгаси эканлигини билдирар эди.

У хоқон бўлганда қандай тантаналар уюштирилгани ҳақида аниқ маълумотлар кам бўлса ҳам, хитой манбаларида кўрсатилишича, тахтга ўтказилган хоқон унинг яқин мулозимлари томонидан кигизга ўтказилишини, уни куёшга қаратиб тўққиз марта айлантирилишини, сўнг отга миндириб, маросим давом этишини ёзиб қолдирганлар. Албатта Бумингача қадимги турк халқларида хоқонни улуғлаш одати урф-одатга айланиб келган. Кейин ҳам XX аср бошида, айрим турк халқлари (унинг ичида кирғизлар ҳам) оқ кигизга ўтказилиб, хон кўтаришни ёддан чиқаришмаган.

Жужон империяси 551 — 554 йиллар мобайнида тинимсиз урушлар оқибатида, ҳам ашина уруғи ҳукмдорлик қилган турклар, ҳам хитойлар зарбаларидан бутунлай емирилишга юз тутди.

Мухан хоқон ҳукмдорлиги (553 — 572 йиллар) Кудратли янги давлатга асос солган Бумин эл хоқон 552 йил охирида вафот этди. Унинг ўрнига тахтга ўғли Қора хоқон ўтирди. Унга

Иссиқ хоқон унвони берилган (иссиқ сўзи мартабали, буюк сўзларининг шева кўринишларидан бири сифатида қаралиши эҳтимол, демак, Иссиқ хоқон — мукаддас, қўл етмас, юқори мартабали деган маънода тушунилиши лозим).


Аммо жужонларга қарши юришлари билан донг таратган Қора Иссиқ хоқон тез орада вафот этиб, 553 йили унинг ўрнига ўғли Шету эмас, Буминхоқоннинг бошқа бир ўғли Мухан хоқон ўтказилган. У хитой манбаларида узун жағ, кизил юзли, кўзлари ойнадек ялтираган, эркли, айёр, мард ва ақлли одам сифатида тасвирланади. Демак, тахтга ўтқазилганда Мухан хоқоннинг шахсий инсонийлик фазилатлари ҳисобга олинган. Бу танлов турклар мамлакатини учун ижобий натижалар берганлигини кейинги тарихий воқеалар исботлади.

Улуғ Турк хоқонлигининг
ғарбдаги галабалари

Улуғ Турк хоқонлиги Евроосиёнинг кенг минтақасини бирлашган кўчманчи империяга айлантирган ўрта асрларнинг эрта давридаги йирик ва қудратли давлат бўлган. Дастлаб турклар жужонларга қарши юришлари билан кучга кира бошлаган. Бу мамлакатта сиёсий бошбошдоқликда ўзи билан ўзлари бўлиб қолган Хитой бошида унчалик аҳамият бера олмаган (Хитой 581 — 618 йилларда ҳукм сурган Суй сулоласи давридагина қайтадан мустақкам давлатга айланган). Кўп ўтмай турклар сарик дарёнинг Хуанхэннинг бўйига кира боришган.



52. Бумин хоқон. Бронза VI аср.



ЖАНУБИЙ ЕВРОСИЕ 547-603 йй.
Улуғ Турк хоқонлиғи

СҮТА Мамлакатлар номи x 559 Туркларнинг форслар билан
Харобдаги жашги
СИБИР Туркий туғуллар x 565 Эртангиларом Нисарда етешти
ХАЗАРЛАР Қўбала номадор
Қуруқликтеги ва деңиздеги
Китта азиятеги нег салмоқ буларди

51. Жанубий Евросийе 547 — 603 йиллар. Улуғ турк хоқонлиғи

Мухан-хокон қўшин тортиб шимолидаги Энасой Қирғиз давлатини ҳам вақтинча бўйсундирган. Турк аскарлари энг шарқдаги хатанлар (мўғул тилига яқин сўзлашган бу элнинг номини турклар «хитанг» деб, хитой манбаларида эса «хидан» дейилган. Ҳозирги хитой сўзи «хитанг» сўздан келиб чиқиб, туркий эллар XI — XII асрларда мўғул тилли хитанларнигина эмас, балки бутун Шимолий Хитойни, кейинчарок — тўла Хитой ўлкасини бу атама билан атаганлар)ни суриб чиқиб Корейс ярим оролигача етиб, ундан Сарик денгизгача борганлар.

556 йили турк лашкари Шимолий Хитойдаги Ғарбий Вэй давлати билан иттифокдош бўлиб бирлашиб НаньШань худудига келган. Кўкўнўр ёнида тўғўн (туюйхун) эли хонининг Шудун деган ўрда шахрини яқсон қилган.

Мухан хокон ҳукмдорлиги даврида Шимолий Хитойда бир-бирига ёв икки кичик давлат Шимолий Ци ва Шимолий Чжоу собиқ Ғарбий Вэй давлати ўрнида давлатлари ҳукм сурган. Мухан - хокон Шимолий Чжоу подшолиги билан иттифоқ тузиб, бу подшоликка ўз элчиларини юборган. Ҳатто у ўз қизларини Шимолий Чжоу подшолигига маликаликка беришни таклиф қилган.

Турклар Шимолий Ци давлати билан уларнинг элчилари келишига қарамадан совуқ муносабатда бўлганлар. Бу ҳам камлик қилганидек, 563 йили шимолий чжоулик хитой аскарлари билан биргаликда Мухан - хокон қўшини Шимолий Ци ўлкасига қарши муваффақиятсиз юришда ҳам қатнашган.

Улуғ Турк хоқон-лигининг шарқ-даги галабалари Улуғ Турк хоқонлиги ўзининг янги ерларини бўйсундириш сиёсатини шарқ томонда юритиш билангина чекланган эмас. Мухан - хоқоннинг отаси Буминнинг кичик укаси Истеми мана шу ғарбга юришлар жавобгарлигини олган. Хоқондан пастрок ёбгу¹ (йабгу) унвонига эга бўлса ҳам, Истемининг давлатни ғарб томонга кенгайтиришдаги ҳиссаси бўйича хоқон қатори таърифланган.

554 йили ғарбга томон йирик юришлар бошланди. Турк аскарлари тез орада жужонларнинг бир қисмини ғарбга суриб (бу қисм тарихда апар (авар) номи билан қолди), Еттисув, Тангритоғ ва Хоразм худудларигача эгаллаб олди. Эфталитларга бўйсунган сўғд ўлкаси (Самарқанд ва Бухоро худудлари)гина турклар қарамоғида эмас эди.

Истеми лашкари юришни давом эттириб, Урал даштларини эгаллаб, 558 йили Волганинг шарқий қирғоқларигача етди. Жанубда эфталитларнинг қайтадан жонланишигина Истемининг аварлар ортидан қувишини тўхтатди.

¹ Ёбгу (йабгу) - давлат бошқарувидаги хоқондан пастрок юқори унвон, мансаб - мартаба. Улар кейинчалик йирик қабила бирлашмаларини бошқаришган.

Византия тарихчилари ёзиб қолдирганларидек, Истеми қўшинини орта қайтариб: «Аварлар турк қиличидан қочиб, осмонга учиб кетадиган қуш ҳам эмас, сувга тушиб, денгиз тагида жон сақлайдиган балиқ ҳам эмас. Улар ер бегида адашиб юраверадилар. Аввал эфталитлар билан ҳисоб-китоб қилиб олсам, ундан сўнг аварларга ҳужум қиламан, улар мендан қочиб қутула олмайдилар», — деб айтган экан.

Йўл-йўлакай бошқа кўчманчи турк қабилаларини қарам қилиб олган аварлар қочишни давом эттириб турк тилли сабирларни, утургурларни, Шимолий Қора денгиз бўйидаги кутургурларни, улардан ғарбдаги қадимий славян қабилаларини тор-мор этиб, уларнинг кучларини ўзига қўшиб, Византияга кириб келди. 565-567 йилларда аварлар Марказий Европага бостириб кирганлар. Шу даврнинг ўзида улар Эрон билан дуруст элчилик муносабатларини тузганлар.

Эфталитларнинг мағлубияти

Ўрта Осиёни уруш йўли билан босиб олиб, ўз ҳукмронлигини ўрнатган эфталитлар туркларга қарши курашда маҳаллий халқлардан қўлловчилар топа олмадилар. 560 йили Истеми ҳокон эфталитларга қарши тўғридан-тўғри ҳужум бошлади. Урушнинг бошланишига эфталит подшоси Гатифарнинг Истеми Эронга элчи қилиб жўнатган элчиларни йўлда тутиб олиб қатл эттиргани катта туртки бўлди.

562 йили форс шоҳи Хусрав Ануширвон эфталитларга ғарбдан зарба берди. Шимоли-шарқдан эса Истеми қўшини аввал Шош (Тошкент) шаҳрини эгаллаб, сўнгра ғарбга қараб юрди. 565 йили Насаф (Ўзбекистондаги ҳозирги Қарши) шаҳри ёнида турклар саккиз кунлик жангда эфталитларнинг асосий қўшинини тор-мор қилдилар. Эфталитларнинг омон қолган қисми Афғонистон шимолидаги тоғли ҳудудларда жон сақлашга мажбур бўлди.

Буюк Ипак йўли ва турклар

Шимолий Хитойда бир-бири билан қарама-қарши Шимолий Чжоу ва Шимолий Ци давлатлари Улуғ Турк ҳоконлигидан чўчишиб, ўзларига қаратиш мақсадида кўп микдорда совға-саломлар жўнатиб турганлар. Йилига 100 минг ўрам ипак жўнатиш, ҳақиқатдан, совға эмас, олиқ-солиқ тўлаш дегандек гап эди.



53. Турк аскарлари.

Турклар хитой ипагидан Ғарб билан савдо алоқаларини юритиш мақсадида фойдаланганлар. Кичик Осиёдан Шарққа чўзилган йўлдаги карвонларни туркларга бўйсунган сўғдлар ва бошқа савдогарлик билан машғул бўлган ўтрок халқларнинг вакиллари олиб боришлари учун хоқонлар ўз худудларида улар учун кулай шароитлар яратиб берганлар.

Эрон шоҳи Улуғ Турк хоқонлигининг халқаро Ипак йўлининг хўжайин бўлишини ёқтирган эмас. Улар Эрон савдогарларига рақобат қила бошлаган эдилар. Бундан ташқари Эрон шоҳи ўзини Ўрта Шарқнинг хўжайини деб ҳисоблаган.

Шундай қилиб, Буюк Ипак йўли, бир томондан, турли халқларнинг маданий ва ижтимоий алоқаларини мустаҳкамлаб уларнинг моддий ва маънавий камолоти учун шароит яратиб берган бўлса, иккинчи томондан бу йўлни тасарруфига олиш билан иқтисодий жиҳатдан баркамолликка эришишни кўмсаган савдогарлар қатламлари ва уларнинг хоқонлари билан шоҳу подшоларининг бир-бирлари билан аразлашишларига сабабчилар бўлган.

Истеми-хоқонга таянган сўғд элчилари 566 йили Эрон марказига келиб, яхши ният билан ипак савдосини доимий давом эттириш ҳақида музокаралар юритишга ҳаракат қилганлар. Эрон шоҳи Хусрав элчилар олиб келган ипак матолари ўрамини сотиб олиб, уларнинг кўзи олдида ёндиртириб юборган. Бундай муносабат Эроннинг Улуғ Турк хоқонлигига очикчасига душманлик қилишига олиб келган.

Хоқонликнинг Византияга элчи юбориши. Жавоб тариқасида Земархнинг Танг-ритокқа келиши

Эроннинг турк савдосига қарши тесқари муомаласи ошқоралангандан сўнг Истеми ўз элчиларини Византия (Рум)га жўнатди. Элчилик бошқарувига асли сўғдлик Маннах деган одам тайинланган. Элчилик Каспий денгизининг

пимоли, Кавказ ва Кичик Осиё орқали Византия империясининг бош шаҳри Константинополь (ҳозирги Истамбул)га етиб келдилар.

Истеми элчиларини илиқ қабул қилган император Юстиниан II Эронга қарши иттифок тузиш ва ўзаро фойдали савдо алоқалари ўрнатишга ўзининг ҳам хоҳиши борлигини билдирган. 568 йили Юстиниан II ўз юртига қайтаётган турк элчилари билан ўз элчисини Земарх деган одамни бирга жўнатди. У византиянинг шарқидаги шаҳарларнинг қўшин кўмондони эди.



54. Туркнинг қиёфаси. VI-VIII асрлар. Чуй водийси.

569 йили Истеми ўзининг Шаркий Тангритоғ худудида жойлашган Октоғ деган ердаги ўрдасида Рум элчиси Земархни тантанали равишда кутиб олди.

Элчининг кўзи олдида турк кўшини Эронга қарши сафарга чиқди. Галас дарёси бўйида ўзининг кўрс муомаласини ўнглашга уринган шох Хусрав Ануширвон юборган элчилар билан учрашганда, Истеми ҳокон давра тўрига румлик Земархни ўтказиб, эронлик элчига ундан қуйироқдан жой кўрсатган ва у билан менсимаслик назари билан суҳбатлашган.

Бу — туркларнинг византияликлар билан иттифок тузиб, Эронга қарши уруш очажаги маъносини берар эди. Элчилар Эронга совуқ хабар билан қайтишган. Ўз юртига қайтаётган Земарх совга-саломлар билан сийланган ва унга Энасой кирғизларидан ўлжа олинган гўзал қиз тортиқ қилинган.

Сўғд ўлкасининг турклар қўлига ўтиши. Византияга қарши сиёсат

Истеми ҳоконнинг кўшини ғарбдан Византиянинг қўллашига ишониб Эронга хужум қилди. Амударёдан кечиб ўтиб, улар Журжон (Гурчан) худудидаги бир қатор шаҳар-кишлокларни галон-тарож қилиб қайтишди. 571 йили Хусрав Ануширвон турклар билан шошилинч сулҳ тузди. Унга мувофиқ Истеми ҳоконга илгари эфталитларга қарам бўлган Сўғд ўлкаси тегди. Шимолий Афғонистондаги ва бошқа эфталит ерлари Эронга бўйсунадиган бўлди. Бу сулҳ туркларга Шимолий Кавказ томонга қайта кўшини тортиш учун имкон яратиб берди. Бунинг устига Эрон шоҳи ҳар йили олтин ҳисобида туркларга ўлпон тўлаш мажбуриятини олди.

Туркларнинг Эронга қарши уруш ҳаракатларида Византия ёрдам бермади. Шунинг учун кейинчароқ византияликлар Эронга қарши иттифок тузиш учун устма-уст олти маротаба юборган элчиларини турклар яхши кутиб олишмади. 576 йили элчи Валентин бошлаб келган вакилларни девонбеги Турксанф: «Ҳалиги ўн тилни ва бир алдамчиликни қўллаган румликлар сизлар эмасми-сизлар?» — деб масхараомуз кутиб олган.

Мана шундай қилиб, турклар ҳақиқатан ҳам Византияга қарши очикдан-очик уруш сиёсатини олиб боришган. 576 йили улар булғор - утургурлар кўшини ёрдамида Босфоргача кириб боришди. Қримни ҳам вақтинча босиб олишган. Турклар шу билан кифояланиб қолишса ҳам, византияликлар ўзлари билан муносабатини ўзгартирган янги йирик империя — Турк ҳоконлиги билан уруш вазиятида қолди.



55. Румликлар идини. Шиша. VI-VIII асрлар. Олай водийси.

Таспар хоқоннинг ҳукмронлиги Улуғ Турк хоқонлиги устунини юқори даражага кўтарган Мухан хоқон вафот этганда 572 йили унинг ўрнига тахта кичик укаси Таспар хоқон (Тобохон) ўтирди.


Таспар хоқон (572 — 581 йиллар) ҳукмронлиги вақти Улуғ Турк хоқонлигининг қудратли ва гуллаб яшнаган даври эди.

Таспар хоқон иккига бўлинган Хитойни босиб олмоқчи бўлганида, Шимолий Чжоу подшоси у билан «тинчликка ва биродарликка асосланган иттифоқ» тузишга ошиққан, ҳар йили 100 минг ўрам ипак мато жўнатиб турган. Шимолий Чжоунинг пойтахтида яшаган мингтача турк хурмат-эътиборга сазовор бўлиб, ипакка беланиб давр сурган. Шимолий Ци подшолиги ҳам турклар томонидан кўркиб, қурбилари етганча Таспар хоқон хизматида бўлган.

«Чжоушу» («Чжоу сулоласининг тарихи») манбасида: «Ци ўрдаси уларнинг хужуми ва талон-тарожидан ҳаддан зиёд кўрққан, уларга тўлайвериб хазинасидан айрилган. Таспар ўз бахтига чирианиб, яқинларига: «Ишқилиб жанубдаги икки бола (яъни Шимолий Чжоу ва Шимолий Ци подшолари) бизга бош эгиб турса, камбағалликдан ҳеч ким чўчимаса бўлади, деб айтган», — дейилади.

Худди шу манбада Таспар хоқон Шимолий Ци давлатидан асир қилиб келинган бутпараст кохиннинг насиҳатига кўниб, бу динни ўз мамлакатига ёйишга ҳаракат қилгани, махсус бутпарастлик ибодатхонаси қурдиргани, ўзи ҳам бутпарастлик диний ақидалари бўйича ибодат қилиб дуо ўқигани кўрсатилади. Аммо туркларнинг айрим бўлақларигина бу дин таъсирида қолиб, кўпчилиги тангрига ишониб яшаганлар.

576 йилда Шимолий Чжоу аскарлари Шимолий Цининг асосий кўшинини тор-мор қилиб, подшосини асир қилиб олганлар. Шимолий Хитойнинг икки давлатга бўлиниб туришини хоҳлаган Таспар дарров енгилган томонни қўллаб, 578 йили Таспар хоқон Хитойга бостириб кириб,



56. Қадимги турк даврига тааллуқли узангиларнинг турлари. VI—IX асрлар.
Кўчкор водийси.

Шимолий Чжоу қўшинини яқсон қилган. Кейинги йилдаги босқин ҳам турклар учун муваффақиятли бўлган.

Шимолий Чжоу иложсизликдан совға-салом (солик) бериб, 580 йили турклар билан тинчлик битимини тузишга эришди.

Таспар хоқон ҳукмронлиги даврида Улуғ Турк хоқонлиги шарқда ҳам, ғарбда ҳам муваффақиятли юришлар қилиб, Хитойнинг икки подшолигидан солиқ олиб, Эрон ва Византияга тўғридан-тўғри чегарадош бўлиб турди. Кенг минтақани эгаллаган турк тилли халқлар — Шимолий Хитойдан Урал бўйи, Идил, Шимолий Кавказ ҳудудларигача чўзилган ягона империяга бирлашдилар.

Турк хоқонлиги давлатчилигининг янги сиёсий аталиши (турк) аста-секинлик билан Хитой, Византия, Эрон, кейинчароқ араб тарихий манбаларида этник атама сифатида ҳисобланиши худди шу Улуғ Турк хоқонлигининг ягона бир давлат тузилиши даври билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Таспар хоқон ҳукмдорлигидаги ерларнинг ғарбий қанотини бошқарган Истеми хоқон (552 — 575 йиллар) ва Тарду Бўке хоқон (576 — 587 йиллар) Таспар хоқон ҳокимиятини тўла тан олиб, бўлиб олиб давр сур, деган сиёсат юритмаганлар.

*Шетунинг
ҳокимиятга
келиши*

Таспар хоқон 581 йилда вафот этди. Аммо тахт меросхўрини танлашга Қора Иссиқ хоқоннинг ўғли Шету ҳам аралашди. Шету, хитой манбаларида баён қилинганидек, «балоғат ёшидан жасур бўлган эди. Оксуяклар унга қарши чиқа олган эмаслар».

Кейинги Улуғ Турк хоқонлигига Шету кўтарилди, унга Эл-Кулуг-шод Бага Ишбара хоқон номи берилди. Бу унвон «Давлатнинг ёқимли шоди, Улуғ (хосиятли), қудратли (Ишбара) хоқон» деб таржима қилинади, бунда «шод» сўзи унвонни билдиради.

Туркларнинг қадимий одатларига мувофиқ 582 йили (йўлбарс йили) муқаддас Ўтукен тоғи ҳудудида Таспар хоқонга ош берилиб, унинг қабри жойлашган кўрғонга ёзуви бор тош устун ўрнатилган. Улуғ Турк хоқонлигидан бизгача етиб келган бу яқкаю ягона эпитафик ёдгорлик ҳозирги Мўғулистон шимоли, Хангай тоғлари марказидаги Бугу (мўғулча — Бугууд) тепалигидан топилди. Устуннинг бир томонида бутпарастлик дини тили бўлган хиндларнинг қадимий санскрит тилидачи матн туширилган. Бироқ вақт ўтиши билан тош устун сийқалашиб, бу матнни ўқишнинг иложи топилмади.

Иккинчи бир матн туркларга хизмат қилган. Қадимги санскрит тили будпараст дини тили экани маълум. Сўғдлар тилидаги сўғд ёзувида ўйиб ёзилган. Унинг сақланиб қолган, ўқишга ярагудек бўлаги Улуғ Турк хоқонлигининг сиёсий ғалабаларини улуғлайди. Масалаң, Мухан - хоқон «ўз элини яхши тўйғазган» деб макталади. Бу ёдгорликда Таспар-хоқон ҳам будпарастлик динини ўз халқига тарқатишга ҳаракат қилгани учун макталади.

Бугут ёзуви турк тилида бўлмаса ҳам турклар ёзма маданиятига эга бўлганлигини исботлайди. Ўша даврдаёқ сўғд ёзуви билан турк тилида ҳар

хил хатлар, хужжатлар ёзилган, санскрит тилидан ўтирилган бутпарастларнинг китоблари турк тилида шу ёзувда кўчирилган.

Улуғ Турк хоқонлигининг сиёсий ўрни

Улуғ Турк хоқонлиги бирлашган йирик давлат сифатида 582 йилгача ҳукм сурган. Ўттиз йил мобайнида мустақил, озод Евроосиёнинг йирик

минтақасига хўжайин бўлган бу давлатда янги авлод тарбияланди.

Ички сиёсий барқарорлик, барча турк давлати ғоясига асосий туркий тилда сўзлашувчи қабилаларгина эмас, сўғд сингари Шарқий Эрон тилида сўзлашувчи бошқа элларнинг ҳам қўшилиши, кенг ҳудудларда ўзаро иқтисодий алоқаларнинг хавфсиз ривожланиши, Буюк Ипак йўлининг Марказий ва Ўрта Осиёда турклар томонидан назоратга олиниши Улуғ Турк хоқонлигининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига шароит яратган.

Халқаро миқёсда ҳам давлат обрўси кўтарилиб, шарқда — Хитой, ғарбда — Эрон ва Византия билан элчилик муносабатлари ташкил этилган, ҳатто Улуғ Турк хоқонлиги юқорида номи аталган ўлкаларнинг чегара ҳудудларига ҳужум қилиб турган, Шимолий Хитойнинг айрим подшоликлари катта миқдорда солиқ тўлаб туришга мажбур бўлганлар.

Улуғ Турк хоқонлиги туркий элларнинг ички этник алоқаларини ривожлантириб, уларнинг этногенези (эл сифатида келиб чиқиши), маданий бойликларининг бир-бирига мужассамлашиши, урф-одатлари, диний кўзқарашларининг қандайдир даражада уйғунлашишига ҳам шароит тузди.

«Турк» сўзи барча турк элларининг биродарона, бирлаштирувчи атамаси сифатида этно-сиёсий ибтидоси ҳам шу Улуғ Турк хоқонлигига бориб тақалади.

Евроосиёнинг йирик дала-дашларига барқарорликни сақлаши, кўп сонлаган элларнинг ўзаро алоқаларини яхшилаши, кўчманчилар цивилизациясининг янги босқичга кўтарилишига туртки бериши билан Улуғ Турк хоқонлиги дунё тарихи учун ҳам ижобий роль ўйнаган.

Ҳужжатли материаллар

Қадимги турклар (Тутю)

Бичури Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. — Т.1.-М.; Л., 1950.-220 — 222-стр.

Тутю авлоди мўғулча... Дулға (Тукюе) деб аталади...

Тукюелар авлодининг туб аجدодлари ғарбдаги денгизнинг ғарбида яшашган ва ўзларича бир юртни тузишган. Бу хуннулар авлодининг ашина деган мустақил бутағи эди. Кейинчарок бу уруғ қўшнилардан бирининг ҳукмдори томонидан

парчаланган ва кириб юборилган. Ёлғиз ўн яшар болагина омон қолган. Душманлар уни ҳали ёш эканлигини кўриб ўлдиришдан воз кечиб, кўл-оёқларини кесиб, кўл бўйига ташлаб кетишади. Болани бир она бўри топиб олиб, гўшт бериб парваришлай бошлайди. (Душманнинг) ҳукмдори боланинг тирик эканлигини эшитиб, уни ўлдириш учун қайта одам юборади. Ҳукмдорнинг жаллодлари она бўри билан болани кўриб, ўлдирмоқчи бўладилар. Ўша давр хитой афсонасига мувофиқ она бўри билан бола мамлакатнинг ғарбидаги денгизнинг шарқида, Гао-чан¹ дан шимоли-ғарбда жойлашган тоғларда яшай бошлайдилар.

Тоғларда ғор бор, у ерда қалин табиий ўт ўсган, айланаси бир неча юз ли текис майдон бор. Ғорнинг чор тарафи тоғлар билан ўралган. Худди шу ерда она бўри яшириниб, ўн ўғил туғади, улар улғайиб вояга етгач, уйланишади, бола-чақали бўлишади. Кейин уларнинг ҳар бири алоҳида уруғ тузишган. Улар орасида ўта сараңжом-сариптали Ашина деган киши бўлиб, уни ҳукмдор (подшо) сифатида (ҳокимиятини) тан олишган; шу боисдан у ўз ўрдасининг дарвозасига зотини ёдга олиб, бўрининг боши ақс эттирилган (сурати чизилган) байроқ ўрнатган. Унинг уруғи оз-оздан кўпайиб, бир неча юз оиллага етган. Орадан бир неча авлод ўтгач, Асанше деган бир одам бутун уруғ-аймоғи билан ғордан чиққан ва жужонлар хонининг ҳукмронлигини тан олиб, унга тобе бўлган... Юань-вэй (388 — 554) сулоласининг охирида тукюе² лик Илихон тйелзлар³ ни етган ва 50000 дан ортик оилани бўйсундирган; шундан сўнг у жужонлар ҳукмдорига (унинг қизига) уйланиш учун совчи юборган (520 — 551). Анахуань⁴ бундан жуда аччиқланиб, элчиси орқали (ор-номусга тегувчи) сўзлар айтиб масҳараомуз жавоб беради.

Илихон элчининг бошини олиб, аскарлари билан жужонлар томон жўнайди ва уларни ишғол этади. Илихон ўлгач, унинг кичик укаси Айхон тахтга кўйилган. У ҳам жужонларни тор-мор қилади, бироқ кўп ўтмай касал бўлиб вафот этади. Унинг ўғли Нйегона қолдириб, унинг кичик укаси Цзушуни Мухонхон⁵ деган ном билан тахтга ўтказганлар (хон кўтарганлар). Бошқаларнинг айтишича, тукюелар авлоди Прхинлянда кўчиб юрган турли уруғларнинг аралашувидан тузилган; у ашина деб аталган. Вэй авлодининг императори Тхайву (440 — 451) Цзюйкюй¹ ни йўқ қилган кезде ашина 500 оиласи билан жужонларга қочган ва Олтой тоғларининг жанубига жойлашиб, жужонлар учун темир казиб (эритган). Олтой тоғларининг табиий шароити туулгага ўхшашиб кетади; шу сабабли туулга — мўғулча тукюе сўзини ўз авлодининг номидан қабул қилган. Тукюелар авлодининг насл-насаби хуннуларнинг шимолида яшаган мустақил ҳудуд эгаси Со авлодидан бўлган, деб ҳам айтилади.

¹ Гао-чан - Шарқий Туркистондаги Турфон юрти.

² Тукюе, турклар.

³ Тйеле - теле тўулус халқи.

⁴ Анахуань - жужон подшоиси(550-552 йиллар).

⁵ Мухон (Мухон - хокон) 553-572 йиллари Улуғ Турк хоконлигида хокон бўлган. Бундан ташқари Шимолий Хитойдаги кичик подшоликлар унга солиқ тўлаб турган.

Худуднинг (оқсуяк) оқсоқоли Апанбу деб аталган одам улар 70 оға-ини бўлган эдилар. Биринчи Ичжин-нишиду деб аталган ва (у) она бўридан туғилган... У (Нишиду) иккита хотин олган... Биринчиси тўрт ўғил туғади, уларнинг каттаси Ивиске; кейингиси Цигу² деб аталиб Афу ва Гянь³ дарёлари ораллигида подшолик қилган; учинчиси Чуси дарёси ёнида подшолик қилган; охиргиси Басичу-сиши эса тоғлар ёнида яшаган... Тоғларда апанбуйлар уруғи яшаган... Катта ўғлини Тукюе атаб, ўзларига хукмдор қилиб олишади. У Надулу-ше (шешод) эди. Надулунинг ўнта хотини бўлган. Ашина кичик хотинининг ўғли эди. Надулу вафот этгач, ўнта хотиндан кўрган фарзандлари унинг ўрнига бир кишини подшоликка сайлашмоқчи бўладилар. Улар бир баланд дарахтнинг остига келишиб, ўзаро шундай шарт кўядилар: кимда-ким шу дарахтга қанчалик баланд кўтарила олса, ўша одамга оқсоқоллик ва бутун ҳокимият тегади. Ашина улар орасида энг кичиги бўлса-да, барчасидан баландроққа кўтарилади, шу сабабли оға-инилар уни ўз хукмдори сифатида тан олиб, Ахянь-ше деб атаганлар... (Унинг) авлоди Тумин даврида бу худуд анча кенгайди, (аҳолиси) кўпайди ва чегара⁴ га пахта момиғи билан ипак газлама сотиб олиш учун келишди, шундай қилиб Ўртанчи (Хитой) давлати билан алоқа қила бошлади.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Туркий халқлар V—VI асрларнинг биринчи ярмида кимга тобе бўлганлар?
2. Бумин қачон хоқон бўлди?
3. Мухон - хоқон хитой манбасида қандай тасвирланади?
4. Улуғ Турк хоқонлиги Шарқдаги қайси жойларни бўйсундириб олган?
5. Гарб томондаги туркларнинг галабалари ҳақида нимани биласиз?
6. Буюк Ипак йўли нима учун туркларни қизиқтириб қолган?
7. Туркларнинг Византия Эрон ва Хитой билан ўзаро муносабатлари қандай ривожланган?
8. Бугут ёзуви ва туркларнинг ёзма маданияти ҳақида нимани биласиз?

¹ Цюйкюй - Хунну беги Цзуйкуй Мэнсун 397-401 йиллар Хэси худудда (Шимоли-Гарбий Хитой) Шимодий подшоҳлигини бирлаштирган. Ўрдасидаги хуннуларнинг кейинги давлатларидан бирини тузган сулола (династия).

² Цигу - «Қирғиз» этнонимининг хитойча аталливларидан бири.

³ Афу ва Гянь - Абақан, Кем (яхни Энасой) дарёларининг хитойча аталлиши.

⁴ «Хитойнинг турклар билан чегарадош худудларида» деган маънода.

16-§ Энасой қирғизлари Улуғ Турк хоқонлиги даврида

Жужонларга қарши кураши Шарқий Тангритоғдан Энасой (Кем дарёси)га қирғизлар V асрда кўчишади. Бу пайтда Шарқий Туркистонда ва Олтойдаги турк қабилаларининг жуан-жуан (жужон)ларга қарши мустақиллик учун кураши бўлиб турган. Жужонларга қарши озодлик учун курашда қирғизлар билан Олтойга Шарқий Туркистондан сурилиб келган туркларнинг ашина уруғи бошлиқларининг биргаликда ҳаракат қилиш мақсади ойдинлашади. Бу икки эл — олтойлик турклар билан энасойлик қирғизлар сиёсий мустақиллик учун интилганлар.

Мустақиллик даври VI аср ўртасида олтойлик турклар жужонлар империясини емиришга эришдилар. Худди шу даврда қирғизлар ҳам Энасойда ўзларининг мустақил давлатини қайта ташкил этдилар. Хитой ёзма манбасида олтой турклари билан қардош бўлган «Цигу (Қирғиз) номли хонзода Афу (Абакан) ва Гян (Кем, яъни Энасой) дарёларининг оралиғида подшолик қилганлиги» ҳақида ривоят берилган. Айтмоқчи, у Олтойлик турклар билан қондош бўлган эди.

Улуғ Турк хоқонлигига асос солган Бумин хоқон вафот этганда, унинг арвоҳига атаб берилган ошга Қирғиз хоқонлигининг элчиси ҳам қатнашган. Бу маълумот икки давлатнинг ўзаро алоқалари бор эканлигидан далолат беради.

Туркларнинг ҳукмронлиги Марказий Осиёдан жужонларни суриб чиқиб яқсон қилиш билан чекланмасдан, Улуғ Турк хоқонлиги эгалари ғарб, шарқ, шимол ва жанубга ўзларининг ҳарбий

юришларини давом эттиришган. Бумин хоқон ўғилларидан бири Мухон - хоқон (553 — 572 йиллар) ўз аскарлари билан Саян тоғларига ҳам юриш қилиб, 555 йили «шимолдаги цигу (қирғиз)ларни» тобе қилиб олган. Хитой манбасининг бу маълумоти Улуғ Турк хоқонлиги тасарруфига VI аср ўртасида қирғизлар ўлкаси ҳам ўтказилганлиги ёритилади.

Улуғ Турк хоқонлиги қулаш даврида Бу даврдаги қирғизлар ахволи ёритилган яна бир манба-византиялик Менандр Протектор деган тарихчининг қаламига мансубдир. Унда Улуғ Турк хоқонлигининг ғарб қанотини бошқарган Истеми хоқонга византиялик элчи Земарх раҳбарлигидаги вакилларнинг



57. Қабрининг устига қўйилган
Урхон-Энасой ёзуви тилирилган тош.

келиб-кетиши тасвирланган. 568 йили византиялик элчиларни тантанали равишда кузатаётган Истеми хоқон Земархга совға-саломлар билан ўлжа қилиб олишган гўзал қирғиз қизини тортиқ килади. Бу хабар Улуғ Турк хоқонлиги даврида қирғизлар қуйи сиёсий босқичдаги эллардан бири бўлганлигидан далолатдир.

581 йилдан бошлаб амалда Улуғ Турк хоқонлиги Шарқ ва Ғарб хоқонликларига бўлиниб кетди. Бу вақтда сиёсий айирмачилик оқими (ягона давлатдан бўлиниб чиқишга интилиш) қирғиз зодагонларига ҳам тегишли эди.

Сиртардуш босқинчилиги Хитой манбаси «турклардан шимолда ҳукм сурган қирғиз (цигу)лар ўч олиш учун қулай пайтни сабрсизлик билан кутиб туришибди», деб ўша давр шароитини тасвирлаган.

603 йилдан бошлаб Улуғ Турк хоқонлиги бира-тўла иккига бўлинган. Қирғизлар Шарқий Турк хоқонлигига қарашли йирик худуднинг шимолий қисмига жойлашган. Бу хоқонликда қирғизлардан бошқа ҳам айирмачилик сиёсатига берилган тоолос сиёсий бирлашмасига мансуб уйғур, сиртардуш, телегут, байирку, хунну, тубо, курикан каби элларнинг ҳаёт кечиргани хитой манбаларидан маълум.

VII аср бошидан тортиб Энасойдаги қирғизларнинг ўлкаси қайтадан мустақил бўлиб қолган. Уларга туташ Жунғория худудидан ҳам ўн йиллар чамаси тоолосларнинг бир қисми мустақил давлат куришга муваффақ бўлишган, бироқ қайта Ўрхон турклари томонидан бўйсундирилган.

Тоолослар ичидан қудратли чиққан сиртардуш қабиласи 629 йили қайтадан кучайиб, бутун Жунғория, Саян-Олтой худудларини босиб олишга эришган. Бу янги давлатга Энасой Қирғиз хоқонлиги ҳам бўйсундирилиб, ҳатто қирғиз ҳукмдори устидан юборилган сиртардуш хоқонининг махсус вакили назорат қилиб турган.

«Қирғиз давлати сиртардуш ўрдасига қарам бўлиб қолди, кейингиси эса юқоридан назорат қилиш учун унда ўз силифа (гйелифа, яъни элтебер) лавозимини жорий этди», — деб ёзилган «Син таншу» («Тан сулоласининг янги тарихи») номли хитой манбасида.

Шундай қилиб, Улуғ Турк хоқонлиги қулагандан кейин Марказий Осиёда янги сиёсий вазият вужудга келди. Энасой Қирғиз хоқонлиги сиртардушларга қарши ўз мустақиллиги учун курашни давом эттирган.

Ҳужжатли материаллар

Энасой қирғизлари

Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена.-Т.1.-М.; Л., 1950. 351 — 357- стр.

... Кейин Хягасни янглишиб Гйегу ва Гйегйеси деб аташди. Аҳолиси бир неча юз мингта, аскарлари 80000 га етган. (Қирғизлар худуди) тўғридан-тўғри

¹ Хойху - «уйғур» этнонимининг хитойча аталышларидан бири.

жануби-шарқда Хойху¹ ўрдасигача 3000 ли деб ҳисобланган; жануб томон Тянь-мань тоғларигача чўзилиб кетган. Ери созли (қамиш билан қопланган); кишда қалин қор ёғади. Одамлари умуман узун бўйли, сарғиш сочли, кизил юзли, кўкиш кўзли... Эркаклари кулоқларига сирға тақишади. Улар ор-номусли ва қатъиятли... Йилнинг дастлабки ойини маоши ойи дейишади... Уч ой йилнинг чорагини тузади. Йил 12 белги билан ҳисобланади. Масалан, инь белгиси остидаги йилни йўлбарс йили дейишади... Тарик, арпа, буғдой ва Ҳимолай арпаси экишади. Уни ёргучок (кўл тегирмони)да тортишади; экин (уруғ) ни учинчи ойда экишади, ҳосил (кизил)ни эса тўккизинчи ойда ўришади. Бўтқадан бўза ачитишади. Мева-чева ҳам, сабзавот ҳам йўк. Отлари сурли ва чиройли... Туялари ва моллари ҳам бор, бироқ, мол ва қўйлар кўп боқилади... Олтин, темир, қалай бор... Ўта ўткир қурол ясашади... Яқинидаги туркларга олиб боришади. Жангда ўк-ёй, ўқдон ва байроқдан фойдаланишади... .. Хукмдори ажо деб аталади... Унинг (ўрдасида) байроқ ўрнатилган. Ажо кишда сувсар телпак, ёзда тепаси тик ва зар ҳошияли қайрилган қалпоқ кияди. Бошқалари оқ кигиз қалпоқ кийишади. Аёллар жун ва ипак газламадан қўйлақ кийишади, уларни Ань-си, Бэйтрхин ва Дахядан олиб келишади. Ажонинг қароргоҳи Қоратоғнинг этагида. Унинг ўрдаси устунлар ўрнатилган тўсиқ билан ўралган. Уйи — кигиз билан ёпилган ўтов... Ҳарбий қисмлар бўғинлардан тузилади. Фуқаролар сувсар ва олмаҳон терисидан солиқ тўлашади. Хизматчилар олти босқичга бўлинади: вазирлар, бош бошқарувчилар, бошқарувчилар, иш юритувчилар, йўлбошчилар ва дағанлар. Вазирлар етти, бош бошқарувчилар уч, бошқарувчилар ўн нафардан иборат бўлади. Буларнинг ҳаммаси ҳарбийларга саркардалиқ қиладилар. Иш юритувчилар ўн бешта: йўлбошчилар билан дағанлар сони белгиланган эмас. Гўшг еб, кимиз ичишади... Мусиқа асбобларидан най, сурнай ва номи номаълум икки сози бор. Кўнгилочар ўйинлардан туялар пойгасини уюштиришади, ўргатилган арслон ва отларни ўйнатишади ва аркон тортишади... Уйланганда қалинга йилки ва қўй беришади. Бойлари юз ва минг бошдан мол беришади. Жасадни қабрга қўйганда юзини очишмайди, ўликни уч сидра ўрашади ва йиғлашади; кейин уни ёқиб юборишади, қолган суякларини йиғиб бир йилдан сўнг ерга кўмишади. Ундан кейин маълум вақт ўтиб ўкириб йиглаб (ош беришади)... Уларнинг ёзуви билан тили хойхуларникига жуда ўхшаш. Уларнинг қонуни ўта қаттиқ. Жанг олдида ялтоқланган, элчилик хизматини бажара олмаган, хукмдорга нотўғри маслаҳат берган ва ўғирлик қилганларнинг боши олинган. Агар ўғрининг отаси бўлса, унда унинг боши отасининг бўйинига илиб қўйилади, у уни умрининг охиригача бўйнида олиб юришга мажбур бўлган. Ажонинг қароргоҳидан хойхулар ўрдасигача туяда сафарга чиқилса 40 кушлик йўл... Хягас кудратли давлат

² Сахаларнинг - таги-зоти бўлган емирилган қабиласи, эди.

¹ Гэлолу - қарлук халқининг хитойча аталлиларидан бири.

бўлган; (худудининг) кенглиги бўйича тукюеларнинг худудига тенглашган. Тукюелар авлоди (хоқонлари) ўз қизларини уларнинг аслзода (хукмдор)ларига турмушга беришган. (Қирғизлар худуди) Шарқда Гулиган² гача, жанубда Тибетгача, жануби-ғарбда Гэлолу³ гача чўзилади.

Саволлар ва топшириқлар:

- 1. Ашина уруги билан қирғиз хоқонларининг сиёсий умумий муддаоси қандай эди?*
- 2. Қирғизлар Улуғ Турк хоқонлигига қачон бўйсундирилган?*
- 3. Қирғиз ўлкаси Улуғ Турк хоқонлигининг қайси бўлагидан ўрин олган?*
- 4. Қирғизларнинг VII аср бошидаги сиёсий аҳволи ҳақида гапириб беринг.*
- 5. Харитадан Жунгория, Олтой, Ўрхон-Энасой худудларини кўрсатиб беринг.*
- 6. Хитой манбаларида қирғизларнинг халқ сифатида номланиши (этноними) нима учун турлича бўлганини муҳокама қилинг!*

*17-§. Қирғиз ўлкасининг VII аср 30-80-йилларидаги халқаро аҳволи.**Шарқий турклар ва Тан сулоласи*

Энасойдаги Қирғиз давлатининг халқаро аҳволи унинг жанубдаги қўшнилариининг сиёсий муносабатлари билан бевосита боғлиқ эди. Шарқий Турк хоқонлиги ҳукмдори Эл-хоқон 630 йили Хитойнинг Тан сулоласи аскарларига қарши урушда қахрамонлик кўрсатган, бироқ асирга тушиб қолган. Бу Шарқий турклар йирик давлатининг парчаланишига сабаб бўлган жихатлардан бири эди. Шарқий Турк хоқонлигининг қатор ерлари Тан сулоласига тобе бўлиб қолди. Шарқий туркларнинг шимолдаги ва ўрта қисмдаги қатор қабилалари мустақиллик сиёсатини давом эттиришга интилган.

Шарқий Турк хоқонлигига қарши чиқишга ва мустақил кичик давлат тузишга ҳаракат қилган қатор туркий халқларни Тан сулоласи ўзига жалб этмоқчи бўлган. Бундай ҳудудларнинг ҳукмдорларига Тан империяси императорининг номидан юзаки равишда (сўз турида) мартабали унвон (чин) берилган. Бу жоҳил ўлкаларни ўзларининг қўли билан кучсизлаштириш сиёсатининг кўриниши эди.

Ўзаро тахт учун кураш даврида туркий қабилаларнинг ўн минглаб оилалари Ордос билан Шаньсининг шимолий чегаралари томонга кочиб бориб жойлашишга мажбур бўлганлар.

Қирғизлар яшаган Энасой ҳудуди жанубидаги ташвишли аҳвол шундай бўлган.

Қирғиз-Хитой муносабатлари

Сиртардушлар Шарқий Турк хоқонлигидаги сиёсий парокандаликдан фойдаланиб, мустақил давлатга асос солганлар. Дастлабки пайтда уларга тобе мустамлақа бўлган қирғиз хоқони ташки сиёсатни мустақил юритиш имкониятига эга бўлган.

Бу жихатни Хитойнинг Тан сулоласи ҳам ўз вақтида фахмлаб, бевосита Қирғиз — Хитой алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. Албатта, Хитой билан бевосита муносабат ўрнатиш Қирғиз давлатининг ташки сиёсатидаги салмоқли ғалаба эди. Чунки Қирғиз давлати билан ҳар қандай сиёсий муносабатда бўлган унинг тарихий қўшнилари бу омилни ҳам эсга олишга мажбур бўлар эди.

Сиртардушларга маълум даражада тобе бўлиб қолган қирғизлар ўлкасига 632 йили Тан сулоласининг императори ўзининг элчисини юборган. Орадан 11 йил ўтиб, 643 йили қирғизларнинг элчиси Тан сулоласининг пойтахтига келиб кетган. Шундай қилиб қирғизлар билан хитойлар ўзаро фойдали алоқаларни олиб боришган.

***VII аср ўртасидаги
мустақиллик учун
курашлар***

Қирғиз ўлкасининг ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳаракатлари VII асрнинг 40-йиллари кучайган. Мўғулистоннинг шимолида жойлашган шарқий туркларнинг ашина уруғи вакили Чеби ҳокон 646 йили ўзини Шарқий

Турк ҳоконлигининг улуғ ҳокони деб эълон қилди. У тўрт йилча Тан сулоласининг босқинчи аскарларига қарши аёвсиз курашди. 650 йили Чеби ҳокон хитойликларга асир олингач, унинг Шарқий Турк ҳоконлигини мустаҳкамлаш хусусидаги режалари пучга чиқди.

Шундай бўлсада Чеби ҳоконнинг кураши Шимолий Мўғулистондаги Тола билан Селенга ҳудудларида яшаган тўкуз-ўғуз кабила бирлашмасининг мустақил давлат (647 — 688 йиллар) тузиш ҳаракатига қулай вазият яратди. Тўкуз-ўғуз сиёсий конфедерация¹ сининг муваффақияти унга аъзо бўлган туркий халқларнинг иттифоқ бўлиб, бир ёқадан бош чиқаришига боғлиқ эди. Қирғиз ўлкасининг жанубидаги эркесвар халқлар орасида ҳам ана шундай вазият юзага келди.

Қирғиз ўлкасининг юртбошчиси темирни қизигида босишга интилди. 648 йили Тан сулоласи билан бевосита муносабат ўрнатиш учун қирғиз ўлкасининг ҳукмдори элтебер Шибокуй (яъни Ишбара) Ачжан Хитойга келади. Тан сулоласининг императори уни иззат-икром билан кутиб олади. Бу маълумотлар Тан сулоласининг ўрда тарихчилари томонидан ёзиб олинган.



*59. Кўчманчилар қарорларини
қабул қилувчи оқ чодир.*



*58. VII-VIII асрлардаги қирғиз жангчиси.
Ю.С. Худяковнинг реконструкцияси.*

Албатта, қирғиз ҳукмдори Қирғиз ўлкасининг юртбошчиси сифатида Хитой тарафидан эътироф этилишига эришиши элтебер Ишбара Ачжаннын бу сермазмун саёхати (сафари) муваффақиятли тугаганидан далоятдир. Ўз ўлкаси мафкурасига берил-

¹ Конфедерация - бир неча халқ ва қабилаларнинг бирлашуви, иттифоқи. Уларнинг ҳар бири сиёсий мустақиллигини сақлаб қолган.

ган Хитой тарихчилари Қирғиз ҳукмдори энди Тан сулоласига Дудуфу унвонидаги тобелардан бўлиб қолди, деб ёзишгани билан амалда Қирғиз ўлкаси билан Хитой ўртасида мустақил Тўқуз-ўғуз давлати ҳукм сурган. Қирғиз ўлкаси учун унинг раҳбарининг Тан сулоласи пойтахтига саёҳати Тўғуз-ўғуз давлатининг юртбош-чиси билан дипломатик ўзаро муносабатларнинг бир кўриниши эди, ҳолос.

***Хитойдаги қирғизларни
озодликка чиқариш
ҳаракати***

Қирғиз давлатининг халқаро муносабат лар ўрнатиши бошқа юртлар билан савдо-сотикни мустақамлаш, иқтисодий алоқаларни ривожлантириш билангина чекланмади. Ўлканинг сиёсий тан олиниши давлат ҳокимиятининг яна бир вазифасини бажаришга — чет мамлакатлардаги ўз фуқароларини ҳимоя қилишга шароит яратди.

Масалан, VII аср ўрталарида айрим қирғиз фуқаролари Хитой ҳудудида қолган. Улар оддий одамлар эмас, балки савдо-сотик қилиш мақсадида бориб ушланиб қолган ёки бошқа сабаблар билан (масалан, ўлжага олинган қул бўлиб) Хитойга олиб келинган аслзода қирғиз зодагонлари бўлсалар керак. Хитой турмуш тарзи ва бошқарув урф-одатларини ўрганиш учун ҳам шарқий туркларнинг вакиллари Тан империясига келиб-кегиб туришгани маълум. Ушалар орасидан ҳам ушланиб қолганлар бўлиши мумкин.

Қирғиз давлати Хитойда ушланиб қолган ўз фуқароларини муҳофаза қилишга ҳаракат қилгани хусусида ёзма манбаларда қайд этилган. Масалан, 654 йили Қирғиз давлатининг ҳукмдори ўзининг элчисини Тан ўрдасига юбориб, қуйидагича ахборот берган: «Хитойнинг ўзида бизнинг кўйлаб одамларимиз бор. Уларни шу вақтда озод қилиб, ўз юртига қўйиб юборишларини хоҳлайман». Тан императори жавоб тарзида Фан Цян исмли кишини элчи қилиб Қирғиз ўлкасига юборган. У ипак газламалардан ҳам совға сифатида кўйлаб тортиқ қилган эди.

Кейинчароқ ҳам фуқаролари ушланиб қолса уларни озод қилиш мақсадида Қирғиз ўлкасининг вакиллари келиб, уларни сотиб олиш йўли билан халос қилиб турганлиги Тан сулоласининг ўрда тарихчилари томонидан баён қилинган. Бу маълумотлар Қирғиз ўлкаси амалда Хитой империясига бўйсунмаганлигини, у VII асрдаёқ халқаро миқёсда ўзаро ҳамкорлик тамойилларини шакллантиришганини кўрсатади.

Саволлар ва топшириқлар:

- 1. Тан сулоласи билан Марказий Осиёдаги туркий халқларнинг алоқалари қандай бўлган?*
- 2. Нима учун қирғизлар Хитой билан яхши муносабатлар ўрнатишга иштирокчилар?*
- 3. Этебер Нишара Ачожанинг элчилиги тўғрисида тасмаларни биласиз?*
- 4. Чеби ҳокимнинг озодлик ҳаракати нима учун мағлубиятга учради, деб ҳисобласиз?*
- 5. Қирғиз ўлкаси ўз фуқароларининг манфаатларининг бошиқа ерларда ҳам муҳофаза қилганими?*

18-§ Қирғиз хоқони Барсбек

VII аср охиридаги халқаро вазият

Марказий Осиёдаги турк давлатлари ичида Қирғиз хоқонлиги энг шимолда жойлашганлиги билан фарқланади. У бир томондан, Хитой, Тибет, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё каби ҳудудлардаги йирик ўлкалардан олисда жойлашган. Иккинчидан, худди ўша ҳудудларнинг чеккасида таъсирли ўрин эгаллашга интилган. Ўлкаларнинг ўзаро курашидан Қирғиз хоқонлиги четда турганини ҳам кўрамыз.

VII асрнинг охириги 20 йили — Иккинчи Шарқий Турк хоқонлигининг вужудга келиши ва кучга кириши даври бўлди. Хитойга қарши Қутлуғчўр (Элтерис хоқон) етакчилик қилган кўзғолон 681 йили бошланиб, кейинги йили мустақил Иккинчи Шарқий Турк хоқонлигига (682 — 744) асос солинди. Мазкур давлатнинг пайдо бўлишини Шарқдаги бошқа туркий ўлкалар ҳадик ва безовталиқ билан қабул қилишди. Тан сулоласи бўлса тахт учун кураш билан банд бўлиб ўз вақтида бунга ҳалал беришга имкон топа олмаган эди.

VII аср охиридаги халқаро вазият Ўрхондаги руний ёзма ёдгорликларда яхши ёритилган. Иккинчи Шарқий Турк хоқонлигининг хоқонлари ва саркардаларини шарафлашга йўналтирилган бу ёдгорликларда, албатта, ўша давр мафқураси, унинг орзумаксади акс эттирилган.

«Ўнгда (жанубда) — табғач эли (Қутлуғнинг) душмани бўлган, сўлда (шимолда) — Баз хоқоннинг (хукмронлиги остидаги) тўқуз-ўғуз эли ёви бўлган. Қирғизлар, куриканлар, ўғуз-татарлар, китан (кидан)лар ва татабийлар бутунлай ёви бўлган» дейилади Қултегин хонзодага бағишланган ёдгорликда.

Барсбек — қирғиз хукмдори.

Энасой Қирғиз хоқонлигининг бизга маълум бўлган дастлабки хукмдорининг исми Ишбара Ачжан бўлса, бироқ хоқон унвонини тўла шакллантирган қирғиз хукмдори Барсбек бўлган. Барсбекнинг туғилган йилини аниқлашга биздаги манбалар имкон бера олмайди. У 711 йилнинг киш фаслида вафот этган эди.



60. Қирғиз хоқони Барсбек (675-711).

Энасой водийсидаги Олтинкўл номли кичикроқ кўлнинг ёнида Барсбекнинг руҳига бағишланган ёзма ёдгорлик топилган (ҳозир у Красноярск ўлкасидаги Минусинск шаҳрининг тарих музейида сақланмоқда). Бу ёдгорликда: «Ўн ой мени онам кўтарган. Сўнг у мени ўз халқим (давлатим)га ҳадя қилган. Мен ўзимнинг қахрамонлигим туфайли ўз еримдан кадр топдим. Мен кўп сонли ёв билан мардларча жанг қилдим...» — деган Барсбекнинг умр йўлига тегишли сатрлар бор.

Барсбекнинг уйланиши

Иккинчи Шарқий Турк хоқонлиги қудратли Тан сулоласига қарши курашни муваффақиятли олиб бориш учун ўзининг шимолдаги душмани билан мураса қилиши керак эди.

Қадимги ва ўрта асрлардаги халқаро муносабатларни мустаҳкамлашнинг йўлларида бири — сулолалар вакиллариининг ўзаро никоҳлашуви бўлган.

Қирғизлар билан иттифоққа келиш учун Қопагон хоқон (Элтерис хоқоннинг укаси) худди ўша усулдан фойдаланди. У Барсбекнинг хоқонлик унвонини тан олди ва марҳум Элтерис хоқоннинг қизини унга малика сифатида узатди. Элтерис хоқоннинг бу қизи унинг ўғиллари Қултегин билан Билгега сингил бўлган. Демак, у 686 йилдан эрта туғилган эмас. Мучал ёшидан кейин (ўн учдан ўтгач) никоҳланган, деб ҳисобласак унда Барсбек тахминан 700 йили уйланган бўлиши мумкин.

Бу даврда Қирғиз хоқонлиги анча таъсирли роль ўйнаганини ҳисобласак, унда Барсбек 700 йили чорак аср яшаган, Элтерис хоқоннинг кизидан ҳеч бўлмаганда ўн-ўн икки ёш катта ҳукмдор бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Демак, Барсбек тахминан 675 йили таваллуд топган. Қопагон хоқон (693 — 716 йиллар ҳукмронлик қилган) даврида Иккинчи Шарқий Турк хоқонлиги Қирғиз хоқонлигини мустақил деб тан олиб, унинг ҳукмдорини хоқон сифатида қабул қилгани Қултегинга бағишланган ёдгорликда қуйидагича акс эттирилган: «... Барс бек бўлди. Биз у ҳолда унга хоқон унвонини ҳадя этдик ва унга (маликаликка) менинг синглимни бердик».

Чет давлатлар ҳукмдорларининг қизларига қирғиз хонларининг уйланиши орқали ҳам қирғиз давлатининг халқаро обрўси ортиб борганлиги қирғизларнинг мардлигини ифодаловчи дostonларда бадний буюклар ёрдамида ёритилган. Дostonлар (хусусан, «Манас»)даги сулолалараро никоҳ ҳаёт ҳақиқатидан олинган.

Барсбекнинг хоқонлик унвони тан олингандан кейинги даврни баён қилишда тарихчилар Барсхоқон атамасидан фойдаланишмоқда.

Барсбекнинг ташиқи сиёсати

Иккинчи Шарқий Турк хоқонлиги билан муносабатни мустаҳкамлагач, қирғиз хоқони Барсбек ўз давлатининг мустақиллик сиёсатини юритишда давом этаверган. У

қирғиз хоқонлигини нафақат бутун Марказий ва Ўрта Осиёга, балки Узоқ Шарққача танитишга сай-ҳаракатлар қилган.

707 — 709 йиллари Қирғиз хоқонлигининг элчилари Тан сулоласининг пойтахтига юборилган. Қирғиз-Хитой муносабатларини мустахкамлаш Иккинчи Шарқий Турк хоқонлигига қарши уруш эълон қилишга мажбур бўлган Тан империяси учун ҳам фойдали бўлиши тушунарлидир.

Қирғиз хоқонлигининг эътибори Ўрта Осиёнинг шарқий қисми ва Тангритоғ худудини эгаллаган Турғаш хоқонлиги (704 — 766 йиллар) билан ҳам муносабат ўрнатишда бўлди. Ашина уруғининг охирги хоқонини ўлдириб, янги сулолага асос солган Уч-элиг хоқон (706 йилда вафот этган) ғарбда-араб босқинчиларига, шарқда — Иккинчи Шарқий Турк хоқонлигига қарши уруш олиб борган. Унинг меросхўри Сокол хоқон ҳам ўша сиёсатни давом эттирган. Шу боисдан Турғаш хоқонлиги учун ҳам Энасойни эгаллаган Қирғиз хоқонлиги билан сиёсий иттифоқ тузиш зарурати бор эди.

Ўрхонга қарши иттифоқ Тахминан 709 йили Иккинчи Шарқий Турк хоқонлигига қарши уч томонлама ҳарбий иттифоқ тузилди. Унга шимолда — Қирғиз хоқонлиги, шарқда — Тан империяси, ғарбда — Турғаш хоқонлиги кирган. Шарқий турклар учун вазиятнинг жиддийлашиши Қирғиз хоқонлиги билан боғлиқ эди. Чунки қирғизлар Ўрхон (Шимолий Мўғулистон)га яқин эдилар ва ҳозирги Тива худудидаги ос, чик каби қавмлар билан иттифоқ тузишга эришганлар.

Қирғиз хоқони Барсбек билан унинг иттифоқдошлари уч тарафдан бир вақтда Иккинчи Шарқий Турк хоқонлигига қарши курашишга келишиб олган эдилар. Бу хусусда шарқий туркларнинг машҳур саркардаси Тўнжукуч учун бағишланган ёдгорликда қуйидаги ёзувлар бор: «Табғоч эли (Тан империяси) нинг хоқони бизнинг ёвимиз эди. Ўн ўк эли хоқони бизнинг ёвимиз эди. Бироқ барчасидан ҳам қирғизнинг кучли хоқони бизнинг жиддий ёвимиз бўлди. Бу уч хоқон фикрлашиб айтишди: Алтун Жишқа (Шимолий Мўғулистон худудида Алтун қалин ўрмони бор) турк хоқонига юзланиб (юришга) чиқайлик. Агарда биз унга қарши (журъат этиб) чиқмасак, у қандай бўлмасин бизни (енгиб олади)...» Айрим маълумотларга қараганда, бу ҳарбий иттифоқнинг ташаббускори Барсбек бўлган.

Саволлар ва топшириқлар:

1. VII аср охирида Марказий Осиёдаги халқаро аҳвол хусусида нималарни биласиз?
2. Барсбек ким бўлган?
3. Нима учун Барсбек Шарқий Турк хоқонининг қизига уйланган?
4. Барсбекнинг ташқи сиёсатида дахлдор хусусиятлар қайсылар?
5. Ўрхонга қарши ҳарбий иттифоқ нима учун тузилган?

19-§ Марказий Осиёдаги 710 — 711 йиллардаги уруш

*Урушнинг
сабаблари*

Ўрхондаги руний ёзуви ёдгорликларида кенгрок ёритилган воқеа 710 — 711 йиллардаги уруш бўлиб саналади. Қирғиз хоқонлигининг ҳукмдори Барсбек бу урушга ўз иттифокдошлари билан белгиланган муддатда бирга кириб, Иккинчи Шарқий Турк хоқонлигини тор-мор қилиш умидида бўлган эди. Натижада бу ғалаба Қирғиз хоқонлигига Марказий Осиёнинг кенгликларига чиқишга, ҳеч бўлмаганда Ўрхон худудини ўзига қўшиб олишга ёки Иккинчи Шарқий Турк хоқонлигини маълум даражада кучсизлантиришга имкон берган бўлар эди.

Турғаш хоқонлиги эса Шарқий Туркистондаги ерларни мустаҳкамлаб олишга ҳаракат қилган. Бунинг устига Соқол хоқоннинг бир туғишган укасининг тахт талашиш нияти кучайиб, Иккинчи Турк хоқонлигига ёрдам сўраб борган эди. Бу сарой тўнтаришининг жиддий манбаси сифатида турғашларнинг ҳукмдори Соқол хоқонни Иккинчи Турк хоқонлигига қарши туришга туртки берган жиҳат эди. Тан сулоласи эса Шарқий Туркистонга қайта ҳамла қилиш учун ўзининг шимолий (Мўғулистон) ёвини бошқалар қўли билан енгилшга интилган.

Иккинчи Шарқий Турк хоқонлигининг ҳукмдори Қопағон хоқон бўлса, бир томондан, ўз давлатининг мустақиллигини сақлаб, иккинчидан, жиддий ёвларини енгиб, уларни ўзига тобе ёки иттифокдош қилишга интилган эди. Ўрхондаги руний ёзуви ёдгорликлари Қопағон хоқон ўз айғоқчилари орқали Қирғиз хоқонлиги — Табғоч (Тан сулоласи) — Турғаш хоқонлигидан иборат учлик иттифокининг сирини олдинданок билиб олганлигидан далолат беради.

*Урушнинг
бошланиши*

Қопағон хоқон аввал Қирғиз хоқонлигини тор-мор қилмоқчи бўлган. Бунинг учун дастлабки кадам сифатида қирғизларга иттифокдош бўлиб, Қирғиз хоқонлиги билан Иккинчи

Шарқий Турк хоқонлигининг ўртасидаги оралиқ худудни эгаллаб яшаётган халқларни қирғин қилиши керак эди.

Ақаси Элтерис хоқоннинг ўғли Билге (Могилян) туғилганига йигирма олти йил тўлганда (709 йили) Қопағон хоқон уни Энасойнинг бошланиши томон юришга жўнатди. Билге билан бирга ақаси Қултегин ва саркарда Тўн-юкук ҳам жўнадилар.

Бу хусусда Ўрхон воҳасида топилган Билге хоқонга бағишланган ёдгорликда ушбу сўзлар баён қилинган: «Мен йигирма олтига тўлганимда чик халки қирғизлар билан бирлашиб ёв бўлди. Кем (дарёсини) кечиб, мен қўшиним билан чикларга қарши юриш қилдим, воҳада жанг қилдим ва уларнинг аскарларини енгдим».

Ўша манбанинг ўзида Иккинчи Шарқий Турк хоқонлигининг қўшини киргизларнинг яна бир иттифокдоши ос номли элни ўзига бўйсундириб олганлиги эритилган.

Марказий Осиёда навбатдаги йирик уруш худди шундай бошланган. 710 йили Қирғиз хоқонлиги ўзининг жанубидаги ўта қулай плацдарм¹ — ҳозирги Тива Республикаси жойлашган Юқори Энасой худудини бой берди.

Кўгман довоши Иккинчи Шарқий Турк хоқонлиги 710 йили аскарларини чиниктириб, қулай фурсат пойлаб турди. Ўша йили баҳор, ёз, куз ойларида Қирғиз хоқонлигига қарши юриш қилинмади. Энасойга ҳозирги Фарбий Саян (Кўгман) тоғи орқали осонгина кириб боришга қулай вақт ўша ойлар эди.

Хужумни бошлайдиган вақт келганда Кўгман тоғининг ёлғиз довошини қор босгани маълум бўлди. Сарқарда Тўн-юқуққа бағишланган Селенга ёзма ёдгорлигида: «Кўгманга элтувчи йўл биргина ва у (қорга) босилиб қолди деб эшитиб, мен бу йўл билан юриш ярамайди, деб айтдим...», — деб билдирилади.

Юқори Энасойдаги ос элидан тоғ йўлини ҳатто қуён инигача билладиган бир кишини Тўн-юқуқ хузурига олиб келишади. У: «Менинг ўз юртим — Ос... (У ёқда) бир марта дам олиш керак, агар Ани (дарёси) бўйлаб юрилса шомгача бир отлик юриш», — дейди.

Тўн-юқуқ хоқон билан маслаҳатлашиб кўриб (бундан Қонагон хоқон эмас, балки унинг бўлажак меросхўри Билге тўғрисида айтилаётган бўлиши мумкин) қўшинга ос элининг вакили бўлган халиги кишининг ортидан тушишга буйруқ берди.

Октермел² дан орқали кечиб ўтгач, қўшин бир оз дам олди. Сўнг отликлар қалин қорни ёриб, айрим пайтда отларни тизгинидан судраб етаклаб, баъзида пиёда зўрға кирга чиқиб олишди. Довондан ошиб ўтгач, Фарбий Саян тоғининг шимоллий томонига тушиш ҳам гўр азобидек эди. Ўрхонлик турклар учун қор кўчкиси ҳам тилсиз ёв бўлган. Халиги ос элининг вакили эса адашиб қолгани ошқор бўлиб (чиндан адашдими ёки атайлаб қилдими номаълум), ҳар қалай бир зумда ўлдирилди. Довондан ошиб ўтишда талафот кўрган ўрхонлик турклар хоқоннинг буйруғи бўйича Ани дарёси бўйлаб зудлик билан сафарини давом эттиришди.



61. Йулбошчи Қул-тегин

¹ Плацдарм - бошқа давлат армиясига қарши уруш харакатларини бошлаш учун куч тўпланадиган жой.

² Октермел - Энасой бошидаги кичик дарё.

Сунгга жанги Иккинчи шаркий Турк ҳоконлигининг 710 — 711 йилларнинг оралигидаги кишки юришлар мақсади Энасой Қирғиз ҳоконлигининг асосий ҳарбий қудратига тўсатдан зарба бериш тактикасини амалга ошириш эди. Найза бўйи ёққан қорни очиб, минг азоб тортиб довондан ошиб ўтишди. Барча қийинчиликлар ортда қолиб, Ўрхон қўшини қирғизларни тун кўйида, эл қаттиқ уйқуда ётган маҳалда кўкқисдан босиб олишга эришди.

Ҳал қилувчи жанг Сунгга ўрмони худудида бўлиб ўтгани Қултегинга, Билге ҳоқонга бағишланган Ўрхон ёзма ёдгорликларида сақланиб қолган. Сунгга ўрмони хусусида ҳам ёдга олинган Барсбек учун бағишланган эсдалик (Олтинқўл эпиграфик ёзуви) да: «Мен кўп соғли ёв билан мардларча жанг қилдим ва давлатимни («эл») армонда (қолдира) ташлаб кетдим...», — деб ёзилган. Сунгга жанги, чамаси Энасой Қирғиз ҳоконлигининг ички худудидаги иккинчи жанг бўлса керак. Биринчиси тун уйқусида ётган эл билан бўлган жанг эди. Сўнг Сунгга ўрмонида қирғиз ҳокони ўз аскарларини тўплаб олиб келганини Тун-юқуқнинг руҳига бағишланган ёзувдаги: «Қирғизларга биз (уларнинг) уйқусида ҳужум қилдик... Найза билан йўл очдик. Уларнинг ҳокони ва қўшини йиғилди. Биз жанг қилдик ва енгдик», — деган сатрлар гувоҳлик беради.

Қирғиз ҳокони толмай курашганини Ўрхон ёзма ёдгорликлари ҳам, Олтинқўлдаги тошга битилган сатрлар ҳам бирдек билдиради. Албатта, Ўрхон ёдгорликлари ўз саркардаларини шарафлашга ошиққан: «Уларнинг (қирғизларнинг) ҳокони билан биз Сунгга ўрмонида жанг қилдик. Қултегин байируқ (элидан) олиб келинган оқ бўз айғирга миниб ҳужумга ўтди, бир эркак кишини ўқ билан ўлдирди, икки эркак кишини (найзалаб) бирининг ортидан иккинчисини сайиб ўтди...», — дейилади Қултегинга бағишланган ёзувда.

Барсбекнинг ҳалок бўлиши Сунгга жанги икки тарафнинг тенг шафқатсиз олишувидан иборат йирик ва ҳал қилувчи уруш саналади. Унда отлик ва пиёда аскарлар (қирғизлар томонидан) ўқ, ёй, найза, қилич, қалқон каби қуроллар билан жанг қилганлар.

Сунгга жанги даврида қирғиз ҳокони ўзи ташаббус кўрсатиб, ўрхонлик босқинчиларга қарши курашга етакчилик қилди. Бу уруш энди қирғизлар учун мустақилликни сақлаб қолишга йўналтирилган адолатли урушга айланди. Бироқ тенгсиз жангларда Барсбек қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Энасой Қирғиз ҳоконлиги вақтинча Иккинчи Шаркий Турк ҳоконлиги таркибига қўшиб олинди.

Барсбекнинг ҳалок бўлиши ва қирғиз ўрдасининг парчаланиши ҳоконлик фуқаролари учун оғир фожиа бўлганини Олтинқўлдаги қўшиқ мазмунида ёзилган ушбу ёдгорликдан ҳам билиш мумкин: «Барс, бизни ташлаб кетма!...» — деб ёзишган эди қаҳрамон қирғиз жангчилари. Бироқ улар Қирғиз давлатининг мустақиллиги, истиклоли қайта тикланишига ишонишган. Бар-

сбек учун бағишланган ёзувнинг сўнги сатри: «Менинг ҳарбий қахрамонлигим шарафига, менинг кекса биродарларим ва менинг ёш оға-иниларим ҳурматиға менға (ушбу) абадий ёдгорликни тиклашди» деб якунланганки, бу мотамсаро сатрлар ёдгорлиkning ватанпарварлик кудратини орттирган.

Барсбекнинг иши ва орзуларининг ўлмаслиги қирғизларнинг кейинги тарихида ҳам ёрқин намоён бўлди. Қирғиз хоқонлиги ўз мустақиллигини тез орадаёқ қайта тиклаб олди.

Урушнинг интиҳоси Қирғиз хоқонлигини енгиб олгач, Иккинчи Шарқий Турк хоқонлигининг қўшини Энасой ҳудудидан қайтиб кетди. 711 йили ўрхонлик турклар Алтун ўрмони, Иртиш орқали ғарбга силжиб Турғаш хоқонлигининг асосий қисмини тор-мор қилди. Нафақат бу жойларни, балки машҳур Темир Қопға («Темир қоғиғ» — «Темир дарвоза») деб аталган Самарқанд яқинидаги Жиззах тоғларига, Сўғд водийсигача босиб кириб борди. Бутун Марказий Осиё билан Ўрта Осиёдаги туркий халқлар хоқонликлари қайта шарқий туркларга тобе бўлиб қолдилар.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Марказий Осиёдаги 710-711 йиллардаги урушга нима сабаб бўлган?
2. Уруш қандай бошланди?
3. Иккинчи Шарқий Турк хоқонлигининг аскарлари қайси довои орқали қирғизларга қарши ҳужум уюштирган?
4. Сўғга ўрмонидаги асосий жанг тўғрисида нималар ёдингизда қолди?
5. Барсбекнинг мардлиги ва урушнинг якуни ҳусусида нималарни айтиб бера olasиз?

20-§ Қирғиз хоқонлиги VIII асрнинг биринчи ярмида

Ўрхон турклари Энасойда Барсбекнинг ўлиmidан сўнг Қирғиз хоқонлиги Иккинчи Шарқий Турк хоқонлигига тобе бўлиб қолди. Ўрхон туркларининг аскарлари Энасойда жойлашиши археологик топилмалар орқали ҳам исботланмоқда. Бунда Таштик, Тива, Ут каби ўзанлар бўйларида Ўрхон турклариникига ўхшаш ёдгорликлар (одам жасадиға йилкани кўшиб кўмиш ва ҳоказо) топилган.

711 йили қирғизларнинг элчилари Хитойдаги Тан империясининг пойтахтиға борган. Айтмоқчи, худди ўша йили Тан императори Жуйцзунга Тибетға аввалроқ келган қирғиз элчилари бор эканлиги ҳусусида хабар етган. Бу элчилар, табиийки, 710 — 711 йиллардаги урушгача юборилган бўлиши эҳтимол. Агар улар 711 йил баҳор ойларидан сўнг яширин юборилган бўлса, унда ўрхонлик туркларнинг Энасойдаги ҳарбий кузатувчилари қирғиз зодагонлари учун муҳим роль ўйнамаганлигидан далолат беради. Иккинчи Шарқий Турк

хоқонлигининг асосий кўшинлари 711 — 713 йилларда Ўрта Осиё йўналишига чиқишган эди.

Энасойдаги Олтинкўл худудида топилган ёдгорликларнинг бирида Қирғиз хоқонлигидаги қахрамон булсар халқидан чиққан бир қирғиз элчиси Тибетга юборилиб, бироқ юртига қайтмаганлиги хусусида ҳикоя қилинади. Нима бўлганда ҳам Ўрхон туркларининг назорати Энасойдаги хоқонлиги мустақиллигини қайта тиклаш учун Энасой қирғиз зодагонларининг ҳаракатларига тўсик бўлолмаган. Олтинкўлдаги Барсбек учун хотира, кўшиқ шаклидаги ёзувнинг ўрнатилиши ҳам истиқлол учун кураш ғоясининг бир меваси эди.

Ос халқининг кўзғолони

Қирғизлар билан шарқлик турклар ўртасидаги худудда жойлашган ос халқи қайта кўзғолон кўтаргани Ўрхон ёзма ёдгорликларидан маълум. Бу воқеа Иккинчи Шарқий

Турк хоқонлигининг гуллаб-яшнаган пайтида ҳукмронлик қилган Қопагон хоқон даврида 715 йили бўлиб ўтган.

Бу жангда қахрамонлиги билан ажралиб турган Қултегин бўз оти билан ёвнинг қоқ ўртасига бостириб кириб бориб, ос халқининг элтеберини қўлга тушириб олган. «Ос халқи бизга ёв бўлди. Биз (улар билан) Қоракўлда жанг қилдик. Қултегин ўттиз бир ёшда эди... Ос халқи ўшанда яқсон бўлди», — дейилади Қултегинга бағишланган ёдгорликда.

Қирғизлар ўз иттифокчисига ёрдам берган ёки бермаганлиги хусусида аниқ маълумотлар йўқ. Ос халқи яшаган Қоракўл ҳозирги пайтда Тиванинڭ ғарбида Қоракўл деб ҳалигача ўз номини сақлаган. Ос халқининг бир қисми турғашларнинг этник таркибига қўшилган. Кейинчароқ қирғизларда ҳам азик қабиласи пайдо бўлган. Улар VIII асрдаги ос халқининг тарихий авлодларидан эканлиги тахмин қилинади.

Ўрхон турклари билан қирғизлар

711 йилги қирғизларнинг мағлубияти ўта оғир из қолдирган. Қирғизларнинг тез орада кўзғолон кўтаришга ҳаракат қилганлиги ўша мағлубият давридаги элчилик алоқаларидан яққол кўзга ташланади.

Шарқий турклар ҳам бу урушни ҳеч унутишмади. 716 йили Қопагон хоқон вафот этганда, унинг қабрига ағайлаб унинг душманларини ифодаловчи хайкал — тошлар ўрнатилган. Уларнинг энг асосийси сифатида қирғиз хоқонининг рамзи бўлган тошга чекилган хайкал қад ростлаган. Демак, у ўрхонлик туркларнинг энг хавfli душмани бўлгани шубҳасиз.

Қирғиз — Хитой алоқалари

Қопагон хоқоннинг ўлиmidан сўнڭ қатор шарқий турк халқлари тобеликдан қутулиш мақсадида кўзғолон кўтаришга интилганлар. Қирғиз хоқонлиги ҳам амалда озод

бўлиб қолган эди. Қирғизлар VIII асрнинг 20 — 40-йилларида, айниқса, Таи сулоласи билан ўз алоқаларини мустақкамлашга ҳаракат қилганлар. Масалан,

Хитой ўрда тарихчилари 722, 723, 724, 747, 748 йиллари Қирғиз хоқонлигининг элчилари Хитойнинг пойтахтига келганлигини тасдиқлайдилар.

Бу элчилик алоқалари ичида дастлабки иккиси қирғизлар учун ўзгача аҳамиятга эга бўлган. Худди шу боисдан уларга етакчилик қилиш, айниқса, нуфузли зодагонларга топширилган. Масалан, 722 йили Хитойдаги қирғиз элчихонасини хонзода Исибо Шэючжи Биши тегин, кейинги йилларда эса Цзуйли Пиньхэчжун тегин бошқариб, катта хурмат-иззат кўриб, юқори ҳарбий унвонларга сазовор бўлишган. Қирғиз хоқонлиги учун элчиликнинг аҳамияти — алла қайси сулоланинг лавозиму унвонларига эга бўлиш эмас, балки бу ўлкадан савдо қарвонларини, айниқса, ипак газламаси каби зарур молларни тўсиқларсиз олиб чиқиш ва ўз ўлкасини давлат сифатида Хитой ўрдасида холис қабул қилинишига эришиш эди.

Қирғиз — Ўрхон Турк муносабатлари

Қирғиз хоқонлигининг ташқи сиёсатдаги мустақиллиги унинг Иккинчи Шарқий Турк хоқонлигига бўйсунмаганлигини англатади. Шубҳасиз, асосий кучлари 711 йилнинг кишида оғир йўқотишга учраган қирғиз хоқонлари ундан кейинги даврларда ўрхонлик туркларга қарши сиёсатни очиқ юритмасликка аҳд қилганлар. Улар бир-бирига қарши ҳарбий куч ишлатмайдиган қўшнилардек бўлишга ҳаракат қилганлар. Бу сиёсат икки томон учун ҳам баб-баробар қулай эди.

Шарқий Турк хоқонлигининг атоқли саркардаси Қултегин хонзода 731 йили вафот этгач, унинг дафн оши катта иззат-хурмат ва шон-шавкат билан ўтказилди. Бу маросимга Қирғиз хоқонлигидан махсус элчи юборилганлиги Қултегинга бағишланган ёзма ёдгорликлардан ойдинлашади: «... Қирғиз хоқонидан Чор-тардуш Инанчу келди». Бу, биринчидан, Қирғиз хоқонлиги ўтказилаётган маросимга ўз вакилини юбориш билан қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга интилган-лигидан далолат беради. Иккинчидан, абадий қолдириш мақсадида ёзилган тошга қирғиз давлат раҳбарининг хоқон сифатида ўрхонлик турклар томонидан ёдга олиниб қайд этилиши, унинг элчиси исм-шарифининг тўлиқ берилиши Иккинчи Шарқий Турк хоқонлигининг ўзига тенг, муносиб кўриб, кадрдон қўшни сифатида қабул қилганлигини кўрсатади.

VIII асрнинг 40-йиллари ички сабаблар туфайли Иккинчи Шарқий Турк хоқонлигининг гуллаб-яшнаши даври сўлий бошлади. Энасой Қирғиз хоқонлиги эса ички аҳволини ўнглаб, халқаро муносабатларини мустаҳкамлайверди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. 710-711 йиллардаги урувдан кейин қирғизларнинг сиёсий аҳволида қандай ўзгаришлар бўлган?
2. Ос халқининг кўзголтани ҳусусида нималарни биласиз?
3. VIII асрнинг 20-40-йилларида Қирғиз-Хитой муносабатлари қандай ривожланган?
4. Қирғизлар билан Шарқий Турк хоқонлигининг ўзаро муносабатлари қандай аҳволда эди?

21-§ Энасой қирғизларининг ижтимоий тузилиши. Хўжалиги

Ижтимоий тузилиши V аср мобайнида Энасой водийсига келиб, қатор маҳаллий қабилаларни ўзига бирлаштириб, мустақил давлатини қайта тиклаган қирғизларнинг ривожланиш даражаси кўшни турк халқлари билан бир хил бўлган. Қирғиз жамоатчилиги ҳар хил синфий ва бошқа иерархиявий бўғинлардан иборат Марказий Осиё кўчманчилар цивилизациясининг органик бир қисми эди. Қирғиз хоқонлигининг жамияти илк феодал даврдаги қавмлар ва уларнинг қабила бирлашмаларининг бир кўринишигина эмас, балки уларнинг қирғиз халқининг сиёсий ҳукмронлиги шароитидаги ўзаро бирлашиши, кўшилишининг ҳам намунаси эди.

Тангритоғдан кўчиб келган қирғизлар давлат тажрибаси мавжуд, аввалроқ илк феодал жамият поғонасига кўтарилган халқ эди. Бироқ маҳаллий қабилалар орасида хуннулар давридаёқ илк синфий муносабатларга ўта бошлаган элатлардан ташқари, ҳамон қабила патриархал тузилиши даражасида қолган қабилалар ҳам бор эди. VI — VIII асрларда қирғизлар бундай қабилалар билан анча жиддий муносабатлар ўрнатган. Қай бирлари қирғизлар билан кўшилиб кетган, аллақайсилари сиёсий иттифокдош кўшнилардан бўлган (чик, ос халқлари), яна кимлари эса сиёсий тобеликда қолган.

Умумий қирғиз жамиятининг ўзагини қирғиз ташкил этган. Ўрхон ёзма манбалари қирғиз халқини қирғиз бодун атамаси билан белгилайди.

Давлат бошқаруви Ҳокимият иерархиясининг энг юқори поғонасида давлат бошлиғи — хоқон ўрин олган. Бу унвон хитой, мусулмон (араб, форс) ва Ўрхон турк ёзма манбаларида қирғиз давлати бошлиғига тааллуқли, деб изоҳланади. Сиртардуш ҳукмронлиги даврида қирғиз давлати раҳбари элтебер унвонигача туширилгани маълум. Хоқон ҳокимияти аслзодалар кенгаши билан чекланган монархия (якка ҳукмрон) бўлган.

Қирғиз аслзодалари элтебер, тегин, тутук, тархон каби унвонларга эга бўлишган. Бу унвонлар, умуман, Марказий Осиёдаги туркий давлатларнинг ижтимоий иерархия тажрибаси қирғизлар учун ҳам умумий бўлганини кўрсатади.

Хитой манбаларидан бири бўлган «Тайпин-хуанвуйцзи» («Сун сулоласининг Тайпин бошқаруви йилларидаги дунёнинг тасвирланиши»)да: «(Қирғиз) давлатида бош саркарда Хэси-бэй, ундан кейинги даража — Ацзуй шеби бэй, ундан куйроқ — Ами-бэй деб аталади. Бу уч шахс биргаликда бошқаради. Қирғиз давлатида ҳукумат амалдорлари цзай-сан, ду-ду (тутук), ундан кейин — цзян-цзюн, дацян (сияги, даған) лавозимларига эгадир», — деб ёзилган.

Бунда «бэй» сўзини «бек», «бий» деб изохлаш мумкин. «Тан сулоласининг тарихи» китобида киргиз хукуматининг амалдорлари олти поғонага бўлиниб изоҳланади, хусусан, вазирлар (еттита бўлган), бош етакчилар (учта бўлган), бошқарувчилар (ўнта бўлган), бундан ташқари саркардалар, тархон¹лар санаб ўтилади.

Бундаги вазирларни Қирғиз хоқонлигининг етти асосий ҳудудда ҳукмронлик қилган хоқон қабиласига тааллуқли энг юқори поғонадаги аслзодалар сифатида ҳисобласа бўлади. Албатта, Қирғиз хоқонлиги канчалар ерларини кенгайтириб, обрў-эътибори кўтарилиб, Марказий Осиёдаги йирик ўлкалардан бирига айланган сайин, унинг бошқарув тизими ўшанча мураккаблашган. VIII асрнинг биринчи ярмида эса Қирғиз хоқонлиги Энасой водийсидаги кичик бир мамлакат бўлган.

Хўжалиги Энасойдаги кирғизлар, асосан, кўчманчи чорвачилик билан шуғулланганлар. «Уларнинг моллари ҳар хил: туялар, сигирлар (матнда — буқа, хўкиз), кўйлар боқадилар, қолаверса, сигирлари ҳам кўп. Бой-бадавлат оилаларда улар сонн икки-уч минг бошгача етади... Уларнинг ўти (хашаги) кўп турга бўлинади», — деб маълумот беради хитой манбалари. Қирғизлар буғу, эчки ҳам боқишган.

Ҳозирги Энасой водийси (масалан, Олтинкўл)дан топилган кирғизларнинг ёзма ёдгорликларида ҳам туя, йилки (арғумок), сигирлар эста олинади. Қирғизларнинг чаа-тас² археологик маданияти (VI — VIII асрлар)га тааллуқли қабрларда кўй гўшти солинган идишлар кўплаб топилган. Энасойнинг дашт ва тайга³ ҳудудларида ҳам чорва моллари боқиш учун қулай шароитлар мавжуд бўлган.

Иккинчи даражадаги хўжалик тармоғи бироз бўлса-да деҳқончилик қилишдан иборат эди. «Икклими ўта совуқ келади, доим музлаб туради; ҳатто қатта дарёсининг ярми муз билан қопланади... Ғалла экинлари (хитойликларга хос шолн, арпа, буғдой, тарик) ўстирилмайди, фақат (махаллий) арпа, буғдой, қора тарик каби ғалла маҳсулотларигина етиштирилади. Учинчи ойда доим ер ҳайдаб, уруғ сепишади, саккизинчи ва тўққизинчи ойда (ҳосилни) йиғиштириб олишади», — деган маълумот хитой манбаларидан бирида берилади. Мусулмон манбаларида ҳам кирғизларда айрим ғалла маҳсулотлари етиштирилиши таъкидланган. Мутаххар ал-Мақдисий, масалан, «...уларнинг ҳайдов ерлари ва боғ-роғлари бор», — деб ёзган. Археологик қазиншлар чоғида ҳам ҳайвонларнинг қатта тишлари ва бошқа деҳқончилик асбоб-ускуналари топилган.

Энасой халқи кўшимча хўжалик тармоғи сифатида овчилик билан машғул бўлган. Мўйнали терилар (қундуз, сувсар, тулки, олмахон, илбирс ва бошқалар) кирғизлар учун халқаро савдода ўзига хос баҳоланган пул эквивалентига айланган.

¹ Тархон (таркан) - бошқарув табақаларидан бири.

² Чаа тас - ҳозирги ҳакас тилида «ёв тоши» деган маънони беради.


³ Тайга - Сибирдаги игна баргли ўрмоннинг бир бўлағи.

«Худудул олам» («Олам худудлари»), онд деган X аср форсча асарда кирғизларга тааллуқли халқларнинг бири бўлган киши-тимлар «тоғ бағрида яшаб, турли хайвон терилари, мушканбар, Хуту³ шохлари ва бошқа нарсаларни тўплашади» деб хикоя қилинади. «Тан сулоласининг тарихи»да эса кирғизларга тобе бўлган халқлар солиқ сифатида кундуз, сувсар, тийин сичқон (олмахон) териларини ўтказишлари таъкидланган (ҳозирги пул бирлиги — «тийин» ўша даврдан бошлаб қўлланилади). Архар, така, эчки, кийик, қошқулок, суғур каби хайвонлар, шунингдек, паррандалардан шунқор, кирғий, ғоз, ўрдак ва бошқалар билан ов қилишгани хитой манбаларидан маълумдир.

Хунармандчилик.
Кончилик

Овчилик кирғизлар ва уларга бўйсунган халқлар учун кўшимча озиқ-овқат манбаигина бўлиб қолмасдан, уларнинг ўзаро алоқалари ва халқаро савдода қимматбаҳо маҳсулот ишлаб чиқарувчи кўшимча хўжалик тармоғи ҳам эди.

Қирғизлар хўжалигида хунармандчиликка кенг ўрин берилган. Натурал хўжалик юритиш шароитида ҳар бир кўчманчи чорвадор ёки дехкон ўз хўжалиги учун тирикчиликка зарур асбоб-ускуналар ясашга қодир эди. Шун-



62. Юганинг қисмлари. Олтин суви юритилган бронза сердолик, ишиша, V-VIII асрлар. Чуй водийси.




63. Энасой Қирғиз хоқонлиги дивридаги қирғиз хўжалиги.

³ Хуту - шохли ёввойи хайвоннинг арабча номи.

дай бўлса-да, улар орасидан мохир усталар, кўли гул заргарлар етишиб чикиб, ўз жамоаларининг буюртмаларини бажаришган. Қадимдан хунармандчилик мустақил соҳа сифатида шаклланиб, ривожланиб келган.

Тоғ-кон ишлаб чиқариши ҳам яхши ривожланган. Қирғиз хоқонлигининг фуқаролари темир, қалай, мис, олтин каби металл конларидан фойдаланганлиги хитой ёзма манбаларида ҳам ёдга олинади, бу ҳолат археологик қазилмалар пайтида ҳам ўз тасдиғини топмоқда. «Тан шу» («Тан сулоласининг тарихи») да: «Қирғизларда олтин, темир, қалай бор. Кучли жала ёкқан сайин одатда темир қазиб олишади, уни «цзя-ша» деб аташади. Куролларга ўткир қилиб ишлов беришади» дейилса, «Тайпин хуаньуйци» асари: «... уларнинг давлати осмондан ёкқан жаладан тушадиган темирга ҳам эга, пичок ва қиличларни яшаш учун тўплаб олишади, бу оддий темирдан фаркланиб туради», — деб гувоҳлик беради. Кейинги манбага ишонсак, хитойликлар Қирғиз давлатидан келган бир вакилдан жаладан сўнг топиладиган темир (метеорит)ни ишлатиш сирини сўраб, бекорга овора бўлишган. Қирғиз вакили оддийгина: «Темири-миз жуда мустаҳкам ва ўткир (сабаби) ишимиз ҳам пухта ва маҳорат билан қилинганлигидан ажралиб туради», — деб жавоб берган.

Темирчи усталарнинг хунарсиз ўша даврдаги қирғиз жамиятининг ҳаётини тасаввур қилиш кийин эди. Улар кўчманчилар хўжалигига ва ерга ишлов берадиган зарур асбобларни яшашган. Заргарлар эса буюмга олтин, кумуш, мис қоплаш, кўрғошиндан фойдаланиш, бронзадан тайёрланган буюмга олтин сувини юритиш каби хунарлари билан ҳам ажралиб туришган. Камарга,



64. Харсанг тоилар ўрнатилган қадимги турк қўрғонлари. VII-VIII асрлар.
Қорақўжур водийси.

от жабдуғларига, курул-яроқка қимматбаҳо металлдан нафислик билан ишлов беришган. Қирғиз ўймақорлиги усулида олтин ва кумушдан буюмлар ясашган. Шунингдек, металлдан идиш-товоклар ҳам тайёрлашган.

Ҳарбий соҳа учун керакли жиҳозлар, курул-аслаҳа пишиқ-пухта тайёрланган. Узун қиличлар ва қисқа ханжарлар тиглари ойнадек ялтиратиб ўткирилган. Дубуға ва совутлар мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Қирғиз курул-яроғларининг эволюцияси, ривожланишининг босқичлари кенг археологик изланишлар асосида умумлаштирилди.

Қирғиз хоқонлиги ёғоч усталари билан ҳам шуҳрат қозонган. Тайгадан қарағай ва бошқа ёғочлар кесиб келтирилиб, бўз уй, ёғоч ертўла ва хоқоннинг ўрда уйи, ундаги ҳар хил жиҳозлар, буюмлар қўли гул усталарнинг моҳир авлодлари томонидан тайёрланган. Чарм ийлаш, тери ошлаш, жун йигириш, ўймақорлик, тошга шакл чекиш ривожланган. Харсанг тошларга ҳарфлар ва бутунлай матнларни чекиш каби хунарлари билан энасойлик қирғизлар ўз халқининг маданий ҳаётида ўчмас из қолдиришган.

Қирғиз шаҳарлари тўғрисида ҳар хил илмий тахминлар айтилмоқда. Албатта, қирғиз хоқонининг ўрдаси жойлашган ернинг кўргони бўлган. Бирок VI — VIII асрларда Энасойда ҳеч қандай шаҳар бўлмаганлиги археологик қазилмалар чоғида аниқланмоқда.

Саволлар ва топшириқлар:

- 1. Энасой қирғизлари ижтимоий ривожланишининг қайси босқичида турганлар?*
- 2. Қирғизларнинг давлат бошқаруви тизими қандай эди?*
- 3. Қирғизларнинг ҳўжалиги, касб-кори тўғрисида нималарни айтиб бера оласиз?*
- 4. Қирғизларда хунармандчиликнинг қандай турлари кенг тарқалган?*
- 5. Қирғизларнинг қон қазиб олиши, темирчилик соҳасидаги ютуқлари тўғрисида нималарни айтиб бера оласиз?*

22-§ Буюк Ипак йўли ва қирғизлар. Энасой қирғизларининг маданияти. Диний эғтиқодлари

Буюк Ипак йўлининг Қирғиз тармоғи

Энасой водийси қирғизлар кўчиб келгунга қадар ҳам Шарқ билан Ғарбни боғлаган Буюк Ипак йўлининг бир қисми ўтадиган ҳудуд эди. Қадимги кўрғонлардаги Саян-Олтой кўчманчиларининг турмуши билан боғлиқ нарсалар орасида Хитой, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Ўрта Шарқ (Эрон)дан келтирилган буюмлар ҳам мавжудлиги бунга далилдир.

Қирғизлар Энасойда ўз хоқонлигини қурган вақтдан бошлаб Буюк Ипак йўлининг шимолга — Энасой водийсига чўзилган тармоғи аввалги даврлардан гавжумроқ, самаралироқ ҳаракатга кела бошлаган. Қирғиз давлати бу йўлнинг Энасой худудидаги тармоғининг жонланишидан ўзи манфаатдор эди, шу боисдан унинг барқарорлигининг кафолати бўлишга интилган.

Ўрта Осиё билан Шарқий Туркистонни Энасой водийсига боғлаган ва бу йўлнинг кейинроқ Шимолий Хитойга мустақил давом эттиришни таъминлаган Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи фанда Қирғиз йўли, Қирғиз тармоғи деб аталмоқда. Бу йўлни шакллантиришга қирғизлар ва уларнинг маҳаллий тарихий қўшниларигина эмас, балки Ўрта Осиё турклари ва келиб чиқиши бўйича Шарқий Эрон халқларига мансуб бўлган сўғдлар, мусулмон ўлкаларидан келган ҳар хил миллатдаги қарвонбошилар, Шарқий Туркистон турли шаҳарларининг савдогарлари, хитойликлар каби ҳар хил халқларнинг вакиллари ҳам ўз улушини қўшганлар.

Энасойга ташқаридан ташиб келиш Энасой Қирғиз хоқонлигига Хитой (Тан империяси)дан, Тибет, Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё шаҳарларидан, мусулмон ўлкаларидан қарвонлар келишгани хусусида Шарқ манбаларида баён этилган. Археологик топилмалар ҳам турли чет эл буюмларига бой. Энасойга, асосан, Хитой, Шарқий Туркистондан ипак газламалар ўрам-ўрам ҳолида ташиб келтирилган.

Ипак газлама ўзининг энгиллиги, пишқиллиги, гўзаллиги ва антисептик¹ хусусиятлари билан Шарқ ва Ғарб халқларининг диққатини ўзига жалб қилган эди. Қирғизлар ҳам бой - камбағаллигига қарамай бу газламани сотиб олишга ҳаракат қилгани таажжубланарли эмас эди. Савдодан ташқари, Хитойга келган қирғиз элчиларига ипак газламалар ўрам-ўрам ҳолида тортик қилингани хитой ёзма манбаларида алоҳида қайд этилади. Бой-бадавлат қирғиз зодагонлари учун заргарлик буюмлари, олтин ва кумуш идишлар, асл тошлар қўшиб ишланган нафис эсдаликлар, лоқланган сопол идишлар ва бошқа қимматбаҳо нарсалар чет давлатлардан кўплаб сотиб келинган.

Энасойликларнинг ташқи савдоси Албатта, Қирғиз хоқонлиги шимолроқда, чекка бир худудда жойлашганлигига қарамай, трансосиё савдо йўлига қўшилиши бошқа мамлакатлар учун ҳам қирғиз экспорти (ташқарига мол олиб чиқиш)нинг катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Бир томонлама фойда кўрган ерда йирик савдо муносабатлари ҳеч ривожланмаган бўлар эди.

Айниқса хитойлик қирғизларнинг отларини юкори баҳолашган. Бундан ташқари, қимматбаҳо хайвон терилари, хуту шохли, пухта харбий қуруллар (ўтқир қилич) ва бошқа буюмлар катта кадр-қимматга эга бўлган. Шарқ билан Ғарбга қирғиз жипари²

¹ Антисептик - танага ёпишган битларни йўқ қилиш хусусиятига эга.

² Жипар - қилиннинг куч-қувватини оширадиган атирсимон модда. Уни бугу шохдан ёки тўшанган қондан олишган.

хам ўзгача бахоланиб сотилган. Хитой манбаларининг гувоҳлик беришича, туркларга кирғизлар темир каби металлارни ҳам чиқариб турганлар.

Энасой руний ёзувлари

Кирғиз халқининг ўрта асрлар илк давридаги осиелик бошқа халқлар билан маданий алоқалари ёзма маданиятнинг шаклланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Улуғ Турк хоқонлиги даврида шарқий турклар сўғд ёзувидан фойдаланишгани Бутут ёзуви (VI аср) туфайли бизга маълум.

Энасойда эса Иккинчи Шарқий Турк хоқонлиги машхур Ўрхон ёзувиغا ўхшаш, бироқ қатор хусусиятлари билан фарқланувчи руний ёзувидан VII аср охиридан бошлаб кенг фойдаланилган. Мазкур ёзув қайси даврдан бошланганлиги аниқ маълумотлар орқали тасдиқланганича йўқ, бироқ Барсбек мустақил хоқонлик қилган замондан аввал Энасой ёзуви қўлланилган. Энасой ёзувини ўрта асрлардаги кирғизлар илк ёзма маданиятининг ўзаги сифатида кўриш тўғри бўлар эди.

VII аср охири — VIII аср ўртасидаги Кирғиз хоқонлигининг мустақил ҳукм суриши бу ёзувнинг мустаҳкамланишига ва Саян-Олтойдаги бошқа туркийзабон тарихий иттифокдошларига татбиқ этилишига кафил бўлган. Масалан, чик ва ос халқлари ҳам худди ўша ёзувдан фойдаланганлиги тахмин этилмоқда.


Диний эътиқодлари

VI — VIII асрларда кирғизлар барча шарқий турклар каби ўз даврининг дини бўлган тангричиликка сиғинишган. Тангричилик — қадимги анимистик (жонсиз табиат кучларига сиғиниш) ва тотемистик (жониворларга итоат қилиш) диний эътиқодларининг

йиғиндиси эди. Турк (қирғиз) худоларининг ичидаги энг асосий худо — Тангри («кўк», «осмон», «осмон худоси») бўлган. Бундан ташқари, Ер-Сувга, Умай онага сиғинишган.

Араб сайёҳи Абу Дулаф кирғизлар жанубга қараб сиғинишади, деб эслатади (қадимги хуннулар ҳам ўнг қанот билан сўл қанотни ажратиш учун юзини жанубга буришади) ва Кўк юлдуз (Сатурн) билан Зухро юлдузи улар учун муқаддас эканлигини белгилайди.

XI асрда яшаган, бироқ бизга VIII асрга тааллуқли тарихий маълумотларни баён қилган форс тарихчиси Гардизий эса кирғизлар



65. Қадимги турк харсанг тошлари. VI-X асрлар. Кучкор водийси



66. Қадимги турк жангчисининг қабри.
VII-VIII асрлар. Кучкор водийси.

(улар ҳали гуноҳга ботиб улгурганларича йўк, деб ҳисобланган).

Урф-одатлари Худолар ва бошқа сеҳрли кучлар билан халқ ўртасида ҳар хил диний удумларни бажарган воситачи — бахши (шомон) бўлган. Улар учун VI — VIII асрларда махсус ибодатхоналар қурилган эмас. «Синь Таншу» бу хусусда: «Арвоҳларга (ва сеҳрли кучларга) далаларда қурбонлик қилишади. Қурбонлик учун аниқ белгиланган муддат йўк. Шомонларни гАнь (яъни «кам») деб аташади», — деб баён қилади. Гардизий эса қирғиз бахшисини фагинун атамаси билан атаган.

Албатта, VIII асрдан бошлаб қирғизлар орасида қатор дунёвий динлар тўғрисида маълумотлар оз-оздан тарғиб этилиб, айрим қирғизлар янги диний эгтикдорларга амал қила бошлаганлар.

«Хуруд-ал-аалам» номли X асрга оид муаллифи номаълум форс тилидаги асарда, қирғизлар турмуш тарзи, урфо-дағлари тўғрисида кенг маълумот берилган. Қадимги турклар каби қирғизлар ҳам сочларини ўриб юришган.

Кийимлари ҳам туркларникига ўхшаш бўлган. Қишда сувсар, кундуз терисидан бош кийим (дўппига ўхшаш бўлса керак) кийинса, ёзда зар ип билан безалган қалпоққа ўхшаш бош кийими кийишган. Бундай кийиниш, албатта, аслзодаларга хос бўлган. Чунки оддий фуқаролар бош кийимини оддий оқ кигиздан тайёрлашган, бироқ унинг бичиб-тикиш намунаси ўхшаш бўлган.

тўғрисида кенгрок ёзиб, уларни оловга сиғинишларига алоҳида эътибор берган: «Ҳиндистонликлар каби қирғизлар ҳам марҳумнинг жасдини ёкиб юборишади-да: «Олов энг соф нарса, унга тушган ҳамма нарса баб-баробар ёниб, тозаланади. Ўлган одамни ҳам ўт ғуборлар ва гуноҳлардан фориг этади, деб айтишади». «Синь Таншу» («Тан сулоласининг янги тарихи») асарида: «Қирғизлар марҳумнинг танасини уч қатор ўраб, кўшиқ куйлаб йиғлашади, сўнг уни ёкиб юборишади. Тўпланган ҳокини эса бир йилдан кейин кўмишади...» — деб изох берилади.

Бу маълумотлар Энасойдаги археологик қазилмалар пайтида тўла исботланди. Қирғизлар ёш болаларнигина ёндиришмай, ерга кўмишган

Ҳозирги тангритоғлик қирғизларнинг оқ қалпоғи ўша даврдан мерос қолса ажаб эмас.

Қирғиз аёллари жундан тўқилган газламалардан фойдаланишган. Хусусан, бой аёллар кийимларини ипак ёки атлас газламалардан тикдиришган. Ипакни Хитойдангина эмас, балки Шарқий Туркистондан ҳам олиб келишган.

Қирғизларнинг асосий турар жойи бўз уй бўлган. Нафақат оддий фуқаронинг, балки хоконнинг ўрдаси ҳам бўз уй шаклида эканини эслаш қийин эмас: «Аже¹нинг ўрдасида ёғоч ва тахталардан чиройли кигиз уй тиклашган». «Худудул олам» номли асарда қирғизларга тобе бўлган айрим халқлар чайла-ларда яшагани тўғрисида ҳам айtilган. Татуировка каби танани бўяш удуми (шимолий америкалик хиндулар сингари) қирғизларда ҳам бўлган.

Балоғатга етган довурак эркаклар ажралиб туриш учун юзларини қорага бўяшади. Куёвга чиққан келинлар ҳам қулогидан бўйнигача қора бўёқ суртишади, — дейилади юкоридаги хитой манбасида. Эркаклар қулогига сирға тақишган.

Қирғизларнинг оиласи патриархал шаклда қолаверган. Уйланган йигит ўз қаллиғи учун сон-саноксиз қўй, йилки каби чорва моллари ва бошқа қалинни қайнотасига тўлаган. Қариндошларига олти авлод ўтгандан кейингина уйлана олган.

Қирғизларда тўй ошлари бир вақтнинг ўзида ижтимоий-сиёсий, диний, маданий, спорт, мусикий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуаси сифатида хизмат



67. Қарлуқлар билан ягмоларнинг VIII аср ўрталаридаги қўчишлари.

¹ Аже - қирғиз хукмдори.

килган. Йил сайин маълум бир куни кирғизлар хонанда-созандалар иштирокида байрамга тўпланишган. Байрам чоғида мусика садолари остида бахши (шомон) роса берилиб ўйнайди. Унинг ракси шунчаки халқ театрининг кўриниши бўлиб қолмасдан, балки бахшилиқнинг бир қисми эди: рақе тугагач, бахши ўлканинг хўжалиқ, сиёсий (ҳарбий), иқлимий ва бошқа аҳволи хусусида ўз башоратини «сехрли кучларга таяниб» ўртага солган (тўлғў қилган).

Қирғизларда довулбас, чўёр, сибизғи, ишқирик, кўнғироқли товок каби мусикий асбоблар бор эканлиги хитой манбасида ёдга олинади. Маҳмуд Қошғарий ёзган «кўбиз», «қўбуз» (кўмуз) бошқа шарқий турклар каби қирғизларда ҳам бўлган.

Умумий сиёсий ва диний чора-тадбирлар (ош, тўй) маҳалида спорт ўйинлари ҳам уюштирилган. «Катта йиғинларда туялар пойғаси, арслонлар (билан олишув), от ўйинлари ва бошқа кўнгилочар тадбирлар уюштирилади», — дейилади Хитой манбаларида. Қишда айрим тоғ этакларида «ёғоч от», яъни чанги учиш, ёй отиш, найза улоқтириш, кураш каби ҳарбий-ватанпарварлик ўйинлари ташкил этилар эди.

Қирғизларнинг юз тузилишлари

Энасойдаги қирғизлар европоид ва монголоид иркларининг аралаш турига яқин бўлганлар. Бирок қатор Шарқ манбалари уларда европоид белгилари кўп бўлганини таъкидлайди. Масалан, «Тан сулоласининг тарихи»да: Қирғиз ўлкасининг аҳолиси баланд бўйли, сариқ сочли, кўк кўзли бўлган; сочлари қора бўлса ёмонлик белгиси сифатида қабул қилишган; кўй кўзликлар (қадимги қирғизларда бошқарувчи бўлган) Ли «Линнинг авлодлари ҳисобланишган» деб айтилади.



68. Енгил қуролланган қирғиз аскари.



69. Оғир қуролланган қирғиз аскари.

Гардизийнинг форсча асарида қирғизлар қизил сочли ва оқ юзли бўлганлигидан славянларга ўхшатишган.

Бу маълумотлар антропологик тадқиқотлар кўмагида таҳлил қилиниши керак эди. Бироқ жасадни ёкиб юбориш удуми бу ишни қийинлаштирмоқда. Қирғизларнинг юз тузилишлари уларнинг башараси ёйиқ (монголоид) бўлганини ҳам кўрсатмоқда. Демак, бунда биргина соч билан кўзнинг ранги масалани тўла ҳал эта олмайди. Хуллас, эрамиздан аввалги II минг йилликдаёқ туркларнинг аجدодлари яшаган Марказий Осиё макони европоид ва монголоид ирқлари чапишган ҳудуд бўлгани, ирқий белги ҳеч қачон тил хусусиятлари билан мос келмаслигини ёдга олиш керак.

Ирқий ўзгачаликларига қарамаздан, қирғизлар туркий тилларнинг бирида сўзлашган халқ бўлган.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Буюк Ипак йўлининг Қирғиз тармоғи қандай аҳамиятга эга бўлган?
2. Қирғизлар бошқа ўлкалардан қандай буюмларни сотиб олиб туришган?
3. Қирғизлардан чет эллик савдогарлар нималарни харид қилиб кетишар эди?
4. Қирғизларнинг ёзуви тўғрисида нималар ёдингизда қолди?
5. VI-VIII асрларда қирғизларнинг диний эътиқодлари хусусида нималарни айтиб бера оласиз?
6. Қирғизларнинг урф-одатлари, юз тузилишлари қандай эди?

23-§ Энасой қирғизлари VIII асрнинг иккинчи ярми — IX аср бошида

Марказий Осиёдаги янги сиёсий иттифоқ

VIII асрнинг 30-йиллари ўртасидан бошлаб Иккинчи Шарқий Турк хоқонлиги сиёсий жиҳатдан заифлаша бошлади. Эжен хоқон (734 — 739) билан Тангри хоқон (740 — 741) ҳам бир вақтлар қудратли саналган мамлакатга бирлашган туркий халқлар ва қабилалар сиёсий иттифоқини таъминлай олмадилар.

Аста-секин Шарқий Турк хоқонлигидаги қатор халқлар тўқуз-ўғуз сиёсий иттифоқини қайта жонлантира бошладилар. Бу конфедерациянинг етакчи кучи уйғурлар эди. Улар корлук, яғмо, чик, басмил каби марказий осиелик туркий халқларни ҳам Иккинчи Шарқий Турк хоқонлигига қарши бирлашиб курашишга даъват этди. Улар тузган яширин сиёсий иттифоқ хоқонликда 741 йилдан бошлаб ҳукм сурган ички парокандалик сиёсатининг ўзагига айланди.

У вақтда уйғурлар Селенга худудида, қорлуқлар эса Олтойда — Иртишнинг бошланишида, уларга кўшни бўлиб яғмолар яшар эдилар. Бу сиёсий иттифокқа Энасойдаги қирғизлар ҳам қарши чикмаганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Чунки жанубий тарафдаги кўшнисининг сиёсий жиҳатдан кучсизланиши Қирғиз хоқонлигининг манфаатларига мос тушган.

Чик — уйғур низолари 744 йили уйғурлар бош бўлган сиёсий коалиция¹ Иккинчи Шарқий Турк хоқонлигини вайрон қилди. Уйғурларнинг яглакар уруғининг зодағони ўзини хоқон деб эълон қилиб, Қутлуғ Билге Қул хоқон унвонини олди. Янги давлатни Хитойнинг Тан сулоласи ҳам тан олишга шошилиб, уйғур хоқонига хуай жень — одамгарчиликка қониқиш мақомини беришгача борди.

Шубҳасиз, сиёсий ҳокимиятдан четда қолган қорлуқлар 746 йили собиқ коалициядан чиқиб, Олтойдан Тангритоққа кўчиб кетишга мажбур бўлди. Тохир Марво-зийнинг арабча асарида бу воқеа қуйидагича ёритилган: «Улар (қорлуқлар) Тунис (Тулис, яъни Олтой) тоғларида яшаб келишган... Улар тўғузлар (тўқуз-ўғузлар)нинг қуллари эди ва уларга қарши кўзғолон кўтаришган. Улар (қорлуқлар) тургашларнинг ўлкасига жўнашди...»

Уша даврда тўқуз-ўғуз иттифоқига қирган яғмо эли ҳам бу иттифокдан ажралиб, қорлуқлар билан муносабат ўрнапган, кейин Тангритоғдаги Тургаш хоқонлигига келиб, уларнинг сиёсий бошпанасига эга бўлишган. Гардизийнинг асарида бу воқеа яғмолар «қорлуқлардан ҳам, қалмоқлардан ҳам кетиб, хоқон (Тургаш хоқони)нинг ёнида яшадилар», деб ифодаланган.

Дастлабки пайтларда Иккинчи Шарқий Турк хоқонлигининг қулашига хайрихоҳ бўлган қирғизлар Уйғур хоқонлиги (744-840) нинг юксалишидан қайта хавфсирай бошладилар. Қутлуғ Билге Қул хоқон Олтой тоғларидан Хинган тоғларигача Марказий Осиёнинг йирик худудини қайтадан ягона империя таркибига киритган.



70. Уйғурлар божхонасининг назоратчиси.

¹ Коалиция - вақтинчалик ҳарбий-сиёсий иттифок

746-759 йиллари Уйғур хоқонлигини бошқарган Баянчўр (Мўюнчур) Хитой билан ҳам муносабатларини яхшилаб, Тан сулоласи императорининг кизига уйланган. Хитойдаги айрим халқ кўзғолонларини бостиришда ҳам ўз аскарларини юбориб ёрдамлашган.

Қирғизларга жануб томондан қўшни ва сиёсий иттифокчи бўлган чиклар Энасойнинг бошланиши (ҳозирги Тива худуди)ни эгаллаб турганлар. Чиклар Уйғур хоқонлигига тобе бўлишни хохламай, исён кўтаришди. Баянчўрга бағишланган Урхун Шине-Усу ёзма ёдгорлигида бу тўғрида: «Йўлбарс йили мен чикларга қарши юришга отландим. Иккинчи ойнинг ўн тўртинчи куни мен Кем дарёси (ҳозирги Улуғ Хем деб аталган Энасойнинг бошланиши)нинг ёнида жанг қилдим. Ўша йилиёк чиклар таслим бўлишди», — деб баён қилинган.

Тиванинг худудида Уйғур хоқони ўз ўрдасини тиклаб, мустаҳкам қўрғон билан ўралган оксаройини курдириб, бутун ёз пайтида Кемнинг бошланишида бўлгани унинг шимолий чегарани мустаҳкамлашга мухтож аҳволдан дарак беради.

Қирғизларнинг чикларга ёрдами

Кейинги 751 йили Ўрхондаги ва Энасой бошланишидаги жанжалларга қирғизлар ҳам аралашганлар. Олтойдаги қорлуқларнинг қолган қисми, Тивадаги чиклар, айрим тўқуз-ўғуз иттифоқи билан боғлиқ турк қабилалари шимол томондан Қирғиз хоқонлигининг қўллаб-қувватлашига эга бўлиб, янги кўзғолонга тараддулланганлар.

Баянчўр чикларга аскар юбориб, уларнинг қўшинини тор-мор қилган. Унга бағишланган Ўрхон ёзма ёдгорлигида бундай дейилади: «Қаранлар, — дедим мен, — қирғиз хоқони Кўгман тоғининг этагида ўз уйида ва ўрдасида яшайди, дейишади. У ўзининг қушдек учқур қўшинини ўз иттифокчилари томон жўнатди, дейишади...».

Қирғизларнинг хоқони юборган бу қўшин чикларга, қорлуқларга, Урхоннинг ўзини эгаллаб, уйғурларга қарши айирмачилик сиёсатини юритган бошқа тўқуз-ўғуз қабилаларига ҳарбий кўмак кўрсатиши керак эди. Баянчўрга бағишланган ёдгорликда қирғизнинг ҳукмдори хоқон сифатида кўрсатилган. Энасой Қирғиз хоқонлиги бу даврда мустақил давлат сифатида ҳукм сурганлиги шу хабар орқали ҳам тасдиқланади.

Албатта, Баянчўрнинг ҳарбий тadbиркорлиги Уйғур хоқонлиги учун муваффақият келтиради. Қирғизларнинг қўшини йўлда тўсикка учраб тор-мор этилади, сўнг ўз вақтида ҳарбий куч юбора олмаган олтойлик қорлуқлар мағлубиятга учрайдилар. Кўгман тоғларигача бўлган Энасойнинг бошланиш худуди бутунлай Уйғур хоқонлигининг тасарруфига ўтди.

Баянчўрнинг қирғизларга хужуми

Уйғур хоқони Баянчўр кейинги йиллари ҳам ўзининг Энасой бошланишидаги шайқалдарнинг мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берган. Чикларнинг ерини энди уйғур

хокони тайинлаган тутук унвонидаги ходим бошқариб, унга ишбара, тархон унвонидаги бошқарувчилар бўйсуниб, уйғур кўшини уларга ҳарбий таянч сифатида ҳомий бўлиб турган.

758 йили уйғур хокони Қирғиз хоконлигига юриш қилишга бел боғлайди. Хитой манбасида бу хусусда қисқача маълумот берилган: «758 йили уйғурлар бу давлатни тобе қилиб олдилар. Ундан сўнг қирғиз элчилари марказий давлат (Хитой империяси)га журъат этиб кела олмадилар...»

Бу ҳужум тўғрисида уйғурларнинг Ўрхондаги ёзма ёдгорликларида ҳеч қандай маълумот берилмаган. Хитой манбаларидан Қирғиз хоконлигини Уйғур сулоласининг махсус вакили эмас, собиқ қирғиз хоконигина бошқариб қолаверганлигини шунчаки тобе сифатида унга уйғур хоконининг номидан янги (куйирок даражадаги) унвон берилганлигини кўрамыз.

Демак, қирғизларнинг Энасой атрофидаги худудий бутунлиги, давлат бошқарувидаги илгаридан мерос бўлиб келган ички тизим сақланганича қолаверган. Шарқий Туркистонда, Хэси худудида хитойликлар, тибетликлар, тургашлар, қорлуқлар каби бошқа халқлар ва давлатлар билан низолашаётган Уйғур хоконлиги учун қирғизлар диёрида ўзгача ўралашишга имконият йўқ эди. Шу боисдан Қирғиз хоконлигининг номигагина бўйсунуши уйғур хокони учун етарли бўлган.

Қирғизларнинг ташқи алоқалари

VIII асрнинг иккинчи ярмида ҳам қирғизлар мустақил савдо ва элчилик алоқаларини давом эттиришган. Буюк Ипак йўлининг Қирғиз тармоғи Энасойнинг Тибет,



71. Қўлига қўли қўндирган отлик аскарнинг тош юзига туширилган қиёфаси ва рунгай ёзув. VIII-X асрлар. Кучкор водийси.

Шаркий Туркистон, Ўрта Осиё, Араб халифалиги каби ўлка ва ҳудудлар билан маданий-савдо алоқаларини таъминлайверган.

«Бу давлат, — деб айтилади Қирғиз хоқонлиги тўғрисида Тан сулоласининг манбаларида, — доим Даши (Араб халифалиги), Туфан (Тибет), Қорлуқ ўлкаси билан яхши алоқалар ўрнатиб келган. Бироқ тибетликлар Қирғиз ўлкаси билан алоқа қилган уйғурларнинг талончилигидан хавфсирашган. Шу сабабли Қорлуқ ўлкасидан қарвон кузатувчиларни таклиф қилиб туришган».

Шаркий Туркистонда Уйғур хоқонлиги билан ўзгача рақиб бўлган тибетликлар Қирғиз ўлкасига қарвонларини шунчаки хўжалик-савдо мақсадидагина эмас, балки қирғизлардан келажакда сиёсий иттифокчи топиш учун ҳам юборишга ҳаракат қилишган.

Турғаш ва қорлуқ қавмларининг зодагонлари билан қирғизлар никоҳ орқали ҳам ўрдалараро алоқаларини мустаҳкамлаб турганлар.

Араб халифалигига тобе бўлган Ўрта Шарқдаги йирик ҳудуд (Даши)дан қирғизларга йигирматача туяга юкланган қарвон уч йилда бир марта катнаб турган. Мусулмонлар қарвонларининг қирғизлар тўғрисидаги маълумотлари VIII асрда эронлик олим Ибн Мукаффа томонидан ёзилиб, кейинчароқ унинг хабарларидан тарихчи Гардизий (XI аср) кенг фойдаланган. Унда қирғизлар ўлкаси томон кетган йўлнинг маршрути, ер-сув номлари, қирғизларнинг тарихий қўшнилари баён қилинган.

«Кўгман тоғидан қирғиз ўрдасигача етти кунлик йўл. Бу йўл далалар орқали дарё-булоқлар бўйлаб, қалин ўрмонлар оралаб ўтади. Демак, душман бу томонга ёриб ўта олмайди. Қирғиз ўрдасигача бўлган йўл ажойиб ва гўзал гулзор ҳамда боғни эслатади», — дейилади Гардизийнинг асарида. Қирғиз ўрдасидан бир йўл тўғузлар¹га, иккинчиси қимоклар билан қорлуқ²ларга, учинчи йўл қирғизларга қўшни бўлган қуриқан каби Байқалнинг ғарбидаги, Энасой водийсидаги бошқа халқларга олиб бориши шу манбада ёритилган.

Эдизларга қарши Уйғур хоқонлигида 795 йили катта сиёсий воқеа
дастлабки кўзгалон юз берди. Сарой тўнтариши натижасида ўрда хоқонияти яглақар қабиласидан уйғурларнинг бошқа бир эдиз номли қабиласига ўтди. Худди мана шу фурсатдан фойдаланиб, Қирғиз ўлкасининг ҳукмдори ўзининг хоқон унвонини тиклаб олди. Уйғур хоқонлигига амалда бўйсунмаётганлигини кўрсатган қирғиз хоқонига қарши янги уйғур хоқони Қутлуғ қўшинини бошлаб чиқди.

Бу хусусда маълумотлар Ўрхондаги Қорабоғасун ёзма ёдгорлигида ақс эттирилган. Номи аталган ёдгорликнинг хитойча матнида қирғиз қўшинининг соғи 400 минг деб кўрсатилса, ўшаниннг сўгдча матнида эса 200 минг жангчи, деб берилган.

¹ Тўғуз-оғуз - VIII асрда ҳозирги Мўғулистонда яшаган турк қабилаларининг биричилиси.

² Қарлуқлар - ўша даврда ҳозирги Қирғизистонини ва унга чегарадош ҳудудларини бошқариб турган Ўрта Осиёлик турк халқи.

Жангда киргиз хоқони ҳалок бўлиб, Қирғиз мамлакати қайта Уйғур хоқонлигининг сиёсий бошқарув тизимига киритилди. Қирғиз хоқони уйғурлар учун шунчаки инал бўлиб эълон қилинган.

Шундай қилиб, IX аср бошида Қирғиз мамлакати чорак аср мобайнида сиёсий тобеликда қолди. Бу хоқоннинг қуи мансаб-мартабаси эди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Марказий Осиёда янги сиёсий иттифоқ нима учун тузилган?
2. Иккинчи Шарқий Турк хоқонлигини қимлар тор-мор қилди?
3. Нима учун қирғизлар чикларни қўлаб-қувватладилар?
4. Баянбўрининг қирғизларга ҳужуми тўғрисида нималарни айтиб бера оласиз?
5. Қирғизларнинг элчилик алоқалари қандай эди?

24-§ Қирғиз хоқонлигининг ўз мустақиллигини қайта тиклаши

Қирғизлар ташқи сиёсатининг эжонланиши

IX аср бошида Энасой қирғизлари сиёсий жиҳатдан қайта жонлана бошлаган. Улар Уйғур хоқонлигига аввалгидек сиёсий тобеликда бўлишни хоҳламадилар. Бу жараён яширинча давом этар эди. Дастлаб қирғизларнинг бир инали Тангритоғдаги тургаш қабилаларидан бирининг зодағони кизига уйланган. Исм-шарифи номаълум бу қирғиз инилининг меросхўри эса Тангритоғда IX аср бошида нуфузли бўлган қорлуқларнинг жабғуси кизига уйланган.

Қирғизлар тангритоғлик туркий халқлар зодагонлари билан иттифоқини мустаҳкамлашга эришган. Уларнинг бундай муваффақияти Қирғиз мамлакатининг Уйғур хоқонлигига қарши курашишга қулай шароит яратди. Шунингдек, кўшни яшаган қатор сибирлик қавмларни ҳам қирғиз инали ўзига бўйсундириб, уларнинг ҳарбий кучига таяниш имкониятига эга бўлган.

Шундай қилиб, 795 йили муваффақиятсиз тугаган кўзғолондан бе-



72. Керик (каркидон) минган қирғиз.

ри тобе ҳолатда бўлган Қирғиз мамлакати қайта ҳўжалик ва сиёсий жиҳатдан юксалиб, ўз мустақиллигига тўлиқ эришиши учун курашишга зарур замин яралди.

Курашининг бошланиши

Уйғур ҳокони Бағ-и (808 — 821) ҳокимиятининг сўнгги йилларида қирғиз инали ўз мустақиллигини эълонқилди. 820 йили Қирғиз ҳоконлиги қайта тикланишининг бошланғич даври бўлди.

Бағ-и ғазабланиб, ўзининг бир вазири етакчилик қилган ҳарбий кўшинни Энасой Қирғиз ҳоконлиги томон оғлантирди. Бирок бу Энасойга жазоловчи юриш муваффақиятсиз якунланди. Сабаби қирғизлар мустақиллик учун курашга анча йил тайёрланишган эди. Сўнгги ҳал қилувчи кураш учун шароит пишиб етилган эди. Бу ҳақда Хитой манбаларида Қирғиз ҳокони «йигирма йил тинимсиз урушиб келган», дейилади.

Тибет таъсири

Қирғизларнинг бу озодлик кураши олдиндан Тибет ҳукмдори билан маслаҳатлашиб қилинганми ёки йўқ, буни шартта айтиш кийин. Бирок Тибет билан қирғизларнинг савдо

алоқалари аввалдан яхши йўлга қўйилган эди.

821 йили Ўрхондаги Уйғур ҳоконлиги ўзининг жануби-ғарбидан ҳам оғир зарбага учради. Бу воқеа Уйғур ҳоконлигининг барча ҳарбий кучларини фақат шимолга — Қирғиз ҳоконлигига юборишга уйғурларга ҳеч имконият бермаган оғир вазиятдан далолат беради.

Қирғизларнинг ҳарбий тизими

Хитой манбаларида Қирғиз ҳоконлигининг ҳарбий тизими хусусида маълумотлар бор. Энг асосий ҳарбий ҳокимият, албатта, Қирғиз ҳоконининг ўзига тегишли бўлган. У саркардаларни тайинлаб, уларга ҳар хил топшириқлар (хатто элчилик миссияси)

ни бериб, давлат ҳарбий стратегиясини амалга оширган. Қирғиз кўшинларини энг йирик уч аскарбоши бирга бошқарганлар.

Тан сулоласининг йилномасида эса қирғизларнинг ҳарбий ва ҳокимлик бошқаруви тизими куйидагича изоҳланади: «Давлат хизматидаги амалдорлар олти босқичга бўлинади: вазирлар, бош раҳбарлар, бошқарувчилар, иш юритувчилар, йўлбошчилар ва тархон (даған)лар. Вазирлар етти, бош раҳбарлар уч, бошқарувчилар эса ўн нафардан иборат бўладилар. Уларнинг барчаси баббаробар ҳарбий кўшинларни бошқаришади».

Бу ўзгача жиддий маънодаги «вазир» атамасини Хитой империя бошқаруви тартибидаги вазир сифатида эмас, балки кўчманчи қабилалар ва халқларни бирлаштирган ҳоконлик давозими қатори қабул қилиш афзалдир. Демак, «вазир» сифатида шартли номланган мазкур амалдорларни қирғизларга ҳос, уларга бўйсунган бошқа халқларни бошқариш иши топширилган бек, хонзода қатори тушуниш мақсадга мувофиқдир.

**Киргиз
кўшинининг
сони**

Киргиз хоқонлигининг армияси умуман икки қисмдан иборат бўлган. Мунтазам

мудофаа, жазо ишларини амалга ошириш учун асосан киргизлардан тузилган хос аскарлар қисми мавжуд эди. Уларнинг сони 30 минг (уч туман) атрофида бўлган. Хитой манбаларида Киргиз аскарларининг сони тўғрисида қуйидаги маълумотлар бор. «Энди аскарларнинг хақиқий сонини айтидиган бўлсак, унда кўшин тўплаб, урушга жўнатишда бутун аҳолисидан ташқари, барча тобе қабилалар ҳам жалб этилади, деб айтишадى».

Ҳақиқатан ҳам 30 минг (уч туман) аскар йирик уруш пайтида катта марказий кучни ташкил қилган. 840 йили, масалан, уйғурларнинг пойтахти Ўрдабаликни забт этишда киргиз кўшини 100 минг аскарга етган.


Худди ўша маълумотларга асосланиб, киргизларнинг ҳарбий бошқаруви поғонасини қуйидагича изоҳлаш мумкин: хос аскарлардан иборат уч туман кўшинни уч бий (бэй) — Хэсибэй, Ацзуйшэбибэй, Амибэй бошқарганлар. Уларни бош раҳбар сифатида ҳам ҳисоблаш мумкин.

Энди етти бек (вазир) бўлса, киргизларга тобе бўлган халқлардан уруш пайтида етти туман кўшин тўплаши шарт бўлган. Бу беклар ҳам хоқон авлодидан ёки унинг уруғидан бўлганини аниқлаш кийин эмас. Бундай сиёсий ва ҳарбий бошқарувнинг амалиёти ўрта асрларнинг сўнгги давридаги сибирлик киргиз кавмларида ҳам қўлланилган.


Мазкур бошқарув тизими қулай ҳарбий ислохотлар олиб боришга шароит яратиб берган. Хос аскарлардан иборат уч туман аскар бошқа туманларга намуна ва ўрнак бўлган.

**Киргизларнинг
қурол-аслаҳалари**

Энасой киргизларининг ҳарбий тизими, улар қуроляроғларининг ўзгариб ривожланиши, эволюцияси археологлар



73. Қадимги турк, киргиз аскарларининг қилчи ва қамони VII-VIII асрлар. Кўчкор водийси.



74. Қиргиз аскарларининг ўқ ва ёйлари.

томонидан мунтазам равишда етарли даражада ўрганилган. IX — X асрларда ривожланиш даражаси бўйича қирғизларнинг ҳарбий иши бошқа кўчманчи маданиятлардан устун бўлганини таққослаб таҳлил этиш мумкин.

Қирғизларнинг ёйи пишиқ-пухта тайёрланган — унинг учи ва бетлари махсус суяк парчалари билан мустаҳкамланган. Найзаларнинг темир учлари уч қиррали ва бошқа кўринишда ясалиб, ўта учли бўлган. Учи уч қиррали найзалар олисга етган ва нишонни беҳато урган. Улар юриш пайтида қайиндан ясалган махсус ўқдонларда учи пастга қаратилиб сақланган.

Юзма-юз олишувларда қирғиз отлик аскарлари ромбсимон учли узун найзалар, узун ва қисқа қиличлар, ойболталардан фойдаланганлар. Пиёдалар жангида эса ханжарлар кўл келган. Аскарлар устига совут, бошига дубулға кийиб, кўлида қалқон ушлаб ҳимояланганлар ёки ҳужумга ўтганлар.

IX аср ўртасида қирғиз ҳарбий яроғлари янада такомиллаштирилди. Қирғизларнинг ёғоч қалқони ёвнинг найзасига дош бера олиши хитой манбаларида қуйидаги ва эътироф этилади. «Уларнинг отлари ҳам бўйиндан оёғигача қалқон билан жиҳозланган. Бундан ташқари қалқон ясаб икки томонига тақиб олган». Худди шу манбада қирғизларнинг қиличлари бошқаларникидан фарқланиб туриши, қирғизлар ўзлари темир конларини ўзлаштириб, ҳатто бошқа туркий халқларга ҳам маҳсулотларини чиқариб сотишгани ҳикоя қилинади. Темирчи Олатоғи¹ қирғизлар темирдан фойдаланган худудлардан бири эканлиги маълумдир.

Қирғиз хоқонлигининг 820 йили мустақилликка эга бўлиши қирғиз иналининг ўзини хоқон деб эълон қилиши билан бошланган.

Йигирма йиллик урушлар

Қирғиз хоқони тургашлар авлодидан бўлган ўз онасини бева малика

оғим деб эътироф этди. Хуллас, ўз отаси ҳам хоқонлар авлодидан ва хоқон сифатида эътиборга лойиқ бўлиши керак эди, шу боисдан унинг беваси ҳам малика даражасига эга бўлиши лозим. Бу ҳукмдорлик даражаси қирғизларда хоқонлик унвонидек авлоддан-авлодга ўтиши кераклиги, Қирғиз хоқонлиги илгариданоқ мустақил бўлиб келганини расмий мустаҳкамлашга имкон берган. Қирғиз ҳукмдорини уйгурлар инал



75. Уқлар ва уларнинг учлари VII-VIII асрлар. Кўчкор водийси

¹ Олтоғнинг шимолидаги бу худуд ҳозиргача металл ишлаб чиқариш худуди сифатида маълум. Сибирдаги Кузнецк шаҳри худудидаги тоғ тизими.

деб эълон қилгани билан ўзининг сиёсий амалиётида Энасой қирғизлари хоқон унвонидан фойдаланишдан ҳеч воз кечган эмаслар.

Қирғиз хоқони ўзининг қорлук жабғусининг кизи бўлган хотинини ҳам малика деб эълон қилган. Унинг бундай сиёсати Тангритоғдаги қорлук хукмдорларининг ўзини қўллаб-қувватлашларининг органишига шубҳа туғдирмайди.

Хитой манбаларида ажо деб кенг ёзилган худди ўша қирғиз хоқони Уйғур хоқонлиги билан йигирма йил (820 — 840 йиллар) тинимсиз кураш олиб борди. Ўз мустақиллигини мустаҳкамлашга, истиклолни химоя қилишга йўналтирилган бу уруш Қирғиз хоқонлиги учун ўша даврда адолатли бўлган эди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. IX асрда қирғизлар ташқи сиёсатининг жонланиши қандай ўзгаришларга имкон берди?
2. Қирғизларнинг уйғурларга қарши кураши қандай бошланган?
3. Қирғизларнинг ҳарбий тизими қандай эди?
4. Қирғиз аскарлари қандай қурол-аслаҳа билан қуролланишган?
5. 20 йилга чўзилган қирғиз - уйғур уруши қандай мазмун кашф этади?

Хулоса

Қадрли ўқувчилар! Она Ватан тарихини илк бор ўқиб ўрганаётганингиз ва тарихнинг теран сирли уммониغا эндигина сузиб кира бошлаганингиздан, мазкур ўқув йили сизларга бир зумда тугаб қолгандай сезилди шекилли. Чунки сизлар умрингизда биринчи марта ота-боболаримиз тарихини ўқиб-билишга атайин киришиб, кўплаб қизиқ воқеалар билан танишиб чиқдингиз. Элимизнинг насл-насаби, азалий макони, ота касби, жамият ривожланишининг ўзгачаликлари, дастлабки сиёсий бирлашмалари, давлатлари, маданияти, кўпини халқлар ва ўлкалар билан муносабатлари ҳаммамизни қизиқтириши аниқ. Албатта, бир ўқув йили давомидагина Она Ватан тарихини тўла ўзлаштириши ҳеч мумкин эмас. Унинг учун қаида 4 йиллик машаққатли меҳнат, билим олашга кунт билан интилиши зарур. Сабаби, элимизнинг қадимги даврдан тортиб бизнинг кунларгача бўлган тарихи турли хил воқеаларга жуда бой. Бунинг устига бу тарихий воқеаларнинг кўпи кенг географик кенгликда, қаида 2-3 минг йил ичида бўлиб ўтган. Ўзинглар гувоҳ бўлган, бир неча чет тилларда ёзма манбалар аجدодларимизнинг тарихини баён қилган. Улар қайд қилган атамалар, ер-сув ва инсон номлари анча муҳим эканлигини кўрдинглар. Бироқ бу - бизнинг Она-Ватанимиз тарихи.

Ўша воқеаларни ўқиб-ўрганишга киришиши натижасида сизлар инсоният жамияти тарихи қонуний, объектив жараён эканлигига ишондингиз.

Бир тарихий жараён кейинги ўзгаришига, ўсиб-ривожланиши учун шароит яратилишига туртки бўлишига кўзингиз етди. Ўзгаришларнинг асосини ишлаб чиқариши қуроиларининг борган сари такомиллашиши, чорвачилик билан машғул бўлиши, яшаш шароитларининг ўзгаришлари, унча сезилмайдиган силжишлар таъкил қилади.

Бу барча элларга хос кўринишидир. Бундай жараёндан қирғизлар ҳам четда қолмаганликларининг гувоҳи бўлдингиз. Жамият ривожланишининг тезлашишига сиёсий муҳит, куч-қудратли давлатга эга бўлиши каби ҳолатлар шароит яратилиши мумкин. Кўини ўлкалар билан ёвлашиши, тинимсиз урушлар, ийрик давлатларнинг босқинчилик юришлари ўсиб-ривожланишига тўсқинлик қилган. Қор кўчки, ер кўчки, чорва қирилиб кетган давр, очарчилик, кетма-кет жанглар халқни азобга солиб, баҳҳида эса уни тиклаган ўнлаган йиллар бўйи етилиган даражасини бир зумда йўқ қилиб турган.


Худди ўша даврда, халқлар ўртасидаги дўстлик, борди-келди, савдо алоқалари, маданий ҳамкорлик жамиятдаги катта сакрашларга шароит яратган. Ўрта Осиёдаги кўчманчилар цивилизацияси, Ғарб билан шарқни бирлаштирган Буюк Ипак йўли - ишларнинг барчаси кўнлаб халқ ва ўлкалар бирлаштирган тарихий кўриниши эди.

Буни тўғри фаҳмлаган ота-боболаримиз азалдан кўини эллар, давлатлар билан тинч-тотув яшашга интиланлар. Бунга ҳуннулар замонидagi, Улуғ Турк, Энасой Қирғиз хоқонликлари давридаги элчилик алоқалари далилдир. Ўшандай тинчликсевар одатни ҳозирги пайтда бизнинг ёш давлатимиз давом эттираябди.


Она-Ватанимиз тарихининг бошланғич курси бўлган бу ўқув қўлланмасида тараққиёт йўлимизнинг бир қисмигина қамраб олинди. У асосан энг қадимги, ибтидоий замонни ва ўрта асрларнинг дастлабки даврларини ўз ичига олади. Ўша даврлардаги элимиз тарихини ўқиб-ўргатиш орқали биз унинг дунё тарихий жараёни билан узвий боғланишида эканлигига ишондик. Она Ватан Қирғизистоннинг тарихини дунё элларининг тарихи билан қиёслаб ўргатиш теран ва ҳар томонлама тарихий билим олишингизга имкон яратади.

Келаси ўқув йилида сиз элимиз тарихини ўқиб-ўргатишини давом эттирасиз. Сизни қизиқ, теран маъноли кўнлаб воқеалар кутиб турибди. Уни яхшилаб ўзлаштиринг. Ҳар доим Ватанга, эл-юртга бўлган муҳаббатингиз ортаверсин. Она - Ватан Қирғизистоннинг тарихи бўйича олган теран билимингиз унга дебоча бўлсин. Ажойиб, гўзал ўлкаимизнинг ёрқин келажаги учун жонингизни аямай, астойдил хизмат қилишига доим шай турингиз. Биз сизларга шуларни чин дилдан хоҳлаймиз, қадрли авлодлар!

хронологик жадвал




Кыргызстандагы таш даври.



Қирғизистондаги тош даври.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ХУННУЛАР ИМПЕРИЯСИ



Шартли белгилар:

Хушсулар → Хуннуларнинг уруш ҳаракатлари э.а. III-II аср

Усуллар → Кўчманчиларнинг юриши (Вақти кўрсатилган)

--- → Кўчманчиларнинг тахминий юриши йўналишлари

Чжан-Цзи → э.а. 138-127 йй. Хитой элчиси Чжан Цзянинг Фарб сафари

Археологик қазилмалар

- ① Зарубинецкийники
- ② Дяковники
- ③ Городецкийники
- ④ Аналинники
- ⑤ Говорухинники
- ⑥ Кулажургинники
- ⑦ Тагардники



Соң билек белгилангиче:

- ① Птоломей давлати
- ② Коммаген
- ③ Софен
- ④ Кичик Скифий
- ⑤ Боофор хонлиги
- ⑥ Сўзд (Сўздиёна)

⑦ Юе (Вьетнам)

⑧ Иудей

ЧАОСЯНЬ Давлатлар

⊙ ЧАЧ Марказий шаҳарлар


○ Фра Шаҳарлар

УГРЫ Қабилалар

----- Давлат чегаралари (тахминий)

----- Археологик қазилмалар чегаралари

----- Э. а. 150-й давлат чегаралари



Хронологик жадвал

Бундан 2-2,5 млн. йил аввал — дастлабки одам сифатлиларнинг пайдо бўлиши.

Тахминан бундан 1 млн. йил аввал — одамларнинг энг қадимги тўдалари Қирғизистон худудларига етиб келган.

Эрамиздан аввалги 800 — 140 минг йилликлар — қадимги тош даври — эрта палеолит.

Эрамиздан аввалги 140 — 40 минг йилликлар — ўрта палеолит.

Эрамиздан аввалги 40-10 минг йилликлар — сўнгги палеолит.

Эрамиздан аввалги 10-6 минг йилликлар — мезолит (ўрта тош даври).

Эрамиздан аввалги 5-3 минг йилликлар — неолит (янги тош даври)

Эрамиздан аввалги II минг йиллик бошидан I минг йиллик бошигача — бронза даври.

Эрамиздан аввалги VI аср охири — V аср боши — Қадимги форс подшоҳи Доро I нинг қоя юзидаги ёзувида сакларнинг аталиши.

Эрамиздан аввалги 329 йил — Ўрта Осиёга македониялик Александрнинг бостириб кириши.

Эрамиздан аввалги III асрнинг охириги чораги — Қадимги қирғиз давлатининг шаклланиши.

Эрамиздан аввалги III асрнинг охириги чораги — хуннуларнинг хитой тарихий манбаларида номи аталган дастлабки подшоҳи Тоу-Ман (Ту-ман). Хукмронлик қилган йиллар.

Эрамиздан аввалги 209 йил — Модэ кўзғолони, ўзини хуннуларнинг шануйи (подшоҳи) деб эълон қилиши.

Эрамиздан аввалги 203 — 201 йиллар — Қирғиз давлатчилигининг қадимги босқичи. «Қирғиз атамасининг (этнонимининг) тилга олинishi».

Эрамиздан аввалги 203 — 201 йиллар — хуннуларнинг Шимоли - Ғарбий Мўғулистонга, Саян-Олтой худудига, Шаркий Тангритоғнинг шимолига юриши, хунруй, куйеше, динлин, қирғизларнинг бўйсундириши.

Эрамиздан аввалги 174 — 164 йиллар — хуннуларнинг йуэчжилар билан уруши, йуэчжиларнинг мағлубияти, ғарбга кўчиши.

Эрамиздан аввалги 138 йил — Чжан Цяннинг шимоли-ғарбга элчилик сафари.

Эрамиздан аввалги II аср — Хунну империясининг гуллаб-яшнаган даври.

Эрамиздан аввалги II аср — еттисувлик сакларнинг ғарбга — Ўрта Осиё марказига кўчиши.

Эрамиздан аввалги 165 — 160 йиллар — Марказий Тангритоғ ва Еттисувнинг усулар томонидан эгалланиши.

Эрамиздан аввалги 161 — 158 йиллар — Усун давлатининг ташкил топиши.

Эрамиздан аввалги II аср ўртаси — Довон ўлкасининг мустақил давлат сифатида яшаган даври.

Эрамиздан аввалги III аср - эрамизнинг V асри - Қанги (Қанғуй) давлати.

Эрамиздан аввалги III асрнинг охири — Буюк Ипак йўлининг шакллана бошлаши.

Эрамиздан аввалги I аср боши — қадимги қирғизларни хуннулар номидан Ли Линнинг бошқариши.

Эрамиздан аввалги I аср боши — Ўш - Довон маркази.

Эрамиздан аввалги I аср ўрталари (56йил) — қирғизларнинг сиёсий мустақилликка эришиши.

Эрамизнинг I асри охири — Довоннинг Кушонга бўйсунган даври.

Эрамизнинг V асри — кўпчилик қирғизларнинг шарқий Тангритоғдан Энасойга кўчиши.

Эрамизнинг VI асри ўртаси — Энасой ҳудудида Қирғиз хоқонлигининг ташкил топиши.

Эрамизнинг 552 йили — Улуғ Турк хоқонлигининг ташкил этилиши.

Эрамизнинг 554 йили — Турк хоқонлигининг ғарбга томон юришининг бошланиши.

Эрамизнинг 555 йили — Энасой Қирғиз давлатининг турк ҳукмдори Мухан хоқон томонидан бўйсундирилиши.

Эрамизнинг 568 — 569 йиллари — Турк хоқонлиги билан Византиянинг элчилик алоқалари.

Эрамизнинг 603 йили — Улуғ Турк хоқонлигининг биратўла иккига бўлиниши.

VII аср бошида — Энасой қирғизларининг қайтадан мустақилликка эришиши.

632, 643 йиллар — қирғиз — хитой элчилик алоқалари.

VII асрнинг 40-йиллари — Қирғиз давлатининг ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳаракатлари.

648 йил — қирғиз элтебери (бошлиғи) Шибокуй Ачжаннын Хитойнинг пойтахтига бориши.

709 йил — Қирғиз-Хитой-Турғаш ҳарбий иттифоқининг ташкил этилиши.

710 — 711 йиллар — Шарқий Турк хоқонлигининг қирғизларга қарши юриши. Сунгга жанги. Тибетдаги қирғиз элчихонаси.

711 йил — Барсбекнинг вафот этиши.

711 йил — аз элининг қўзғолони.

722, 723, 724, 747, 748 йиллар — қирғиз элчиларининг Хитойга бориши.

751 йил — уйғур устуворлигига қарши чиклар ҳаракатига қирғизларнинг ёрдами.

758 йил — уйғур хоқонига қирғиз хоқонининг тобе бўлиши.

795 йил — уйғур хоқони Қутлуғнинг қирғизларга юриши.

820 йил — Қирғиз хоқонлигининг ўз мустақиллигини эълон қилиши, қирғиз — уйғур урушининг бошланиши (820 — 840 йиллар).

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
<i>I боб. Қирғизистонда ибтидоий жамоа тузуми</i>	
1-§. Ибтидоий жамоа тузуми тўғрисида тушунча.....	9
2-§. Қирғизистондаги тош даври.....	11
3-§. Қирғизистондаги бронза даври. Уруғдан кабиллага йириклашиш.....	15
<i>II боб. Қадимги Хунну империяси — туркий аجدодларимизнинг дастлабки марказланган давлати</i>	
4-§. Хуннулар давлатининг пайдо бўлиши.....	20
5-§. Хуннуларнинг хўжалиги, ижтимоий ҳаёти, ҳунари.....	26
6-§. Улуғ Хунну империяси ва унинг қўшилари.....	33
<i>III боб. Эрамиздан аввалги I — эрамизнинг V асрларида Марказий Осиёдаги аجدодларимиз</i>	
7-§. Қадимги қирғизлар «Қирғиз» этнонимининг маъноси.....	46
8-§. Қирғиз давлатчилигининг муқаддимаси. Қирғизлар эрамиздан аввалги I-аср эрамизнинг V асрида.....	54
<i>IV боб. Тангритоғнинг қадимги давлатлари</i>	
9-§. Саклар.....	69
10-§. Усун давлатининг асосланиши.....	79
11-§. Усун давлати эрамиздан аввалги II аср охири — эрамизнинг V асри оралиғида.....	88
12-§. Довондавлати.....	97
13-§. Қанғуй (Қанги) давлати.....	106
<i>V боб. Турк хоқонлиги даврида Тангритоғ ва Энасой қирғизлари</i>	
14-§. Теле (тоолос) ва турк кабилаларининг келиб чиқиши.....	113
15-§. Улуғ Турк хоқонлиги.....	119
16-§. Энасой қирғизлари Улуғ Турк хоқонлиги даврида.....	131
<i>VI боб. Энасой қирғиз хоқонлиги (VII аср — IX аср боши)</i>	
17-§. Қирғиз ўлкасининг VII аср 30 — 80-йилларидаги халқаро аҳволи.....	135
18-§. Қирғиз хоқони Барбек.....	138
19-§. Марказий Осиёдаги 710 — 711 йиллардаги уруш.....	141
20-§. Қирғиз хоқонлиги VIII асрнинг биринчи ярмида.....	144
21-§. Энасой қирғизларининг ижтимоий тузилиши. Хўжалиги.....	147
22-§. Буюк Ипак йўли ва қирғизлар. Энасой қирғизларининг маданияти Диний этикодлари.....	151
23-§. Энасой қирғизлари VIII асрнинг иккинчи ярми — IX аср бошида.....	157
24-§. Қирғиз хоқонлигининг ўз мустақиллигини қайта тиклаши.....	162
Хулоса.....	166
Хариталар.....	168
Хронологик жадвал.....	173

Окуу баскыч

Чоротегин Тынчтыкбек Кадырмамбетович
Өмүрбеков Токторбек Наматбекович

Кыргыздардын жана Кыргызстандын тарыхы
(Эзелки замандан тартып б.з. IX к. башына чейин)

Орто мектептин 6-классы үчүн окуу китеби
Кайра иштелип, толукталып 2-басылышы

Ўзбек тилида
Ўкув наشري

Чоротегин Тынчтыкбек Кадырмамбетович
Өмүрбеков Токторбек Наматбекович

Қиғизлар ва Қиғизистон тарихи

Қайта ишланган, тўлдирилган 2-нашридан таржима
Ўрта мактабларнинг 6-синфи учун дарслик

Бадий муҳаррир: Ю. А. Ким
Тех.муҳаррир: Ю. В. Балингер
Компьютерда терувчи: А. Т. Нуралиев
Мусаххилар: А. Ўринбоев, А. Джураев

Теришга 09.01.2010 рухсат берилди.

Босишга 02.02.2010 имзо чекилди.

Қоғоз формати 70x90 1/16.

Шартли босма тобоғи 11,0

Буюртма № К 0906020 / Нусхаси / 13500

"Азур" нашриёт уйи

720020 Бишкек ш., Огонбаев кўчаси, 222

"Continent Print" МЧЖда чоп этилди

720054 Бишкек ш., Интергельпо кўчаси, 1.

тел.: (0312) 65 55 56

e-mail: postmaster@continent.kg



